

83-349-8
1-988

Эзидиаш


МАТЕКЪВЪ КЪШКОНОР



33-593-8
K-58
МАТЕҚУБ ҚҰШЖОНОВ

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗЛИГИ

Қодирийга армуғон



ТОШКЕНТ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРЎЕТИ

Қўшжонов, Матёқуб.

Ўзбекнинг ўзлиги: — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. — 136 б.

“АЗИЗ КИТОБХОН!

Қўлингиздаги китоб улур ўзбек адиби Абдулла Қодирий ижодивини айрим муҳим қирралари тавсифига бағишланган. Адиб ўзбек халқининг миллий руҳи, ғурури, ўтмишда ёшларимизга хос бетакрор ишқ-муҳаббатини қадрлаган эди. Тапиқли олим Матёқуб Қўшжонов ана шулар хусусида атрофлича фикр юритади.

Китоб эҳтирос билан ёзилган. Шубҳасиз, асар китобхонга қимматли маърифий маълумот беради ва унга эстетик завқ бағишлайди.

«Ўзбекнинг ўзлиги» — сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг 100 йиллигига атаб чоп этилмоқда.

Муҳаррир: Амир ФАЙЗУЛЛА



470262000059

М 361(04)—94

қўш. — 94

ISBN 5-86484-120-X

©. Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти, 1994 йил

МУАЛЛИФДАН

Узбек деганда ҳаёлимизга биринчи галда Абдулла Қодирий сиймоси олади. Шу боисдан бўлса керак, унинг асарларида соф ўзбек ҳаёти, ўзбек руҳи, унинг маънавияти ўз ифодасини топади. Шу асосда адиб асарлари таҳлилига бағишланган мазкур китобни «Ўзбекнинг ўзлиги» деб аташни лозим кўрдик.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор: Китоблар борки, уларнинг негизинда замон нуқтаи назаридан муҳим воқеалар, катта ғоялар ётгандек бўлади. Уларда ўринли бўлиб кўринган баландпарвоз иборалар, унумли ишлатилгандек туюладиган ўхшатиш ва истиоралар ҳам анчагина топилади. Китобни қўлга олиб ўқишга киришасиз. Бироқ китоб сизни ўзига жалаб қилавермайди, баъзан эса беш-ўн бетни ўқиб, сталингизнинг бурчига суриб қўйганингизни билмай қоласиз. Айрим ҳолларда ўзингизни айланиб бу хилдаги китобни ўқиб ҳам чиқасиз, аммо ўқишга сарфлаган меҳнатингиз эвазига улардан бирор маънавий озиқ ололмаганингизга ачинасиз. Шу боисдан китоб ўқиган киши бўлиб: «Фалон китобни бир ўқиб кўринг», — деб таниш-билишларингиздан бирортасига тавсия ҳам қилолмайсиз, ўзингиз эса бу хилдаги китобларни ўқишга сарф қилган вақтингизга узоқ муддат афсусланиб юрасиз.

Китоблар борки, уларда акс эттирилган воқеа ва қаҳрамонлар биринчи қараишда унчалик муҳим ва замон нуқтаи назаридан зарур эмасдек кўринади, аммо уларни ҳаяжонсиз ўқиёлмайсиз. Чунки бундай китобларнинг ғоялари муаллиф томонидан усталик билан текст тагига, яъни асарнинг ички тўқимасига сингдириб юборилган бўлади. Уларда ёзувчи ишлатган бадиий воситалар ҳам «ана мен» деб кўзга ташланабермайди. Муаллиф танлаган мавзу ва ғоялар қай даражада оддий бўлса, унда ишлатилган бадиий воситалар системаси ҳам, ҳатто ёзувчи услуби ҳам шу даражада оддий. Бу хилдаги китобларни ўқиганингизда, тилдан-тилга кўчириб юрадиган «оддийлик—ғўзалликдир» деган ҳикматли сўзлар беихтиёр эсга тушади, табиий равишда улардан катта таассурот оласиз. Китобда акс эттирилган оддийгина воқеа—ҳодисалар сизни тамомила ўзига ром қилиб олади. Баъзан ўзингизни китоб муаллифи томонидан септрлангандек сезасиз: Сиз неча кунлаб, баъзан ойлаб бу хилдаги китоблар негизиндаги воқеалар билан, образлар тақдири билан банд бўлган ҳолда яшайсиз, унинг қаҳрамонлари билан яқинлашасиз. Гуё улар сиз билан яшаётгандек бўлади: Бирор жойда бу хилдаги китоблар тилга олиниб қолгудай бўлса-чи? Унда сиз ҳаяжонингизни ичингизга сиғдиролмайдена, китобдан олган таассуротингизни гапириб кетасиз. «Бу китобни

албатта ўқинг», деб бир-икки шипгил ўзингизга ёққан жойини сўзлаб ҳам берасиз. Сизнинг маслаҳатингиз билан китобни ўқиган киши ҳам сизда тутилган эҳтиросларга шерик бўлади. Шу тариқа китобхонлар сони ессизгина йўсинда кўнаяди — бир китобхон ўнлаб китобхонни, ўнлаб китобхон юзлаб китобхонни пайдо қилади. Бу хилдаги китобларнинг айрим парчалари, баъзан бутун-бутун боблари китобхонларга ёд бўлиб кетади. Нашриётлар ҳам уларни иккиланмасдан қайта-қайта нашр этаверади.

Баъзан ўз кўлами, нуқтаи назаридан катта тема ва муҳим воқеаларни қамраб олган асарлар ҳам китобхонни ўзига етарлича жалб қила олмаганидан арзимас гоёларни ифодалаган асарлар қаторига тушиб қолади. Бироқ кўпинча оддий мавзуларга бағишланган асарлар ҳам ёзувчи маҳорати туфайли барча даврларда китобхонни ўзига қаттиқ жалб қилади ва ҳаётнинг катта ҳақиқатларини акс эттирган қудратли асар даражасига кўтарилади.

Ўзбек адабиёти хазинасида ҳам китобхонни ром қиладиган, қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган асарлар талайгина. Улар орасида замонавий мавзуда ёзилган асарлар ҳам, тарихий темага бағишланган поэма, драма, қисса ва романлар ҳам бор. Шу хилдаги асарлар ҳақида ўйлар экансиз, Абдулла Қодирий қалами билан яратилган ҳикоя, қисса ва романлар табиий равишда кўз олдингизга келади.

Бугун Абдулла Қодирий ҳақидаги китобхон ва адабиётшунослар тасаввурини умумлаштириб, бу моҳир адибимиз ҳақида қуйидаги фикрларни қайд қилиш мумкин: бу улур адиб адабиётимиз ривожига қимматли ҳисса қўшган, ўзбек романчилигига асос солган санъаткор ёзувчидир. Бугина эмас, Абдулла Қодирий ўзбек реалистик прозасининг шаклланишида — унинг ибтидоий баёнидан жонли тасвирга ўтишида, ўзбек адабий тилининг муайян нормага тушишида катта роль ўйнаган санъаткордир.

Абдулла Қодирий ижоди ҳақида анчагина ишлар қилинган. Бу ўринда Ойбек ва Иззат Султоновларнинг тадқиқот ишлари эътиборга сазовордир.

Бугун қўлга киритилган мустақиллик ёзувчилар ижодини фақат ижтимоий маъно ва бадиий қиммат нуқтаи назардан эмас, балки миллий мерос сифатида ўрганишни ҳам тақозо қилади. Бизнинг таҳлилимиз кўпроқ шу масалага тегишлидир.

ОТАБЕК ВА КУМУШБИБИ

Яратилишидан бошлаб тилларда дoston бўлган «Ўткан кунлар» романининг марказида ўтмишда яратилган «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» сингари дostonларни эслатадиган Отабек ва Кумушбиби ораларидаги сўнмас муҳаббат туради. Асарнинг бошидаёқ ёзувчи Отабек образининг характерли хусусиятларини алоҳида таъкидлайди. Характернинг ривож линиясига оғмо қилади, замин ҳозирлайди. Буни ёзувчи усталик билан сездирмасдан, ҳеч қандай сунъийликка йўл қўймасдан бажаради.

Мана, Отабек ва унинг ҳузурига кириб келган Раҳмат бойвачча билан Ҳомид хотинбоз суҳбати. Булар ҳар хил характердаги иншилар. Ўша давр учун муҳим бўлган бир масала — оила масаласи юзасидан фикр олишмоқдалар. Ҳар ким ўз фикрини айтиди. Раҳмат бойвачча учун уйланиш жуда оғир ва нозик нарса, «хотин эр таъбига» мувофиқ келиши керак. У ота-онанинг ўз дидларига мувофиқ келин танлашига қарши. Ҳомид нуқтаи назарида: «Хотинларга «эр» деган исмининг ўзи кифоя».

Отабекнинг бу масалага муносабати икки йўл билан билдирилади: биринчидан, Отабек Раҳмат бойваччанинг гапларига би босади. — «Раҳматнинг сўзини самимият билан қаршилайди», «ихлос билан эшитади». Иккинчидан, суҳбатга бевосита аралашади. Раҳмат бойваччанинг фикрини қувватлаб: «... шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофақаттаб бўлсин,» — дейди¹.

Отабек характеридаги бу хусусият бошқа образлар тилидан, масалан, Ҳасанали тилидан ҳам таъкидланади. У Ҳомиднинг «... Ҳатто зархарид қули бўлганим ҳолда менга ҳам қаттиқ сўз Отабекка қарши гапирган гапларига жавобан бундай дейди: айтишдан сақланган бир йигит ўз никоҳида бўлган озод бир қизга, албатта, заҳмат бермас деб ўйлайман. Хотин урадирган эр хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиладиган баъзи

¹ А. Қодирий: Рўмонлар: Ўткан кунлар: Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992, 18-бет: (Бундан кейинги кўчирмалар китобнинг мана шу нашридан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

хайвонсифат кишилардан бўлиб кетиши менимча, эҳтимолдан жуда узоқдир...» дейди. (18)

Шундай қилиб, ёзувчи асарнинг биринчи бобида бутун роман давомида бош образ ривожланиш линиясидан бирини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ўша давр ҳаётига хос типик проблема яратадики, шу проблемага нисбатан Отабек характери кенг кўламда очилиши керак.

Аммо бу романдаги бош образ ривожининг бир томони холос. Агар ёзувчи тасвирланаётган давр ҳаётининг, бу қанчалик типик бўлмасин, фақат шу бир томонигагина эътибор берганида у соф сентиментал роман ёзган бўлар эди. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу Отабекнинг халқ тўғрисида ҳам ейишидир.

Мана, Отабек Марғилоннинг йирик бойлари, савдогарлари орасида. Суҳбат қизиган. Гап хон ва беклар истибдоди, ўзаро беҳуда қон тўкишлар, халқ бошига тушган оғир кулфатлар тўғрисида; қон тўкишдан бошқа ишчи билмаган, яхши ҳоким ва амалдорларни ўлдиртириб, уларнинг ўрнига Азизбекка ўхшаган золимларни ҳоким қилган, «...ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб, эл елкасига минган» золим Мусулмонқул тўғрисида боради. Суҳбат ўртага ташланган гапларга яқин сифатида Отабек ўз фикрини шундай ифодалайди: «Модомки, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғувчилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазиш нажотимизнинг йўлидир!» (18)

Бу фикрлар Отабек онгида тасодифан шайдо бўлган эмас. Ёзувчи масаланинг бу томонини ҳам эътибордан четда қолдирмайди Отабек мадрасада ўқиган, ўз даврининг ҳар хил ғоявий йўналишлари билан танишиб, кўнглига яқинроғини ўзига асосий йўл қилиб танлаган бўлиши керак. Бундан ташқари, Отабекнинг отаси ҳам ўз даврининг илғор — халқ ғамини ейдиган кишиларидан бўлиб, ўғлига маълум даражада таъсир ўтказган. Энг муҳими, Отабек ёш бўлишига қарамасдан, савдо ишлари билан юриб кўп жойларни кўрган, бошқа халқлар, хусусан, руслар ҳаёти, уларнинг идора усуллари, маълум даражада маданияти билан ҳам танишган, ўз халқининг аҳволини уларнинг аҳволи билан солиштириб кўрган ва бу тўғрида маълум бир фикрга келган: «Шамайга (Семицалатинск—М.Қ.) бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлигимизни кўриб; бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, лекин Шамай маним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқдор этишга мажбур бўлдим.

Бизнинг идорамиз букунги тартибсизлиги билан кета берса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди. Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсамда, ўруснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб, ўрус-

шунча илора тартибини дастуриламал этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрусники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, шунчаларим ширин бир хаёл эмиш! Бу ерда сўзимни эшитиб биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: «Сенинг арзингни шу беклар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?!» — деб, мени қайтас қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай эдим ҳам сўнгидан тўғри сўзни айтганларини билдим» (16—17)

Бу сўзлар билан ёзувчи Отабек характери ривожига асос бўладиган иккинчи йўлни белгилаб беради. Бу ерда ҳам ёзувчи шунча даврга нисбатан типик бўлган проблемани ёритадики, Отабек характери мана шу проблемага нисбатан очилади.

Отабекдаги бу хусусият бошқа муносабатлар билан ҳам таърифланади. «Отанинг боласи-да», — дейди Отабек билан суҳбатда ўтирган марғилонлик бойлардан бири унинг доно гапларини эшитиб, «Умри узоқ бўлсин, йигитларимиз ичида энг ақллисини экан... Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим» (18), дейди суҳбатдошларидан бири. Отабекни отаси Юсуфбек хожи ҳам ўғлини «оқ билан қорани ажрата олади», деб билади ва у билан сирдошлик қилади, дардини айтади.

Шундай қилиб, асарнинг бошларида, унинг экспозициясида қаҳрамон характерининг ривож йўли белгиланади, бутун асар давомида ҳаракатга келтирадиган ички мантиқий куч аниқланади. Бу мантиқий куч Отабекнинг кейинги хатти-ҳаракатлари ва қилишларининг асосли бўлиб чиқишини таъминлайди. Бош-данча қилиб айтганда, ёзувчи асарнинг бошларида қаҳрамонни ҳаракатлигича баландликдаги трамплинга чиқариб тасвирлаган.

ВОҶЕАЛАРНИНГ СИРЛИ БАЁН ҚИЛИНИШИ

Отабек характерининг яратилишидаги биз ажратган юқоридаги ички йўл бир-биридан узоқ эмас, балки ўзаро чирмашиб-қатишиб кетган йўللардир. Асардаги воқеа ва ҳодисалар ўша ички нўга маржондек тизила боради.

«Ўткан кунлар»да асарнинг бошлариданоқ кўзга ташланадиган ёзувчининг ўзига хос услуби: тасвирда воқеаларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Бироқ воқеа ё рўй берган; ё рўй бераётган ва ёки рўй бермоқчи. Буни китобхон яхши сезиб туради. Аммо ёзувчи бу воқеа билан китобхонни дарров таништира қолмай: сир сақлайди. Баъзан воқеанинг моҳиятини яширади. Аммо ҳали ўқувчига аниқ бўлмаган воқеа муносабати билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй бераётган маълум бир ўзгаришларга имо қилади; баъзан уларни тасвирлайди.

«— Сарой тинч уйқуда: тун ярим. Ҳасанали хужранинг узун бурама қулфини очиб, ичкарига шамъ ёқди ва бекнинг тўшагини ёниб, унинг кириб ётишини кутиб турди. Аммо Отабек нима

учундир тез кира бермади. Хужра эшигининг очилганидан; шамъи ёқилиб; ўрин ёзилганидан гўё хабарсиз каби устунга суялганча қотиб турар эди.

— Ўринингизни ёздим, бек.

Отабек бу сўз билан хужрага кирди ва бориб тўшаги ёнига ўлтурди. Ҳасанали бекнинг ешиниб ётишини кутиб турар, чунки уни ётқузиб ёқилган шамъни ўзи билан нариги хужрага олиб чиқмоқчи эди. Бироқ Отабек тўшаги ёнига ўтирди-да, яна ўйлаб қолди...

Отабек бир неча кунлардан бери Ҳасаналининг кўзига бошқача кўринар эди.

Ҳасанали Отабекдан шу кунгача кўрилмаган қизиқ бир ҳолатка беш-олти кундан бери ажабсиниб юрар эди. Ҳасаналини ажабсиндирган ҳолат ҳам бекнинг шу сингари хаёл ичида барчани унутиб қўйиши ва бошқа ишларга эътибор ва парвосизлиги эди.

Ҳасанали бекнинг ҳозир инидан-нинасигача бўлган қизиқ ҳолини узоқ кузатиб турди. Лекин Отабек хаёл суришдан зерикмаса ҳам Ҳасанали кузатишдан зерикди:

— Менда юмушингиз йўқми?

Отабек бу гапни онгламади шекилли Ҳасаналининг юзига кўтарилиб қаради-да, яна кўзини бир нуқтага тикиб қолди. Бу ҳолатдан Ҳасаналининг андишаси ортиб, бекнинг бунчалик англавланишига қандай маъно беришни ҳам билмас эди. Отабек шу ҳолда тагин қанчагачадир ўлтурди, ниҳоят уйқудан уйғонган кишидек чўчиб, ўзини кузатқувчига қаради:

— Чиқиб ётмайсизми?

— Менда юмушингиз йўқми?

— Нима юмушим бўлсин, шамъни ҳам олиб кетинг.

Ҳасанали шамъни олиб, ўз хужрасига чиқди». (19—20).

Лекин Ҳасанали тинчий олмади. Бир оздан кейин келиб, Отабек эшигига қулоқ тутди. Аввал «уфф» деган ихрашни эшитди, кейин сал ўтмай: «...Қора кўзлари, камон қошлари...» деган Отабекнинг овозини эшитди, яна хийла вақт ўтиб, «Ой каби юзлар, кулиб боқишлар, чўчиб қочишлар...» деган нидони эшитди. Ҳасаналига сир аён бўлади — «бек ошиқ».

Дейлик, Отабекнинг ошиқлиги китобхонга ҳам маълум бўлди. Лекин сир тугал очилган эмас. Отабек кимга, қандай қизга ошиқ ва қандай қилиб ошиқ бўлган — масаланинг бу томонлари муаммо. Ахир китобхон Отабекни ўз хужрасида ва икки жойда меҳмондорчиликда — булардан бириси Мирзакарим қутидорникида бўлганини билади, холос. У қаерда ошиқ бўла қолди экан?

Худди шу ерда асарга Кумуш образи ҳам келиб киради. Отабек қутидорнинг Кумуш исмли қизи борлигини ва бу қиз Марғилонда гўзаллар гўзали эканини билар эди. Агар Отабек ўша Кумушга ошиқ бўлса, у қизни қаерда кўриб ошиқ бўлган? Ўша давр шароитида қизлар, хусусан, гўзал қизлар ичкарида

ери ўтирадиган лайтларида қаерда ҳам кўришинлари мумкин
ди? Масаланинг мана шу томонлари сир эди.

Иккинчи томондан, ёзувчи Кумушбибида ҳам қандайдир
бир сирли психологик ўзгаришлар рўй бераётганидан дарак бе-
риди. Бу Отабек психологиясида бўлаётган ўзгаришларга нис-
батан ҳам сир; тушунини қийин бўлган ўзгаришлар эди.

Тасвир давомида китобхонга Отабек қутидор қизига ошиқ
югани, Хасанали ташаббусида бек мақсади амалга ошаётгани
маълум бўлади ва бу билан ўқувчи бирмунча қаноат ҳосил қи-
лади. Аммо Кумушбибида бўлаётган ғалати ўзгаришлар кишини
қўбурганга солиб қўяди. У куёв ким эканини билмайди. У унаш-
тирибганидан кейингина бўладиган эру шу кунги келган ва Тўй-
бон томонидан мақталган меҳмон. Бу билан Кумуш тинчимади,
сабатга. У меҳмон ким? Мана шу сабаблардан куёв тўғрисида
аниқ оқинадиган бўлса, Кумушбиби тоқат қилолмайди, у ўлимга
кам роли, куни туни йиғи билан банд.

Кумушбиби бир неча фурсаткача шу кўйи бурнаниб ётди.
Ўнгра ўриндан туриб, ташқари ҳовлига қараб кетди. Кўб йиғ-
намлиқдан кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, юзлари бурт-
лан эди. Аммо бу ўзгаришлар унинг ҳуснини; латофатини бир-
ларра ҳам камитмай, балки ўн қайта оширган эдилар. Ташқарига
оқайдан кейин айвоннинг тумшугига келиб ўлтурди ва ўнг
қўлининг кафтига юзини олиб фикрга толди. Шу ҳолда узоқ
ётди. Шундан кейин у қўлини юзидан бўшатди-да, энтикиб
кам оқди ва кимнидир излагандек кимнидир куткандек тевара-
нига қараб қўйди...

АРИҚ БҲЙИ, СИРЛИ АРИҚ БҲЙИ!

Биллиқ кўзлари ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи
томонга ҳаракатландилар. У ариқ бўйига етгач, маълум ўринга
қараб ўтди-да, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб, юзидан тўкиб
сўширди ва оҳистагина йўлак томонга қараб олғандан кейин,
қўлининг оқишига кўзини тикди. Кумушнинг дардини ҳеч ким
билмас, унинг хаёлига ҳеч ким тушунмас, магар шу ариқ бўйи
сўшунгандек, билгандек... Сирли ариқ бўйи унга нималарнидир
ўқиди, ундан нималарнидир тинглар, бунга ҳеч ким воқиф бў-
лолмайдида, бўлмоғи ҳам мумкин эмас.

Кўзларидан оққан томчиларини шу сирли ариқ суви билан
ювди, бир маротабагина ювди эмас — қайталаб-қайталаб ювди.
Бонги аччиғидан бирмунча тинчланиб, кўз қизилликлари кетган
ҳолда битта-битта босиб ичкарига қайтди» (42).

Кумушбибининг бу ҳолати бошқа образлар воситаси билан
кам таъкидланади. Офтоб оғим — Кумушбибининг онаси қай-
тди. «...туси бироз синиққансумон... Меҳмон кутиб чарчага-
нidanми, нимадан бўлса ҳам жуда каловланган; баъзан қила-
нган ишидан ҳам янглишиб кетгани, масалан, уйга кирмоқчи

бўлиб тавонхонага кириб қолгани кўриладир. Тўйга келган хотинларнинг «Тўйлар муборак, куёв ўғли муборак!» — деб сўрашларига ҳам ишончсиз бир оҳангда «Қутлуг бўлсин!» — дейдилар. (43).

«Бунинг сабаби нимада? Мана, тўйга тайёргарлик кўрилаётир, унашилганига ҳам етти кун бўлган; шундан бери Кумуш «тун ҳам йиғлайди, кун ҳам», сабабини сўраса, «сира жавоб бермай» дир-да, дўланадек кўз ёписини оқиза беради». (43).

Демак Кумушбиби ҳам Отабекка ўхшаган бирон дардга гирифтор. Ошиқлик дарди эмасмикин? Агар шундай бўлса, у кимга ошиқ бўлиши мумкин? Отабеккамикин? Ахир, у Отабекни ҳали кўргани бизга маълум эмас-ку! Бунинг устига бўлғувчи эр — меҳмон йигит тўғрисида гап очилгундай бўлса, дили гирён бўлиб йиғлайди. Бу йиғи севинч йиғиси эмаслиги маълум. Демак, Кумушбиби кимнидир яхши кўрган, лекин ким у, буниси бизга маълум эмас. Кумушбибидаги зиддиятли ҳислар китобхонни ҳар хил кўйга солиб қўяди; у эр бўладиган йигитни — Отабекни хаёлига келтирар экан, номи тилга олинса, йиғлаб юборадиган қизга уйланмоқчилигини назарда тутиб, йигит аҳволига ачинади; Кумушбибини хаёлига келтирар экан, дардига даво топа олмай ноиложликдан ота-она ҳукмига бўйсуниб, ҳали ўзи кўрмаган кишига эрга чиқишга мажбур бўлаётганини тасаввур қилиб, дили оғрийди.

Сир очилиш пайти яқинлашган сайин ёзувчи Кумушбиби ахволини оғирлаштира боради, китобхон диққатини бу қизнинг тақдирига яна кучлироқ тортади.

Мана тўй, қизлар мажлиси қизиган. «Икки соатлик қизиқ бир базмдан сўнг қизлар чарчадилар-да, ўйинни тўхтатдилар. Гулсин билан Хонимбиби энди дутор билан қўшиққа ўлтурдилар. Гулсин ўзининг қўнғуруқдек товуши билан «Йиғларман» куйидан бошлади:

Ўртоқларим, қўлга олсам торимни,
Бепхтиёр ёдлайдирман ёримни!

Иккинчи қайтариб айтишда унга Хонимбиби қўшилишди. Бир турлик, бир оҳанглик нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар. Шу чоққача мўлтайиб хаёличида шўнгиб ўлтурган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи кизларга қаради» (46).

Ёзувчи Кумушбиби ҳолатини кўрсатишга мос қўшиқни танлаган ва бу билан мақсадга эришган.

«Қизлар иккинчи байтка ўтдилар:

Бир кўриниб яғмо қилган кўнглимни,
Қайтиб яна кўролмадим поримни!

Шу вақт кутилмаган жойда Кумушнинг икки кўзи жик ёш-
га тўлган эди. Учунчига ўтдилар:

Агар кўрсам эди яна ёримни,
Бағишлардим ҳама йўғу боримни!

Тўртинчи:

Билурмикин, билмасмикин у золим:
Кунлар, тунлар тортган оҳу зоримни!

Кумуш тоқатсизлангандек эди...

Бешинчи:

Чинин айтинг, ўртоқларим, менга сиз,
Қайта бошдан кўрарманми ёримни?

Кейинги:

Кетди тоқат, кетди сабрим... кетдилар...
Синдирарман уриб ерга торимни!

Бу кейинги байтка қулоқ солувчи қолмади, чунки ёнидаги
қизга осилиб йиғлай бошлаган Кумушбибига ҳар ким таажжуб-
да, ҳар кимнинг кўзи, қулоғи шунда эди» (47).

Отабек билан Кумушбибидаги контраст ҳолатлар тасвири —
Отабекнинг муҳаббатга эришаётганини сезишдан пайдо бўлган
қаноат; ўзида йўқ суюниш; «ёт бир йигит»га эрк—ихтиёрсиз
орга берилаётгани ва бу «ёт йигит» билан учрашув соатлари
иқинлашиб келаётгани туфайли Кумушбибида пайдо бўлган
огир ҳолат, дард ёзувчи томонидан чуқурлаштирила боради.
Бу билан ёзувчи китобхонни қаҳрамонларга янада яқинлашти-
ради, уларнинг ҳам севинчига, ҳам дардига шерик қилади.

«Мана, никоҳ вақти. Отабек домла томонидан берилган: «Сиз-
ким Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли Кумушбиби Мирзакарим қизи-
ни ўзингизга шаръий хотинликқа қабул қиласизми?» — форс-
тилида сўралган бу саволдан Отабекнинг кулгисини қистатиб,
кўнглидан кечирадир:

— Қабул қиласизми-я!

Ул биринчи сўроқдаёқ — «Учиб, қўниб қабул қиламиз!» —
деб жавоб бермакчи бўлса ҳам, бироқ халқнинг — «ўлиб турган
экан!» —деб қиладиган таънасидан чўчиб жавоб бермайдир.
Яна бир қайта юқоридаги «Сизқим, фалончи...» жумласи домла
тарафидан такрорланадир. Куявларга учинчи сўроқда жавоб
бериш одат ҳукмида бўлса ҳам Отабек бу такаллуфга чидал-
майдир. Гўё учинчи сўроқ ўрнига — «энди олмас экансиз Ку-
мушбибини...» деб мажлис бузиладигандек сезиладир-да, ҳамма
товушини қўйиб, барчага эшиттириб — «Қабул қилдиқ!» —
деб юборадир» (48).

Никоҳ пайтида Қумушбибида Отабекдагига нисбатан бутунлай бошқача ҳолат кузатилади. Ҳатто ундан ваколат олиш ҳам жуда қийин бўлди. «Домлаинг — Сизким, Қумушбиби Мирзакарим қизи нафсингизни тошкентлик мусулмон Отабек Юсуф бек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакингиз Муҳаммад раҳим Йўлдош ўғлига тошширдингизми?» — деган сўроғи олти, етти қайтарилганидан кейин, шунда ҳам янгалар қистоғи остида, аранг унинг ризолиги олинди» (58).

«Бегона» йигит билан бўладиган учрашувнинг вақт-соати келиб қолди. Аммо кутилган бу учрашув Қумушни тобора эзар эди. Ҳамма нарса унга ёт, ҳеч нимани эшитгиси ҳам, ҳеч вимани қарагиси ҳам йўқ; «Кўз ёшларини оқизиб янгасининг сўзига қулоқ осмайдир». Ниҳоят, мана, учрашув дақиқалари, Отабек унинг олдига боради. Аммо Қумуш «ким келди, деб ёнига қарамайди». У ёт йигитнинг «бегона қўлидан сесканади». Унга қарамайди ва «қарашни ҳам тиламайди». Охирида «мажбурийят остида, ёвқараш билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?

— Мен ўша! — деди бек» (50).

Сир мана энди очилди. «Сирли ариқ бўйи» ва бу жой муносабати билан китобхон Қумушбиби ҳолатини эслайди. Бу ерда Отабек билан Қумуш бир-бирларини биринчи марта кўрган ва бир-бирларининг кунгилларига дард солган эдилар. Аммо буни ёзувчи сир сақлар ва у билан китобхонда масалага қизиқиш уйготар эди.

Шундай қилиб, ёзувчи томонидан қаҳрамонлар характерларида кўп марта такрорланган психологик ҳолатларнинг, мушаббатли оғир кунларнинг сабаби аён бўлади. Китобнинг шу ерига келгунча қаҳрамонлар ҳам ва уларга дардкаш бўлиб келаётган китобхон ҳам тинчийди, эркин нафас олади, бу бахтли қўшилишнинг кўриб суюнади.

Асарнинг мала шу қисмида тасвирланган воқеаларнинг кўпи биринчи қарашда айтарли қизиги йўқдек туюлади. Аслида эса бу воқеалар ҳаётнинг оддий воқеаларидандир. Тошкентдан сандо-сотик ишлари билан келиб қолган бир йигит марғилонлик Мирзакаримбойнинг қизини кўриб, ошиқ бўлиб қолади. Қиз ҳам унга мафтун бўлади. Йигит қизга совчи қўяди. Севишганлар қўшилишадилар.

Бу воқеа классик адабиётда ва халқ оғзаки адабиётида кўп учраб турадиган сюжет ситуацияси — бирор шаҳар ё юртдаги йигит иккинчи бир шаҳар ё юртдаги қизни яхши кўриб қолади. Кўпгина қийинчиликларга бардош бериб, севилиши висолига етади. (Бу ҳолни биз романнинг салбий хусусияти сифатида таъкидлаётганимиз йўқ, балки ёзувчининг классик адабиёт ва

қандай оғзаки адабиёти билан нақадар боғлиқ эканидан ҳам дарак беридиган сифатида эслаётирмиз).

Агар ёзувчи ожизлик қилса, шу хилдаги воқеа ҳам ҳаётни тасвирлашга олиб бориши мумкин эди. Абдулла Қодирийнинг санъаткорлиги шундаки, у мана шу оддийгина сюжет бўлган реалистик бўёқ бера олган — қаҳрамонларни тасвирлашда реал ҳаётнинг типик шароити ичидан келтириб чиқарган ва шу шароитдан олиб ўтган. Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони — танланган сир сақлаш услуби. Ёзувчининг усталик билан фойдаланганидир. Бу билан автор ҳаётнинг реал картинасини чизишга зарар етказмасдан, характерларни, воқеаларни умумлаштириб, уларни бўрттириб тасвирлай олган, воқеа тасвирини санъат даражасига кўтаришга муваффақ бўлган.

Ҳаётга назар ташлайлик: дейлик, бир йигит уйланаётир, ё бир қиз эрга чиқаётир. То тўй бўлгунга қадар ҳатто ундан кейин ҳам воқеа моҳиятини ҳамма — қўни-қўшни, маҳалла аҳли бир-бирида тушунавермайди. Абдулла Қодирий Отабек ва Қумушбиби тўйига тегишли ваколатини тасвирлар экан, уларни ҳар ким ўзини тушунганини ва бу тушунидан келиб чиқадиган ҳулоқаларни ва характердаги ўзгаришларни ҳаётдагидек серқирра қилиб акс эттиришга ҳаракат қилади. Очiq айтилиши мумкин бўлган жойини очиқчасига, сирли жойини сирли қилиб тасвирлашга муваффақ бўлади. Қисқаси, воқеадаги сирли томонлар билан маълум томонларнинг нисбатини тўғри, ўз меъёрида берилай олади. Ўз навбатида, бу меъёрни сақлаш хусусияти ёзувчининг китобхонга ишониши зўрлигидан эканини ҳам англаймиз.

Батташ китобхонга кам ишонадиган ёзувчиларимиз бўлади-ю, улар воқеани тилга олгандан ўқувчига унинг бутун моҳиятини очиб бериш учун ҳаракат қиладилар. ва шу йўл билан умумлаштириш даражасини бузадилар ва натурализмга йўл қўядилар. Ҳолбуки, санъат ёзувчиларининг ўқувчига ишонишини тақозо этади, ҳаётни реалистик чиза билиш керакки, кўп нерселарнинг моҳиятини ўқувчи ўзи фикр қилиб, ўйлаб кўриб топа олсин. Шундагина китобхон тасвирланаётган воқеага арабшади, унга қизиқади, шу тўғрида фикр юритади. Бу — санъатнинг талаби, Абдулла Қодирий ўз романида санъатнинг ана шу талабига бўйсунган.

РОМАННИНГ МАРКАЗИЙ ТУГУНИ

Отабекнинг Қумушга уйланишини тасвирлаш, бу ҳали ёзувчининг романдаги асл муддаоси эмас. Унинг асл муддаоси, биз юқорида айтганимиздек, қаҳрамоннинг ўша давр ҳаётига нисбатан муҳим бир масалага — оилавий ҳаётга, муҳаббатга, хотин-қизларга муносабатини кўрсатиш ва шу орқали унинг оли-

жаноб хусусиятларини очиб беришдир. Шу нуқтаи назардан тасвирланган бу воқеалар ўша масаланинг экспозицияси, деб ҳисобланади-ки, бу билан ёзувчи катта ва ишонарли бир сюжет туғунини яратди ва сюжетнинг кейинги тараққиёти учун замин ҳозирлади.

Лекин фақат муҳаббат линиясидагина ҳаётнинг реалистик картинасини ярата олмас эди. Асарнинг бошланғич бобларидан муҳаббатга асосий эътибор берилган бўлса-да, ўрни билан ёзувчи образ яратишнинг иккинчи томонига, миллатнинг тақдир проблемасига ҳам назар ташлайди.

Ҳар бир ҳақиқий санъат асари тарихийдир. Тарихийлик билан белгиланадики, асар яратувчи реалист санъаткор тасвирланаётган давр тараққиётига хос бўлган ҳаётнинг асосий йўналиш йўлларини идрок этади ва уни тўғри тасвирлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарихийлик руҳи билан сугорилмаган реалистик асар йўқ. Демак, реализмда тарихийлик асарнинг бадиий қимматини белгиловчи асосий шартлардан биридир. «Қуллар», «Қутлуг қон», «Навоий», «Сароб» романларига хос умумий хусусият шундаки, уларнинг ҳар бирида тасвирланаётган даврнинг тарихий руҳи, тараққиётнинг асосий йўналиши тўғри акс эттирилган.

Тарихийлик замонавийликни рад қилмайди, балки кўпинча замонавийликни келтириб чиқаради. Ҳар бир ҳақиқий замонавий асар ўз даврининг тараққиётига хос бўлган йўналиш йўлларидан бирини акс эттиради ва шу билан у тарихийлик руҳига эга бўлган бўлади. Замонавий асарлардан «Синчалак» повестини олиб кўрайлик. Бу асар шу кунги ҳаётимизни тасвирлайди. У кучли замонавийлик руҳи билан сугорилган. Шу замонавийликнинг ўзи тасвирланаётган давр тарихий руҳини очиб билишдан келиб чиққандир. Бу ижтимоий турмушда сезилган даврнинг ҳаётимиздаги асосий йўналишларидан бири бўлган — субъективизм, оқибатлари билан кураш, манманликка, ўзбошимчаликка йўл қўймаслик, якдиллик ва жамоа халқнинг оммавий ролини таниш руҳидирки, Абдулла Қаҳҳор ўз повестида шу руҳни тўғри ва реалистик бера олган. «Синчалак»нинг қимматли томонларида бири ҳам шундадир.

«Ўткан кунлар» романининг ўлмас асарлар қаторидан ўрин олиш сабабларидан бири ёзувчининг ўша давр тараққиётидаги асосий йўналишларининг бир томонини чуқур идрок эта билганида ва буни маълум даражада чегараланган бўлса-да, ишонарли қилиб тасвирлай олганидандир. Бу — тарихий номларни санъатлаб қолиш, воқеаларни санаб ўтиш билан бўладиган иш эмас. Бунинг учун ёзувчи, энг аввало, тасвирланаётган даврнинг тарихий моҳиятини очиб билиши керак. Тарихий воқеалар, тарихий номлар бу ерда восита ролни ўйнайди, холос. Мана, «Ўткан кунлар»да тарихий воқеалардан бири. Отабекнинг Марғилонга келганидан бир оз кейин бу ерда шундай хабар чиқиб қолди:

«Тошкент ҳокими бўлган Азизбек Қўқонга қарши бош кўтар

Хон томонидан хирож (закот, солиқ) учун юборилган девон
ларини ўлдирган!». Иккинчи кун бу хабар тағни ҳам баш-
та тун кийди. «Мусулмонқул Нормухаммад қушбегига беш
та синоҳ қўшиб, Тошканд устига жўнатган» (29).

Автор романда бу хабардан ўз олдига қўйган ғояни ифода-
лаш фойдаланган, шу орқали ўша даврнинг тарихий руҳини
иблишига эришган.

Бундан яна шуни ҳам таъкидлайдики, бу тасодифий воқеа
экан, балки давр руҳига муносиб воқеадир. Абдулла Қодирий
романининг бу томонини ёритишга кўпчиликнинг бу воқеага
муносабатини кўрсатиш орқали эришади: «Бу хабарлар халқ
омидидан жуда оддий, ортиқча совуққонлик билан қарши олин-
мади. Бу воқеага ҳеч ким ажабсинмади ва бунда ғавқулоддалиқ
юқ эди. Халқ бунга ҳақли эди, чунки бундай тинчсизликларни
бу кўра-кўра жуда ҳам ўрганиб қолган, буюн бўлмаса эртага
қандайдир ботир бошисининг; офтобачасининг, хуллас, ким бўлса
бу оқибатларидан бирининг шундай тинчсизлик чиқаришига «мум-
кин» деб бўладирган иш, деб қарар эди». (29).

Маълумки, ёзувчи воқеага, у ҳар қанча тарихий бўлмасин,
халқлар орқали жон беради, уни ўша ҳолига келтиради.
Халқлар яратиш, бу тарихий воқеаларни эстетик ўзлашти-
ришнинг муҳим шартларидандир.

Хар бир тарихий воқеани тасвирлаганда ёзувчи, одатда, ха-
лқларнинг мазкур воқеанинг рўй беришидаги ролига ёки
оқибатларига туфайли рўй берган воқеага бўлган муносаба-
тини диққатни жалб қилади.

Мана, Азизбекнинг марказий давлатга муносабати натижасида
чиққан воқеа. Бу воқеа кўпчилик томонидан жудда оддий
ва совуққонлик билан қарши олинди. «Аммо ул (Отабек —
Қ) бу хабарга совуққонлик билан қарайолмас эди. ва қарай
олмади. Бу хабарни эшитар экан, еб тургани оғзида, юткани
оғзида қолди: бундай ўзбошимчалик орқасидан ўзининг очиқ
экан, ўткир зеҳни орқалиқ мудҳиш, фалокатлик манзаралар
қарар, миллатини — халқини — мусулмонини қўрқинч жар,
қон жажаннам ёқасида, йиқилиш олдига тоқар эдида, сеска-
ли, «ўзинг сақла танграм!» дер эди. Бу хабарни эшитгандан
кейин, тангриб эсини йўқотди. Яраси янгиланди». (29).

Отабекнинг Азизбек воқеасига муносабати, ундаги психоло-
гик ҳолат бу воқеа тўғрисида отаси Юсуфбек ҳожидан олинган
хатнинг тўла текстини бериш орқали яна бир марта таъкидла-
нди. «Отабек мактубни тугатиб, тушунмай ўткан жумлаларини
кўздан кечирар экан, Азизбек воқеаси устига келганга
қайтарсиз «тулки», деб юборди». (31).

Шундай қилиб, романда иккита йўналиш бирлигидан — му-
носабат можароси ва тарихий воқеалар оқимидан — марказий
тун ҳосил бўлди. Бу тугун ўша давр ҳаётини акс эттиришда
муҳим характерлар яратишда муҳим роль ўйнади. Гап шун-
дан, Отабек Ҳомид хотинбоз кўз остига олиб юрган Марғилон

гўзали — Кумушбибига уйланди. Ўша даврнинг золим ҳокими
ридан бири — Тошкент ҳокими Азизбекнинг марказий ҳукумати
қарши бош кўтариши, Отабекнинг отаси — Юсуфбек ҳокимини
Азизбек ўрдасида юқори мансабда бўлиши Ҳомид хотини
учун Отабекдан ўч олиш фикрини уйғотади ва унга қулай шароит
яратиб беради.

* * *

Романда асосий характерларнинг очилиши, сюжет динамикаси
шу икки тугун бирлиги асосида олиб борилади. Бошқача қилиб
айтганда, бош образ Отабек шахсиятидаги тасвирланмоқчи бўл-
ган асосий хусусиятлар — кучли, соф инсоний муҳаббат ва мил-
лат тўғрисида ғам ейиш ҳисси романдаги икки йўл — муҳаббат
можароси ва тарихий воқеалар оқимининг ривож бирлиги асо-
сида очилади.

Маълумки, характерларни реалистик метод асосида тасви-
рлашда танланган даврга нисбатан реалистик вазият яратилиши
бу вазиятдан фойдалана билиш алоҳида аҳамиятга эгадир. «Ў-
ган кунлар» автори романда реалистик вазиятнинг нафис карти-
наларини ярата олган ва улардан унумли фойдаланган. Мас-
алан, Ҳомиднинг иғвосини эслайлик: ёзувчи қаҳрамоннинг бевоси-
та таъсирини вақтинча қўя туради-да, бир неча бобларни
Ҳомид иғвоси ва бу иғвога ишонган қўрбоши ва қушбегиларнинг
ишонилиб қолишлари ва даҳшатга тушишларини тасвирлаб че-
тади. Отабек қамоққа олинади, қушбеги ўрдасига келтирилади.
Бу воқеалар ҳақида ёзувчи хабар бериб ўта қолади. Отабек
Қутидорнинг қамоққа олинishi муносабати билан Офтоб ойи
ва Кумушбибиларнинг дод-фарёдлари, қамоқдаги Отабек
Қутидорнинг психологик ҳолатлари эса тилга ҳам олинмайди.
Аммо буларни китобхон вазиятдан тасаввур қила олади. Ёзувчи
демоқчи бўлган асл ғоя Отабек билан Қутидор қушбеги олди-
келтирилгандан кейин маҳбуслар — Отабек ва Қутидор қушбе-
гиларидаги бевосита тўқнашув воситаси билан берилади.

Отабек характерининг тасвирида, хусусан, асарнинг маъна-
вийларида бир нарса кўзга ташланади: Отабек — ҳақиқат кучи
га ғоят ишонган ва бу ишончи билан дадил турадиган инсон.
Қушбеги уни гуноҳкор сифатида сўроқ қилар экан, Отабек «он-
дий киши билан» суҳбатлашаётгандек жавоб беради. Тухматни
эшитиб, кулиб ҳам қўяди. Қутидорнинг сўроқ вақтидаги ҳолати
эса бутунлай бошқача. Масалан, Отабек сўроқда кулиб жавоб
берганда Қутидор «ниҳоят даражада қўрқувга тушиб, ўзини
иссиқлик-совуқлик бир ҳолат» ҳис этади. (61).

Қушбеги сўроқни давом қилиб, Отабекка отасининг Азизбек-
ка хизматини эслатади. «Худо ҳаққи учун очиб сўзлангиз, йу-
са, ёрламаш, тақсир!» — дейди Отабек қушбеги олдида қан-
дайдир беўрин талабчанлик билан. Қушбеги мақсадини айтган

Отабек унинг устида иғво юритилганини англаб, юзлари кука-
дан, лекин ўзини йўқотмайди. Шу онда Қутидорда бошқача
халат у «безгаклардек титрай бошлаган эди». «Отабек ўзини
«бундан йиғиштириб», яна дадил жавоб беради: «Бунда зўр
хизмат бор, тақсир!». Қушбеги гапни Отабекнинг уйланиш са-
бабига олиб борган ҳам эдики: «Қутидор суратдек қотиб қолди».
11) Отабек ўзини ҳануз йўқотмасдан дадил туриб, мантиқан
жавоб беришга тайёрланади.

Шундай қилиб, бу ерда ёзувчи Отабек характеридаги ҳақиқат
нига бўлган зўр ишончни таъкидлайди. Унинг ҳолатидаги
қатъийлик, жавобларининг кескин, аниқ ва бамаънилиги тасдиқ-
ланади. Қутидорнинг психологик ҳолатлари, титрашлари, оқа-
шлари, қўрқишлари Отабекнинг ҳолатларига контраст факт
ҳолатида унинг дадиллигини таъкидлашга бўйсундирилади.

Отабек характеридаги ҳақиқат кучига ишонч, бу йўлда унинг
иш ва журъат билан қадам босиши, ундаги халқ ғамини ейиш-
ти олижаноб ҳис қушбегига берган қўйидаги жавобидан яна
аниқроқ сезилиб туради:

«Биз бу дақиқада, сизнинг фикрингизча, гўё бир иғвогар,
бир исёнчи бўлиб танилиб турибмиз! — деди бек, — Чиндан
бу шундоғ кишилармизми, йўқми, буни албатта сизнинг тек-
ширишларингиз, ҳақиқатларингиз кўрсатар. Мен сизнинг қи-
яшларингиз остида ўлимдан қўрқиб ёки сизга хушомад учун сўз-
май, ҳукумат кишиларимиз орасида тушунадиган бир одам
лиқлигингиз важида отамнинг ҳам ўзимнинг қандай фикр
маслақ кишиси эканлигимизни айтиб ўтмоқчи бўламан: биз
кичикоқларга тарафдор бир киши ва на шаҳарлик оғайнилар-
ми. Бу икки томон бизнинг назаримизда, бир-бирисидан мумтоз,
бир-бирида бири биридан ортиқроқ халқлар эмасдир. Шунга
қараганда Туркистон халқларининг истиқболларини бу икки фирқа-
нинг биттасига ҳавола қилиш баайни қўйни бўрига топириш
биландан бўладир. Нега десангиз, ҳар икки томоннинг иш
ишга юритилган кишиларнинг кўкрагига қўл солиб кўрсангиз,
бирининг фақат эл таламоқ, бойлик орттирмоққасина бўлган
қасдини, иккинчисининг кўркли хотинлар, юқори турмушлар
ни бўлган мақсадиниғина кўриб, икки орадан «элни тинчитай,
ҳам роҳат тирикчилик қилсин» — деган учинчи бир олий
қасдини чароғ ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмассиз. Мана биз,
деди, шу кейинги ишда кўрилмаса ҳам фақат ширин хаёллар-
ни юрган олий фирқага ўзимизда тарафдорлик ҳис этамиз.
Бизнинг Азизбекка яқин туриши қичоқ душмани, қорачопон
тарфдори бўлганидан эмас, балки бояги маслақка бир хизмат
қилмоқ учундир. Таассуфки, отамнинг Азизбекдан бўлган умиди
қана кетди: бугун ўз ўзининг ярамас хаёли йўлида хондан юз
орди ва орада қанча гуноҳсизнинг қони тўкилишига сабаб бўл-
мадир. Мана бу сўзларимга ишонинг, ишонманг, ихтиёр

Уткир, қонсираган ханжарини белига юсиб, ойбодтасини тортиб жаллод қушбегининг ҳукмига мунтазир эди. Қушбе-
гининг унги томонида қўрбошидан тортиб шаҳар аъёнлари, қар-
ида Отабек, Қутидор, Зиё шоҳичи ва унинг ўғли Раҳмат —
тошқорлар ва уларнинг орқасида муҳофиз йигитлар.

Отабек билан қутидорнинг гуноҳлари улуғ бўлганликда қўл-
ларида кишан, Зиё ака била Раҳматнинг қўлларида бу нарсалар
эди. Қутидорнинг юзига ўлик туси кирган, Отабек бўлса
рансинган қиёфада, Ановилар ўзларини бирмунча тетик тут-
иша эдилар.

Қушбеги ўзининг ёзилиб қўйилган ҳукмномасини қўлга олиб
кишига ҳозирланди. Ҳамма тип-тинч ерга қараган эди: «Мен-
им, Марғилон ҳокими Ўтаббой қушбеги ўз ҳукмимни хоқон ибн
нон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан эшиттара-

Оғтиمودлик бир кишининг шаҳодатига биноан, тошканд-
Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек, бу кунда хонимизга
қарши бори кўтарган Азиз парвоначи ва ўз ютасининг ваколат-
лари билан Марғилон келиб, бу ердаги фуқароларни ҳам хон-
имизга қарши оёқландирмоқчи бўлган. Отабекнинг бу ҳара-
ти улулъамир бўлган жанобга боғийлик бўлиб, уни, яъни
Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлини ўлим жазоси билан жазолаш
қарар этадир. Иккинчи, Отабекка бу йўлда кўмакчи бўлиб юр-
ган Марғилон **фуқароси Мирзакарим** қутидор ҳам шу жазога
қарор тутиладир. Зиё шоҳичи билан ўғли Раҳмат бу боғий-
ликни хабардор бўла туриб, вақтида ҳукуматга маълум қил-
ишлари учун бир йилдан зиндон жазосига маҳкум бўлур-
ди (78).

Шу йўл билан ёзувчи китобхонни қаҳрамон тақдирига янада
қўллаштиради. Унинг юрагига катта қулғула солади. Роман-
нинг шу ерига келганда сўзма-сўз ўқиб боришга кишининг
ни торлик қилгандек бўлиб, кўзни илдамроқ юғуртиргингиз,
обатни тезроқ билгингиз келади. Унинг устига қўйидаги жум-
ла билан ёзувчи китобхон дилидаги ўтни яна кучлироқ ала-
натилади:

Зиё ака билан ўғли зиндонга жўнатиладилар ва Отабек билан
қутидор жаллод қўлига топширилдилар-да, шунинг ила ҳукм
сини тамом бўлди (78). Бу жумланинг қуруқ, ҳиосиз, со-
фистиқ билан ёзилиб (бу ерда ёзувчининг на ачиниши бор,
софистиқ), худди бир хабар тўғрисидаги жумладек (А. Қоди-
р қасрда қандай стиль ишлатишни яхши билган) тузилиши
китобхонни алғов-далғов қилиб юборади.

Ўзини воқеа кескин ўзгаради, ўзгарса ҳам бўлаётган воқеа-
ни тескарисига ўзгаради. Отабекни энди-энди жарга итарай
қўл турганида Қумушбиби Юсуфбек ҳожининг Азизбек ҳа-
ватларини қоралаб, Марғилондаги ўғлига ёзган хатини олиб,
қўлдангача қушбеги олдиға етиб келади. Мана шу хат воқеани
қилиб ва ўз акси томон ўзгартириб юборади.

Асарнинг шу ерида ҳам ёзувчининг қаноатига, ҳаёт воқеаларини совуққонлик билан объектив (ўзини кўп орага солавермасдан) тасвирлашига, кам сўзлар билан қаҳрамон характериға тегишли муҳим хусусиятларни атайинликка йўл қўймасдан очиб беришига оғарин демай илож йўқ. Бу ерда ҳам биз юқорида таъкидлаган услубнинг ишлатилишини кўрамиз: қушбеги Отабекка ўлим жазоси тўғрисида ҳукми ўқиб бўлди. Ҳамма жим. Вазият ниҳоятда оғир, Отабек тақдири қил устида. Китобхоннинг ўзи бу вазиятдан не-не азоблар тортади. Отабек билан бир қаторда жазоланаётган Қутидор «чин ўлик тусига кирган». Аммо бизнинг қаҳрамон тинч. Ёзувчи кўп сўзга ўрин бермайди. Икки оғиз сўз билан Отабек тўғрисида дейдиганини деган ва шу билан бутун бетларда айтиб бўлмайдиган мазмунни айта олган. Қушбеги ҳукми ўқиб бўлар экан: «Ҳақсиз жазо!» — деб Отабек кулимсираб қўйди...» (78). Шу билан гап тамом.

Отабек ҳали ҳам ҳақиқат кучига ишонади. Шу ишонч билан ўлиб кетишга ҳам тайёр. Шунинг учун у ҳукм қилинган ўлимни совуққонлик билан тинчгина, ҳатто кулимсираб қарши олади.

Қаҳрамонни воқеликнинг оғир вазиятларига олиб бориб қўйиш ва бу вазиятда унинг характерли хусусиятларини таъкидлаш, ниҳоят, бу ишда воқеалар перепетиясидан унумли фойдаланиш асарнинг фақат мана шу еригагина хос эмас, бу жиҳатдан романнинг кейинги боблари ҳам характерлидир.

* * *

Маълумки, юқоридаги Отабек тушган вазият ниҳоятда оғир эди. Бу оғирлик, асосан, қаҳрамонга юкланган ноҳақ айбнинг қалтиселигидан, унинг гуноҳсизлигининг очилиш (Юсуфбек ҳожидан келган хатнинг бу ердаги роли) йўлини ёзувчи китобхондан сир сақлаш йўли билан вужудга келтирган эди.

Навбатдаги вазият оғирлигини тасвирлашда ёзувчи бирмунча ўзгача йўл тутди. Юқорида Отабекка оғир гуноҳ қўйилган бўлса-да, лекин унинг тақдирини ҳал қиладиган киши — Ўтаббой қушбеги ёзувчининг таърифлашича, бирмунча адолатли беклардан ҳисобланар эди. Эндиги вазиятда эса Отабек тақдири ўша давр учун адолатсизликнинг рамзига айланган Мусулмонқул қўлига тушади. Шу билан ёзувчи вазиятнинг ниҳоятда оғирлигини таъкидлайди.

Фақатгина объектив ҳақиқатга асосланиш натижасидагина эмас, балки ўша объектив ҳақиқатдан келиб чиқадиган эстетик мақсад асосида Мусулмонқул характерини асардаги марказий масалага — ўша давр илғор кишиларидаги миллат ғамини ейиш хусусиятларини тасвирлаш, бўрттириш, буни психологик планда асослаш вазифасига бўйсундирилгандир.

Шу асосда Мусулмонқул характеридаги етакчи хусусиятлар илгаридан алоҳида таъкидланиб, бўрттирилиб келади. Асарнинг бошларида Отабек тилидан Мусулмонқул тўғрисида шундай

дейилади: «...Мусулмонқулни ким холис одам деб ўйлайдир? Унинг юрт учун қон тўкишдан бошқа нимага фойдаси тегди? Мусулмонқул ўз гарази йўлида орада йўқ низоларни қўзгаб, куёви Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди, қўй каби ювош Тошканд ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгулади ва ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб, эл елкасига минди. Тузук, агар Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кўтариб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олур эди? Ҳолбуки, Тошканд тарихида мисли кўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни фақат шу Мусулмонқул қўлидан олди! Башарти Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсондан ваҳший туғилганини ҳеч ким эшиткан чиқмас» (17).

Мусулмонқулнинг бундай характерли хусусиятлари кейинги бобларда ҳам таъкидланиб боради. Отабекнинг Мусулмонқул қўлига тушиш пайти яқинлашган вақтларда ёзувчи бу қонхўр, гаразгўй тўғрисида шундай деб ёзади:

«Аркони давлат йиғилиб, Худоёр тахтига мўнған, Мусулмонқул хон бўлмаса ҳам хонликдан-да юқори бир кучга молик бўлган сиёсат курсисига ўлтурган эди» (96).

Шу билан бирга ёзувчи Отабекка қўйилган илгариги ноҳақ айбларни яна ҳам бўрттирувчи Ҳомиднинг хатини ўқитиш билан Мусулмонқулда пайдо бўлган асабий бузилишларни алоҳида таъкидлайди. Мусулмонқул «Ўтаббойнинг сотқинлик қилаётгани» тўғрисидаги жойларига келиб ...хатдан бош кўтаради, «унинг кипраксиз қисик кўзларида ўтлар ёнмоқда». Хатни охиригача ўқишга тоқати чидамай, чилим, деб бақиради. Хатни ўқиб бўлиб у «ниҳоятда тутоқди. «Ҳозирги бор аламини тамакидан оладигандек ҳудайчи келтирган чилимга ёпишдида, шиг-ғ... эттириб сархонани синдириш даражасига еткузиб тортди. Оғзидан паға-паға тутун чиқарар экан, хатнинг мазмунини Худоёрга сўзлади. Тошканд устига юборган сипоҳлари билан Нормухаммад қуш-бегининг ниҳоят Тошкентни ололмай қайтиши хабарини эшитиб, сўнг даражада маъюсият ичида ўтирган Мусулмонқул учун бу мактуб (Ҳомиднинг мактуби — М.Қ.) яра устига туз сепиш қабилидан тагин ҳам аламли бўлиб тушган эди.

— Худайчи!

— Лаббай, тақсир!

— Мирзани чақир! — деди Мусулмонқул, сўнгра қўлидаги мактубни таҳига солар экан, Худоёрга деди: — Эшитдингизми, ўғлим! Азизбек билан Юсуфбек бизга нималар қилмоқчи бўладирлар? Ўзимизнинг соддиқ кишимиз, деб ўйлаган Ўтаббой ҳам душманларимиз билан биргалаша бошлаган.. Хайр, қўлларидан келганини қилиб кўрсинлар-чи, биз ҳам бундан кейин ўшандов кўрнамаклар билан қиладирган муомаламизни билармиз!» (95).

Энди қаҳрамон тақдири шу ваҳший одам қўлига тушади,

тушса ҳам унинг ниҳоятда асаби бузилган пайтда тушади. Шу билан китобхон Отабекни иккинчи марта тубсиз жар лабида кўради. Бу ҳол Отабекка нисбатан юрагида муҳаббат ҳосил қилган китобхон кўнглига яна бир марта катта гулгула солади, уни ниҳоятда безовта қилади. Отабек Мусулмонқулдан нажот кўтмагандек, китобхон ҳам қаҳрамонга нисбатан ундан нажот кўтмас эди.

Бунинг устига Отабек ўзини қанчалик дадил тутмасин, Мусулмонқул ўзини кўндан бери кетига тушиб юриб, энди овини қўлга киритган «шердек» ҳис қилар, худди шу қабилда ўз овига завқ билан қарар, иложи бўлса, уни ҳазм қилишдан олдин у ёқ-бу ёққа отиб ўйнагиси келар эди.

Охирида Мусулмонқул завқланиш вазияти билан Отабекка қараб: «Дов юрагинг бор экан, йигит... Ҳайфки, гуноҳинг бўйнингда, — деди ва чақирди: — Жаллод!

Эшик ёнида кутиб турган ойболталиқлар ҳаракатландилар: — Ханжаримиз қонсираган!» (99—100).

Мана, Отабек тубсиз жарга иккинчи марта итариляпти. Китобхоннинг ҳам асаби қўзиб, ниҳоясига етган бир пайт...

Аммо воқеа кескин ўзгаради. Бу ўзгаришни на китобхон кутган ва на қаҳрамон: Отабек жарга итарилаётган бир пайтда Ҳасанали Нормухаммад томонидан Худоёрхонга атаб ёзилган хатни топширади. Бу хат Тошкент яна хонлик қўлига киритилгани ва бу ишда Юсуфбек ҳожининг катта роли бўлгани тўғрисида ёзилган эди. Натижада, воқеа Мусулмонқул томонидан «Отабекка заррин тўн кийгизиш» билан тамом бўлади.

Асарнинг бу жойларида ҳам, ҳаётнинг бошқа оғир пайтларида ҳам бўлгани каби Отабек ўзининг олижаноб хусусиятларини йўқотмаслиги билан китобхоннинг муҳаббатини яна бир бор оширади.

Отабек ўзининг иккинчи марта жар ёқасига келаётганини сезар эди. (Ёзувчи бунга ишора қлмайд, бироқ вазиятнинг ўзи Отабекнинг бу кайфиятидан дарак бериб туради). У, ҳаёти хавф остида бўлганига қарамасдан, Қўқонга келгач, йиртқич қўлига тушиши муқаррар эканини сезиб туриб, ўзининг дунё-қарашидан заррача ҳам тоймайди. Мусулмонқулга бўлган илгариги муносабатини, сағал бўлса-да, яширмайди ҳам. Бундай қилиш учун йигит, албатта, довюрак бўлиши керак.

...Мана, Отабек хон олдида таклиф қилинади. У «худайчи орқасидан кириб хонга таъзим қилди ва қўл боғлаб тўхтади. Отабек Мусулмонқул отини, унинг йиртқичлигини яхши билса ҳам, аммо шахсан ўзини кўрмаган, шунинг учун хоннинг ёнидаги хоқонга илтифот этмади. Унинг бу илтифотсизлиги Мусулмонқулга асарсиз қолмадида, аччиғи устига аччиқ, кек устига кек қўшилди ва шулар ичидан ясалиб чиққан бир истеҳзо илжайиши ва бир товуш билан:

— Менга қаранг, бек йигит, — деди. Отабек ўзига қарагач; —

Сиз ким бўласиз? — деб сўради. У ҳануз бояғи масхара ҳолатда эди.

— Мен Отабек!

— Дунёда Отабекдан кўпи борми, сиз қандай Отабек?

— Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли!

— Ҳа-а-а, шундоғ денгчи... Тошкандлик Юсуфбек ҳожиким, Азизбегимизнинг гунаҳтаси бўлган зоти шарифнинг ўғиллари?

Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади. У бундан сўнгги кўргилигини тамом маъноси билан англаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтуришдан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Мусулмонқулга маънолик бир жавобни ифода қилар эди. Чиндан ҳам Мусулмонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка кўтарилур экан, бақирди:

— Нега жавоб бермайсан?!

— Сиз мени қандай таниган бўлсангиз — бўлингиз, мен ўшандоғ кишининг ўғли! — деди бек. — Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турли бўлиб танилсак-да, ўз виждонимиз олдида бир турликкинадирмиз! Шунинг учун сиз тилаган тарафтингизга ҳукм қилингиз-да, буйруғингизни бераверингиз!

Мусулмонқулнинг юзидаги бояғи аччиғлар ерини бир завқланиш вазияти олди. Кулимсираш ичида Отабекни кузатар экан:

— Дов юрагинг бор экан, йигит... — деди»: (99):

Юқорида, Отабек ўзини биринчи марта ноҳақ тухматлар қурбони сифатида ҳис қилаётганда уни қуршаб олган ҳаётга нафратини ундовчи сўзлари билан «ҳақсиз жазо!») ифодалаб, кулимсираб қўйиш билан «қурбони бўлаётган» тартибларни мазах қилган эди. Энди иккинчи марта ўзини ўша тартиблар қурбони сифатида ҳис қилаётир, ҳеч қандай овоз чиқармаслиқни, сезиларли равишда бу вазиятга бирон хатти-ҳаракат билан ҳам жавоб қилишни лозим кўрмади. Уни ноҳақ «қурбон қилаётган» тартиблар ва уларнинг натижаси бўлган мазкур вазият Отабек назарида ҳеч бир сўзга ва ҳеч бир хатти-ҳаракатга арзимас эди. Отабекдаги бу кайфият Мусулмонқул — «Жаллод!» — деб қичқиргандан кейин Тошкентдан келган чопарни қабул қилиш вақтидаги қаҳрамоннинг ўзини тутишда жуда равшан сезилиб туради:

«Отабек гарангсиган сумол деворга суянган, бундаги аллақандай маъноларни онглатқан тахт, тож, хон, бек каби лашлушлар — унинг кўз ўнгида қора пуллик қадр қийматсиз... Тўғриси ул ажиб бир табиатга кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз... Йўқ, ул сезса-да, билса-да, гўё оёқ-қўли боғланиб; бўғизланишга ҳозирланган бир қўй каби қайрилаётган пичоққа бутунлай парвосиз, қўрқувсиз томоша қилар эди. Бу турмуш, бу ҳокимият, чеки кўринмаган бу қоронғулик, унинг учун сира қизиқарли эмаслар: ул йўқ эди — тинч эди, ул келди — тинчимади, ул яна йўқ бўлса, эҳтимол яна тинчир эди! Мана шунинг учун ҳам ул безрайган эди. Фақат...: фақат шу турмушдаги би-

ровгина унинг кўнглидан тезроқ ювилмас ва ювилиши ҳам қийиндек. Ниҳоят, бундан ҳам қутулгандек бўлди! Аммо, аммо сўнг нафасида унинг билан видолашса, боғазига ханжар ботар экан, унинг юзига қарабқина кўзи нурсизланса... Унинг ҳамма орзуси шу эди ҳозир!» (100):

Бу хилда «лол» бўлиб туриш, бу отир вазиятга бепарволик билан қараш нафрат билдиришнинг, рад қилишнинг бир кўриниши эди, албатта.

Бу ерда ҳам қаҳрамонда ҳақиқат кучига булган ишонч зўр эканлиги таъкидланади. Қаҳрамон мана шу ишонч асосида «парвосиз», «қўрқувсиз». У «қурбон бўлаётир», аммо шунини яхши биладики, у зулмат — темир чангалли зулмат қурбони бўлаётир. Бу зулмат ҳақиқатни қачондан бери ўткир чангаллари билан босиб турибди ва қачонгача босиб туради — бу Отабекка номаълум. Отабек бу зулмат ҳокимлигини вақт билан чегаралашга ожиз.

Шундай қилиб, А. Қодирий асарнинг бу ерларида перепетия — воқеаларнинг кескин ўзгариш услубидан унумли фойдаланган. Бу услуб бир вақтнинг ўзида иккита ғоявий нагрукани ифодалашга хизмат қилган: биринчидан, қаҳрамон характеридаги олижаноб хусусиятлар таъкидланса, иккинчидан, феодал муносабатлар меваси бўлган кишилар орасидаги, аниқроғи, яхшилар ва ёмонлар ўртасидаги муносабат очиқ ташланган.

«Ўткан кунлар» романида кўзга ташланадиган хусусиятлардан яна бири, ҳаёт воқелигини тасвирлаётганда тугунлар яратиш ва уларнинг эстетик ва реалистик йўллар билан ечилишини таъминлаш масаласидир.

Маълумки, бадиий асарда ҳаёт тартибсиз равишда тасвирланавермайди. Ҳаётни тасвирлаш ҳар бир асардаги эстетик мақсадга мувофиқ равишда олиб борилади. Бу, ўз навбатида, бадиий умумлаштиришнинг зарур шартларидандир. Санъаткор ёзувчи ҳаётни реал тасвирлаш мақсадида ҳар хил йўллардан, турли приёмлардан фойдаланади.

Санъатнинг мана шу қойдасига бўйсунган ҳолда Абдулла Қодирий воқеалар оқимини тасвир қилар экан, узоқдан тугунни боғлаб қўяди-да, шу билан баробар у тугуннинг ечилиш йўллари ҳам олдиндан белгилайди. Аммо буни китобхон мутлақо сезмайди. (Бу ерда сир сақлаш услубининг роли бор!) Ёзувчи ҳаёт воқелигидан маълум бир моментни тугун қилади-да, унинг ечилишига китобхонни жуда қизиқтириб қўяди. Лекин ечимни дарров беравермайди. Энг муҳими, китобхонга сездирмасдан ўша тугуннинг оқиб борадиган йўлига бирон ишончли илмоқни ташлаб қўяди. Тугун ҳаёт оқими билан ҳаракатда бўлиб, маълум йўл босиб ўтгач, ва маълум бир вақтга етгач, бу илмоққа илинади-да, китобхон кутмаган бир жойда ечилиб кетади.

Юқоридаги воқеаларнинг кескин ўзгариши — воқеалар перепетиясини — Отабекнинг биринчи ва иккинчи марта ўлимдан қутулиш тарихини эслайлик. Ҳар иккала ҳолда ҳам Отабек хат

муносабати билан қутулади. (Биринчи марта Юсуфбек ҳожидан келган хатни Кумушбиби топиб келади, иккинчи марта эса, Нормуҳаммад қушбеги хатини Ҳасанали олиб келади).

Отабекнинг Мирзакарим қутидор қизига уйланиши, бу ишга Ҳомид хотинбознинг аралашishi, Отабекнинг Азизбек вакили сифатида танилиши — булар ҳаммаси бирлашиб, бир мураккаб тугунни ҳосил қилган эди. Мана шу тугун энди тугилаётган вақтдаёқ Отабек отасидан хат олган эди. Юсуфбек ҳожи бу хатида Азизбекнинг хонга — марказлашган давлатдан бўйин товлаб, бутун Тошкент аҳолисини хонга қарши кўтариш тарихини баён қилган ва ўғли — Отабек шу муносабат билан Фарғонада «Азизбек шериги, ғитначиси», деб танишлари мумкин эканини айтиб, огоҳлантирган эди. Энг муҳими, бу хатда Юсуфбек ҳожининг ва Отабекнинг марказлашган давлат тарафдори бўлиб каби маслаклари аниқ кўрсатилган. Мана шу хат юқоридаги тугунни ечиш учун оқим йўлига ташлаб қўйилган бир илмоқ эди.

Иккинчи тугунни эслайлик: Ҳомид хотинбоз бир марта ўз мақсадига эришмагани билан қанотланмай, ўз ишини давом эттиради. Хонга ва Мусулмонқулга Отабек ва уни озод қилган қушбеги устидан шикоятнома ёзади. Энди фақат Отабек ҳаёти эмас, уни бир марта озод этган Ўтаббой қушбеги ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Бу тугун ҳам эндигина ўз ниҳоясига етган эдики, Нормуҳаммад қушбегидап Юсуфбек ҳожини шу билан баробар Отабекка бутунлай оқловчи хат етиб келади. Бу хат ҳам илмоқ вазифасини бажарди. Бироқ бу илмоқнинг аввалгисидан фарқи шу бўлдики, у кўп вақт илгари ташлаб қўйилмай, балки тугун ўз ниҳоясига етганда, олдиндан тайёрланиб келинаётган ва энг зарур жойига келганда ташланди.

Бу илмоқларнинг иккинчи бир томони бор: улар зарур вақтда бир зумда ёзувчи ҳаёлига келган, тасодиғий илмоқлар бўлмай, балки романда тасвирланаётган ҳаёт воқеликларининг ривож мантиғи, тарихий зарурат асосида келиб чиққан эди. Масаланинг бу томони ромanning тарихийлик даражасини белгилайди.

* * *

Ҳар бир реалистик асар тарихий конкретлик хусусиятларига эгадир. Аммо тарихийлик даражаси ҳар бир асарда турлича бўлади ва бу тарихийлик хилма-хил йўллар билан ифодаланади. Замонавийлик деган тушунча ҳам тарихийликни рад қилмайди. Асар бугунги кунимизнинг тарихий руҳини, асл моҳиятини очиб бера олганлиги учун ҳам замонавийдир. Абдулла Қодирийнинг тарихий ва замонавий мавзуда ёзилган асарларини қиммати шундаки, уларда XIX аср ўзбек ҳаёти тарихий руҳининг асл моҳияти эстетик равишда мужассамлантирилган. Бугина эмас, унинг «Қалвак маҳзум», «Тошпўлат тажанг нима дейди» ҳажвий қиссаларида ҳаётнинг чиркин томонлари жиддий равиш-

да фoш этилади. Адибнинг «Обид кетмон» қиссасида ўзбекка хос меҳнатсеварлик, бор куч ва ғайрат-ла жамоа ишига тайёр турган шахс образи юксак маҳорат ила тасвирланади. Бу жиҳатдан Обид кетмоннинг хислатларига замонлар оша қойил қолаверамиз.

Тарихийлик, давр руҳи ҳамма реалистик асарларда ҳам бўлиши керак. Аммо шундай асарлар борки, уларда реализмнинг бу хусусияти давр учун типик бўлган тарихий шахслар характери-ни яратиш орқали ифодаланади. Бундай асарларда давр руҳи энг аввало тарихий шахслар характерига боғлиқ бўлиб қолади. Ойбекнинг «Навой» романи мана шунақа тарихий асарлардан-дир.

Тарихий конкретлик асосан тарихий даврнинг умум руҳи ёзувчи томонидан ўйлаб чиқарилган характерлар орқали ифодаланган асарлар ҳам бўладики, уларда ҳам тарихий руҳ — конкрет даврнинг руҳи бошқа асарлардагидек биринчи планда туради. Аммо тарихий руҳни ифодаловчи характерлар ёзувчи фантазиясининг маҳсули ҳисобланади. Бундай асарларда тарихий шахслар қатнашиши ҳам мумкин, қатнашмаслиги ҳам. С. Айнийнинг «Қуллар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романлари шу хилдаги асарлар жумласига киради, аммо «Қутлуғ қон»да конкрет тарихий шахслар қатнашмаган. Биз анализ қилаётган «Ўткан кунлар»да ҳам асар марказида турган образларнинг аксарияти тарихий шахслар эмас. Бироқ унда «Қуллар»дагидек умумтарихий руҳ асосан ўйлаб чиқарилган характерлар орқали ифодаланади, тарихий шахслар, тарихий воқеалар эса ўша асосий характерларни тасвирлашга бўйсундирилади. Бу «Ўткан кунлар»нинг тарихийлик даражасини белгиловчи хусусиятлардан биридир.

Шуни ҳам айтиш керакки, асарнинг тарихийлик даражасини фақат бош характерларнинг тарихий ёки тарихий эмаслигини аниқлаш билан белгилаб бўлмайди. Масаланинг иккинчи бир муҳим томони бор: бу тасвирланаётган характерлар билан тарихий воқеалар орасидаги муносабат масаласидир.

Ойбекнинг «Навой» романи ўзбек адабиёти тарихида том маънодаги тарихий романдир. Унда бош характерлар, хусусан, Алишер Навоий характери ўша давр учун типик бўлган ва бутун мамлакатни ларзага солган воқеалар тизмаси орасидан олиб ўтилади ва ёзувчи кўпроқ қаҳрамоннинг ўша воқеаларга муносабати, бу муносабат натижасида қаҳрамон онгида вужудга келган психологик ҳолат ва ўзгаришларни тасвирлайди.

«Ўткан кунлар»да характерлар ва воқеалар муносабати бирмунча бошқача йўллар билан белгиланади. Бунда катта тарихий воқеалар билан романнинг бош характерлари орасидаги муносабат сюжетга негиз қилиб олинган эмас. Романнинг асл сюжет негизи учун оилавий ҳаёт масалалари юзасидан кишилар орасидаги ўзаро муносабат олинган бўлиб, тарихий воқеалар ва бошқа масалалар эса мана шу сюжет негизининг асосий йўналишига таъсир этувчи куч сифатида қўллангандир.

Отабек — асарнинг бош қаҳрамони, ўз замонасига нисбатан

яхши хислатларга эга бўлган кишилардан. У мавжуд тартибнинг ҳаёт талабидан узоқ эканини билади, дунёда бундан бошқа тартибнинг борлигига ҳам ақли етади (у русларнинг ҳаёт тартиби билан таниш), янги бир тартибни орзу ҳам қилади. Лекин Отабек янги тартиб учун курашмайди, курашувчиларни ахтармайди. У тарих тараққиётига нисбатан маълум даражада пассив муносабатдадир.

Агар Ҳомид билан боғлиқ тасодифлар бўлмаса эди, Отабек ўз характерининг мантиқи — ўша бепарволиги, маълум даражада пассивлиги билан тарихий воқеалар гирдобига балки тушмаган ҳам бўлар эди. Романда қаҳрамон билан тарихий воқеалар муносабати шундай белгиланганки, тарихий воқеалар Отабекни алғов-далғов қилиб туради, гоҳ ўз гирдобига тортади, гоҳ итаради. Ҳомид билан бўлган муносабат ва Азизбекнинг исёни уни тарих гирдобига тортган бўлса, ўша тарихий воқеалар муносабати билан ёзилган икки хат уни икки марта фақат ўлимдангина қутқариб қолмай, балки тарихий воқеалар гирдобидан узоқлаштиради ҳам. Воқеалар гирдобига тушганда ҳам, узоқлашганда ҳам унинг ҳаётга муносабати пассив.

Демак, Отабек тарихнинг маҳсули, аммо тарихни яратувчилардан эмас. «Ўткан кунлар» романининг маълум даражада чегараланган томонлари ҳам мана шу тарих билан шахслар ўртасидаги муносабатга боғлиқдир.

ИНСОНИЙ ГЎЗАЛЛИК ВА ЗУЛМАТ

Отабек характерини тасвирлашда А. Қодирийнинг ижодий услубига хос бир хусусият сезилиб туради, у қаҳрамондаги инсоний гўзалликларни зўр эҳтирос билан таъкидлайди-да, шу гўзалликлар эгаси бўлган қаҳрамонни ҳаётнинг оғир, мудҳиш шароитига олиб бориб қўяди. (Бу услуб, Қумушбиби, Юсуфбек ҳожи каби образларни тасвирлашда ҳам ишлатилади). Ўша гўзалликлар зулмат ботқоғида қандай барбод бўлаётгани ва топ-талаётганини китобхон кузатиб боради. Романнинг китобхонни мафтун қиладиган, унга зўр таъсир ўтказадиган жиҳатлари ҳам мана шу инсоний гўзаллик билан ўша давр зулмати орасидаги зиддиятларнинг жонли тасвирланишидир!

Асарнинг бош қисмида конфликт, ҳаёт зиддиятлари асосан икки йўл билан: тарихий воқеаларнинг кишилар тақдиридаги акс садоси сифатида ҳамда шахслар (Ҳомид, Отабек, Қумушбиби) манфаатлари тўқнашувлари натижаси тарзида берилди. Бу икки йўл, ҳар қанча типик бўлмасин, романнинг кейинги ривожини учун етишмас, ёзувчи олдида турган эстетик мақсад эса кенг кўламли талаб қилар эди. Бунинг устига автор тасвирланаётган давр ҳаётидаги мавжуд зиддиятларни — инсоний гўзалликларни топтаб турган кучларни англаган, уларни жонли тасвирлаш кучига эга бўлган ёзувчи эди.

Ҳаётда зиддият туғдирувчи кучлар ҳар хил бўлади. Аввало, уларнинг ҳаммаси ҳам ижтимоий тартиб билан узвий боғланади. Бинобарин, боғланишнинг боғланишдан фарқи бор. Баъзи кучлар борки, улар ҳаётда тасодиф қоидасига биноан ҳаракат қилади. Масалан, Ҳомиднинг қилмишлари ижтимоий тартиб билан билвосита боғланади. Ҳаёт зиддиятликларини яратадиган баъзи кучлар эса мавжуд ижтимоий тартиб билан тўғридан-тўғри боғланган бўлади. Масалан, Отабекни алғов-далғов қилган тарихий воқеалар — Азизбек билан хон ораларидаги муносабатнинг бузилиши, ҳокимларнинг марказга бўйсунмаслиги, шунинг натижасида келиб чиқадиган ўзаро қарама-қаршиликлар, урушлар, булар ўша ижтимоий тартибнинг бевосита мевасидир. Бундай зиддиятнинг бир хусусияти шуки, у ижтимоий тартибнинг сал бўлса ҳам ўзгариши билан ё зўрайди, ё сусаяди. (Тарихда бунга далиллар жуда кўп). Демак, бундай кучлар нисбий, ўтқинчи бўлади.

2- Ҳаётда инсоний гўзалликни топтаб келаётган шундай кучлар ҳам бўлганки, бу кучли тасодиф қоидасига бўйсунмайди. Шуниси ҳам борки, улар кам ўзгарувчандир. Ижтимоий ҳаётдаги кичик ўзгаришлар бундай кучларнинг ўзгаришига дарров таъсир қилмайди. Бу кучларнинг ўзгариши учун ижтимоий ҳаётда революцион бурилишлар бўлиши керак. Бу бурилишлардан кейин ҳам неча ўн йиллар унга қарши курашиш лозим. Абдулла Қодирий инсон гўзаллигини топтаб келаётган шундай кучларни ҳам англай олган ва характерлар тақдирини бу кучлар замирида тасвирлашга муваффақ бўлган.

Мана, асрлар давомида наслдан наслга ўтиб келган, феодал тартибдан етарли «ўғит» олиб зўрайган, тасвирланаётган даврга келиб гўлаб кетган урф-одатнинг бир кўриниши бўлган «ота-ана орзуси».

Ота-она орзуси... Ўзбекчиликнинг бу одати қанча-қанча соф инсоний ҳис ва муҳаббатни, инсоний гўзалликларни ўз оловида куйдириб юбормади. Ота-она орзуси деб қанча-қанча гул гунчалари очилмай сўлмади. Бу мудҳиш ўтмиш сарқити ҳозир ҳам озода, бахтиёр ёшларимизнинг олдида баъзан гўл бўлиб турмайдими?

Романда А. Қодирий ҳаётнинг мана шу зиддиятларидан унумли фойдаланган.

Бу ерда романга ҳаётнинг янги проблемаси келиб қиради. Аммо бу қуруқ проблема ҳам эмас, шаблон ҳам эмас, балки жонли образ, характер — Отабекнинг онаси Ўзбек ойим образининг ифодасидир.

Абдулла Қодирий бунгача романдаги баъзи образлар каби (Мусулмонқул образи) Ўзбек ойим образини ҳаракатга солишдан олдин унинг характер мантиқини яратади ва шу орқали китобхонни бу образ муносабати билан келиб чиқадиган ҳаёт зиддиятларига тайёрлайди.

Мана, Ўзбек ойим. У «...элли беш ёшлар чамали, чаладум-

бул таъбиатли бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур эди. Унинг ўткирлиги ёлғиз эригагина эмас, Тошканд хотинларига ҳам ёйилган эди. Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб, тўйларида, азаларида, қисқаси, тиқ эткан йиғинларида уйланининг тўрини Ўзбек ойимга атаган эдилар. Бир бугина эмас, қиз чиқаратурган, ўғул уйлантирадирган, суннат тўйи қиладирган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар. Ўзбек ойим аралашқан тўйли хотинларнинг кўнгилларидаги орзу-ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар, чунки «Ўзбек ойим шундоғ буюрдилар», деган сўз эрлар учун ҳам фарз каби эшитилиб, Ўзбек ойим айтганича ҳозирлик кўрила бошланар эди. Бу томондан қараганда Ўзбек ойимнинг ўткирлиги эрлар томонидан ҳам тасдиқ этилганлигини иқрор қилишга тўғри келади.

Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга «кавушим кўчада қолган эмас», деб бормас эди. Шунинг учун хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шаҳарнинг энг бахтли хотинларидан санаб, «менинг тўйимни бекойим ўз қўллари билан ўтказдилар» — деб мажлисларда ифтихор билан сўзлаб юрар эдилар. Ўзбек ойимнинг обрўси ёлғиз шулар билангина чекланиб қолмас, уни ўрда хонимлари ҳам эҳтиром қилиб, ўзларининг «онахонлари» деб билар эдилар. Шунга кўра, қайси бир вақтларда ўрда ясовуллари Юсуфбек ҳожининг эшитига арава кўндаланг қилиб, «ўрда беги ойим буюрдилар», деб Ўзбек ойимнинг ясаниб чиқишини кутар эдилар. Бу томон билан қайси бир мажлисларда Ўзбек ойим хотинларнинг эсларини ҳам чиқариб юборар эди: «Кеча ўрда беги ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормаи аравани бўш қайтардим... Бо худо, ўрда бекаси бўлса ўзига, дедим», дер эди. Баъзан: «Ўткан кун ўрдага борган эдим, хонимлар ётиб қоласиз, деб қўймадилар, ноилож бир кеча ётиб келдим», деб сўз орасига қистириб кетар эди. Бу сўзларни эшиткучи хотинлар ўзларининг қандоғ бир хотиннинг суҳбатига нўил бўлганларини ўйлаб, Ўзбек ойимнинг эҳтиромини тағин ҳам кучайтирар эдилар.

У ўз уйида ўлтурганида ҳам устидаги атлас кўйлак билан адрас мурсаги, оқшойи дакана билан қаҳрабо тасбеҳни қўймай, қиш кунлари танчада пар ёстиққа суялиб, ёз кунлари айвоннинг тўрига ястаниб Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага ҳамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди» (105—106).

Қонда-қонунларни, урф-одатларни тўла ва маҳкам тутадиган ўзбек онасининг мантиқ портрети аниқ ва равшан чизилган! Бундан ҳам аниқ чизиш мумкинмикин?

Отабек ўз хоҳиши билан севганига, унда ҳам четдан, бошқа бир шаҳардан — Марғилондан, ота-она розилигини олмасдан (Азизбек марказий давлатга қарши ғалва кўтариб, мамлакат безовталиikka тушиб турган бир найтда Тошкентга бориб — ота-она розилигини олиб келишни ўйлаш ҳам қийин эди. Демак.

вазият реалистик белгиланган), ота-она орзуси билан ҳисоблашмасдан уйланиб қўйди. Ҳамма ишда элга ўрнак ва раҳбар бўлиб юрган Ўзбек ойим ўғлининг бу қилмишларига рози бўлармикин? Агар рози бўлмаса, қаҳрамон тақдири ва унинг гўзал муҳаббатининг келажаги қандай бўлар экан — асарнинг китобхонни хавотирга соладиган, уни безовта қилиб, юрагини тирнайдиган нарсa ана шунда.

«Отабекнинг Марғилондан уйланиб қўйиши отаси учун унча ризосизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғул тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб, «бунинг қизи яхши бўлса ҳам уй-жойлари ярамас экан, бунинг уй-жойлари тузук бўлса ҳам қизи кўрксиз экан, бунинг қизи-да, уй-жойларида тузук, бироқ зоти паст экан!» — деб қиз, қуда, уй-жой; насл ва насаб текшириб юрғувчи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб, бунинг орқасидан кўратурган орзу-ҳавас, тўю томошаларни шартта кесиб қўйган бу уйланишга нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди. Битти-битти ўғли Марғилон деган жойда, аллакимларнинг қўлида, асли номаълум кишиларнинг қизига уйлансин-да, бугун-эрта ўғлимнинг орзу-ҳавасини кўраман, деб энтикиб ўтурган ва ўғил боқиб катта қилган она — Ўзбекойим, икки қўлини бурнига тиқиб қараб қола берсин...

Бу хабарни Ҳасаналидан эшитган кунлари ул бу ишқа чидаб туролмади: «Энди менга мундоғ ўғил керак эмас... Оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим... Энди Тошкандга келмасин у ўзбошимча бетиюқ!» — деб бақириб-чақириб, йиғлаб-сиқтаб, дарду ҳасратни бошига кийиб олди» (106—107).

Гап шунга келадики, Отабек — бр неча инсоний фазилатлар ва гўзалликлар эгаси, энди ота-она орзу-ҳавас чангалига келиб тушади.

«Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас Марғилондан Отабек келди, Ўзбек ойим уч ойлаб кўрмаган ўғлини қучоғига олиб кўришмак ўрнига ундан юзини ўгириб, сен кимсан, келдингми, деб сўрамади ва саломига алиқ ҳам олмади, гўё ухламоқчи бўлган товуқдек ҳурпайиб олди» (107).

Шундай қилиб, Абдулла Қодирий Отабек ва бошқа бир неча характерлар тасвири учун муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган, ўша даврга хос яна бир ҳаёт зиддиятларини пайқаб олган ва бу зиддиятга сабаб бўлувчи характерлар, шу ҳисобдан Ўзбек ойим характери логикаси усталик билан белгиланади.

* * *

Абдулла Қодирий воқеалар тасвирида натурализмдан узоқ. У романнинг асосий ғоясига нисбатан мос бўлган воқеаларни ҳар тарафлама кенг тасвирлайди, ўқувчи кўзи олдида равшан гавдалантиради. Кам маънили воқеаларни кенг тасвирлашга уринмайди. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи санъатнинг мувофиқлик қондасига, ички вазнига қатъий бўйсунди.

Санъаткор учун бу қоида нақадар муҳим эканини доим қайди қилиб туриш зарур деб ўйлаймиз. Ахир, баъзан шундай ёзувчилар учрайдики, тасвир қилинаётган воқеа асарнинг умумғояси нуқтаи назаридан, мувофиқми, йўқми — бу билан уларнинг ишлари йўқ. Улар учун ҳар қандай воқеа ҳам асарда тенг ҳуқуқли — тенг ўринли ва тенг эътиборлидир. Бошқача қилиб айтганда, улар воқеаларни чегаралай олмайдилар. Жонли воқеалар билан бир қаторда асарда жонсиз воқеалар ҳам баб-баравар ўрин олаверади. Натижада, асарнинг умумғояси хиралашади, ҳаётнинг натуралистик картинаси яратилади. Натурализм эса реалистик санъатнинг душмани.

Отабекнинг Марғилондан Тошкентга келиб-кетиб туриш воқеаларини эслайлик: Ўзбек ойимнинг характер мантиғи батафсил чизилгандан кейин Отабекнинг Марғилондан Тошкентга биринчи келиши воқеаси, хусусан, Ўзбек ойимнинг ўғлига бўлган муносабати кенгроқ тасвирланади. Масаланинг бошқа томонлари билан ёзувчининг иши бўлмайди. Кейин Отабекнинг иккинчи марта айланиб келиши воқеаси унинг биринчи келиши воқеасига нисбатан анча ихчам тасвирланади. Мана, асарнинг ўша жойи: «Отабек Тошкандга қайтиб келиб, «энди араз битгандир» деган ўйда онасиға салом берадир. Араз битиш қаерда, Ўзбек ойимнинг ўғлига қарши кинаси тағин бир неча қат ортқан, аммо бу гал салом бергувчига бир қайдир-да, «Ўғлим, менга салом бериб нима қиласан, марғилонлик онангнинг дуосини ол!» — деб юзини четга ўгирадир. Ул онасининг бу киноясини қулғилик билан кечириб, яна эскича аразда қола берадирлар» (107). Мана, пайти келганда бутун бошли асар бўладиган бир кишининг Марғилондан Тошкентга келиб-кетиши тўғрисидаги воқеа тўртбеш сатрдагина изоҳ қилинган, яъни бу воқеанинг фақат энг керак, энг зарур жойи олинган. Бундан кўни ҳам ортиқ бўларди.

Отабекнинг кейинги келиб-кетиши ҳам ўша ихчамликда тасвирланади: «Отабек яна ўн беш кунни ўтказиб, тағин бир нозик сабабни ўртага ташлаб, онасининг рухсатисиз Марғилонга жўнаб соладир. Тағин Ўзбек ойимнинг ранги ўчган, қони қочган, товоқни косага, чўмични ииёлага уриб доду фарёд.: «Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими? Ўғлингизнинг бу иши бежиз эмас: марғилонлик сихр қилдими, жоду қилдими, ҳайтовур сиз шу йўсинда юрўй берсангиз эртаиндин ўғулдан ажраласиз. Бу калвак ўғлингиз марғилонлиқнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир...» Аммо Юсуфбек ҳожи хотинининг сўзини бу гал ҳам эламайдир, фақат: «Қўя бер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кунни эсини топар», деб қўядир». (107—108).

Бундан кейингиси эса яна ҳам ихчам: «Бир ярим ойлар вақтини Марғилонда ўтказиб, Отабек Тошкандга келади. Тағин онабола ораларида кина-қудурат... Тағин араз... Ўн беш кун ўтмасдан яна Марғилон сафари, яна Ўзбек ойимнинг ғиғони фалакда, Марғилонлиқнинг сихрчи-жодучасига ўлим тилаш, мени ўғлимдан ажратса, ўзи ҳам севганидан ажрасин, деб қарғаш...» (108).

Кўриниб турибдики, ўрин ва эътибор нуқтаи назаридан, Отабекнинг ҳар бир келиб-кетишининг тасвири ихчамлаша боради.

Бундан кейин ёзувчи Отабекнинг Марғилонга қатнашининг етти-саккизга етганидан юзакироқ қилиб хабар беради. Аммо унинг ҳар бир келиб-кетишини батафсил тасвирлаб ўтирмайди. Чунки қаҳрамоннинг келиб-кетиш тарихлари асар олдига қўйилган эстетик вазифа ва ёзувчининг услуби нуқтаи назаридан кам мувофиқ эди. Шу билан бирга, ёзувчи бу келиб-кетиш воқеаларида асар ғояси учун зарур бўлган жойларини — Ўзбек ойимнинг ўғлига бўлган муносабатини танлаб ола билади ва худди шу жойини ўз меъёрида тасвирлайди.

Хўш, асарнинг бу ерларида ёзувчини чегаралаган меъёр ва мувофиқлик қондаси нимада кўринади? Буни ёзувчининг умум-услубидан ахтариш керак. Шундагина биз тўғри хулосага кела оламиз ва бу масалани тўғри ҳал қила оламиз.

Юқорида айтганимиздек, ёзувчининг Отабек характерини тасвирлашдаги асосий услуби — реал вазиятни кескинлаштира бориш ва бу кескин вазиятда қаҳрамоннинг олижаноб хусусиятларини — ундаги гўзалликларни оғир синовлардан ўтказишдан иборат. Эслайлик, илгариги вазият оғирликлари давр ижтимоий ҳаётидаги разил кучлар муносабати билан пайдо бўлар ва Отабекни алғов-далғов қилиб турар, аммо Отабек унда ўзини кучли, шердек ҳис қилар эди. Мусулмонқул унга бекорга «довюрак йигит экансан» деган эмас. Отабек назарида бошга тунадиган энг оғир иш ўлимдан нарига ўтмас эди. Эндиги вазифа жуда нозик — ота-она орзуси асосида пайдо бўлди. Бу шароитда Отабек ўзини анча ожиздек сизди. Бу кучга қарши туриш оқибати ўлимдан ҳам оғир ҳолатга олиб келиши мумкин эди. Бу Юсуфбек хожи тилидан баён қилинган:

«Ўғлим, сан онангнинг гапига аччиғланма, ул ҳар нарса деса, фақат Марғилондан уйланганингга қаршйлиғидан айтадир. Аммо меңдан сўрасанг, Марғилондаги ға қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмайман, балки бизга қудда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли, ўғлим, дейман. Санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаған ота-она соғқа ҳисобланмайдир. Сан бунга яхши ишон. Аммо бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз сенга етишиб келмас экан, бунга ҳаққнинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма. Ўғлим, бизнинг сандан бошқа умид нишонамиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўриб ўтатурган барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сангагина қараб қолган. Биз худои таолога минглаб шукур айтамызки, сен бошқаларнинг фарзандидек эсли-хушли бўлдинг; кишилардек сен билан ифтихор қилолмасак-да, сан орқали хижолат чекмасимизга ишондик. Айниқса, онангнинг сенинг туфайли кечиратурган умидлари тобора ортиб борди. Буқун онанг сенинг олдинга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам орага тушиб сендан сўраймиз: сен

Ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг сенга муборақ бўлсин. Эскилик даъвосида юрган ота-онанг тилаги, албатта, шундан бошқа бўлмас. Шу билан бирга сенинг сабаби вужудинг бўлган бир киши ўз ҳаёти ичида боласи орқалиқ бир орзу-ҳавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда...» (110—11).

Ота-она орзуси Отабекнинг ҳаётдаги қатъий принципларидан бирига — аёлларга инсоний муносабатда бўлиш, уларга бекордан-бекорга озор беравермаслик, ўз севгилиси билан умрбод тинч-тотув яшаш идеалларига болта урди. Отабек идеалига келиб тегаётган бу зарба қушбеги доридан даҳшатлироқ, Мусулмонқул жаллодларининг ойболтасидан ўткирроқ эди. Қушбеги дори, Мусулмонқул жаллоди Отабек назарида, шунингдек китобхон назарида ҳам қора куч — унга қарши туриш унчалик қийин ва огир ҳам эмасдек эди. Ота-она орзуси эса — бу ўша давр жамияти, шунингдек, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим сингари ота-оналар нуқтаи назаридан (демак, объективликдан кўра субъектив) гўзалликка даъво қиладиган кучдир. Отабек ва Отабек савиясидаги кишилар фикрича, бу, албатта, гўзал куч бўла олмайди. Аммо Отабек ва Отабекка ўхшаганлар ўз жамияти, ўз ота-онаси нуқтаи назаридан «гўзал» бўлган кучлар билан ҳисоблашмасликка иложлари йўқ эди. Демак, бу ерда икки гўзаллик мазмунан субъектив (Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойим характеридаги) ва мазмунан объективроқ (Отабек характеридаги) гўзаллик ўзаро тўқнашади.

Ҳа, Отабек руҳан кучли шахс. Кучли паҳлавонлар ўзига яқин, лекин унга нисбатан кучи кам кишилар билан кураш майдонига чиқиб қолсалар, йиқилиб қўя қолишни афзал кўрадилар. Отабек ҳам мазкур вазиятда ўзини худди шундай ҳис қилар эди. Демак, Отабекда пайдо бўлган бу кучсизлик унинг кучлилигидан келиб чиқадиган ҳолатдир.

Тўқнашувчи кучлар ва уларнинг нисбат ўзгариши Отабек характерида тасвирлашдаги ёзувчи услубига таъсир қилади. Бунгача ёзувчи кўпроқ вазиятни тасвирлаб, ўша вазият муносабати билан Отабек характерида очишга ҳаракат қилар ва бу йўлда муваффақиятларга эришар эди. Энди ёзувчи бу услубдан бутунлай кечмаган ҳолда қаҳрамоннинг руҳий диалектикасини — унда рўй берадиган руҳий ҳолат алмашишларини тасвирлаш билан унинг характерида очишга ҳаракат қилади, «Отабек ҳамон сукутда, Ўзбек ойим бўлса, боши билан «шундоғ» ишорасини берар эди. Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг руҳи ва асосини бир даража айтиб ўткан. Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўгли бўлиб эшиткан эди. Тўғриси ҳам ул дадаси томонидан сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлган кучга молик эмас, бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди. Ул томондан, шундай орзу-ҳавас учун бола ўстирган ота-онани мукофотландирмакчи ва отаси айтган хижолат чектирмайтур-

ган ўғуллардан бўлмакчи эди эрса ҳам, иккинчи ёқдан, ўзини асир эткан шаҳло кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз, деб қичқирарлар эди. Тўғриси ҳам уни ота-она мукофотига қарши оёқлантирмоқчи бўлган нарса ҳалиги кўзларгина, аммо бунинг бу исённамо ҳаракатида бошқа унсурлар қидириш ва чиқариш, албатта, ўринсиз тушар эди. Ота-она орзусини ифода этишдан бир сония ҳам ўзининг кўз ўнгидан ҳаёли кетмаган анув илоҳий муҳаббат учун ҳеч бир турли камчилик келмасига ишонса ҳам, ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди. Отабекча энг позик саналган бу масала қаршидаги жавоб кутиб ўтургувчиларни ниҳоя зериктирди» (111).

Отабекни бунгача бир неча бор тубсиз жар лабида кўрганмиз. Лекин унинг бирон марта иккиланишини, ўз кучига шубҳаланиб, иродасизлик қилганини, ўзини заиф ҳис этганини кўрган эмасмиз. Мана энди Отабек яна бир бор тубсиз жар лабида (у ҳаётнинг энг зарур манбаи — муҳаббатни ота-она орзусига қурбон қилаётир). Бу гал у заиф чиқди.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ КОЛЛИЗИЯЛАР БИРЛИГИ

Отабек характеридаги очишдаги бош услубнинг ўзгариши — ёзувчининг қаҳрамон ички дунёсининг психологик картинасини чизишга ўтиши бадий воситалардан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Ёзувчи қаҳрамон характеридаги ички ва ташқи коллизияларни, ўрни келганда буларнинг бир-бирларига боғланиб кетган жойларини тасвирлашга ўтади.

Отабек — ўша муҳит фарзанди — ота-она орзусига ўз оғзидан розилик билдирди. Демак, у қабиҳ муҳитни ёриб чиқа олмади. Иккинчи томондан, унинг қалбида жўш урадиган бошқа куч ҳам бор. Бу — муҳаббат кучи. Мана шу икки куч — заифлик, муҳитни ёриб чиқа олмаслик (бу ҳам куч-да), муҳаббатни қўлдан бермасликка интилиш (бунинг куч эканига шубҳа йўқ) қаҳрамоннинг қалбига сиғмас, худди уни ёзиб, бузиб юбораётгандек бўлар эди. (Кишининг бахти ва бахтсизлиги санъатнинг доимий объекти бўлиб келаётир-ку!)

...Мана, Отабек ота-она орзусининг амалга ошиши масаласи кун тартибига қўйилгандан сўнг Марғилонга жўнамоқчи. Бироқ «унинг бу галги Марғилон йўлига қўзғалиши ортиқча бир оғирлик билан, иккиланиш билан ўралган эди. Кумушбиби учун дунёга сиғмаслик бир шодлиқнинг кўргучи кўзларига ишона олмаслик бир бахтнинг бу гал кўтариб бўлмайтурган бир қайғу, чидаб бўлмайтурган бир ҳасрат бўлиб боришини у яхши тушунар эди. Ҳар гал Марғилонга борганида олиб борадиган нафис совғалари бу гал жуда заҳарли, ортиқча аламли бир совғага айланган, Кумушбиби бу совуқ кундош совғасини кўрганда, эҳтимол... нималар бўлар ва қандоғ ҳолларга тушар эди. Бу муд-

қаш совгани, эҳтимолки, унинг ота-оналари ҳам қабул қилмас-лар: бирдан-бир ёлғиз қизлари учун бундай гапнинг ярашмасини айтиб: «Совганг ҳам керак эмас, ўзинг ҳам!» — деган жавоб билан юзига ҳам урарлар. Мана, унинг бу галги оғир ҳаракати бил қўзғалишига нималар сабаб эди» (112).

Бу ерда китобхонни қизиқтирадиган нарсга фақатгина Отабек қалбидаги ички коллизия бўлмай, балки Қумушбибидаги ўзал муҳаббатнинг қурбон бўлаётганини қайд қилиш ҳам ўқувчи дилини тирнайди. Ёзувчи қаҳрамон характеридаги маълум бир томонини тасвирлашга киришар экан, кейинги ғиштларни ҳам мана шу сфера заминига то ниҳоясига етгунча қўйиб бораверади.

Мана, ~~О~~табекнинг Марғилон йўлидаги кайфиятининг тасвири: у «отининг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаригидек юрак ошиқишлари ичида отни тез юришга қистамай, сувга тушган нондек бўкиб-бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқмилиғига ҳам тушунмай кета берадир» (112).

Бундан кейин асарда Отабек кайфиятига мос табиат манзараларининг тасвири берилади. Табиат тасвирини ҳар хил бериш мумкин, яъни қаҳрамон кайфиятига мос ҳолда ҳам, контраст ҳолда ҳам тасвирлаш мумкин. Ёзувчи иккинчи йўлни танлайди. Умуман, Абдулла Қодирий пейзаж тасвирида анчагина зиқна ёзувчилардан. У пейзажга тез-тез мурожаат қилавермайди. Мурожаат қилган тақдирда ҳам ундан унумли фойдаланади: «Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сөйлар; кўк-қизил; қора-оқ; сариқ-зангор; пушти-гўлас ва тагин алла қанча рангли чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнггиб аранг етишкан ошиқлариға янги ҳаёт, янги умид берадилар. Қиш бўйи аллақайси гўр осларида жунжиб чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар; саъвалар ва бошқа аллақанча қуш туркумлари ўз тўплари билан вижир-вижир; чуғур-чуғур сайраб куладирлар, ер юзини тутган чечак гиламлари устини ўпиб ялайдирлар, ётиб чўқийдирлар; сапчиб учадилар... узоқ-узоқдан какку қуш ҳам арзи вужуд қиладир: «какку-какку» (113).

Ёзувчи қаҳрамон кайфиятини кенг осмон саҳнида эркин учиб юрган қушларга қарама-қарши қўяди. Отабек бир қалдирғочнинг учиб боришини кузатади. «...бир қалдирғоч, тўғриға қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, суйганининг олдига тезроқ етиш учун шошадирғандир: сайроғи ҳам севганининг кўриш шодлиғи учундир... Бахтлиқ қалдирғоч: олган совгаси ҳам кўрқинч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир! Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, икав-икав суйган-суйганини оладирлар-да, тоғларда, ерларда; кўкларда учиб юрий берадирлар. Мен ҳам шу қалдирғочдек, унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим» (113).

Қалдирғоч Отабекка ўз аҳволини эслатади: «Унинг қалдир-

ғочлиқ қаноти ота-она мукофоти билан қайрилган. Унга учас эрк бермайдилар. Лекин ҳайвон, унинг қайрилган қаноти қарамасдан, ўзининг эски адим ташлашида қирлар, тоғлар оғ сувлар кечадир; етти-саккиз қайта бориб келган таниш шаҳри интилгандан интила берадир. Бу ошишлар, бу кечинлар у вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиш бағишлаган бўлади. Бу гал уни нафратлантирадилар, бормай қайтиш фикри ҳақдан ҳали кўнглига келиб турадир» (113).

Абдулла Қодирий қаҳрамон ички дунёси психологик тарбиясини чизишда бутун борлиқ муҳитдан фойдаланади. (Асарнинг бошларида тўй олди пайтларида Кумушбиби психологизмсини чизишда ёзувчи шундай қилган эди). Аммо у асарни психологизм билан тўлдириб юбормайди.

Мана, «узоқда қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи берадир: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардини!», «Ҳуқуқ кучлиқ кўкракдан чиққан бу ашула теварани зир-рақариб юборгандек Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир. Ўн бу деҳқон унинг истиқболидан ҳикоя қилгандек бўлади. Ўн байт деҳқоннинг оғзидан яна такрорланиб, тағин теварани оғиратадир. Энди Отабекнинг кўнглидан бир гап ҳам ўтиб кетадир: «Икки ёрни ажраткучи бу фалакнинг гардини эмас, ота-онанинг орзуси!» Ўзининг сирли маъносига Отабекнинг истиқболи олиб кўринган бу байт ниҳоят уни йиғлатадир.

Х Кўз ёшлари юзи орқалиқ эгарнинг қошига ва отининг қаноти тома бошлайдир»... (113—114).

Деҳқоннинг ашуласидаги маъно Отабекда ҳозиргина пайдо бўлган ўз аҳволини эркин қалдирғочга контраст солиштириш кайфияти билан уйғунлашади ва булар ҳаммаси йиғилиб, Отабек ҳиссиётини кенгроқ очиб беради. Бир қараганда асарнинг бу ерлари психологизм билан тўлиб-тошиб кетгандек сезилиши мумкин: пейзаж контрасти, қалдирғоч лавҳаси, деҳқон ашуласи ва ҳоказо. Лекин чуқур психологизмнинг романдаги асосий усуллардан экани назарда тутилса, бу хусусда ёзувчининг айтишига асос қолмайди.

Отабекнинг психологизми хусусида масаланинг бир томонини алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Бу асарда баъзан-баъзан учраб турадиган сентиментализм масаласидир. Отабек ички қолдирғоч натижасида кўз ёш тўқади. Умуман, ҳақиқий муҳаббат, маълумки, ниҳоятда кучли ҳис бўлади. Ўз муҳаббати тўсиқлари учраганда, Отабекникидек арзимаган бир нарсага — ота-она орзусига қурбон бўлиб, кетаётганда йиғлаши табиий. Лекин ёзувчи масаланинг бу томонини бўрттиравермагани яхши эди. Отабекнинг «кўз ёшлари юзи орқали эгарнинг қошига ва отининг қаноти ёлига» томиши бир оз (ҳаддан ошадиган даражада) бўрттирилган бўлиб, романдаги сентиментализмдан дарак беради.

«Ўткан қушлар» романида ёзувчи услубига хос яна бир ҳислат бор. Бу шундан иборатки, автор асарнинг бир печасида ёки бир печасида боблари давомида китобхонни бирор оғир ноқулай

бир назийтга тайёрлаб боради. Китобхон ҳам ўзини шу нарсани бошлайди. Аммо воқеа оқими маълум бир ниҳояга келмас (бу ерда юқорида эслатилган нерепетия услуби-бошдаланиш ҳам бор) ўзгаради — салбий моҳиятли натижа берган воқеа ижобий натижа бериш билан тугайди. Бу анти-услубидир.

Муҳаббатни ота-она орзусига қурбон қилишдан Отабекдаги азоб ва бунинг оқибатида унда рўй бераётган психологик ҳолат алмашинишлари қайнатаникига келиб тушиш пайтларида кескинлашади.

Отабек ҳар томонлама қисилар эди. Унинг бу ҳолатини катта қўқурлигига тушиб қолган кишининг сув босими таъсири ҳар томондан қисилганига ўхшатиш мумкин: бир томондан ота-она орзуси — бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Иккинчи томондан, қайната-қайнана куёвнинг иккинчи уйланишдан, албатта, нафратландилар. Отабек назарида; жир-жирлар, куёвдан юз ўтирдилар. Ахир Кумуш Марғилонда рўйи, элтиборли бир оиланинг яккаю ягона ва севимли қизи, бундан қизи устига кундош тушиши ота-онага катта азоб эмас. Келгинди, деб қизини беришга зўрга рози бўлган Офтоб ҳам иккинчи уйланмоқчи бўлган куёвга қандай муносабатда бўлиши мумкин? Кумуш-чи? Бу тўғридаги бизнинг гапимиз шундан ортиқча. Китобнинг ўзига мурожаат қилайлик.

Отабек «отини Қутидорнинг йўлагига етаклар экан, негадир ўнги уйнаб кетди. Бу гал ўз одатидан ўн куплар чамаси кечик-ки учун «балки кутиб ўтургандир», деб ўйлаб, ҳалиги юрак қисқиси тагин ҳам кучайди ва йўлакдан меҳмонхона ҳавлисига киради, ихтиёрсиз отининг бўйнига суялиб, тўхтамоққа мажбур бўлади».

Чундан ҳам ул айвоннинг олдида кутиб ўтирган эди. Хаёлот билан Отабекнинг келиб кирганини сезмай ҳам қолди. Ниҳоят, бу оҳу кўзларини тўлдириб бунга қаратиб олгач, ўрнидан турди. «Очқари ҳовлисига бурилиб кета берди: Бу бурилиш маъносига Отабек аллақачон тушуниб қолган, бу ўзининг кечикиб уни куттиргани учун.. Кечикиш учун бунчалик араз қилган бу ўзининг кундаш учун қандоғ ҳолга тушмоғи маълум эди. Отабек тамом бир эсанкиранида қолди. Отини ахтахонага боғ-лаб, сонга-салом тўлдириб келган ипак хуржунни кўтариб ич-киргизди кирди». (114).

Бу куёвнинг атиги ўн кун кечиккани учун қилинган араз эди. Отабек эса ҳали гаплардан беҳабар. «Суюкли куёвни йўлакда турган Офтоб ойим, қилиб турган юмушини улоқтириб, Отабекнинг олдида югурди, жонини минг тасаддуқ қилииб кўришқач, юмушини учун нечоғлик ташвишлар тортиб ва қандоғ тушлар турганини лаби-лабига тегмай сўзлай кетди. Аллақеёқларда турган Тўйбека ҳам югура келиб, сўрашмоққа уялса ҳам, аммо «қўли йигит»нинг қўлидаги хуржунини олди.

Офтоб ойим югура-югура қат-қат кўрпачалар солиб куявни

ўлтуришга таклиф қилди ва қаршилашни ҳар галгидан ошириб юборди. Лекин Отабек «бу қарши олинишларга шунинчиси қарар, букун бўлмаса эртага «ота-она орзуси» билан бу сийланишларнинг бирдан ўзгариб кетмагига имон қўйиб қайси йўсинда ўтириб олганини ҳам пайқамас эди. Офтобнинг бир қанча яхши тилаклар билан қилган дуосига ҳам ишончсиз қўл кўтарди ва машъум «орзу»нинг бундоғ яхши дуога ост-уст қилишини ўйлади.

Бунинг устига «Отабекнинг кириб ўтирганига бир неча кунга фурсат бўлса ҳам ҳамон Кумуш уйдан чиқмади-да, янада қаттиқ ушлаганча ўлтуриб олди» (114—115).

Шундай қилиб, воқеа йўналиши Отабекни оғир бир ҳолатга қайната ва қайнананинг ранжиши, ундан жирканishi сари олиб бораётир. Буни Отабек ўз шаънига номуносиб билиб, уни ҳаддан ташқари ҳақоратланаётган, таҳқирланаётган деб билиб соблар эди.

Аммо воқеа бирданига бахтсизликдан бахтлилик томонига ўзгаради. Бунинг сабабчиси Кумуш, ундаги олижаноб фазилатлар, гўзалликлар эди.

* * *

Гўзал... Бу сўзнинг маъноси қанчалик кенг бўлса, шунчалик сеҳрли ҳамдир: Дунёнинг барча шоир ва ёзувчиларининг илҳомини бошлаб берувчи биринчи сўздир, кишилар дилига очилган биринчи калимадир, кишилар дилига очилган биринчи илҳом тик йўлдир.

«Ўткан кунлар»да қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, ички ҳолати, ҳаракат ва қилиқлари билан ҳам ўша давр Шарқ қизлари ички гўзаллигининг намунаси бўларлиқдир. / Асардаги биринчи маротиба учрашиш пайтидаги Кумуш характери эслик: «...айни куннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз ҳам унинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ қучоғида, совиқ эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми, уйгоқ ётқан бир кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила киприк остидаги тўқ қўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўриб турибди... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари қабиридан чиқиб чиқибди, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойнинг нурини қабул қилибди, нимадир бир нарсани кўрибди... гўбурсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир кўрибди, нимадир бир нарсани кўрибди... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ қўзлари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда яхши тақдир билан қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини тикдан олиб ўлтурди. Сариқ рупоҳ атлас кўйлакнинг устига унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб тушмоқда эди. Тур...

Турсагач, бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди. Силки-
дан орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб
қўйди. Бу қиз суратида кўринган малак
«Қидорнинг қизи — Кумушбиби эди!» (25).

Бу тасвирдан ёзувчи Кумушни романга биринчи бор кири-
шиш пайтидаёқ гўзалликка хос бор қобилиятини ва мавжуд им-
кониятларини ишлатиб тугатаётгандек, энди унда бу гўзал қиз-
ни тасвирлашга сўз қолмаётгандек сезилади. (Бу ерда Абдулла
Қидорий классик адабиётимиз анъаналаридан қанчалик фойда-
лангани кўриниб турибди.)

Аммо гап фақат пассив портрет ҳолатни чизишдагина эмас.
Бунда ушша гўзаллик, портрет чизиқлари орасида Кумуш харак-
тердаги психологик белгиларни ҳам бера билишдадир.

Юқорида Кумуш портретидан китобхон умумгўзалликдан
таниди, яна бир нарсадан хабардор бўлади — қиз нимадандир
кам чекади, унда қандайдир бир дард бор. Мана шу ғамгинлик,
дардкашлик Кумушнинг қилиқларида ҳам таъкидланади: «Ку-
мушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босқанликдан
буни ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ
эди. Онасининг юмушига бир оз қараб тургандан кейин ташқа-
рига томон кетди. Айвоннинг бир четидан меҳмонхонада гилам
тушиб уринган Тўйбекага қаранган бўлди-да, айвоннинг ўрта
тушига келиб суянди. Энди боягига қараганда бир оз енгил-
лангансимон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган,
оғриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар. Айвон усту-
нига суянгач, қора қийқ қошларини чимириб, кўча йўлак то-
монга қаради, бир оз қараб турди-да, айвондан ерга тушиб
яна томонга, ариқ бўйига кетди. Сув бир дўконнинг остидан
оқиб, бу хавлида уч-тўрт қулоч чамаси очик ҳавода оқар ва
кўприк -том остига кетар эди. Кумушбиби ариқ бўйидаги бир
уринни кўзлади-да, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди.
Унинг кўзлари мулойимгина сув остига оғдилар, ариқнинг му-
саффо тиниқ суви ёввошгина оқиб келар, Кумушбибининг қар-
шисига етганда гўёки унинг таъзими учун секинги бир чарх уриб
қўйди, ўз устига ўтирган соҳиранинг сеҳрига мусаҳҳар бўлган
айвон тагин бир каттароқ доирада айлангач, оҳистагина кўприк
остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини
ушш кўздан кечириб ўтиргач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини
ошди. Унинг юзини ўпиб тушган сув томчилари билан ариқ
ҳаракатга келиб чайқалди. Гўёки сув ичида бир фитна юз бер-
ган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна
тагин ҳам кучайди...» (26—27).

Кумушдаги ҳусн белгилари ва унинг қилиқларида кўзга
тошланадиган дардкашликлар — ҳаммаси бирикиб умум бир
гўзалликни тасдиқлайди.

Ёзувчи ҳам Кумуш портретини ва унинг нафис қилиқларини
ушша йўқ зўр завқ ва шавқ билан тасвирлайди. Романнинг яна
бир жойини эслайлик: мана, тўй тараддуди. «Қимдир, орадан

биттаси «Келишди!» — деб юборди. Барча қизлар уйининг давричаси ёнига уймалашиб ҳавлига қарадилар. Чундан ҳам у ёнида икки янгаси билан келган эди. Шу чоқда бизга Отабек келди эди! Нега десапгиз, у келсин эди-да, севганини бир кўрсин ва ҳаммом билан у... фақат жонгина сўрайдир, мажруҳ кўксидан ўққина отадир... Бошидаги оқ шойи рўмол, ичидаги оқ шойи кўлак, устидаги оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бағбақаларини ўраб ўлиб турган ёқа қундузларининг келишган, солиниб турган қора жингалак сочларнинг бўйин теварагига чирмангани, нурра юзларнинг буғриққани...» (54—55).

Баъзан ёзувчи бу гўзал қизнинг тасвирида ўзини оқини қилади, жумланинг охиригача давом қилдира олмайди, қалбни юришмайди, сўз топиш ҳам қийин бўлади. Шунинг учун ёзувчи кўп жойларда «уч нуқта» қўйиб кетаверади.

Юқорида эслатганимиздек, ёзувчи Кумуш портрети ва унинг нафис ҳаракатларини қизнинг психологиясига мувофиқ ҳолда тасвирлайди. Бир вақтнинг ўзида романнинг умум эстетик вакилчасига тўла бўйсундиради.

Ган фақат пассив портретда бўлмаганидек, психологик мувофиқликда ҳам эмас. Ган гўзалликдан объектив сабаб сифатида Отабек характерида рўй берадиган кескин психологик бурилишларда фойдаланишда ҳамдир.

Мана, Отабекнинг ҳар томонлама исканжага тушган пайти ота-она орзуси олдида ожизлик, қайната-қайнана олдида, хусусан ўз севгилиси олдида ранжиш хавфи. Шундай бир пайтда бу гўзал қизнинг бир «кулиб боқиши» ва нафис қилиги Отабекни бир ҳолатдан бутунлай унга қарши бўлган иккинчи бир ҳолатга кўчиради.

Отабек келган вақтда аразлаб ичкари кириб кетган Кумуш онасининг зўрлаши билан «...кетиб қолса нима қиламан?! — деган жумлани кўнглидан кечирди-да, онасидан илгарироқ, гўёки аввон тоқчасидан бир нарса оладиргандек бўлиб, ўзига термиллиб турган Отабекка ер остидан секингина бир кулиб боқди ва тоқчадан кераксиз бўган бир пиёлани олиб, яна уйига кириб кетди» (115).

Араз, бир оздан сўнг, унда ҳам онанинг зўрлаши билан ундан чиқиб «бир кулиб боқиш» баҳона билан кераксиз бир нарсани олиб яна уйга кириб кетиш (ўзбек қизларига хос хусусиятлардан) Отабекни яшин тезлигида бутунлай бошқа бир йўлга солиб қўйди.

Мана, Отабекнинг ҳолати: «Кумушбибининг бу кулиб қарашини Отабекда ажиб бир инқилоб ясаган эди. Ундаги оний бу ўзгариш жуда қизиқ ва сира ишонмаслик эди. У бу ер тегидан бир кулиб боқиш таъсири билан устидаги тоғдек босиб ётган «орзуни» ағдариб солган ва қушдек енгил тортган эди. Унинг оний бу ўзгариши шундан иборат эди:

«Уларнинг орзу ва ризолиқлари, бу ризолик шарофати билан топиладирган савоб, юртнинг юқори-қуйи гаплари — барчаси

Кумушнинг ёлғиз шу биргина кулиб қараши олдидан ўтаради».

Оний бу ўзгаришдан сўнг тараддудсиз шу қарорни кўнглидан чиқарди: «Уларнинг орзуларини буларга сўзламайман-да. Тошқинларига ҳам бормайман!»

Ундаги бу ўзгариш оний бўлганидек, жуда жиддий ҳам эди, бундан неча кунлардан бери узала тушиб ётқан чигил «бир кулиб боқиш» сеҳри билан ешилган ва Марғилонда доимий турмушликқа, деб тугилган эди... Бу ўзгаришдан кейин онадан отаона бўлиб, енгил тортди, гўёки бундан сўнг ўзиники бўлгандек қилиб ишонч ва соқит кўзлари билан унга қаради. Шу вақт у ичидаги ситамгар пари ўзининг сеҳрли кўзлари билан Отабекни яна кулиб қараб турар эди-да, гўёки шу кулиш билан ўз сеҳрининг қайси даражаларда кучли бўлганини сўзлаб фахрланар эди» (115).

Шундай қилиб, воқеа йўналиши кутилмаган бир шаклда бахтсизликдан бахтлиликка томон йўл олди. Бу бахтлилик фақат Отабекнигина эмас, балки китобхонни ҳам маълум даражада тинчлантиради.

* * *

Аммо антитезик равишда воқеанинг айланиши — бахтсизликдан бахтлилик томон бурилиши қалтис бурилиш эди. Шунинг учун бу бурилиш яна янги антитезага замин ҳозирлар эди.

Вазиятни яна бир марта эслайлик: романинг бир неча боблари давомида ёзувчи Отабекни оғир бир психологик фожиа томон — ота-она орзуси натижасида қайнана-қайната ва севгилисидан олдида ранжиш, ундан ҳам емирилиши томон элтади. Бошқача қилиб айтганда, китобхон қаҳрамонни яна бир марта жармалабди, бу гал психологик фожиа жари лабида кўради. Лекин Кумушнинг «бир кулиб боқиши» билан воқеа ўз аксига айланиб кетди. Аммо бу куй давом қилмайди. Воқеа оқими яна бирданига ҳозиргина (қаҳрамон кутгандан ҳам, китобхон кутгандан ҳам) аксига, аввалги ҳолатига айланади. Отабек назарида (шунингдек, китобхон назарида ҳам), куёвнинг иккинчи марта уйланишини эшитишиданоқ, дод-вой кўтариши керак бўлган қайната ва қайнана, ҳатто Кумуш ҳам Отабекнинг иккинчи уйланишига розилик билдирадилар. Фақат бугина эмас, балки булар бу ишга куёвни ундаш, кўндириш кўйига ҳам тушадилар. Бу Отабек учун ҳам, шунингдек, китобхон учун ҳам кутилмаган бир ҳодиса бўлди.

Асарнинг бошлариданоқ таъкидланиб келаётган Отабек характеридаги инсоний муҳаббат — романда акс эттирилаётган инсонлиқнинг бири ота-она орзусига қурбон бўлиб кетаётган бир пайтда Кумушнинг «бир кулиб боқиши» билан яна қайтадан тинчланган, ёруғ нури билан китобхон олдида Отабекни яна бир марта ёритган эди. Мана энди бирданига, ҳеч кутилмаган бир

вазиятда бу ёруғ нурни оқшом қоронғилиги ўраб олди. Қайнаган билан қайнана, улар раъйи билан ҳисоблашишга мажбур бўлмади. Қумуш Отабекдаги ёруғ нурни қора пардага ўрашга ҳаракат қилдилар. Шу билан Отабек яна психологик жар лабига олиниб бориб қўйилди.

Бу ерда шуни қайд қилиш керакки, воқеа оқимининг антигезик равишда ўз аксига айланиши романда тасодифан рўй бермай, балки ўша давр руҳи, маданий савияси — ўша даврнинг ҳаёт мантиқи билан асосланади.

✓ Ота-она қанчалик обрўли, ҳар қанча эътиборли бўлмасин, ҳаётдаги ҳукмрон урф-одатларга бўйсунмасдан, бошқаларнинг орзу-ҳаваси билан ҳисоблашмасдан иложлари йўқ эди. Одамгарчилик пардаси остида (одамгарчиликни ҳали ҳар бир синф вакили тупанар, унга ўзича амал қилар эди.) бошқаларнинг орзу-ҳаваси учун ўзининг орзу-ҳавасидан воз кечиш пайтлари ҳам бўлган-ку! Ўтмишда «одамгарчилик» учун (гарчи бунақа одамгарчилик бизнинг назаримизда сохта бўлса ҳам) «яхши одамлар» деб ном олган кишилар ҳеч нарса билан ҳисоблашган эмаслар. Бу йўлдан Қутидорникидек қизнинг оилада яккаю ягона фарзанд бўлиши ҳам ваз ж бўла олмас, бошқалар муҳаббатининг қурбони бўлиши эса ҳеч кимнинг эсига ҳам келган эмас. У замон шундай замон эди.

Ўша давр ҳаётидаги бу аҳвол Юсуфбек ҳожининг Отабекдан махфий равишда қудаси Қутидорга ёзиб юборган мактубидан жуда ишонарли қилиб қайд қилинган. Шунинг учун биз бу мактубнинг асосий қисмини кўчиришга мажбурмиз.

...«Сиз ҳурматлуларга маълумдир, бизнинг шу Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдириб қўйган туёқимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳаддафимиз (нишон — А. Қ.) фақат шул Отабекдир. Муҳтарам сиз буродаримизнинг шул ягона ўғлимизни фарзандликка қабул қилиб, аммо бизнинг келин боламизни Тошкандга юбормаганларин, бизнинг жанобларидин бўлган миннатдорлигимизни ва яна ўғлимизнинг бўлган марҳаматларини бир оз тугаллай олмадилар. Аммо биз миналари бу хусусдаги айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз, зероки, бизнинг бошимизда бўлган «ёлғиз туёқлик» савдоси сизнинг ҳам бошингизда бордир.

Начукким, Отабекнинг кўп умри Марғилонда бўлиб, бизларни ҳам сиз ўйлаган оғирлиққа солмоқдадир. Биродари азиз, сиз маним бу сўзларимдин хафа бўла кўрмангиз, зероки, фақиримиз бу сўзларни бир йўсуни келиш вазҳидан ёзиб ўтдимиз. Дунё орзу-ҳавас уйи, дерлар. Юқорида баён қилинганидек ва ўзларин билганларидек, айниқса қудачаларининг дунёга келиб кетгани шу ёлғиз ўғулнинг орзу-ҳавасидир. Жаноблари бул ишга ҳақ берурларми, йўқми, аммо азизларнинг рухсатларини олмасдан Отабекни Тошканддан ҳам тааллуқдор қилмоқчи бўлиб; бу маънига баъзи бир ҳаракатларни қилиб қўйган эрдик. Аммо бизларнинг бул раъйимизга ўғлингиз қарши тушиб ҳарчанд рад

қилса ҳам, ниҳоятида онасининг сўзини ерда қолдирмаслик учун қабул қилган эрди. Аммо бул тўғридаги сиз жанобларининг руҳ-
натларингиз баъдида жавоб бермакчи бўлиб хизматларига кеткан
эрди.

Сиз ҳурматлулар бул маънини савоб топарсизларми, йўқми,
бу жиҳати яна марҳаматларингизга боғлиқдир. Бу мактубни
дангдан қасдимиз шулким, Отабекнинг бу иккинчи тааллуққа
асло раъйи бўлмай ва яна сизларга айтмай бул тарафда бизлар-
ни хижолат чекдириб қўярми, деб ўйладиқ. Биродари кироми,
бу дунё кўрган бир кишисиз; онасининг бу талабини хўш муло-
хала қилиб кўрингиз, бу тўғрида раъйи, ўғлингизга қараганда
ҳам; фақирларича; сизларда бўлгани важҳидан; албатта кўнди-
ришга сазъ ва қўйиш қилурсиз, деб ишонамиз. Отабекнинг ик-
кинчи тааллуқи тўғрисида келин боламизга билдирилмаса хўш
эрди. Бизларнинг хурсандчиликларимиз йўлида Отабек билан
бирга Ташкадт тушиб, ўз қўллари билан тўйимизни ўтказишин-
га ишониб — Юсуфбек ҳожи ва қудачалари» (115).

Ўғлининг бу ҳол билан ҳисоблашмасликка иложи бор-
миди? Отабек ҳарактеридаги ёруғ нурни оқшом қоронғилиги
билан бостирган ўша давр ҳаёт мантиқи мактуб мазмунида яхши
икс эттирилган.

ТУГУНЛАР ЗАНЖИРИ

Биз А. Қодирийнинг воқеалар тугунини ишонарли қилиб еча
балиш санъати тўғрисида юқорида бирмунча гапирган эдик. Аммо
унинг санъаткорлиги фақат тугун ечишдагина эмас, балки би-
ринчи галда тугуннинг ўзини яратишда ҳам кўзга ташланади.
«Ўткан кунлар» романида воқеаларнинг тугунсиз ривожланган
жойи учратилмайди. Асарнинг воқеа тугунлари ҳам тартибсиз
рившда жойлашавермайди. Маълум бир бобларида бир тугун
тегиз ҳисобида хизмат қилади-да, у ечилгач, яна бир неча боб-
ларда янги бир тугун ҳосил бўлади. У ҳам ечилгач, кейинги
бобларда яна янгиси пайдо бўлаверади. Бу ҳол асардаги бош
тугуннинг ҳал бўлганича давом этади.

Масалан, романинг иккинчи қисмининг олдинги бобларида
асосий тугун «ота-она орзу-ҳавас» эди Ундан кейинги бобларда
асосий тугун «қайната-қайнана ва Қумушнинг бўлажак кундо-
шига муносабати масаласи» бўлди. Асарнинг кейинги ривож
ина янги тугунлар асосида боради.

Романда тугунлар тасодифан келиб чиқавермасдан, доим
тасвирланаётган ҳаёт мантиқи ва асарда қатнашувчи образлар
мазмуни асосида келиб чиқади. Масалан, романдаги «орзу-ҳавас»,
«кундош» масалаларига тегишли тугунлар тасвирланаётган давр
ҳаётида ҳукмрон бўлган урф-одат ва шу муносабат билан бирин-
чи томондан, Ўзбек ойим характери ва иккинчи томондан, Ота-
бек ҳам Қумушбиби характерлари орасидаги зиддиятлар ман-
тиқи асосида келиб чиққандир.

Ёки Ҳомид хотинбоз характери билан боғлиқ бўлган тугунларни эслайлик. Ўз мақсадига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, бунинг учун бор бўлган бутун воситаларни ишга соладиган хотинбоз Ҳомиднинг характери ўша замон ҳаёти учун типик эди. Асарнинг бошларида Ҳомид Қумушдек гўзал бир қизни ўзига нечанчиём хотин қилиб олиш йўлида Отабекни йўлдан олиб ташлашга ҳаракат қилиб, уни ерли ҳукумат — қушбегини билан тўқнаштирган ва шу билан асарда бир тугун яратган эди. Бу тадбир кутилган натижани бермагач, у Отабекни марказий ҳукумат — Мусулмонқул ва Худоёрхонлар билан тўқнаштирган ва бу ишда мамлакатда рўй бераётган сиёсий қарама-қаршиликларни ҳам ишгасолиб, иккинчи бир мураккаб тугунни яратган эди. Китобхон эсласа керак, бу билан Ҳомид Отабекни катта тарихий воқеалар гирдобига ҳам солиб қўйган эди (Отабекнинг бу тарих гирдобига бутунлай тушиб кетмаганлиги, албатта, бошқа гап).

Асар саҳифаларида кўпдан бери кўринмай қолган Ҳомид хотинбоз романининг иккинчи қисмида пайдо бўлиб, учинчи марта мураккаб тугун яратади. У Отабек билан Қумуш ораларида ҳибнатномалар ва сохтахабарлар уюштириб икки севишган орасида шум бало бўлиб суқилади. Бу гап ҳам у ўша эски ниятини амалга оширмоқчи бўлган эди.

А. Қодирий асарнинг маълум жойларида иккита-учта тугунларни бирданига яратади-да, уларни бир ип билан боғлайди, натижада фақат қаҳрамонларнигина эмас, балки китобхонни ҳам психологик зилзилага олиб борадиган катта ва мураккаб тугун яратади.

Масалан, Ҳомид характери воситасида пайдо бўлган биринчи икки тугун мамлакат ҳаётида рўй бераётган катта сиёсий масалалар ўзаро уруш ва бу урушда Отабек отасининг иштироки натижасида келиб чиққан сиёсий тугун билан бирлашиб кетади. Эндиликда эса Ҳомид фаолияти ота-она орзуси масаласи билан боғланиб кетади-да, асарда янги бир мураккаб тугун ҳосил бўлади.

Тугун яратиш бадиий асарда ёзувчи учун бирдан-бир мақсад эмас. Асарда тугунлар шунинг учун ҳам зарурдирки, улар доим ёзувчи томонидан назарда тутилган муайян гоёни ифодалашга хизмат қилади. Акс ҳолда, ҳар қандай тугун ҳам беўрин бўлиб қолиши мумкин. Шуниси харакатерлики, ҳақиқий бадиий асарда воқеалар сингари тугунлар ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан ҳар хил бўлади, ўзгариб туради ва ниҳоят, бир-бирини такрорламайди. Лекин вазифаси, ўзидаги эстетик нагрузкаси жиҳатидан улар гўё такрорланаётгандек бўлади, яъни уларнинг ҳар бири қандай пайдо бўлиши ва қай тарзда ечилишидан қатъий назар, маълум бир эмоционал вазифани бажаришга бўйсундирилади. Масалан, Ҳомид хотинбоз образи воситасида яратилган тугунларнинг баъзилари «ота-она орзуси», «қайната қайнана муносабати»дан келиб чиққан бўлиб, улар мазмун жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан

ҳам бир-бирини такрорламайди. Лекин буларнинг ҳаммаси Отабек ва Қумуш характерларидаги чуқур инсоний муҳаббатни — романда акс эттирилмоқчи бўлган инсоний гўзалликни чуқурроқ очиб бериш учун хизмат қилдирилгандир. Бадий тугунлардан шу тарзда фойдалана олиш, яъни уларнинг кучини бир нуқтага йўналтира олиш ва бир идеяни ифодалаш учун хизмат қилдира олиш, бу ҳақиқий санъаткорнинг ишидир. Санъаткор куйчилар одатда мана шу йўл билан ғоявий тарқоқликдан қочиб, минимун билан шакл бирлигига эриша оладилар.

* * *

Ҳомид хотинбоз образи воситасида вужудга келган учинчи тугун ҳам «ота-она орзуси» масаласи билан бириккан ҳолда асарнинг бош қаҳрамонлари — Отабек ва Қумуш характерларидаги асосий хусусиятларни — ҳақиқий ва зўр инсоний муҳаббат сифатларининг яна ҳам чуқурроқ очиб бериш учун хизмат қилдирилган.

А. Қодирий мазкур бадий тугундан жуда унумли фойдалана олган. Асарда инсоний муҳаббатни куйлаш қуруқ баён қилиш икки бу тўғрида сафсата сотиш йўли билан олиб борилмайди, балки эмоционал планда олиб борилади. Романнинг бу жойларида қаҳрамонлар характерини очиб берадиган икки йўл вужудга келади: бири — вазиятни ниҳоятда кескинлаштириш (бу услуб янгилик эмас, асарни биринчи қисмида ишлатилган асосий услубдир) ва шу оғир вазиятда қаҳрамонларда рўй берадиган психологик ҳолат диалектикасини оча бориш; иккинчи — мана шу оғир вазиятда инсоний муҳаббат эгаларининг гўзал хусусиятларини улуғлаш ва уни китобхон кўзи олдида жонли гавдалантириш.

Асарнинг бу жойларида ўз ниятлари ва хатти-ҳаракатлари — ҳаёт йўллари билан бир-бирларига тамоман зид бўлган шахслар катта йўлнинг чорраҳасида тўқнашиб қоладилар. Бу шундан бир ҳолатки, уларнинг тўқнашмай иложлари йўқ, чунки бу йўлларини бир-бири билан тўқнаштирадиган нуқта бор — бу Қумуш.

Отабек — ўз муҳаббатининг қўриқчиси, Ҳомид — муҳаббат ўғриси. Қотил Содиқ ва унинг онаси жосус хотин — Ҳомид қўлида қурол. Бу шахсларнинг ҳаёт йўллари Отабекнинг ҳаёт йўллари Отабекнинг ҳаёт йўлидан узоқда, лекин бир нуқтага интилганлари учун бирор жойга бориб тўқнашишлари керак. Қомилбек эса Ҳомид олдида турган ғов. Лекин у нияти холис, ўғрилиқ йўлига кирганини сезмаган бир кимса, Қомилбек ва Қутидор йўллари Отабек ва Ҳомидлар йўлидан ҳар қанча узоқ бўлмасин, булар ҳам бориб бирор жойда тўқнашиши керак. Бу йўллар бир-бирларини кесиб ўтиб кетмай, балки бир томон иккинчи томонни забт қилиши керак. Оғир вазият мана шу ҳар хил ниятдаги шахслар ҳаёт йўлининг бир-бири билан тўқнашувидан пайдо бўлади. Хоин ва ўғри кучлар китобхоннинг севикли

қахрамонларини таҳлика остига солиб қўяди. Шу сабабдан то тобхон қахрамонларнинг тақдири қандай ҳал бўлишини бу қизиқиш билан кузатади — баъзан хавфсинади, баъзан ачинади, севинади ва ҳоказо.

Китобдаги воқеалар бирикмасини эслайлик: Қутидор қувави Юсуфбек ҳожи илтимосини бажо келтирганидан хурсанд. Тошкентга бориб ўз қўли билан тўйини ўтказди. Офтоб ойим ҳам хафалигини унутиб юборгандек, Қумушбиби эса Отабекка ишонганидан кундош балосига рози бўлиб, Отабекнинг қайтиб келишини кутмоқда...

Севиклисига қилган хиёнатидан фақат Отабеккина оғир тортмоқда... Ҳамма тинчигандек, воқеалар оқими тўхтаб қолгандек.

Шундай бир пайтда воқеалар оқими кескин равишда ўз орасига ўзгариб кетади. Юқорида эслатилган антитеза асосида яхшилик ёмонликка айланади, бахт бахтсизликка ўгирилади.

Қутидор билан Офтоб ойимнинг яхшилик деб қилган ишлари «ёмонлик» бўлиб чиқади, ҳатто бу ишлар учун кўз ёши тукишга мажбур бўладилар. Буни биз, хусусан, Қумуш образига кўрамыз:

«Отасининг келишининг саккизинчи куни эди. У бу кечаси кўрган баъзи бир тушларини унинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб сочларини ешди. Сочлари орасидаги чигилларини диққат билан тараб жом ёнига ўлтурди. Унинг нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб ажиб бир манзара бердилар. Сочини қатиклаб, совунлаб ювгач, онасига иккита қилиб ўрдирди. Офтоб ойимнинг «Нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўрашига «Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди. Қизингизнинг бундан сўнг куёвингиздан бошқа совчилари ҳам йўқ», деб кулди. Аммо бу икки ўрим соч, қирқ кокилга қараганда, жуда ҳам ўзига келишиб тушиб унга яна бир қайта улуғворлик ва олийлик бағишладилар. Сочини ўрдиргандан кейин уйига кирди-да, кийимлар тахланган тоқча ёнига тўхтади. Равоқлик тоқчада унинг ўн беш чамалик асл кўйлаклари уюлган эди. Сарик рупоҳ атласини кийишга чоғлаб кўрган бўлса-да, бироқ кўйлакни олган ерида бу фикрдан қайтди. Қизининг кўкни... олма гулини... қисқаси, қайси бирисини кийишга тарадудланди. Кўйлаklar ичида ўзига ярашмайдиргани йўқ: тоқ олма учун барги ҳам, гули ҳам бор... Унинг ўзига сарик атлас хуш келса-да, бироқ ҳозир ўз хоҳишини бир ёққа қўятуриб Отабек кўнглича кийинишга қарор берди. Чунки Отабек кўнглича қора кўйнак кийишга қистар эди. Совсар гулли қора кўйнак кийишга қистар эди. Совсар гулли қора атлас кўйнагини кийиб бошига зангор шоҳи рўмолини солди ва марварид кўзлик кийиб кина олтун ҳалқани қутидан олиб, қулоғига тақди. Шу соддагина ясанишдан сўнг иккинчи тоқчада тироглик турган кўзгу ёнига борди. Кўзгу ичида тўзғиб, чувалиб кўринган соч толаларини тўғрилаб ўзини кузатди. Кўзги ичидан кўринган малак, ўн

...ини ҳам кайфлантириб, секингина илжайиб қўйган эди. На-
...и ёқдаги фитнаи даврон ҳам садафдек оқ тишларини ёкут
...и принлари орасидан кўрсаткандек бўлди. Бу ҳуснга оталиқ
...и фасини ўтағандек кўринган латиф бурни ёнидаги қора хо-
...и табиғийлигига ишонмагандек қашиб кўрди ва кўзгу ёни-
...и жунади. Жўнар экан «...чиройли бўлса ҳам меникидек холи
...идир», деб кўнглидан кечирди» (135).

Кўриниб турибдики, Кумушнинг кўнглида қандайдир бир
...иф бор, лекин у Отабекка жуда ишонади. У севгилисини зўр
...и кишилар билан кутмоқда. Шундай бир пайтда Кумушнинг
...и «хиёнат хати» келиб тегади ва унда кескин ҳолат ўзга-
...и рўй беради. Кутилган бахт — бахтсизлик бўлиб чиқади,
...и кутилган қувонч аксига — кўз ёшига айланади.

«...Ул бу мактубни ўзининг сўнгги томчи кучи билан ўқуб
...и қилди-да, жонсиз бир товуш ила «Уятсиз!» деб кичқирди
...и ерга йиқилиб ўзидан кетди...» (137).

Кумушнинг оғир ҳолатини Қутидор билан Офтоб ойим пси-
...и логиясида рўй берган ўзгаришлар орқали яна ҳам чуқурроқ
...и қиламиз.

«Қутидор «қизини бунчалик фалокатга солган хатни, олган
...и ридан қўзғалмаёқ ўқуб чиқди. Хат ҳақиқатан жонсўз эди.
Қутидорнинг ҳам оз қолдиким, ҳуши бошидан учсин... Сўнг
...и қолда хўрланган ва фавқулодда чайқалган юраги билан ихти-
...и рсиз «маккор, инсофсиз!»—деди. Кўз ўнглари қоронғулашиб
...и бир неча вақт серрайганча қолди. Яна «яхшилиқни билмаган
...и армзода!»—деб қўйди. Боя бу хатдан хабарсиз эди. Энди
...и қизининг олдиға кириб, унинг бетига қараш унга жуда ҳам
...и тирлашқан, чунки бу фожиаънинг бош омили, деб ўзини та-
...и ошган эди. Бориб айвоннинг олдиға ўтирди ва бошини қўллари
...и орасига олди. Бу хўрлик, бу одатдан ташқари уятсизлик бечора
Қутидорни жуда эзган; нима қилмоқға, хўрланган, таҳқир
...и қилинган қизини не йўсунда юпатишга, бу қора кунларни қан-
...и дор қилиб ўтқаришқа билмас эди. Шу ҳолда не вақтгачадир
...и қолди. Эрининг кечикишидан хавка тушиб, Офтоб ойим унинг
...и ёшига чиққанда ҳам ул бояғи ҳолда эди.

Эру хотин қизларининг ёниға кирдилар-да, унинг оёқ томо-
...и ниға ўтиб секин-секин ўлтуришдилар. Анчагина бир-бирларига
...и қарашиб қолғач, Офтоб ойим олган таассуротини ичига ютабе-
...и ринга чидалмади-да, ёмғурдек кўз ёшини тўка берди. Қутидор
...и ҳам хотинини кутиб тургандек кўз ёшлари билан соқолини
...и сиймакка олди. Кўзи юмуқ бўлса ҳам уларнинг ҳозирги ҳолла-
...и рини сезиб ётган Кумушнингда, қайнаб чиққан кўз ёшлари
...и икки чаккасидан ёстиқға оқиб туша бошлади. Шу чоқда ва
...и қундир тоқчада ёниб турган шамъ ҳам лип-лип қилди-да,
...и ўчди... Шунинг ила бу ҳовлини чин маъноси билан қоронғулик
...и босди...

Бу воқиаънинг учинчи куни Қумушбиби йиллаб ётгузиб олириқлардек сарғайиб озган, эндигина гунчадан чиқаётган ёсимон гулни хоин қўлларнинг захри сўлитган, фасод учуннинг уятсиз муфсидлари ҳусн боғининг бу янги эркасини шондан ва кўз тиккан жиҳати исмидан таҳқир қилдириб, умиди бир вужуд ёки жонсиз бир ҳайкал ҳолига қўйган эдилар. Унинг кўзларида доимий бир маъюсият, аримас бир ҳуш, ҳар онда бир энтикиб чайқалиш эди» (138—139).

Қумушнинг Отабекка ишончи қанча зўр бўлса, Отабекнинг ҳам Қумушга ишончи шунча кучли эди. Бунинг устига Отабек иккинчи уйланишига зўрлик билан кўндирган ва Тошкентга бориб, унинг тўйини ўтказиб келган қайната, қайнананинг оммимийлигига шубҳа қилишга ҳам асос йўқ эди. Шунинг учун Отабек ҳам зўр энтикишлар билан Марғилонга — севилган олдига интилар эди. Аммо воқеа оқими кескин суръатда ўз аксига ўзгаради. Отабек қувилади.

«Уёқ-буёқдан шом азони эшитила бошлаган эди, маънавий отлик (Отабек — М. Қ.) Қутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангудан узди. Шу вақтда шом намозидан қолмас учун шошилиб Қутидор ҳам йўлакдан чиқиб келди. Отини кўчанинг ўртасида қолдириб, қайин отаси билан кўришмак учун югурган куяви олдида намозини ҳам унуткан Қутидор, дағ-дағ титраб тўхтаган эди. Кўришмак учун ўзига узатишган қўлни бўш ҳавода қолдириб, дарбозаси ёнига борди. Бундай муомала олдида Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳқа унча муҳтож бўлмаса керак. У турган жойида қозикдек қоқилиб қолган эди. Қутидорнинг олдида юришни-да, билмас, сўзлашқа ҳам тили келмас эди.

— Бу қандай ҳаракат, ота?

Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Уятсизга манинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, манинг эшигим ёнида тўхтамангиз! — деди-да, ўзини ичкарига олди ва дарвозани ёниб, шилдир-шилдир занжирини боғлай бошлади...

Отабек эсини бошига йиғиб михланган еридан кўзғалганда, шом намози ўқилиб биткан, кишилар уйларига қайта бошлаган эди. У мошинавори келиб отига минди ва «чуҳ» деди, лекин от кўзғалмади. Икки-уч қамчидан сўнг толга боғланган тизгин шарт этиб узилиб кеткач, боя юриб кетган отини ўткинчилардан биттасининг боғлаб турганини эслади. «Чуҳ» деди. От кўчанинг шарқиға қараб кетди.

Бу кетишда унинг ҳуши ўзида деб айтиш қийин, шунинг учун отнинг бошини қаёққа солгани ҳам белгулик эмас, эҳтимолки, унга ҳозир от юрса бас бўлғай. От кўчанинг айирилишиға етиб, «энди қаёққа юрамиз», дегандек тўхтаган эди, эгаси яна «чуҳ» деб жавоб берди. От шимолга қараб бурилди. Бу кўча билан узоқ

... олтинчи фаслда ўқувчи билан танишдирилган Б... маҳал-
лига чиқиб, от яна қай томонга юришни сўраб тўхтади.

— Чух!

От кўчанинг шарқиға юриб ўқувчиға маълум бурчакдаги
якка эшикдан ҳам яна шимолға бурилиб тор кўча бўйлаб узоқ
... Вақт хуфтонга яқинлашиб қолганлиқдан қоронғу ўбдан
тушкан эди. От ўзининг бу галги тўхташидан эгасининг «чуҳ-
...» ҳам сирт бериб туриб олди ва Отабек кўзини очиб йўл
... мажбур бўлди. Отнинг тор кўчанинг ниҳоясига етиб,
...ликдан тўхталганини онглағач, ўткан ишлардан ўзига
... бера бошлади. Қайин отаси эшигида отини йўлга солға-
... бир оз эсласа ҳам бошқасини билмас эди. Ҳар ҳолда Мар-
...нинг четроғидаги боши берк бир кўчада ва катта бир дар-
... ёнида турганлигини тушунди. Отнинг бошини буришни-да,
...маснида, билмай бир оз ўйлаб тўхтади» (148—149).

Отабек, Кумуш, Қутидорларда тасвирланган бу психологик
...лар ҳар хил ниятдаги, бу ерда бир-бирига қарама-қарши
...даги кишилар аро муносабатдан келиб чиқадиган «қора
...нинг» биринчи чакмоғи эди. Лекин бу ниҳоятда даҳшатли,
...мали чакмоқ. У китобхонда муҳаббат уйғотган кучларни
...дириб юбораётгандек бўлиб, унда нафрат кучларининг ғала-
...ни таъминлаётгандек сезиларди.

ИККИ МУҲАББАТНИ ЧОҒИШТИРИБ

Қаҳрамонлар бошига айрилиқ ўти тушганда улардаги, хусу-
... Отабекдаги инсоний муҳаббатни таъкидлаш кучлилиги худ-
... шу даражада бўлган бошқа муҳаббатлар тақдири билан со-
...штириш орқали олиб борилади. Бу ерда уста Алим ҳикоясини
...лаш ўринлидир.

Мана, Отабек бошқа — Шокирбек номи билан уста Алимни-
...адашган киши сифатидаги худойи меҳмон. Мезбон одат
...йича, овқат олдидан мавиз чиқаради ва Отабекка ҳам кўярда-
...май бир-икки пиёла ичиради. Ош ейилиб, қорин тўйиб, мавиз
...илиб, бош айланиб, суҳбат бошланади. Уста Алим Отабекка
...разм солиб, сўрайди:

«— Уйланганмисиз, бек?

Отабек кайфи кучликми эди ёки онгламай қолдимиз, ҳайтавур
... шу онда жавоб беролмади.

— Уйланганман.

Сўрағувчи бир оз тўхтаб олғач, яна сўради:

— Хотинингизга муҳаббатингиз борми?

Отабек бу савол қаршисида гарангсиб қолгандек бўлди, во-
...дан орага оғир савол тушкан эди: билинтирмаслик қилиб уф-
...лаб олди.

— Муҳаббатим йўқ.

— Яхши экан, — деди уй эгаси. Отабек унинг бу сўзига ту-
...шуна олмай, «нега» дегандек қараб турар эди.

— Сўзимга ажабландингиз шекиллик?

— Йўқ, — деди Отабек, лекин унинг таажжуби уй эгасига очиқ кўриниб турар эди.

— Балки муҳаббат бахтли кишилар учун яхшидир, лекин ўз тажрибамча, бахтсиз киши учун бадбахтликдир. Масалан сиз агар чиндан ҳам хотинингизга муҳаббатсиз бўлсангиз, унингиз ҳам иқрор қилар оласиз: уйга кирсангиз хотинингиз бордир, кўчага чиқсангиз йўқдек, бас, сизга хотиннинг оғирлик ва енгиллиги бирдак. Шундоқ эмасми?» (153—154).

«Балким, муҳаббат бахтли кишилар учун яхшидир...» Устанинг бу сўзлари Отабекка ўз аҳволини эслатди.

Отабек бахт ахтарди. Уни топти ҳам. Шундай кунларни ҳам кечирдики, ўзининг бахтлилигидан ҳеч шубҳаланмади. Икки марта ўлим унинг ёқасидан тутди. Аммо у ўлимга қарши дадил тура олди, ҳатто, ўлим устидан кулди. Шундай дамларда бахт, муҳаббат унга далда берар эди. Мана эди ўзининг бахтсизлигини бошқа кишилар оғзидан эшитиб, англаб олаётгандек бир ҳолатда. Шунинг учун ҳам Отабек уста Алимнинг бу сўзларини берилиб эшитар ва унинг кўзлари бирданига очилаётгандек кайфлар тарқалиб кетаётгандек бўларди.

«Уй эгаси давом қилди:

— Мен бу сўзларни ўз ҳолимдан чоғлаб айтаман. Эҳтимолки, мен янглишарман,—деди ва узоқ тин олгач, сўради. — Сиз уйланган чоғингизда, ўзингиз ёқтириб уйландингизми ёки орадаги ларнинг ёқтиришлари биланми?» (154).

Уста Алим Отабек олдида фолбинга ўхшарди. У меҳмоннинг фақат бахтсизлигинигина айтмасдан, бу бахтсизликка қандай йўлиққанини ҳам айтаётгандек сезиларди. Натижада кўнгли кўтармайдиган Отабек суҳбатга аралашиб кетганини сезмай қолди «Онамнинг ёқтириши билан»,—деб устанинг саволига жавоб берди.

— Баракалла,—деди уй эгаси ва, — менимча, ҳамма бало ўзинг кўриб, суйиб уйланишда,—деди ва эшиткучиси кутмаган жойда сукутга кетди. Отабек бир кўйлакни ўзидан бурун йиртган киши тўғрисида, гўё ўз саргузаштининг эски тарихини мулоҳаза қила бошлаган, қаршисида ўлтирғувчини-да, қайин оти эшигида қувланган киши деб билган эди. Қайин отанг сани ҳам қувладими, деб айтмаса ҳам шунга яқин бўлган «суйган хотинингиз сизни ташлаб кетдими?» деган саволни берди. Уй эгаси бошини чайқади» (154).

Отабек уста Алим қисматини аниқроқ билиб олиш учун ҳаракат қилди.

Одам психологияси шундайки, у бирор бахтсизликка учраб қоладиган бўлса, худди шу тарзда бахтсиз кишилар билан учрашишдан қочмайди, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, дардлашишга мойил бўлади. Шу билан ўзидаги ва ундаги бахтсизликларни ўртоқлашгандек бўлади.

Уста Алим гапини давом эттириб: «Ташлаб кетишга кетди

«...кин ўз ихтиёрича эмас»,—деди. Отабек бу сўздан сўнг бунинг ҳам қайнотаси-қайнонаси томонидан зулм кўрганига ишонган эди. «Ёмон одамнинг юзи қурсин, деб қўйди...» (154).

Шундан кейин Отабекда қизиқишни пайқаган уста Алим ўз муҳаббатини ҳикоя қилиб беради. Романнинг бу қисми чиройли битилган мустақил бир ҳикоя. Унинг ўзига яраша пафоси, ўзига яраша сюжет асослари — умуман, ўзига хос ғоявий ва бадиий хусусиятлари бор. Ҳозир биз учун бу ҳикоянинг бош қаҳрамонига муносабати қизиқарлидир. Гап орасида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи ёзувчиларимиз четдан киритилган ҳикоялардан асарнинг умумтемасини очиб беришда унумли фойдалана олмайдилар. Қодирий эса бу ерда бошқаларга ўрнак бўларли даражада ўз маҳоратини кўрсатиб, бу ҳикояни асарнинг умумғоясига бўйсундира ва асарнинг бош темасини ечишда ундан унумли фойдалана олди. ✓ Ҳикоянинг тугашини эслайлик: «Саодат боладан қийналиб уч кунгача азобланди-да, тўртинчи кунни ўлди,—деди.

Отабекнинг кайфи тарқалгандек бўлиб, кўзларини зўрайтириб очди ва ўзини ёстиқдан олиб ўтиргач, сўради:

— Ўлди?!

Уста Алим кўз ёшини артиб: — Ўлди!—деди ва давом этди,— дунёга келиб кўрган бирдан-бир қувончимдан айрилган эдим...

Эндиги ўйлаганим фақат қайнимни уйлантириш, сўнгра... сўнгра, юзни ёруқ қилиб Саодат қучоғига кириш...—деди ва дармонсизланган каби ёстиққа ёнбошлади. Устанинг бу сўнғи сўзи Отабекни ортиқ асаблантирган, кўз чуқури бир-икки қайта ён суви билан тўлиб чиқган эди.

Иккиси ҳам узоқ жим қолдилар. Отабек ўз қайғусини бутунлай деярлик унутиб қўйган, қаршисидаги ерга сингибкина ётқан мужассам ишқдан кўз узолмай бошлади. Устанинг мозийсида эмас, ҳолида улуғ бир маъно кўрар эди. Аммо унинг истиқболида бир бўшлиқдан ўзга ҳеч гап учрата олмаса-да, яна улуғ бир маъно кўргандек бўлар эди. Ўз истиқболини ҳам шу устаники қабилида кўрмакчи бўлса-да, бунинг учун бир нарса камдек, етишмагандек келар, иккинчи уста Алим бўлиш учун бир «ўлди» сўзинигина орадан тополмас эди. Кейинроқ бу «ўлди» сўзини қўшқан билан ҳам уста Алим бўлиш қийинлигини онглай бошлади, чунки Отабек Кумуш томонидан сўкилган ва ташланган эди. Ҳолбуки, Саодат сўкмаган ва ташламаган, балки эрининг бир гуноҳи сабабидан ёш умрини хазон қилган ва уста Алим қайнатаси томонидан ҳайвонча қувланмаган... ва қайната томонидан куяв йўлига тузоқ қўйилиб, Саодатни чиқариб олиш фикрига тушилмаган, яъни орага шайтанат ораламаган... Бу сўнғи фикрни ул ўйламаган жойдан илҳом қабилидан тўқиб олган эди, яъни ўзининг Тошканддан уйланишига Қутидор томонидан розилик берилишини, ҳатто унинг тўйини ўз қўли билан ўтказиб келишини илгаридан ҳозирланиб келинган тузоқ, деб тушунган эди. Муҳокамаси шу ергача келиб еткач, уста Алим даражасига

етиш учун ўзида ҳеч бир муносабат кўрмади... Уста Алим ёнаб берган ўринга кириб ётар экан, ўз-ўзига айтар эди: «Қувилганига, таҳқир этилишга лойиқ кўрилган Отабек, уста Алим бўлишига ҳам сазовор эмас!» Ул уйқуга кетар экан, юраги болаларини учуриб кеткан каррукнинг уясидек бўм-бўш эди... (163).

Отабек қаршисида муҳаббатидан ажралган, шунинг учун ўзини бахтсиз ҳисоблайдиган киши ўлтирибди. Отабек ҳам суҳбатдошига ўхшаган муҳаббатидан ажралган, бир бахтсиз киши. Лекин қаҳрамон назарида уста Алимнинг бахтсизлиги унинг бебахтлиги олдида бахтлидир. Уста Алим Отабекдек «ташланган, сўкилган, қувилган» эмас.

Қодирий ҳақиқий санъаткор сифатида асардаги ҳар бир линияни ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қилади. Отабекдаги зўр муҳаббат — инсоний гўзаллик бошқа йўллар билан ҳам тасвир кидланади. Масалан, романнинг «Наво куйи» бобини эслайлик:

«Қувилган, сўкилган» Отабек фойдалими, фойдасизми, Марғилон йўлидан қатнашини қўймас эди. Бу қатновлардан бирор натижа чиқа бермагандан кейин у ўзини қаорга қўярини билмай қолди. Савдо ишлари билан шуғулланмоқчи бўлди. Бу ҳам кутилган натижага олиб келмади. Отабек бўзахўрлик қилиб, азоб ва аламлардан қутулишни ният қилди.

«Беш ойлаб Оқ масжид сафарида юриб кеткач, Отабек тўғри шу Чуқур қишлоқ бўзахоналаридан бирига келиб тушкандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонага келмаган кечаси жуда оз. Бўзагар Отабекни кимнинг боласи эканлигини яхши билгани учун ҳамма ишни унинг тилатига қараб қилар, ул келди дегунча, оддий бўзахўрлар ёнига ўтқузмай ўзининг махсус хужрасига олиб кирар, бошқаларга бериладиган лойқа бўзадан бермай, бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди.

Ҳозир ҳам ул шу бўзахонада эди. Энди учинчи қувачани тугатиб, тўртинчини чақирган эди. Бўзагар кирди:

— Бўза берайми, бек?—деб сўради.

— Беринг, деди, ва — машшоғингизни ҳам киргизинг!

Вақт ярим кечадан ҳам оқган, кундуз кунидан бери ичишиб чарчаган хўрандалар бақаришиб-чақаришиб тарқалишқан эдилар. Бўзахона тинчиган эди. Қўлма-қўл юриб чарчаган машшоқ ҳам бўшаб, Отабекдан катта-катта эҳсонлар кўргани учун вақтнинг кечлигига ҳам эътибор қилмай кирган эди. Машшоқ Отабекнинг сархуш қўлидан бир пиёла бўзани ичкач, дуторини чертиб сўради:

— Қандай куйни чалай, бек ака?

Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб жавоб берди:

— Билсангиз, «Ҳайдалиш» куйини чалингиз, «Ажралиш» куйини чалингиз!

Машшоқ ажабсинган эди.

— Дунёда бундай куйлар борлигини умримда биринчи марта ба эшитаман, бек ака!

— Дунёда бундай куй йўқ деб ўйлайсизми, сиз эшитмаган бўлсангиз, менинг эшитканим бор... Билмасангиз, билган куйингизни чалингиз!

Машшоқ дуторини созлар экан, яна сўради:

— Бу куйлар янги чиққанми?

— Янги чиққан.

— Қаерда эшитдингиз?

Отабекнинг кайфи тарқагандек бўлиб, машшоққа қаради.

— Бу куйларни Фарғонанинг Марғилонида эшитдим...— деди.

Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборган эди. Куйнинг бошланиши биланоқ унинг вужуди зирр этиб кеткандек бўлиб кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёрсиз равишда дуторнинг мунглик товушига берилди. Дутор товуши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар эди. Йўқ, бу ҳасратни ул ўз тилидан сўзламас эди — Отабек тилидан сўзлар эди... Отабекнинг кўз ўнгидан ўткан кунлари бирма-бир ўта бошладилар-да, ниҳоят «анув» хотиралари, «анув» ҳангомалари ҳам кўриниш бериб ўтдилар... Йўқ, ўтмадилар... унинг кўз ўнгига келиб тўхтадилар-да, шу кўйи турабердилар... Дутор бу кўринишни унинг кўз ўнгига келтириб тўхтагач, бу фожияга ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиғлай бошлади... Дутор қуруқчина йиғламас эди, балки бутун коинотни зирр эттириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиғлар эди... Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўмоли билан кўзини яшириб, йиғламоққа киришди... Ул кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди. Бироқ ҳозирги ихтиёр ўзида эмас эди — ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин «Наво»сида, тоқатсиз йиғисиди эди... Дуторнинг нозик торларидан, тилсимли юракларидан чиққан «Наво» куйи ўз поласига тушунгучи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиғлар, кучини йиғиштириб йиғлар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиғлар эди...

Ниҳоят, «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларни кўзи орқалик тўқдирди-да, фалакнинг тескари ҳаракатидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлғиз ҳасраткина бўлмаганлигини билдиргандек ўзининг «Савт» куйини ер юзига шодлик ва суйинч ёғдириб, арз эта бошлади. «Наво»нинг сиҳирлик «савти» Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишлади. «Наво» билан ювилиб кетган умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...» (172—173).

Бу ерда куй-музыка воситаси билан Отабекнинг психологик ҳолатлари тасвирланади.

Юқорида эслатганимиздек, Ҳомиднинг хатти-ҳаракатлари ва ота-она орзуси натижасида пайдо бўлган психологик зилзила фақат Отабек устига тушган эмас. Бу зилзила шу даражада, агар ундан ҳам кўпроқ бўлмаса, Кумушбиби устига ҳам ёғдирил-

гандир. Лекин ёзувчи асарни психологизм билан тўлдириб юбормаслик учун Қумушдаги психологизмга кўп ўрин ажратган эмас. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи психологизм меъёрига риоя қилмаган.

Романининг бу қисмларида Отабекнинг психологик ҳолатлари ҳар-хил йўллар, чекка воситалар — бошқа шахслар қисмати билан қиёслаш (уста Алим ҳикояси) куй-музыка воситалари билан тасвирланган бўлса, Қумушнинг психологик ҳолатлари бевосита йўллар — ундаги портрет ўзгаришларни чизиш йўли билан акс эттирилади.

Қумушбибининг портрети чизилган моментлардан бирини кўрайлик:

«Ўрта эшикдан Қумушбиби кўринди. Бурунги тўлалиғи кетиб, озгинланган ва лекин бу озгинлиқ унинг ҳуснига камчилиқ бермай, билъакс, юқорилатқанлар. Камон қошлари ортиқ мавириб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушган шахло кўзлари тагин ҳам тим қоралиқ, тагин ҳам нурлилиқ касб эткан эдилар. Бу кунги совуққа қарши кийиб олган совсар пўстиннинг ёқалиғи кишининг ҳасадини орттириб, нафис бағбақаларини ўпиб етар эдилар» (168).

Бу ерда ёзувчи одатдагидек Қумушдаги гўзалликни таъкидлайди. Қумуш портретида унинг бошига тушган психологик зилзилаларнинг изи бор; аммо бу излар уни хунуклаштира олган эмас. Қумуш ҳар томонидан қараганда ҳам ўз фазилатини сақлаб қоладиган қимматбаҳо тошни эслатади. Унинг гўзаллик фазилати ўзгарган ҳам эмас, балки бошқа бир томондан кўзга ташланади, қандайдир бошқа бир йўналиш касб этганга ўхшайди.

«Бироқ унда бир камчилик бордек кўринар эди: шахло кўзлар бурунғидек ўйнаб турмас ва сўнг чекдаги бир оғирлиқ билан ҳаракатланар эди. Бир томондан қараганда бу оғирлиқ-да, унга бир олийлиқ, улуғворлиқ бағишлагандек» (168).

Асар давомида портретдаги ўзгаришлар табиат манзаралари билан уйғунлаштирилади-да, Қумуш психологияси яна ҳам чуқурроқ очилади.

Ўқилиб айвон муйилишига ўлтурди-да, кўзларини оғирғина ҳаракатландириб, кетма-кет чип-чип этиб тўкилмакда бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга қўйиб борди. Ул ерга тушкан ҳар бир япроқда ўзининг таржимаи ҳолини ўқур, ўзини-да мавқияидан айрилиб, ҳечка чиқиб турган шу хазонлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиף кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди ва кўзлари жиқ ёшга тўлди»... (168). ✓

* * *

Отабек ва Қумушдаги бу психологик зилзилалар Ҳомид ва ота-она орзуси бирлигидан майдонга келган тугун натижаси экани маълум. Мана шу психологик зилзилада қаҳрамонларнинг

ижобий томонларини, улардаги гўзалликларни — инсоний муҳаббатни кенг тасвирлаш ёзувчининг роман иккинчи қисмидаги асл муддаоси эди. Кўриниб турибдики, ёзувчи бу муддаога муваффақият билан эриша олган. Юқоридагидек, бу ерда ҳам Қодирий тугунларнинг ечимида антитеза услубидан фойдаланган. Бутун қисм давомида воқеалар ривожига билан вазият оғирлаша боради. Баъзан қора кучлар ғалаба қозонаётгандек, китобхоннинг севимли қаҳрамонлари қора кучлар қўлида қурбон бўлиб кетаётгандек туюлади. Аммо оқибатда тугун ижобий кучлар фойдасига ечилади. Қора кучлар қанчалик тадбир кўрмасин, улар мағлубиятга учрайдилар — тугуннинг сабабчиларидан бири — Ҳомид ҳам маънавий ва жисмоний жиҳатдан тор-мор қилинади. Тўғри, Ҳомиднинг жисмоний тор-мор қилиниши реализмдан бирмунча узоқдек, ёзувчи фантазиясининг маҳсулидек кўринади. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу билан ёзувчини қоралай олмаймиз. Ахир, бадиий ижодга соғлом фантазия ёт эмас-ку!

АСАРДАГИ ҲОЯВИЙ БИРЛИК

Композиция принциплари жиҳатидан «Ўткан кунлар» ўзига хос хусусиятларга эга романдир.

Асарнинг биринчи қисмида бош қаҳрамон икки линия исканжаси орасига олинади: биринчидан, Отабек тарихий воқеалар тўғонида сузади, иккинчидан, севги-муҳаббат гирдобига тушади. Биринчи қисмнинг ўз ички тузилиш принциплари шундай бўлди: тарихий воқеалар тўғони ўзининг кескин ниҳоясига етади, севги-муҳаббат гирдоби эса мўътадил олиб борилиб, ниҳоясига етказилмайди. Шундай қилиб, романнинг биринчи қисми икки муҳим вазифани бажаради: тарихий воқеаларни кучли тўфон даражасига кўтарди, иккинчидан, севги-муҳаббат гирдобини аста-секин юқори кўтариб бўладиган янги тўфонга замин ҳозирлади. Романнинг иккинчи қисмида эса севги-муҳаббат линияси катта бир тўфон даражасига кўтарилади. Романнинг бош қаҳрамонлари китобнинг бу қисмида мана шу катта тўфонда сузиб юришга мажбур бўлдиларки, буни биз юқорида кўрдик. Иккинчи қисмда янги бир гирдоб майдонга келди: бу ўзбеклар ўтмиши учун типик бўлган патриархал урф-одатлар, ота-она орзусидир.

Романнинг учинчи қисми юқоридаги ҳар иккала қисмдан ҳам фарқ қилади. Асарнинг бу қисмида тарихий воқеалар яна бир марта катта тўфон бўлиб кўтарилади. Бунинг устига иккинчи қисмни тўла эгаллаган севги-муҳаббат тўғони ҳам ҳалигача қайтган эмас.

Шундай қилиб, «Ўткан кунлар»нинг учинчи — охириги қисми мазмун эътибори билан олдинги қисмларга нисбатан анча тўлиқдир. Бу табиий. Одатда ҳақиқий асарларда боб ва қисмлар алоҳида-алоҳида масалаларни ҳал қилиб, юқори интилади, охириги боблар ёки охириги қисмда китобда қамраб олинган барча масалалар умумечимга олиб борилади.

«Ўткан кунлар»да тарихий воқеаларнинг акс эттирилиши икки босқичдан иборат: биринчи босқич Мусулмонқулнинг ҳукмронлик даври воқеалари. Бу воқеаларга Отабек, Ҳомид ва Қумуш муносабатлари билан кириб боради. Бу босқич асарнинг биринчи қисмида тасвирланган. Тарихий воқеаларнинг иккинчи босқичи Мусулмонқулни йўқ қилиш сиёсати, бу соҳада олиб борилган ҳаракатлар ва бу воқеаларга Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожи-нинг муносабатидан иборат.

Бизнингча, Ўзбекистон тарихидаги кейинги асарларнинг характерли томонлари феодализм монархиясининг мамлакатни идора қилишдаги ожизлиги, йирик феодализм гуруҳлари орасида янмаган нарсалар устидан қон тўкиш, қирғинлар билан яқинлашадиган тортишув ва мансабпарастлик ҳаракатларининг кўп бўлиб туриши, бунинг натижасида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигидан маҳрум қиладиган доимий ички низолар, ўзаро уруш-ярашлар ва ҳоказолар романда асосан тўғри белгиланган бўлиб, улар романда акс эттирилган давр тарихининг характерли белгилари эди.

Бу давр тарихининг бошқа бир томонини ҳам унутмаслик зарур. Гап шундаки, тарих доим юқорилама (тўғри, баъзан тесла баъзан секин) ҳаракатда бўлади. Тарихнинг ҳар қандай мудҳиш даврида ҳам ёруғ сочиб турадиган, жамиятни сал бўлса ҳам олға судрайдиган томонлари бўладикки, улар, албатта, жамиятнинг асосини ташкил қилувчи меҳнаткаш халқ ва унга яқин турадиган демократик кучлардир. Роман акс эттирилган даврда Махмур, Гулханий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби демократ шоирларнинг яшаб ижод этганлигининг ўзи бу даврда ҳам жамият тарихига нур сочиб турган демократик кучларнинг мавжуд эканлигидан дарак беради. Демократик кучни ташкил этувчилар орасида Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат сингари қуйи табақадан, халқ ичидан чиққанлар кўпчиликидир. Аммо Мунис, Огаҳий каби юқори табақадан чиқиб, демократик позицияга ўтган ва шу позицияда умрининг охиригача турган шахслар ҳам кам бўлмаган.

Тарихнинг жамият талабига мувофиқ тарзда боришини истовчилар фақат зиёлилар ичидан чиққан эмас. Тарих шуни кўрсатадики, мамлакатимизда, хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида феодализм муносабатлар негизидан янги синф пайдо бўла бошлаган эди. Бу ёш табақа — келгусида буржуазия синфига асос бўлувчи савдогарлар табақаси эди. Бу табақа учун кўпдан бери ҳукм суриб келаётган феодализм эркинликни бермас эди. Аммо улар ҳали ёш ва заифлигидан ҳукмрон феодализм муносабатларни ёриб чиқиш борасида ожизлик қилар эдилар. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда мавжуд феодализм муносабатларни ўз манфаатлари талабига мувофиқ маълум бир тартибга солиш учун уринар эдилар. Уларнинг бу ҳаракатлари, феодализм муносабатларни ўз бў-

лишича сақлаш учун жон куйдирувчи йирик ер эгаларининг ҳаракатларига нисбатан, сўзсиз, прогрессив эди.

Романнинг бош қаҳрамонлари — Отабек ва Юсуфбек ҳожилар (қисман улар билан муносабатда бўлган Марғилон савдогарлари) мана шу ёш табақанинг вакиллари бўлиб, ўзларининг гоёвий принциплари билан шу табақанинг манфаатини кўзлар адиладар.

Улар назарида тез-тез бўлиб турадиган ўзаро уруш ва қиргинлар, талон-тарожлар йўқ бўлиши, мамлакат марказлашган бир давлат томонидан идора қилиниши керак. Шу сабабдан Юсуфбек ҳожи, шунингдек, Отабек ҳам, Азизбекнинг Тошкентни марказий давлатдан ажратиш учун қилган ҳаракатларига қанчалик ғов бўлган бўлса, Мусулмонқулнинг зўравонлик сиёсатига ҳам шунча қарши чиқди. Мусулмонқул йиқитилгандан кейин эса (бу ишда Юсуфбек ҳожи асосий рол ўйнади) қипчоқларга қарши Мусулмонқулдан ўч олиш пардаси остида (Мусулмонқул қипчоқлардан эди) ташкил қилинган қирғинга ҳам Юсуфбек ҳожи мутлақ қарши.

Романдаги бир картинани эслайлик — бу картина Юсуфбек ҳожи ва Отабек характерларининг асосий хусусиятларини кўрсатишга бағишланади: Тошкент улуғлари Ниёз қушбеги раҳбарлигида бир жойга йиғилиб қипчоқларга қирғин уюштириш тadbирларини муҳокама қилмоқдалар. Бу жойга Юсуфбек ҳожи ҳам таклиф қилинган. Мажлиснинг муддаоси тўғрисида Ниёз қушбеги нутқ сўзлайди. Мажлис аҳли Ниёз қушбегининг фикрларини қувватлади. Юсуфбек ҳожи эса қушбеги нутқини эшитиб «оғир бир ҳолат кечирган ва чуқур бир сукутга кетган эди».

Охирида мажлисдагилар Юсуфбек ҳожининг фикрини билмоқчи бўлдилар:

«Беклар, — деди, — маним ҳамма мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладир Мен ҳеч бир вақт инкор қилолмайманким, ёлғиз ўз ғарази йўлида иш қилғучи палид кишилар қипчоқлар орасида бор бўлганидек, бизда ҳам йўқ эмас... Балки ановиларда ўнлаб бўлса, бизда юзлаб бор. Ўзи бизнинг кўзимизга совуқ кўринган қипчоқ бачча Нормухаммаднинг эл учун қилиб турган тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошканд беклари орасида биринчи мартаба кўраман. Буни сиз яхшилар ҳам инкор қила олмассиз! Бас, айб қипчоқда эмас, балки унинг манфаати шахсияти йўлида иш кўргучи бошлиқларида ва қипчоқлар ўйлагандек гуноҳ қора чопонлиларда бўлмай, балки унинг учтўртта маънисиз бекларида!..— деди ва ўрнидан турди. — Агарда дунёдан ўтаёзган бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, биродарлар. Илло, Юсуфбекни ўлдиға чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз!— деди ва мажлиснинг «ўлтиринг, тўхтанг» сўзига қулоқ солмай, ўлтуришни ташлаб чиқди». (222).

Аммо Тошкент улуғлари Юсуфбек ҳожини алдаб муддаоларини амалга оширдилар.

Эртасига Отабек кўчаларнинг қипчоқлар ўликларига тўлиб кетганини кўради. Бу воқеани кўрган Отабекнинг кайфияти отасига бўлган муносабатида гавдалантирилади.

Отабек «уйга бориб, кечки ошни ҳам емади ва отасига ҳам учрашмади, гўё шер йиртқичлар дунёсидан яширингандек оқ кундаёқ **тўшагига ётиб, кўрпасига бурканиб** олди. Унинг бу ҳолига уй ичи тушунганлари учун нима қилди, деб сўрамадилар ва ёнига ҳам келмадилар.

Юсуфбек ҳожи эрталаб чойни Отабек билан бирга ичиш учун меҳмонхонага чиқди. Отабек терсайганча келиб чойга ўтирди, отасига салом ҳам бермади. Чунки у ўз отасини қипчоқ қирғинининг бош омилларидан деб қарор қўйган эди. Чой яримлаёзди. Орадан чурқ этган сўз чиқмади.

Ниҳоят, ўғлига енгиллик бериш ниятида тилга келди:

— Хафа бўлма, ўғлим!

— Сизларга ўхшаб, — деди истехзоланиб, — қувонайми?

Ҳожи ўғлининг қандоғ фикрда ва нима учун терсайганини билди.

— Янглишасан, ўғлим!

— Ражаббекникидаги мажлисда, — деди заҳарханда билан, — бу йиртқичликнинг режачиси ким эди?..

Ҳожи энтикди ва:

— Ражаббекникида бўлган мажлисни сен биласанми?.. — деб сўради.

— Биламан.

— Билсанг, — деди ҳожи, — маним устимга мундоғ тухмат ортишдан уял, болам.

— Ражаббекникида бу кенгаш бўлмаганмиди?

— Бўлган эди.

— Бўлган бўлса, тагин нега ўзингизни қуруққа оласиз?

Юсуфбек ҳожи боладан кулгандек қилиб илжайди.

— Баъзи енгил муҳокамаларинг онангникидан қолишмайдир, Отабек! — деди. — Мажлисдан хабаринг бўлган бўлса, ким қайси фикрда қолганини ҳам биларсан?

— Йўқ.

— Мажлисда нимадан баҳс қилинганини-чи?

— Мажлисда нима музокараси бўлганини ҳам билмайман ва лекин ўша мажлис фақат қипчоқларга қатли ом учун йиғилган экан, деб кеча ишондим. Мажлисингиз аъзоларининг сиздан бошқаси нега йиғит тўплаб, Қўқонга кетдилар ва улар Қўқонга етмаслариданоқ нега бу ваҳшат бошланди?

— Бу муҳокаманг тўғри. Аммо отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтуришинг қисқалигингдир! — деди. Қўзига ёш олди. — Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти, мен бу ваҳшатга иштирок қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса,

Бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга — санга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайдир. Нега ёнган юрагимга яна сен ҳам заҳар сочасан?

Титралиб ва тўлқунланиб айтилган бу сўзлар Отабекни ўқинтирди, ўлганнинг устига чиқиб тепиш қабилидан бўлган ўз ҳужумининг ҳақсиз эканига тушунди.

Юсуфбек ҳожи битта-битта ётиғи билан мажлис ҳақида баён қилиб, ўзининг қарши тушканини ва уларга уқтира олмаганидан кейин, мажлисни ташлаб чиқиб кетканини сўзлаб берди». (233—235).

Кўриниб турибдики, Отабек давр ижтимоий ҳаётига нисбатан маълум бир позицияда турган шахс. Аммо ёзувчи уни даврнинг муҳим ижтимоий ва сиёсий масалаларига фаол ва бевосита қатнаштирмайди. Бу жиҳатдан Отабек фаол яратувчи эмас, балки пассив кузатувчи, воқеалар оқимида ўзининг кириб қолганини ўзи сезмай қоладиган кишидир. Бу ҳол романдаги методологик чегараланишга олиб келган моментлардан биридир. Агар биз ромanning тубанда айтмоқчи бўлган бир хусусиятини ҳисобга олмасак, бу ҳол **Отабек образининг** мазмунини кечириб бўлмас даражада торайтириб қўйган бўлар эди.

Бу хусусият шундан иборатки, Отабекнинг ижтимоий ва сиёсий масалаларга муносабати унинг отаси Юсуфбек ҳожи воситаси билан кўрсатилади. Юсуфбек ҳожи — йирик, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган сиёсий масалаларнинг фаол қатнашувчиси. Отабек эса отасининг бу ишларига доим ҳамкор, доим ўртоқ. Катта ижтимоий ва сиёсий масалалар аксини биз асосан Юсуфбек ҳожида, у орқали Отабекда кўрамыз. Ёзувчининг бу услубини нарсани бир ойнадан иккинчи бир ойнага тушириш орқали кўрсатишга ўхшатса бўлар эди. Юқорида тилга олинган воқеа фикримизнинг далилидир. Отабек қипчоқлар қирғини масаласига аралашган, бирор сиёсий минбардан туриб бу ишни ё ёқлаган, ё унга қарши чиққан эмас. У бу сиёсий воқеанинг оқибатидан хабардор бўлди, холос. Ўша оқибатга нисбатан у ўз муносабатини билдирди. Бу ишдаги Отабек позициясини англатиш йўлида ёзувчи Юсуфбек ҳожи образидан фодаланди.

Қандай услубга амал қилинишидан қатъи назар, шу нарса ойдинки, бусиз ҳам ўзини қаерга қўярини билмай юрган Отабек учун ўзаро қирғин ўлганнинг устига кўмгандек бир яра икки бўлди.

ОРЗУ ВА УМИДЛАРНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ

Отабек доим тўрт томондан сиқилган, аланга орасига тушган киши тарзида тасвирланади. Мамлакатда рўй берган ижтимоий ва сиёсий воқеалар — ўзаро қирғинлар ва бунинг натижасида шпонган идеалларнинг чилпарчин бўлиб кетиши: қонуний ўзиники бўлиб, лекин арзимаган сабаблар билан қўлдан чиқарилган

бахтни қайтариш учун йиллаб ҳижронда юриш, бу йўлда бошқа кишиларнинг қовини тўкиш (Отабек, шунингдек, Юсуфбек ҳожи ҳам умуман қон тўкилишига қарши турувчи кишилардан эди. Юсуфбек ҳожининг Отабекнинг Ҳомид ва унинг ҳамтовоқларининг ўлдиргани сабабли Отабекка қилган кинояларини ва Отабекдаги ички азобни эсланг) ва бошқа ички азоблар: кейин бу ишда ўзига энг яқин бўлган кишиларни — ота ва онани айбли ҳис қилиш ва бундай мудҳиш ҳодисаларнинг яна рўй бермаслигига ишончи комил бўлмаслиги ва бунинг натижасида бошга тушган азоблар... Булар етмаганидек, Кумуш келгач, икки хотин орасига эрлик вазифасини — тўғрироғи, қозилик хизматини адо этиш ҳаммасидан ҳам ошиб тушар эди.

Китобнинг ўзига мурожаат қилайлик:

«Кумуш келгандан бери Отабек кун сайин ўзини сиқикроқ бир доирага кириб борганлигини сезар эди. Адимини санаб босиш, бир чўқиб саккиз ёққа қараш каби эҳтиётларга таълимотсизроқ ўрганиб қолган, бунинг устига бир хил ўнгайсизлиги ҳам йўқ эмас эди... Унинг ўтган кунлари, яъни Кумушка Марғилонда қиладирган муомала ва алоқаси Зайнабқа қоронғу, шу қоронғуликдан фойдаланиб Зайнаб билан муомаласи ўзи тиланганча. Аммо энди ўша ҳолатни давом этдириш мумкин эмас эди. Кумушка кулиб қараса, Зайнабқа ҳам шундай қилмоққа, унга қандоғ муомала қилса, бунга ҳам шундоғ қилишга мажбур эди. Бироқ унинг биринчиси юракдан, иккинчиси... Биринчиси тавсиф қилиб кўрсатиш, нучукким, биз шу ўрингача кўб қоғозларни қоралаб келамиз, ўқугучини ҳам зериктирмай орқамиздан эргашдиргандек бўламиз, чунки Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси шеърийат бор эди. Иккинчи масала устига ўтиб таҳлил қилмоқчи бўлсак, Отабекда мажбуриятдан бошқа ҳеч гап тополмаймиз, топқан билан ўқугучига қизиқарлик бир нарсани чиқмайди». (273).

Демак, Отабек «мажбурият» ва «муҳаббат»ни бир қалбга сиғдириши керак эди. Муҳаббатдан ажралган вақтларда «мажбурият»нинг ортиқчалиги балки сезилмагандир ё бахтни қайта қўлга киритиш билан банд бўлганидан Отабек «мажбурият» азобини етарли сезмагандир (ахир бемор баданидаги энг зўр касаллигиз сезади, зўр касалли бадан майда касалларни ҳис қилмайди). Кумушнинг келиши билан Отабек зўр бир касалдан қутулгандек бўлди. «Мажбурият» унга энди ўзлигини билдира бошлади. Бу эса бўладиган оғир фожиадан дарак берар эди.

Балки Отабек ўзининг раҳмдиллиги, маълум даражада пасивлиги натижасида кундошлар орасида яшайвериши ҳам мумкин эди. Аммо фожиани кескинлаштирувчи сабаблар мавжуд эди-да!

Кумуш — муҳаббат ва бахтга ўзини тўла ҳуқуқли деб ҳисобловчи ва бу йўлда ҳар қандай азобларга бардош бера олувчи (буни биз Кумушнинг ҳижронда қолган йилларини эслаб, тасаввур қила оламиз) аёллар тоифасидан. Бундай аёллар учун

муҳаббат ҳаёт — мамот масаласи бўлиб, муҳаббатсиз ҳаёт улар учун маъносиз бир нарса. (Кумушнинг ҳам аёлларнинг шу тоифасидан эканига унинг Отабексиз кечирган кунларини эслаб, қапоат ҳосил қила оламиз). Бундай аёллар ўзгалар муҳаббатини кўриқлашга, уни доим сақлаб қолишга жонларини фидо қиладилар ва бунга улар тўла ҳақли ҳамдирлар (хусусан, муҳаббат бир марта йўқолиб қайта топилгандан сўнг). Шу сабабдан Кумуш ўз муҳаббатини ҳимоя қилиб, Зайнаб билан тортишган вақтларида биз ўзимизни Кумуш томонида кўргимиз келади. Бирига ачинамиз, иккинчисининг тарафини тутамиз. Шу билан бирга Зайнаб ҳам ўзини бу ишда ҳақлидек сезади ва «муҳаббат»ни ҳимоя қилмоқчи бўлади. Бу ҳол Кумуш билан Зайнабни кескин тўқнашувларга олиб келдики, бунинг натижаси ўлароқ, у навбатдаги фожианинг сабабчиси бўлади.

* * *

Бадиий ижоднинг муқаддас бир талаби бор: тасвирланаётган воқеалар, хусусан, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг қилмишлари охиригача ишонарли бўлиши керак. Л. Н. Толстой айтганидек, тасвирланаётган воқеа шу даражада асосланган бўлиши керакки, унинг бошқача бўлиши мумкинлиги китобхоннинг хаёлидан ҳам ўтмасин. Бунинг учун ёзувчи, аввало, ёзилаётган асарига танланган давр ҳаёти мантиқини сингдира олиши, ҳаёт мантиқига риоя қилиш ёзувчи учун муқаддас бир қоидага айланган бўлиши керак. Шу асосда асарда характерлар ҳам маълум бир мантиққа эга бўлиб, буни ёзувчи муқаддас бир нарсдек сақлаши лозим.

Бироқ ёзувчининг бундан олдин қиладиган иши бор: ёзувчи биричи галда ҳар бир характерга мантиқ кучи бағишлай олиши лозим, шундан кейингина бу кучни муқаддас сақлаш масаласи муаллиф олдига қўйилиши мумкин.

Асарда шундай характерлар бўлиши мумкинки, одатда бош характерлар, уларга мантиқий куч бағишлаш учун ёзувчи алоҳида ҳам еб, алоҳида тўхтаб ўтирмайди. Хатти-ҳаракатлари, маълум бир шароитда ўзларини тутишларидан уларнинг мантиқи ҳосил бўлади. Бу бош характерлар имкониятига боғлиқ нарсадир. Масалан, Отабек, Кумуш ва Юсуфбек ҳожи сингари характер мантиқи бутун асар давомида (ҳар жой-ҳар жой сочилган ҳолда бўлса ҳам) яратилгандир.

Лекин шундай пайтлар ҳам бўладикки, унда қаҳрамоннинг (у бош қаҳрамонлардан бўлса-да) бирор ҳаракати ишонарли чиқмайди. Бундай пайтларда ёзувчи тасвири тўхтатади-да, қаҳрамон ҳаракатини асословчи ҳаёт мантиқи тўғрисида (қандайдир орқага чекинишлардек бир йил билан) гапириб кетади. Фикримизнинг исботи учун «Ўткан кунлар»нинг бир жойини эслайлик.

Юқорида биз қайд қилиб ўтганимиздек, Отабек ҳижрон йиллари бошига тушган оғир кунларни бўза билан ювмоқчи бўлиб,

Чуқурқишлоқдаги бўзахонага қатнайди. Мусулмончилиқ авж олган, шариат қонунлари алоҳида кучга эга бўлган, мусулмончиликка ниҳоятда қаттиқ риоя қилинаётган бир мамлакатда романда тасвирланган Чуқурқишлоқдек ичимлик хонасининг ишлаб туришига китобхон шубҳаланиб қолади. Шубҳа бўлмаслиги учун бу нарсанинг бўлиши мумкин эканини асослаш керак. А. Қодирий бу тўғрида шундай ёзади:

«Халқимиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантаналиқ таъбирни бузиб қўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариъатча эди. Ўғрилиқ қилган учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадирлар, ичкулик ичкани учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, номозсизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирадир эди. Иш шунчалиқ нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари орқасидан қолмайдирлар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб моллари ўғирлана берадир. Пештоқдан қонга бўғилиб ташланмоқ учун ғоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айнининг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрий олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкулик сотиш билан тириклик қилғучилар ҳам йўқ эмас эдилар. Тошканднинг Чуқурқишлоқ деган ерида қозоқлар томонидан очилгон ва ҳамини рустамнам кишилар билан айқириб ётган бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди». (271—272). Агар ёзувчи ўша давр ҳаётидаги шундай бўзахоналарнинг мавжудлигини асосламаган бўлса эди, Отабекнинг бўзахонага қатнаши асосланмасдан қолар, воқеа китобхонни шубҳалантирган бўлар эди.

Алоҳида тўхтаб, мантиқий куч борасида ёзувчининг махсусам ейиши, хусусан, иккинчи даражали образларга тегишлидир. Романнинг бир жойида Ўзбек ойим тўғрисида худди шундай қилинган эди. Романнинг охирларида ҳалигача бирор сезиларли ҳаракат билан ўзини кўрсата олмаган Зайнаб воқеаларда иштирок қилиб ўзини кўрсатиши керак. Аммо китобхонга ҳали бу образнинг мантиқи маълум эмас. Шу сабабли ёзувчининг бу хусусда алоҳида тўхтамасдан иложи йўқ. Ўз хатти-ҳаракати билан ниҳоятда масъулиятли иш қилиши керак бўлганлигидан Зайнаб образини характерлаш осон иш эмас, албатта. Шу сабабдан бу ишни бажаришга восита сифатида яна бир образ, Зайнабнинг эгачиси Хушрўй ҳам жалб қилинади:

«Гарчи Зайнаб ва Хушрўй бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам сажия-характерда таниб бўлмаслик даражада бир-бирларидан фарқли эдилар. Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам катта ўзгаришлар бор эди.

Хушрўй узун бўйлиқ қотмароқ ва зарча танлик эди. Зайнаб

кисқа бўй, гўштор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди, Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадиган эди. Хушрўйнинг кўзи ўйнаб, ҳар секундда ўн ёққа аланғлар эди. Синглиси бўлса биров билан бетма-бет келиб сўзлашқанида ҳам кўзини ҳамisha бир нуқтадан узмас эди. Хушрўйга болалиқ чоғидаёқ уй ичи ва қўни-қўшни «шаддод» деб исм берганлар, чунки ул ким бўлса- бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас, агар бирарта иш унинг тилагига тескари кетса, шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди. Шунинг учун Хушрўйнинг раъйини билмасдан қозон осилмас, унга ёқмаган гапга оғиз очилмас, ул бор жойда қадам ҳам саналиб босилур эди...

А...Моҳира ойим ҳар бир ҳайитдан бирор ойлар илгари эрига айтиб болаларига кийимлик Хушрўйга ёқмаса, дарров ярамаганини айтиб алмашдириб беришга дадасини мажбур этар ва кўнглидагини ҳосил қилиб тинчир эди. Аммо Зайнаб бўлса, ўзига келган кийимликка қарши бошда бир нарса демас, кийимлик бичилиб ва тикилиб ҳам арафа кунлари келиб етгандан кейин, ҳурпайиб ҳеч ким билан сўзлашмай қўяр эди. Моҳира ойим қизининг бирорта ишидан норозилигини пайқаб, «Мингаймас, писмиқ ўлгур, тагин нима жин урди сени?!»—деб сўраганида, Зайнаб қовоқ-дудогини солиб, бир оғиз ҳам жавоб бермас эди. Ниҳоят, эртага ҳайит деган куни Зайнабнинг ҳурпайиши йиғи билан алмашар ва йиғи ораси мақсад очилса ҳам кўпинча натижасиз қолар эди. Бирор жойга меҳмондорчилик учун борадирган бўлсалар, Хушрўй ҳаммадан илгари эълон этар эди: «Мен ҳам бораман!». Албатта уни қолдириб кетиш учун энди ҳеч кимда ҳад йўқ. Иккинчи вақт: «Мен бормаيمان!». Бу тақдирда уни бир қадам силжитилсин-чи! Аммо Зайнаб онаси билан янгаси Ҳанифа бир жойга отланадирган бўлсалар, «бораман, бормаيمان» демас, улар ҳам йиғламаган болага сут берилмас қабилида индашмасдан меҳмондорчиликка кетар эдилар. Кечқурун қайтиб келсалар, бир бурчакда Зайнаб йиғлаб ўлтурипти. Зайнаб ўзининг шу характер хусусиятларини эрга чиққанидан кейин ҳам сақлаб қолди. У эрининг унга нисбатан «яхшими», «ёмонми» — ҳамма муносабатларини ичига олар, бу тўғрида бирор кишига чурқ этмас эди. «Эри унга ойлаб, йиллаб қарамай қўйганида ҳам у их, деб товуш чиқармасди». (284—285).

Ёзувчи Зайнаб ҳатти-ҳаракатларини асослаш учун унга таъсир кўрсатган эгачиси Хушрўй ҳақида яна баъзи тафсилотлардан хабар беради.

«Хушрўйнинг эрга тегиши ҳам ўзига ўхшаш фавқулудда бўлган эди. Масалан, аксарият қизларимиз ота-она кимни мувофиқ кўрса, шунга тегишга мажбурдирлар. Лекин Хушрўйники мундоғ бўлмади. Хушрўй ўн саккиз ёшга еткандан кейин, унга совчилар кела бошлайдирлар. Табиъий, Хушрўйнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб бир иш қилмоқдан қўрқадирлар. Олим повсодбошига маъқул бўлган неча йигитлар,

Моҳира ойимға ёққан қанча тегу тахтли хонадонлар Хушрўй томонидан рад қилина борадир. «Фалончининг ўғлими?» — деб сўрайдир Хушрўй ва онасидан жавоб кутмай: «Худо, кўтарсин эрни! Ўшанга текканимдан кўра қаро ерга текканим яхши!» — дейдир». (286).

Кўп совчилар қайтарилгандан сўнг Хушрўй акасининг ўртоғи Нусратбек билан тил бириктириб эрга тегеди. Қодирий Хушрўйнинг эрга чиққандан кейинги кунларини шундай тасвирлайди:

«Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатуқ билан ҳужум бошлайдур. Иккинчи ва учинчи кунларда тўппа-тўғри кундош устига санчийдир. Ҳафта, ўн кун ўтмасдан эрини ўз томонига оғиштириб, кундош ёнига киргизмаёқ кўядир. Иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важдан ҳам сиқа бошлайдир. Нусратбек бўлса кўчага чиқганда беклик даъвосини қилиб, уйига кирганда Хушрўйбекка мутеъ. Бечора катта хотин Хушрўйнинг доимий ҳужумига маҳкум қолиб, эридан лоақал иккита гўдаклари юзи учун бўлсин марҳамат кўрмай азобланадир. Иккинчи ойлардан бошлаб Хушрўй кундошини бўғиб уриш одатини чиқарадир ва ўрим-ўрим кундош сочини алафдек юлиб олишдан ҳам тортинмайдир...

Хушрўй уч ой ичида томир ёйиб қолган бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчийдир. Мундан бошқа Нусратбек каби бир одамни ҳам ўз ишоратига қаратадир» (287).

Зайнабнинг характер мантиқини белгилаш шу даражада зарур эдики, китоб тугаб қолаётганига, охирги тугун ечими яқинлашиб қолаётганига қарамасдан, ёзувчи асосий линия тасвирини деярли тўхтатиб қўйиб, бу тўғрида гапиришга мажбур бўлди. Иккинчи томондан, Зайнаб характерининг мантиқи асарнинг охирги ечими учун зарурлигидан бу гўё ғавқулодда ҳодисадек сезиладиган экскурс китобхон фикрини бўлиб ҳам юбормайди.

Юқорида келтирилган нарчадан маълум бўлишича, Зайнаб вазиятга қараб дарров хулоса чиқарадиган, ўша вазиятга мос бирор тадбир кўриш учун шошиладиган шахс эмас, балки дарди у қанчалик оғир бўлмасин, ичига ютиб, пишириб юра берадиган бир кимса. Ўзининг шу хусусиятлари билан Зайнаб кундошлик дардига чидаб, сил бўлгунча, бошқаларни ҳам сил қилгунча юра бериши мумкин эди. Аммо, унинг кўзи очилиб қолди. Унинг кўзини очган киши ҳам эгачиси Хушрўй бўлди. Хушрўй ўргатган ақлга биноан Зайнаб Қумушни заҳарлайди.

Нима учун ёзувчига бир мақсад йўлида иккита образ керак бўлиб қолди? Отабекни Хушрўйдек бир қизга уйлантириб, Зайнаб қилган жиноят ишни ўшанга қилдирса бўлмасмиди? Ё Хушрўйни орага киритмасдан Зайнабнинг ўзига ўша ишни қилдирса бўлмасмиди! Бўлмас эди! Бунинг сабабини ҳам характерлар мантиқидан излаш керак бўлади.

Отабек кучли, ўзига зид бўладиган тўсиқни янчиб ташлашга қодир бир шахс. У Ҳомиддек айёр бир шахсни енгиб чиқди, азоб

тортди, лекин енгди, Мусулмонқул билан юзма-юз туриб олишди. Шу сабабдан у агар Хушрўйдек айёр аёлга тўғри келиб қолганда, хусусан, Кумушдек севгилиси бўла туриб, уни тезда ўз ўлидан олиб ташлаган бўлар эди. Натижада Хушрўйдек аёл Зайнаб қилган жиноятни қила олмаган бўлар эди. Зайнаб эса уа ҳиссини, ўз ниятларини дарров ифода қила бермайдиган, ичидан ичишиб юра берадиган бир шахслигидан Отабекни гафлатда қолдирди. Демак, романининг асосий тугувини ишонarli қилиб бошига олиб бориш учун «ичидан ичиган аёл, худди Зайнабнинг ўзи, унинг жиноятини далиллаш учун эгачиси Хушрўй керак эди. Бу ерда икки образ бирлиги якка бадийий мақсадга бўйсундирилаётир, бир образ орқали бажарилиши қийин бўлган бадийий мақсад икки образ орқали амалга ошаётир.

Мана энди Хушрўй ва Зайнаб образлари орқали рўй бериши керак бўлган фожияли воқеа юз берди. Бунинг оқибати нима бўлди? Бу фожияли воқеа роман охирида келтирилган ҳаёт картинасининг тамомий ифодаси эди, холос. Унинг ички мазмунини ёзувчи контекстнинг ўзидан келтириб чиқаради.

Бир вақтлар уста Алимнинг ўйлагани «юзин ёруғ қилиб», «саодат кучоғига кириш...» деган сўзларини эшитиб, Отабек ўзини ҳам уста Алим ўрнига қўйиб кўрар, аммо унга ўхшамоқ учун фақат «ўлди!» сезини тополмас эди. Мана энди бу сўзни айтишга унда асос бор ҳам. Энди биз амимизки, Отабек ўзини уста Алим каби ҳис қилади. Кумушнинг ўлиmidан сўнг у Марғилонга бориб, бир йилча туриб, Тошкентга қайтишида уста Алимни олиб келади, у билан дардқаш, дўст бўлиб олади. Бу билан Отабек ўзини уста Алим қиёфасида кўрганини исбот қилади.

Кумушнинг ўлими Отабекнинг бошига тушган фожияларнинг (...бу фожиялар бир киши учун жуда кўплик қиларди) энг оғир ва энг охиргиси эди. Аввалги фожияларда Отабек доим ўзини тегик тутар ва ундан доим голиб чиқарди, баъзан бошига тушган фожиялар устидан кулар эди. Бу ишда унга мададкор — Кумуш муҳаббати бор эди. Энди у мададкоридан ажралди. Бу фожияни шунинг учун ҳам энг охиргиси дейиш мумкинки, Отабек учун энди ҳаёт маъносиз бир нарса бўлиб қолди, бошқа яна бирер фожияни бошидан кечириб, унга чидам беришга Отабекда куч ва қувват қолган эмас. Кумушнинг ўлими Отабекка отилган оғирги ўқ эди. ✓

* * *

«Ўткан кунлар» ўзбек адабиёти тарихида бутун ўзбек прозасида бурилиш ясаган, адабиётнинг ҳал қилувчи жанри — романичликни бошлаб берган асар бўлди. Иззат Султон «Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига худди момақалди роқдек гулдурас билан кириб келди», «чақмоқдек ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди» дер экан, биринчи галда албатта, ёзувчининг шу катта жанрда яратилган илк асарини назарда тутган бўлса керак. ах.

Роман жанрига мурожаат қилишда ёзувчи психологияси маълум: ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий бурилиш, рус ва дунё адабиёти тажрибаларини ўрганиш унинг олдига янги-янги ижодий муаммолар қўйди. Ҳаётнинг фоживий томонларини — эски замон замирида инсон идеалларининг емирилишини кўрсатиш, унинг назарида янги адабиётнинг талабларидан бири эди. Бу эса на мақола, на очерк ва на ҳикоялар туркуми қолишига сизгарди. Бунинг учун ҳаётни кўлампроқ акс эттирадиган жанрга мурожаат қилиш керак эди. Бошқача қилиб айтганда, Абдулла Қодирий ҳаёт талаби, ўз ижодий эволюциясининг талаби, янги сифат ўзгаришда ривожланаётган маданият тараққиётининг талаби асосида адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб реалистик адабиётнинг янги жанрига — романга мурожаат қилди. Шу маънода «Ўткан кунлар» ўзбек романининг тўнғичи, унинг муаллифи Абдулла Қодирий эса ўзбек романчилигининг асосчиси бўлиб қолди.

Ҳар бир ишда илк қадамнинг нақадар қийин экани маълум. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и ўзбек адабиётида йирик жанр томон қўйилган илк қадам эди. Бу қадамни қўйишнинг ўзи катта журъат ва жасорат экани кўриниб турибди. Журъат ва жасорат шунинг учунки, ҳали бугунгига нисбатан ниҳоятда кам бўлган китобхонларимизнинг ҳам аксарият қисми диди диний афсона, ривоятлар, ишқ-муҳаббат темасидаги саргузашт характеридаги ярим афсонавий достонлар даражасидан ҳали унча юқори кўтарила олмаган бир пайт эди. Бошқача қилиб айтганда ҳали ўзбек китобхони Оврунода кенг тарқалган ҳаётни реалистик — кенг чуқур ва объектив таҳлил қилиш принциплари билан таниш эмас эди. Шундай пайтда Абдулла Қодирий, халқига ўзининг реалистик таҳлили орқали бошқа халқларнинг машҳур романлари билан беллашишга арзигулик янги типдаги асарини тақдим этди. Табиий, ўша вақтларда ёзувчининг ўзи ҳам бу ишга кўп андиша ва шубҳалар билан қўл урган. Буни «Ўткан кунлар»га илова қилинган сўз бошидан ҳам англаб олиш мумкин. У ёзади:

— ...«Ўткан кунлар» янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир. Ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврда талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳилларининг етишмаклари секин-секин тузалиб такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечадиган қусур ва хатолардан чўчиб ўтирмадим» (6). Кўраяпсизки, не-не шубҳалар, андишалар билан халқимиз ўтмишидан Абдулла Қодирий қаламига тушган воқеа ўзбек романининг тўнғич намунаси, шубҳа ва андишалар акси ўлароқ фақат илк намунаси эмас, балки гўзал намунаси сифатида майдонга келди.

«Ўткан кунлар» қамраб олинган ҳаёт материали ва бу материалнинг акс эттирилиши йўллари билан том маънода фоживий асардир. Романининг маъноси бадиий ва ғоявий йўналиши,

унинг негизиде турган инсон фожиявий ҳолатларга боғлиқдир. Бу фожиялар ҳаётнинг инъикоси сифатида китобхонда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Чунки ёзувчи ёшлик пайтларида кўрган ҳаётнинг ўзи, қолоқлик ва жаҳолат фожиялари билан тўлиб-тошган эди. Зотан, Абдулла Қодирий ўз ижодини ҳаётнинг шу томонларини тасвирлаш билан бошлаган эди. Дунёда рўй бераётган ёрлик ўзгаришлар унинг ижодидаги бу йўналишининг асосий эканини исбот қилди.

Романининг гоёвий ва бадий жиҳатдан ўзига хослиги шундаки, Абдулла Қодирий зулмат ва жаҳолат ўзининг «пўлат» чапқали билан бутун жамиятни, ҳатто имтиёзли синф вакиллари ҳам бўғиб ташлаганини кўрсатди. Уларнинг сал-пал илғор фикр юритадиганларини эса барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлардап маҳрум қилиб, оғир фожияларга дучор этиб қўйганини тасвирлади. Романи ўқиб шундай хулосага келасизки, модомики имтиёзли табақа вакиллариға ҳаёт шу даражада бешафқат экан, оддий меҳнаткаш халқ эрк, ҳақ-ҳуқуқлар хусусида ўйлаши ҳам ерликча. Мана романдан келиб чиқадиган муҳим социал маъно!

«Ўтган кунлар»да бошқа бир муҳим гоёвий йўналиш бор. Абдулла Қодирий баъзи бир юқори табақа вакиллариининг ҳам ерлар она тургунлашиб қолган бор тартиб ва тузумға шубҳа қила бошлаганини, димикқан ҳавонинг тозаланиши тарафдори бўлганликлариини, бунинг учун бошқа йўл-йўриқлар излаб қолганини кўрсатади. Улар ҳаётнинг шу шаклда яна давом қила олмаслигини, жамият боши берк кўчаға кириб қолганини тушунганликлариини акс эттиради. Атрофидаги халқлар ҳаётиға, улардаги рўй бераётган ўзгаришларға разм сола бошлаганини, эрта-ки-кеч қандайдир бурилишлар бўлиши муқаррар эканини сезаётганликлариини ифодаға олади.

Қолоқ жамият фақат зулми билан фарқланмайди. Зулмға мувофиқ урф-одатлар яратади, кишилар психологиясида тургунлашиб қолган белгиларни мустаҳкамлайди. Бу урф-одатлар, тургун психологик белгилар эса жамият ўтказаётган зулмни оқлайди, улар орқали халқ бошиға тушадиган фожиявий ҳолатлар яна ҳам даҳшатлироқ, яна уқубатлироқ маъно касб этади, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да масаланинг бу томонини ҳам ёрлик планда кўрсата олди.

Шу хилдаги жамият яратган урф-одатлардан бири ота-она орзуси эди. Ёшлар тошган бахт, муҳаббат, ота-она томонидан доим ҳам ҳисобға олинабермас эди. Улар ўғил-қизларининг бахтини ўзларича тушунар эдилар. Ёшларнинг ўз ихтиёрлари билан эмас, балки ота-она ихтиёри билан оила қуриш, халойиқ йиғиб, эаға ош тортиб ўғил уйлантирибди, қиз чиқарибди, «катта тўй берибди», «тўкин-сочин бўлибди» деган гаининг эл орасида узоқ вақтлар айланиб юришини ҳисобға олар эдилар. Аксарият пайтларда «еган ошни қайтариш» деб даб-дабалар билан ўз номини улуглаш каби ақидаларға бўйсундирилар эди. Роман қахрамонлари Отабек ва Кумуш муҳаббатлари мана шу чиркин орзу-

✓ ҳавас қурбони бўлади. Биз романни ўқир эканмиз, икки ёшнинг соф муҳаббатини нобуд қилган бу урф-одатларга, уларни яратган, уни қувватлаган муҳитга нафратлар ўқиймиз. Минг афсуслар бўлсинки, жамият тараққиёти учун зарарли бўлган бу хилдаги урф-одатлар бугун ҳам оз эмас. Романни ўқиб шу хилдаги урф-одатларнинг кўринишлари моҳиятига тўлароқ тушунгандек бўламиз ва ўзимизни курашга тайёрлаймиз.

✓ Роман сифатида «Ўткан кунлар»нинг бошқа бир муҳим аҳамияти бор. Зарарли урф-одатлар барча табақалар учун баробар зарарлидир. Юқори табақа вакиллари бошига тушган қолоқ урф-одатлар оддий меҳнаткаш халқ вакиллари ҳам четлаб ўтган эмас. Балки ундан ҳам даҳшатлироқдир. Шу ғоя асосида адиб Отабек Ғожиасига ҳамонанг Уста Алим қисматини беради. Булар жиҳатдан романдан анчагина ўрин олган тўқувчи уста Алим образи характерлидир. Тўғри, бу образга тегишли воқеалар романга кистирма эпизод сифатида киритилади. Бироқ улар Отабек ва Кумушининг муҳаббат тақдирига параллел равишда берилиб, ёзувчи приёмини изоҳлагани учун романнинг органик қисмига айланган. Бўзчи уста Алим муҳаббати ҳам оғир ғожиа билан якунланади. Нобуд бўлган муҳаббат Отабек ва Кумуш муҳаббатлари қисматини сеҳрли тошойнага солиб кўрсатгандек бўлади. Бу икки муҳаббат қисматлари бир хилда бўлса ҳам бир йўсинда рўй бермаган, албатта. Абдулла Қодирий масаланинг бу томонига ҳам маълум бир маъно юклайди. Уста Алим, унинг севгилиси Саодат оддий меҳнаткаш вакиллари. Бироқ улар муҳаббатда Отабек ва Кумуш муҳаббатларидан қолишмайди. Бундан ташқари маълумки, оддий халқ вакиллари юқори табақа вакилларига нисбатан анча одмироқдир. Уста Алим на ота, на она орзуси тазйиқига учрайди, севинган бу икки қалб ўз муҳаббатларидан ҳаётдаги тасодиқ туфайли ажралади. Саодат туғиш чоғида нобуд бўлади. Аммо тасодиқ орқали юзага келган бу ғожиа ижтимоий ҳаёт яратган бошқа ғожиалар сингари оғир ва мусибатлидир.

Тўнғич роман устида олиб борилган биринчи тажриба муваффақият билан якунланди. «Ўткан кунлар» туркий халқлар орасида тез тарқалади ва унинг авторига катта шуҳрат келтиради. Кейинчалик шарқнинг йирик романистлари Мухтор Азизов, Ойбек, Берди Қорбобоев, Хидир Деряевлар Абдулла Қодирийдан сабоқ олганликларини очиқдан-очиқ айтдилар.

«Ўтган кунлар» романи хусусида юқорида баён қилинган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Ўткан кунлар»да иккита муҳим ҳолат бор:

Бири асарнинг бош қаҳрамонларидаги чуқур ва кенг тасвирланган инсоний муҳаббат ва халқ ғамини ейиш ҳиссининг тасвири. Шу роман яратилган даврда яккаҳоқимлик мафкураси ижодкорлар эриқ иштиёрига путур етказа бошлаган эди. Шу маънода адиб биз бугун тасаввур қилаётган ватанпарварлик ҳиссини тўла акс эттира олмас эди.

Иккинчи ҳолат шундан иборатки, романда тасвирланаётган давр аёвсиз танқид қилинади, фош этилади. Ўша даврга нисбатан гувоҳлик эгалари бўлган Отабек, Қумуш ижтимоий ҳаёт ва ҳаҳолат ўтида ҳалок бўладилар. Бу ҳол бизни ниҳоятда ачинтириди. Ўша даврда уларга бахт муяссар бўлмади. Зулмат, қорачи улар қўлидан энг охирги овунчоғи — муҳаббатини тортиб олди. Бу фожиани ўқир эканмиз, ўша мудҳиш даврга лаънатлар ўқиймиз ва шу бугунги мустақиллигимиздан чексиз мамнун бўламиз.

Бир зум тасаввур қилайлик. Ҳаёт материалини обдон ўрганган Абдулла Қодирий мустақиллик даврида қалам тебратапти. Бундай ҳолда у фақат ота-она орзуси натижасида аёвсиз фожиани дуч келган ёшларнинг қисматинигина эмас, балки мустамлақчилик даврида халқ бошига тушган йирик-йирик фожиаларни ҳам тўлароқ акс эттирган бўлар эди. Тўғри, романда бунга ҳам ишора бор, аммо улар — ишора. Бу хилдаги социал ва сиёсий фожиаларни тўла акс эттириш иложи йўқ эди. Эндиликда эришилган мустақилликкина бунга йўл очиб берди.

ИИГИТЛАРНИНГ САРАСИ, ГУЛЛАРНИНГ РАЪНОСИ

«Меҳробдан чаён» Абдулла Ҳодирийнинг иккинчи романи. У «Ўткан кунлар»дан 6 йил кейин, яъни 1928 йилда майдонга келди. Маълумки, биринчи роман Абдулла Ҳодирийга катта шуҳрат келтирди. Роман тез орада фақат ўзбек китобхонлари орасидагина эмас, балки турли халқлар орасида кенг тарқалиб, уларнинг севимли китобига айланди.

«Ўткан кунлар»дан кейин Абдулла Ҳодирий ўзининг журналистик фаолиятига кўп вақт ажратди ва шу орада назаримизда яратиладиган янги йирик режалари устида иш олиб борди. Эҳтимол адиб кўп замонларни ва кўп мавзуларни хаёлидан ўтказгандир. Бироқ нимагадир уни яна тарих, адиб яшаган даврга нисбатан яқин ўтмиш — Худоёрхон даври жалб қилди. Худди шу даврни акс эттирган «Ўткан кунлар» ёзувчи назарида яқин ўтмишнинг ҳамма томонларини китобхонларга етказиш керак бўлган барча қирраларини қамраб олмагандек кўринди. Шу сабабдан бўлса керак, Абдулла Ҳодирий тарих устидан чиқарадиган ҳукми учун яна ўша даврни, Қўқон хонлиги даврini танлади. Адибнинг Қўқон хонлиги даври ҳаётини яхши билишлиги балки бу даврга мурожаат қилишнинг сабабларидан бири бўлса, ажаб эмас.

Бироқ шуни ишонч билан айта оламизки, «Меҳробдан чаён»даги ҳаёт материали билан «Ўткан кунлар»даги бир хил, тасвирланган давр ҳам айнан ўша бўлишига қарамасдан Абдулла Ҳодирий бу асарида дастлабки романидаги бирор мотив, бирор жумбоқни ва ёки бирор образ ёхуд воқеани такрорламайди. Ҳатто ёзувчи концепцияси жиҳатдан ҳам «Ўткан кунлар» билан «Меҳробдан чаён» бир-бирларига яқин турсалар-да, уларни бир-бирларини такрорлаган деб бўлмайди.

Қисқаси «Меҳробдан чаён» ўзининг ҳамма жиҳатлари билан ўзбек адабиёти тарихида майдонга келган янги воқеа эди.

Бу ерда масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: «Ўткан кунлар» кўпроқ ҳоким синф, яъни ўзига тўқлар табақасига мансуб бўлган қаҳрамонлар ҳаётини акс эттиради. Худди шу жиҳатдан Абдулла Ҳодирий ўзини китобхонлар олдида қарздор ҳисоблаб юргандек эди. Шу қарзни ўрнига қўйиш маъносида у кейинги романидан настки ва ўрта табақа вакиллари ҳаётини акс эт-

тиригилик доғим кўрди. Бу ҳол ўша вақтларда ҳаётни бирёқлама тасвирлашда айтилган таъналарга жавобдек бўлди.

Хўш, «Меҳробдан чаён»нинг қаҳрамонлари кимлар? Адиб бу қаҳрамонларнинг қайси томонларига эътибор беради?

РОМАН ҚАҲРАМОНЛАРИ КИМЛАР?

Асар қаҳрамонларининг аксарияти зулмат бандалари. Турмушнинг роҳатидан кўра меҳнати, адолатидан кўра маломати, учуғидан кўра аччиғи — мана уларнинг ҳаёт ҳиссалари. Романнинг бош қаҳрамони Анвар туғилиб ўсган оила бошлиғи Салим бўлган. У ўз меҳнатидан барака топа олмаган заҳматкашлардан бири. Умр бўйи бири икки бўлмаган, аксинча фалакнинг очлик-яланғочлик деган балолари у бошқарган оиланинг доимий йўлдоши. Ҳатто фарзанднинг ҳам туғилганидан туғилмагани бу оила учун афзал. Тирикчилик исканжаси шу даражада бераҳмки, Салим бўлган унинг қиссувида хасталикка бардош бераолмай ўлиб кетди, олти етимни боқиб юкини кўтара олмасдан Анварнинг ойиси Асирбийи ҳам тез орада оламдан ўтади. Оила тарикдай тарқалади — бировлари касалликларга дучор бўлиб ўлиб кетса ва бировлари кимларгадир асранди бўлишга мажбур. Шундай оилада туғилган Анвар болалигининг оғир кунларини ўтказишга маҳкум.

Салим бўёқчи оиласи роман бош қаҳрамони Анвар ўсиб улғйган ҳаётнинг бир қаноти. Унинг иккинчи қаноти Солиҳ Маҳдум оиласи билан боғлиқдир.

Солиҳ Маҳдум муҳити Салим бўёқчи муҳитидан анча фарқ қилади. Бу ўша давр, яъни хонликлар даврига хос бўлган зиё-лиларнинг ўртача табақасига мансуб оила. У тоғани бу тоғанига аранг етадиган, шу маънода оғир ҳаётнинг жабр ва ситамларини бироз четлаб ўтишга қобил оила. Бундай бўлишига Солиҳ Маҳдумнинг ота мерос саводхонлиги бўлса, шу касбга мувофиқ унда мавжуд бўлган бироз энчиллиги ҳам сабаб. Зулмат қаҳрамон бўлиққан Салим бўёқчи оиласи муҳитидан чиқиб ҳаёт бироз янгилашиб боққан Солиҳ Маҳдум муҳитига тушиши Анвар учун бошқача олам эди.

Анварнинг ўзи-чи? Анвар ота ва онанинг эзгу орзу-ҳаваси туфайли дунёга келган болалардан эмас. Ёзувчи иборалари билан айтганда Анвар чилласи чироғ кўрмаган чақалоқ, ҳатто «йигирма кунлаб бешикда номсиз ётган». Унга янги меҳмон сифатида қаран, парвариш қилиш у ёқда турсин, ўз вақтида унга ном қўйиш учун ҳам ота-онада ҳафсала йўқ. Бугина эмас. Одатда чақалоқларга номни имом, жуда бўлмаса ота ёки она қўяди. Анварга эса на имом, на ота-она ном қўйишга муяссар бўлди. Унга биринчи кунлардан кулиб боққан ўн икки ёшли онаси — Подира шунчаки «Анвар» деб атай бошлайди. Ўшанда кейин уни бошқалар ҳам шу ном билан атайдиган бўлишади. Ёзувчи сўзлари билан айтганда «шу йўсинда Салим бўёқчининг мав-

риденз зайлаклари ичида бемаҳал гуррак бўлиб Анвар ҳам яшай бошлади». Бироқ бу бахт ҳам узок чўзилмади. Тез орада Анвар аввал отасидан, кейин онасидан ажралиб бечора етимчалардан бири бўлиб қолади.

Роман сюжетида ҳаракатга келтирадиган образларнинг асар бошларидапоқ шу тақлид характерланишлари танланган персонажларнинг социал моҳиятини англатади. Худди шу маънода, яъни асар бош қаҳрамонининг ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан «Меҳробдан чаён» «Ўткан кунлар»дан фарқланади.

МАНТИҚ ВА ТАСВИР

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги услуби кўпчиликка маълум. Унда адиб асар бошидан бошлаб бири-биридан кескин, бири иккинчисини тўлдирадиган манзаралар яратади. Бирор жойда тасвири тўхтатиб қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини изохлайдиган мантиқий асосларга тўхтаб ўтирмайди. Китобхон қаҳрамонлар мантиқини бевосита уларнинг хатти-ҳаракатларидан келтириб чиқара беради. «Меҳробдан чаён»да бошқача манзарани кўрасиз. Адиб бу романда ҳар хил йўллар билан асосий қаҳрамонлар мантиқини — уларнинг нимага қобил ва нимага ноқобил эканини асослашга эътибор беради.

Мапа Солиҳ Маҳдум.

Тоғиш-тутишда унинг ишлари ёмон эмас. Бошқаларга таққослаганда унинг топган-тутгани бир мударриснинг топган-тутганидан кам эмас. Аммо ўз характер хусусиятларига кўра Маҳдум анча хасис, етарли даражада тамаъгир, ҳатто бироз ичи қоралиги ҳам бор. Адиб Солиҳ Маҳдумнинг бу хислатларини тасвирлашда сатирик приёмлардан ҳам фойдаланади. Унинг кўйлаки-иштонларида, албатта, етти-саккиз жойида ямоғи бўлади. Устидаги гунпи-чопон йиллаб ўзгармайди. Ҳар қиш унинг енги ўзгаради, астарига эса янги-янги ямоқлар тушади. Маҳаллада унинг бу чопонига «молтопар» деб ном ҳам қўйишган. Оёғида беш-олти марта бошлатилган, қўнжи йиғилиб бир қаричга келиб қолган маҳси, усти-устига чарм ёпиштирилаберганидан таги уч элик даражасига етиб қолган оғир кафш, бошида ишлари неча жойидан попуқ бўлиб осилиб тушган салла...

Солиҳ Маҳдум фақат ўзини қисиб-қимтийдиган хасислардан эмас. У бутун оиладан қисиб-қимтийди. Оиладанги еб-ичари одатда гўшт-ёғдан холи, ёрма, ёвгон, талабалар томонидан олиб келинадиган ҳар хил маза-бемаза ва ҳар хил шаклдаги нонлар, одатда улар ҳам қотиб қолган бўлади. Маҳдум оиласида қозон қайнаши ҳам амри маҳол... Маҳдум ўз мактабдорлигидан яхшигина фойдаланар — ҳар хил сабаб ва баҳоналар билан талабалардан бирор нарса ундиришга ҳаракат қилар эди. Бошқа мактабдорларга ғайрилик қилиб бойроқ оиладан бўлган талабаларни ўзига тортишга уринар эди...

Хуш, нега Абдулла Қодирий Солиҳ Маҳдум характериға шу андиқни манتيқ боғлайди! Шунинг учунки, адибга Маҳдум худди шу йўсида керак эди, шу йўл билан у роман бош қаҳрамонини аса хислатларини китобхонга тўлароқ етказиш учун яхши ҳоширлар эди. Романининг биринчи бобини эсланг: Солиҳ Маҳдум анча яхши кайфиятда одатда доим ҳам қилабермайди-гар бир ишни қилади — анчагина чиқимдор бўлиб яхши овқат-дан харажат олиб киради, хотини ва қизига одатдан ташқари яхши муомала қилади. Бу ҳолат Солиҳ Маҳдумнинг характер хислатларига мос эмас эди. Кейин англаймизки, унинг бу даражада чиқимдор бўлиши, хотини ва қизига бу даражада яхши муомала қилиши Анварнинг янги мансабга кўтарилиши хабарини аниқлаш билан боғлиқ экан. Бу билан китобхон олдида Солиҳ Маҳдум характериға хос хислатлар бир қадар мустаҳкамланса, яна бир жиҳатдан Анвар характериға хос олижаноб хислатлар улуғланади.

Анвар характериға хос мантик нимадан иборат? У нимага қо-бил ва нимага ноқобил?

Авалло шуни айтиш керакки, романда Анвар характери ман-тиқини асослашга адиб у даражада кўп ўрин ажратабермайди. Бунинг устига муаллиф бевосита ўз номидан унинг характер хусусиятлари ҳақида бирон нарса демайди ҳам. Анварнинг ха-рактериға хос хусусиятларни аввало унинг ўз сўзларидан билиб оламиз.

Аваллам бор Анвар бениҳоя камтарин йигит. Бу фақат унинг иним ўстанлиги-ю Солиҳ маҳдум эшигида асранди сифатида таъ-лим олинишида эмас, албатта, гарчи унинг ҳаётидаги бу огир кул-фатларнинг ўзига яраша ҳиссаси борлигини инкор қилиб бўл-мас ҳам. Камтаринлик Анварнинг умуман шахсиятиға хос ху-сусият. Оилада ҳам, мактабда ўртоқлари орасида ҳам Анвар ўзига инсбатан алоҳида эътибор билан қарашни талаб қилмайди. Ис-теъдод ва қобилиятга келганда эса Анвар у ҳақдаги одамлар ора-сида огиздан-огизга ўтиб юрган гапларни муболага деб билади. «Кинилар муболага қилғандек менда истеъдод йўқ» дейди уни бош мирзоликка кўндирмоқчи бўлган Солиҳ маҳдум билан Шо-ҳидбекларга (330-бет)¹.

Анварнинг ўз сўзларидан унинг ҳаётга муносабатини ҳам билиб олиш қийин эмас. У ўз ҳаётини аввало ўз илми, эгаллаши керак бўлган ҳунари — умуман инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган меҳнат билан боғлайди. Мен «Бунингдай масъул, айниқ-са таътанали вазифаларга ҳаваскор эмасман» дейди у Шаҳид-бекнинг сўзларига жавобан.

Анварнинг яна бир хислати унинг ўз сўзларида ифодалана-ди. Гап шундаки, Анвар жамоатда ўзлигини намоён қилаберади-

¹ Абдулла Қодирий: Рўмонлар: «Меҳробдан чаён», Тошкент, Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992: (330-бет) (Бундан ке-йинги кўчирмалар китобнинг мана шу нашридан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади):

тан, ҳатто кўнчилик орасида ўз ўрнини бир даража наст деб биладиган йигит. Солиҳ Маҳмуд ва Шодибеклар бош мирзалик лавозимини қабул қилишни қайта-қайта таклиф қилганларида у шундай жавоб беради:

...Ўрдага кечагина борган менга ўхшаш ёшларнинг «бош мирзо бўламан» деб умидланишлари айни бир кулгидир. Яъни, демакчиманки, бу вазифа тамаъида ўн, йигирма ва балки ўттиз йиллаб кўзини тўрт қилиб келган мушшійлар, муфти ва шонрлар бор. Уларнинг ёнида менга ўхшаш бир ёш тажрибасизнинг ҳам тамаъланиши кулги эмасми? (330-бет).

Фақат Анвар типидаги одам шу хилда жавоб қилиши мумкин эди. Ўз ўрнини билмаган, ўз даражасини ўлчаб кўришга ақли настлик қилган кимсаларгина бундай пайтда «мана мен борман» ёхуд «бу мартаба бизга муносиб» деб бош кўтариши мумкин.

Солиҳ Маҳдум, Шодибек ва Анвар ораларидаги суҳбатда роман бош қаҳрамонининг характер хусусиятларига, унинг шахсияти мантиқига тегишли бошқа бир хислат ҳам кўзга ташланадики, бу фазилат ҳаммага ҳам муяссар бўлабермайди:

Анвар вазиятни, муҳит оқимини, гўё ёшига мувофиқ келмабермайдиган даражада яхши англаб олган эди. Бошқача қилиб айтганда у одамлараро зиддиятни бениҳоя сезгирлик билан найқар эди. Ўша суҳбат давомида Анвар ўз фикрларини далиллаш мақсадида шундай дейди:

«Хайр, кишилар ўйлагандек, меним мирзобошлиққа истеъдод ва лаёқатим ҳам бўлсин, агар ёрлиғ берсалар бу вазифани қабул ҳам қилайин, — деди — аммо анави — йигирма-ўттиз йилдан бери шу мансабнинг қайғусида келган кишилар тинч ётадир, деб ўйлайсизми, ҳар замон оёғимдан чалмайдилар, деб ишонасизми?» (331-бет). Албатта Анвар чумчуқдан қўрқиб тариқ элисини «тарк» қиладиган йигитлардан эмаслигига ишончимиз комил. Лозим кўриб топширилса ҳар қандай мураккаб ва оғир ишларини бажаришга қодир. Бироқ у бу ишда вазиятни англаб олиб бир қарорга келади. Мана унинг характеридаги муҳим хислатлардан бири.

Анвар ёш бўлишига қарамасдан бир неча йил ўрдада оддий мирзо вазифасида хизмат қилди. У шу давр ичида яна бир муҳим ҳақиқатни англади. Бу унинг характеридаги юқорида таъкидланган белгиларни яна бир даража тасдиқлайди. Бу замон руҳини тушунишдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда ҳаётда (албатта, ўша давр ҳаёти назарда тутилади) ҳақиқатнинг машаққатлилиги, унинг не-не қийинчиликлари билан ўзига йўл топиши, баъзан эса йўл топа олмай мағлубиятга учраши мумкин эканлиги эди.

Анварнинг сармушшій бўлиб тайинланишидан ўта манфаатдор Солиҳ Маҳдум ҳар ким ўз ишини билиб қилса, унга бутун олам душман бўлганда ҳам бир мўйини ҳам қилолмаслигини айтиб, бўлажак куёвни қўрқоқликда айблаб, нафсониятига тегмоқчи бўлади. Бунга жавобан Анвар:

Ҳақиқат!.. — деб кунди ва бир оз ўйланиб тўхталди — ҳақиқат ҳақиқатда голиб эканини оғизда эшитсам ҳам шу чоққача аялда кўралмадим» (382-бет). Анвар сўзини давом қилиб сарой ишқоналарининг тухмату-адоватлари натижасида ва султоннинг адолатли ҳукми туфайли бир неча софдил ва одил бекларнинг шайхоналиклари ҳақидаги воқеани ганириб беради.

Дарҳақиқат ҳаёт, унинг устига саройда хизмат қилатуриб бўлган ҳақиқат ва адолат йўлида хизмат қиламан деб ўйлаш, унинг ҳаётига ҳаёт қай тарзда бўлмасин «ҳақиқат голиб келади» деган ақида билан атрофга бепарво қараш мумкин эмас. Қисқа муддат ичида Анварнинг сарой ҳаётидан олган сабоқларидан бири шу эди.

Унинг қиламизки, китобхон бизни авф этар: қишлоғимизда бир муруврий қария бўлар эди. У бир куннинг ўзида бир неча бор кўлини фотиҳага очиб, «ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан ўзинг сақла...» деб дуо қилар эди. Шахсан мен бу ибораларининг иккитасига тўла тушунсам ҳам (қишлоғимизда рўй берган ёғинларни, Амударёнинг қирғоқларидан ошиб кўплаб қишлоқларни сув босиб кетганини кўрар ва эшитар эдим) учинчи иборанинг маънисига анча бепарво эдим. «Меҳробдан чаён» қаҳрамони эса тухмат ва адоватнинг ўт ва сув балоларидек даҳшатли эканини ёшлигиданоқ англаб олган экан.

Юқорида зикр қилинган Анвар образининг мантиқига тегишли фикрларни якунлаб айтиш мумкинки, Абдулла Ҳодирий бу образни яратишда асар бошлариданоқ унга мустаҳкам мантиқ бағишлайди, кейинги бобларда эса қаҳрамон ўша мантиқ асосида ҳаракат қилади. Нега шундай? Яна «Ўткан кунлар»га муруввий қилайлик. Адиб Анвар характерини тасвирлашдаги бу ғрифани Отабекка нисбатан ишлатган эмас эди. Ҳолбуки Отабек ҳам бор фазилатлари билан Анвар образидан наст турмас, балки баъзи жиҳатлари билан бу икки образ баробар келар эди. Бадний ғрифдаги бу фарқ шу сабабданки, Отабек характери замон ислоҳ-ситамларини ўзига олган, шу йўл билан ўз умрини фожияга ҳолатда якунлаши керак бўлган образ эди. Анвар эса адиб кўндалинда бошқа бир ҳақиқатни акс эттириши, яъни ҳаёт жабр-ситамлари бошига тушса ҳам ўшанга қарши дадил туриши керак бўлган шахс эди, шу сабабдан адиб унинг характер хислатларини асар бошларидан бошлаб китобхонга етказиб қўйишни зарур ҳисоблайди.

«Ўткан кунлар» билан «Меҳробдан чаён» қиёси ҳақида гап юзлар экан, Солиҳ Маҳдум билан Юсуфбек ҳожи образлари қиёси ҳусусида баъзи бир фикрларни айтишга тўғри келади.

Юсуфбек ҳожи «Ўткан кунлар»да Отабекка фақат отагина эмас, балки етук файласуф, тажрибадор, ҳаётнинг наст-балаанди-дан хабардор донишманд сифатида таълим берган, ўз таъсирини ўтказиладиган шахс сифатида гавдаланади. У адиб томонидан шу шаклда танланган ва шу тарзда тасвирланади ҳам. «Меҳробдан чаён»да эса бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Со-

лиҳ Маҳдум Анварга таълим берган, савод ўргатган. Бироқ, Анвар характериға хос фазилатларнинг бирор қиррасини Солиҳ Маҳдумдан ўтган деб айта олмаймиз. Аксича, Анвар ўзининг барча характер хусусиятлари билан Солиҳ Маҳдумнинг акси.

Ўз қаҳрамонларининг ҳаёт тарзига, ирода йўналишига шу тарзда ёндашишининг сабаби нимада экан? Анвар Юсуфбек ҳожи сингари доно бир шахснинг оиласига асранди бўлиб тушиши ҳам мумкин эди-ку!

Бунинг сабаби шундаки Солиҳ Маҳдум характерининг бошқача тарзда яратилиши бир марта яратилган Юсуфбек ҳожи образини такрорлаш хавфи бор эди. Маълумки такрор бадиийлик принципларига ёт нарса. Буни Абдулла Ҳодирий яхши биларди. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор эди. Ган шундаки, юқорида айтганимиздек, Абдулла Ҳодирий Солиҳ Маҳдум образига бошдан охиригача сатирик йўналиш беради. Шу йўл билан адиб, биринчидан ҳаётнинг «Ўткан кунлар»да акс этмаган янги бир томонига назар ташлади, китобхонни ўша давр ҳаётидаги кулгули томонлар билан таништирмоқчи бўлди, иккинчидан, худди шу йўналишда, шу тақлидда Солиҳ Маҳдум образи Анвар образининг характери учун, унинг барча олижаноб хислатларини конкрет планда очиб бериш учун зарур эди. Бошқача қилиб айтганда Солиҳ Маҳдумнинг шу хилда танланиши ва шу йўналишда асар сюжетида қолиши романда қамраб олинган ҳаёт материалининг сир-асрорини очиб бериш учун зарур эди. Шу сабабдан биз Солиҳ Маҳдум образини бошқача тасаввур қила олмаймиз.

СЮЖЕТ РИВОЖИДАГИ КОНФЛИКТ ТУГУНЛАРИ

Бош қаҳрамон Анвар образи шу хилда белгиланганки, у роман бошларидан бошлабоқ ҳаёт конфликтига кириша бермайди. Унинг характерида биз юқорида таъкидлаган белгилардан танқари, ёшлиқдан бошлаб қандайдир сиполик, шошилмаслик, ўз фикр мулоҳазаларини дарров изҳор қилабермаслик, зарур бўлса маълум бир қарорга келишдан олдин узоқ ўйлаб кўрилган фикр айтиш, муносабат билдириш хислатлари бор эди. Шундай қараганда «Меҳробдан чаён»да конфликт яратадиган энг муҳим банд, юқорида биз анча фикрлар ва мулоҳазаларимизни билдирган Солиҳ Маҳдум эди. Ўз характерлари жиҳатидан бу икки шахс бир-бирлари билан ўта зид бўлсалар ҳам Анвар характеридеги вазминлик туфайли ҳа деганда тўқнашув даражасига бориб етабермайди. Солиҳ Маҳдумнинг оилада, бошқалар билан бўлган муносабатдаги қилиқлари, фикр юритишлари Анвар ўлчовларига тўғри келабермас, бироқ бундай пайтларда у ўзини бироз четга олар, вазминлик қилиб кўрганини кўрмаганга олар, акса-

нинг ҳайтларда билинар билинмас кулиб қўяқолар, баъзан эса Анвар бини ё Раъно билан кўз олишиб, Солиҳ Маҳдумнинг бирор вазифа билан сўзи тўғри эмаслигини тасдиқлашиб қўяқолар эди. Анвар қай даражада вазминлик қилмасин, шу нарса аниқ эдики, Солиҳ Маҳдум ўзининг характер хусусиятлари билан романнинг умум конфликтни ривожда тугунлардан бири эдики, у тугундан асар қаҳрамонлари Анвар ва Раънолар ҳаёт йўлида қандайдир муҳим воқеалар рўй бериши турган гап эди.

Роман адабиётнинг шундай бир жанрики, унинг воқеий оламида ҳар хил типдаги, ҳар хил ирода йўналишдаги характерлар ўзаро тўқнашадилар, бир-бирларини тўлдириб ё зид келиб умум-йўналишдаги муҳим бир маънони акс эттиришга хизмат қиладилар. «Маҳробдан чаён»да конфликт тугунларини яратиши керак бўлган обрслардан бири Абдурахмон домла эди.

Абдурахмон домла характери жиҳатдан асар қаҳрамони Анварга энд бир шахс эди. Аввало, у ҳаётга, ҳаёт сари қўйган қадимки ўта масъулиятсизлик билан қарарди. Масалан, у қариндош-уруғларининг маслаҳати билан Бухорога ўқишга жўнатилган эди. Бироқ Бухорода ўқиш ўрнига паст ва майда ҳис-туйғулар бандаси бўлиб вақт ўтказди, ёш мударрисга ярашмаган айифу-сафо билан банд бўлди. Бугина эмас, Абдурахмон ўз вазинга инсбатан кўпроқ марҳамат кутар: Бухородан келгач, уни «кўнанинг келинг» билан олий мансабларга кўтаришади ва Қўқонда биринчи шахслардан бўлиб ҳисобланарман, деб ўйлар эди. Бу ҳам амалга ошмади. Кўп ғурбатлар билан бўлса ҳам Бухоро мадрасасини бир амаллаб битказиб келган Абдурахмонга кичкинагина бир маҳалланинг имоми бўлиш насиб қилди, ҳолос.

Ўз вазинга кўра кўп марҳамат кутган шахслар ҳасадгўй бўларшади. Абдурахмон домла ҳам бундан истисно эмас эди. Бу ҳаётдаги одамларга гўё у катта мансаб ва марҳамат, обрў ва эътиборга лойиғу лекин кимлардир бу ишда доим унга халақит бериётгандек бўлиб кўринаберади. Шу боисдан улар мансаб ва марҳамат, обрў ва эътиборга сазовор бўлган бошқа одамларга ҳасад билан қарайдиган бўладилар. Демак, Абдурахмон домланинг мадраса кўрмаган ёшгина Анварнинг аввал мирзо бўлиб кўлаётгани, кейин эса бош мирзо вазифасига кўтарилишига ҳасад билан қараши фақат Раънога совчи қўйиб, Солиҳ Маҳдумдан рад жавобини олишдагина эмас, балки унинг характер хусусиятларига хос бир белги эди. Шу маънода роман сюжетида анча ўрин эгаллаган Абдурахмон домла характери Анвар ва Раъно тўқнашлари тасвирида иш бериши керак бўлган конфликт тугунларидан бирини ҳосил қилади. Эҳ, Абдурахмон домла типдаги ҳаётда ўз ўрнини билмаган одамлар жамият хизматида турган софдил инсонлар бошига не балоларни солмайди дейсиз!!!

Бу ерда-ку битта ҳасадгўй — Абдурахмон домла, (битта романда битта ҳасадгўй етиб ортади). Борди-ю, 3—4 та ҳасадгўй берилашиб олса-чи? Бундай ҳолда халқ оғзида юрадиган «агар туяни

Булар роман бош конфликтига тегишли бир фарқ эди. Романда бош конфликтнинг иккинчи бир уфқи бор эди. Бу юқорига Абдулла Қодирийнинг ўзи кўрсатган феодал истибдодининг қаттиқ қилаларга бўлган муносабати эди. Ёзувчи масаланинг бу томонига кўпроқ эътибор беради. Ҳаётнинг бу томонини тўлароқ кўрсатиш учун танланган Гулшанбону образи орқали хон саройи ва ҳарам билан танишамиз.

Гулшанбону нормал вазиятда бошқа кўпчилик ўзбек аёлларига ўхшаб уй-рўзгор қуриб бола-чақага бош бўлиб умрини ўтказиши мумкин бўлган аёллардан. Бироқ ўша давр разил ҳаёти уни қилган, янги, ёш бахтсизлар унинг ўрнини эгаллагач, Гулшанбону хон йиғитларидан бирига тортиқ қилингани, эрдикда эса қизнинг қизтопарига айланган.

Гулшанбону изидан бориб, биз, Худоёрхоннинг канизларини ибдул қиладиган ҳашаматли саройи, унинг никоҳида бўлган катта-кичик хотинларининг ўтириш-туришлари, ҳаёт тарзи билан танишамиз. Ҳарам ҳаётини тўлароқ англаб олишда Гулшанбону билан хоннинг ишончли хотини, Ҳарамбоши ҳисобланадиган Оғача ойим суҳбатлари характерлидир: «...Гулшан, сайиднинг никоҳларида биз ўнлаб қундашмиз... Агар канизларни ҳам қўшиб ҳисобланса, қундашларнинг саноғи бир юздан ортадир. Ботирбоши хола, яна бир нечалар ва атрофдаги бекларимизнинг таъиниқуҳлари соясида сайиднинг ҳарамлари уч-тўрт йилнинг ичиде бунчалик чўриларга эга бўлди... Янги ва кенг ўрдага келиб берашармиз, деган эдик, баракаатларингизда қундан қун бадтар-роқ сиқилишиб борамиз. Ҳатто ичкари ҳавлиларда бир уйга саккиз, тўққуз каниз жойлашинишга тўғри келиб қолди. Бу ҳол давом этди, бирар йиллар ичиде яна бир янги ўрда солишқа тўғри келди. Бу, албатта, мумкин эмас. Ундан сўнг сайиднинг ҳамма қизқатларини ҳарамга тортилса, мамлакат иши ҳалалдор бўлишда ва бунинг уволини бизлар кўтаришимизда шубҳа йўқ. Маана шу андишаларга бориб, сиз билан кенгашмақчи эдим... Бу андиша Ботирбоши холаға ҳам маъқул тушиб, ваъда берди. Ош ҳам шу гапларни яхши ўйлаб ўз фикрингизни менга сўзлаб беринчи, Гулшанбону!» (394).

Оғача ойимнинг бу сўзларида умуман адибнинг хон саройи ҳақида берган, унинг ганига қараганда, тарихан бор маълумотларга асосланган Қўқон хонлиги давридаги бузуқчилик, кайф-сифо, инсонлик шаънига тўғри келмайдиган хотин-қизлар ҳуқуқига таъжовуз ҳар қачонгидан ҳам авжига чиққан. Бирор ишни ботиязини учун хонга қиз тақдим қилиш, бирор воқеа муносабати билан саройга қиз жўнатиш, у даврдаги бек ва бекзодаларнинг иши бўлган. Бундан ташқари хоннинг эл орасида юриб, гунаҳ қизлардан дарак бериб юргувчи қизтопарлари (Гулшан ушадардан бири эди) ҳам бўлган. Хоннинг ишратинарастлигидан фойдаланиб, мансабга ва бойликка интиланлар ҳатто ўз қизларини ҳам хонга тақдим қилар эдилар.

Бундан фақат халқ эмас, балки сарой аҳли ҳам беэиб қолган эди. Шу боисдан Оғача ойим юқоридаги узундан-узоқ изоҳлардан кейин Гулшанга сариолар кийгизиб, «Бундан кейин ҳарамни хотин ва қаниз келтирилмаслигини» сўрайди.

Абдулла Қодирий ҳарам манзарасини яна ҳам яққолроқ ва яна ҳам очиқ-ойдинроқ кўрсатиш учун китобхонни Гулшан кетидан ҳарамнинг ич-ичига олиб киради. У ерда фақат бир-икки мартагина хоннинг «илтифотига сазовор бўлиб» қанизлар қаторига қўшиб қўйилган (улардан баъзилари, албатта, Гулшаннинг ўли томонидан топиб келтирилган), эндиликда ҳарам хужраларида диққинафас бўлиб ётган қизлар билан танишамиз. Танишиб аниқлаймиз ва ачинамизки, эр, бола-чақа, оила ва рўзгор улар учун эртақлардаги тушунчалардек гап. Улар эркак, бола чақа, уй-рўзгор сўзларини бир-бирларига қиной ёки пичинг қилиш учун ва ёки бир-бирларига ярамас ҳазил, ёвуз шўхлик қилиш учун тилла оладилар... (401).

Хон совчилари келиб Раънони хонга фотиҳалаб кетганларидан кейинги Солиҳ Маҳдум кайфиятини адиб маҳорат ила тасвирлайди:

«Анвар тўғрисидаги кўнгил ғашлиғи бир турли бўлса ҳам, бошқа тарафдан анчагина яхши умидлар туғилиб қолдилар. Хонга қайин ота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қайин тўғрисида подшоҳ — куявдан кўн маблағ кутиласа бўлар эди. Агар худо ўғул набира ато қилса, Худоёрхоннинг тахт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Тўйнинг кейинга силтаниши эса, тақдир иши; Раънонинг тақдири хонга битилган, шунга биноан Анвар тўйни кейинга силташқа, биткан ишни етиришқа мажбур эди... Яна шу ҳолда ва шунча янги умидлар ичида кўнгилдан ҳалиги ғашликни, ўзига номатлум бир илинжни ювиб юбора олмади. Яна бир оз шу тўғрида қийналиб ўлтургач, Анварга қарши ўзида бир аччиқ сизди: «Тўйни кўкламга қўй, деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам... Энди, хон сўратқандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор?!» деб кўнгилдан кечирди. Шундан сўнг у озгина тинчиди, яна бир мунча фикрланиб ўлтургандан кейин, кўз ўнгига — қайин учун бериладирган бир саноч олтин, эл қошидаги обрў, энг охирда Худоёрхоннинг тахт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб, илжайди...

Шу йўсун Маҳдум ўзини босиб олди, кўкдан тушкандек бу совчиликни ўз истиқболининг хайрлик фоли, файзи илоҳий, деб қувонди, ҳануз кўнглини ғаш қилиб турган Анвар масаласини хотирига келтирмасликка, «хаёли фосид»дан қочишқа қарор берди. Маҳдум шуни ўзга маъқул қилгандан кейин, бошқа кишилар андишасини, айниқса уйдагилар раъйини ўйлаб турмади» (453-бет).

Адиб бу янгилик муносабати билан Нигор ойим ва Раъно ҳолатлари тасвирига кўп ўрин ажратмайди. Чунки уларнинг бу

муносабати маълум эди. Ёз,

ва кўн йиғлагани ҳақида
ога келганда эса адиб маънодо,
са, — танчада ўкиб ўтирган Хайё.

ани кўйди». Шу деталнинг ўзида

қобларда ҳам адиб Нигор ойимининг с
ироё чеккани, Раънонинг йиғлайвериб к
ди ўнгани ҳақида маълумотлар беради.

воқеанинг энг оғир юки бош қахрамони Ан.

ни керак. Асар бошида Анварга берилган харақ
та фаол, тадбиркор шахс сифатида кўрсатилган.

Содир бўлгач ҳам китобхон ундан шу хилдаги
тадбиркорликни, балки кейинги вақтларда оширилган
асосида ундан ҳам зиёдрогини кутади. Кўйида биз муд
хонини муносабати билан Анварда рўй берган баъзи бир ҳо
латларини қайд қилишни лозим кўрдик.

Бу разил хабарни биринчи марта Анварга унинг дўсти Сул
тонали откалади. Биринчи гап очошда Султонали кўн адиша
рини бошидан кечириб, ноиложликдангина бу сирни унга ай
тади. Мудҳиш хабарни эшитар экан «Анварнинг туси ўзгариб,
қарорик остиари учиё кетди». Бундай ҳолни китобхон кутган,
қарорик.

Бироқ, бу мудҳиш хабар муносабати билан Анвар ҳолатидаги
қарориклар бир хилда эмас эди. Бу психологик ўзгаришдан кейин
қарорик Анвар «...Қутилмаган равишда яна совуққонлик сақ
лади ва Султоналига шундай жавоб қилади: «зарари йўқ, мен
қарорик бу хилда ифлослик вужудга келишини тасаввур қилма
ган бўлсам ҳам, лекин ҳар ҳолда адоват кутган эдим... Зарари
ёқма» (455).

Султонали Анварнинг кенглиги бу оғир ҳолатда ўзини тута
қарорикка қойиш қолса ҳам унга кўнгил бериб оғирини енгил
қилиш учун уринар, бутун мамлакат қизлари Анвар учун «соя
қарорикка» хоҳласа, қози-калон, домла-гомом қизлари тайёр эка
нини билдиради. Бироқ Анвар эса ўзини ҳамон жиддий тутар,
маълум бир ишоралар билан Султоналининг гапларига қўшил
мади бўлар эди.

Султонали билан рўй берган суҳбати пайтидаги ҳолат ўзгари
ши Анварда хон номидан бу янги хабарга кўнктирмоқчи бўлган
қарорик вакили тунқотар билан бўлган суҳбатда ҳам худди шу
қарорикда кўзга ташланади. Тунқотар қиблагоҳ учун Анвардан
қарорик сўраганда, у «бу заҳарли сўз билан илон каби тўлго
қарорик олса ҳам бутун кучини сарф қилиб сир бермасликка тириш
мади» (458) Ҳатто тунқотарга юзланиб, «арзимаган гап...» деб
қарорик.

Бу мудҳиш хабар хусусида Султонали билан бўлган суҳбатда
қарорик, тунқотар билан рўй берган фикр олишувларда ҳам Анвар
қарорикда бир-бирига зид икки хил ҳолат кўзга ташланади. Би

ринчиси шуки, Анвар бу хабардан бениҳоя катта изтироб тормокда. У нимадандир қаттиқ зарба еб қарахт ҳолатга тушиб қолган одам қиёфасида эди. Иккинчи томондан у ўзини анча бе парво тутишга, бу масалани у даражада аҳамиятсиз деб тушулган одам қиёфасига киришга интилар эди. Эҳтимол, Анвар саройдагилар билан шу тарзда ўзини тутар деб ўйлайсиз. Бироқ уни биз бу хабар муносабати билан Нигор ойим ва Раънолар билан фикр олишувда ҳам шу хилдаги мажҳул аҳволда кўрамиз.

Мана, мудҳиш хабардан кейин Анвар биринчи марта Нигор ойим билан учрашяпти. Нигор ойим йиғидан кинриклари торашиб, чуқур андиша ичида бошини қуйи солган эди. ...Дастурхон ёзиб, товоқни Анварнинг олдига қўяр экан, бирдан пиқ-пиқ биллаб юборди». «Бу ерда ҳам Анвар ҳолати бироз тушунарсиз эди. У Нигор ойимни бу ҳолатда кўриб, — Нега йиғлай (из? Тақдирини ўзгартириб бўладими? Хафа бўлиш яхши эмас, сиз шундай бўласин деганмидингиз?..» дейди (458).

Шу ернинг ўзида адиб қаҳрамон ҳолатида бошқа бир ўзгаришни ҳам таъкидлайди. Анвар Нигор ойим олиб келган ошда бир-икки лўқма олди-да, кўлини артди. «Сандал кўриасини беришга тортиб, кучли ва узун тин олди». Бунинг кетидан ёзувчи бошқа бир тасвир ҳам беради. «Хонани арабг ёритиб турган шам титрар эди. ...Шамънинг титроғи билан кўзини бир нуктага тиккан Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтирагандай кўринар эди». (458).

Бу ерда ҳам ўша зиддият — бир томондан гамгиллик, алам, изтироб, иккинчи томондан ҳайратда қоларлик даражада совуқ қонлик, бепарволик, Ажабо, дегингиз келади.

Балки Анварнинг ҳақиқий ҳолати Раъно билан учрашувларда юзага чиқар? Бу учрашувни кутасиз. Ниҳоят, улар учрашарди ҳам. Мана, бу учрашувда Анвар ҳолати (Раъно хонага чой олиб кирганда бечора қизнинг икки кўзи қип-қизариб, қовоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқиш аломати бор эди). Чойни қуйдию «...бирдан ўкириб юзини танча устига қўйди...» (458). Бу ҳолатнинг маъноси маълум.

Анварда эса бутунлай бошқача ҳолатни кўрамиз. У яна ўша совуққонликда эди. Раънони болаликда айблаб «ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!» дейди. Раъно йиғлашни давом қилар. Анвар, «Бекорга йиғлайсан, Раъно, Раъно! деб уни юпатар эди. Бу ерда Анвар китобхонни жиддий ўйлатадиган сўз ҳам айтади. «...йиғинг сўнгги иш». Сўнгги иш! Хон белгиллаган тўй кунига 3-4 кун вақт қолган. Бу орада бирор иш битказиш қийин эканини китобхон англайди. Бироқ, Анвар йиғлашни «сўнгги иш» деб нисмалардир қилиш мумкин эканини назарда тутаяпти, деб ўйлайсиз. Ниҳоят, Раъно йиғидан тўхтайдди. Анвар буни маълумлаб «Ана тамом... Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиғи нима ҳожат!» (459-бет) дейди. Бу сўзлардан кейин ҳам китобхон жиддий бирор тadbир режасини кутади. Аммо режадан деради

қайтормайди. Бунинг ўрнига биз Анвар бу воқеага ўз қараши-
ни нақар қилгандек бўлади. Аввало Анвар фожианинг нақадар
иниқлиги образли сўзлар билан Раънога етказмоқчи бўлади.
Раънога мурожат қилиб «Сенинг мурассаъ халтачага ўхшаш
иниқлиги юрагинг бор; ичини қийматли тошлар билан тўл-
дирибсан. Бу кун қазо муншийси шу мурассаъ халтачадаги
иниқли тошлар орасига қўпол бир нарса келтириб тикди...
Бироқ, сенинг кичкина юрагинг бу қўполлиқни кўтара олмади,
иниқли тошлар сиқилдилар, сен йиғладинг, сенинг каби мен
шундай қўполлиқни қабул қилишда қаттиқ энтикдим; бироқ
олмадим. Нега? Негаки, бу қўполлиқ менинг юрагимдаги
иниқлини сиқиб чиқара олмас, фақат унга тангликкини берар
ди, сенга ҳам шундай эмасми, Раъно? (460-бет).

Эҳтимол, бу гаплар маълум даражада Раънога хушёқар.
Бироқ, бу ҳам Раъно кутган гаплардан эмас эди. Бу даромад
гаплардан кейин Анвар иккинчи даромад гапга ўтади. Бу гал
фожианинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қилади.

«Хўш, энди бизнинг фожиамиз сабабига келайлик: бу ҳодиса
шундан тўғри хоннинг ўзидан келган гап эмас. Хон ҳазми ҳар
бир ифлослиқни ҳам кўтарадирган катта бир ҳайвон. Унинг те-
нглигида майда ҳашаротлар кўб, булар ҳам ўзларига яраша ҳай-
вонни йиғлайдилар. Бироқ қўл қисқа, шунинг билан бирга ётиб
қолган кўнгил тинчимайди. Шундан кейин хон — катта ҳай-
вонни қитиқлаб ишқа соладирлар... Балки ёдингдир, мулла
Абураҳмон исмлики бири сенинг харидоринг эди; шоир айтганча:

Мендан ўтиб гулга бўйи етмади,
Умид узиб ўз йўлига кетмади.

Хабаринг бор: мен отангинг тазйиқи остида уни ўрда хиз-
матига олдим, у ўрдадаги бир неча ифлослар билан биргалашиб,
меним қаршимга ишлади... Мен... уни ўрдадан жўнатдим, на-
вонда ҳозирги ифлосликка енг шимардилар» (460-бет).

Кейин Анвар ўзининг асосий «фалсафа»сини тушунтиради
«Бироқ, улар бизни бир-биримиздан ажрата оладилар-
ми? Шук. Мажозий ажралиш — ажралиш эмасдир, чунки биз
бир-биримизга мажозий боғланмаганмиз, ҳақиқий боғланишни
ё қатъ этиш ифлослар уҳдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз
нега нега хафа бўлайлиқ, Раъно? Ишқ давоси авом ўйлаганча
оладир — ҳажрдир. Зеро, вася ишқ ўтини сўндирғучи, ҳажр
ва авомодотка эришдирғучидир. Сен шу иккидан қайси бирисини
тутайсан, Раъно? (460-бет)

«Бу нима? Анвар мураккаб фалсафий сабабларни важ қилиб
иниқ бир шароитда ўзини четга олмоқчими? Бундай деб ўй-
ланса ҳақли бўлсак-да, шу тарзда ҳукм чиқаришга ҳақли эмас-
ми? Гап нимада экан, тасаввуф таъсиримикини? Эҳтимол шун-
дир. Анвар муҳаббатнинг дунёвий ҳислатини, унинг ўз сўз-

лари билан айтганда, васлга етишни муҳим ҳисобламайди, ҳатто инкор ҳам қилади. Васлга етиш унинг назарида авом ҳолати тушунчасида муҳим. Юқори даражада инсон учун эса васлдан кўра хажр, яъни руҳан доим муҳаббат йўлида банд бўлиш муҳим. Мазкур фалсафага асослангани учун Анвар иккаласи оёшига яқинлашиб келаётган фожиянинг моҳиятига етарли даражада баҳо бера олмаётган эди. Тасаввуф таъсири Раънода ҳам йўқ эмас эди. Шу сабабдан у Анвар фалсафасини қувватланган мажбур ҳам. Бироқ, келаётган мудҳиш воқеанинг фожия ҳолатларини Раъно Анвардан кўра кўпроқ сезар ва шу сабабдан у киз бола талаффузига хос бўлмаган даражадаги очиқ ифлос билан «мен! ... хоннинг ифлос тўшагида ётмайман!» деб кескин жавоб беради.

Раънонинг бу жавоблари Анварни хаёлий муҳаббат уйқусидан уйғотгандек бўлади. Бироқ шунда ҳам минг афеуслар билан Анвар қуйидаги ҳолатни қайд қилади... «Ифлослар мени тўғри йўлларимнинг ҳаммасини кесдилар» (460-бет) дейди у. Тўғри Анвар кейинги сўзларида ҳали фурсат бор»лигига, агар Раъно бирор тадбирни мувофиқ кўрса, бош эгажагини билдиради. Лекин бу гапларнинг тагида ҳам уша хаёлий муҳаббат таъсири йўқ эмас эди.

Кўн ўтмасдан, Анвар яна бутунлай аввалги изга — хаёлий муҳаббат йўлига тушиб олади. Бу унинг кейинги хатти-ҳаракатларидан маълум эди. Анвар Нигор ойнимга шундай хат ботади: *«Меҳрибон хола! Ёшликдан сизнинг тарбиянгизда ўсдим. Сизга ва тақсиримга кўб заҳматлар бердим. Бу заҳмат бадалига тўғригишлик ҳақ қайтаролмаган, хизмат қилолмаган ҳолда маълум сабаблар тазйиқи остида сизнинг шафқатли тарбиянгиздан жўнатишга мажбур бўлдим. Сўнгра уйдаги менга алоқадор барча инсону салар, шу жумладан ўзингиздаги амонат олтинлар ҳам оилангизга мендан ҳадядир. Мен олтинларни қизингизнинг тўйига атайиб йиққан эдим, бундан сўнг ҳам шу оқчани Раънонинг тўйига сарф қилсангиз, деб сўрайман. Мени йўқлаб келгучиларга ўрда наърагини айтилса эди. Шафқат ва марҳаматингиз билан гуноҳимни кечирасиз умидида (461-бет).*

Хатнинг умум мазмунидан шу нарса англашиладики, Анвар «бу оиладан қўлини ювиб қўлтиғига артган». Бу қарордан Раъно ҳам истисно эмас эди.

Кўраянسىзки, яқинлашиб келаётган мудҳиш воқеа муносабатидан адиб Раъно ҳолати тасвирига ҳам анча ўрни ажраттади. Шу йўл билан адиб бир ўқ билан икки қуённи уради. Бир томондан Раънога хос хислатларни акс эттирса, иккинчи томондан, Раъно ҳолати орқали Анвар характеридаги сусткашликни тасвирини чуқурлаштирар эди. Раънонинг қуйидаги ҳолатини разм солинг:

...«Маълумки, бу кунларда Раънога тикилган фалокат беҳад улугдир: фалокатлик, ҳалокатлик кунлар яқинлашади. Бунинг

...уш кундан бери Анвар дараксиз! Анвар «висол — муҳаббатни ўлдиргувчи, ҳажр эса — камолотга эриштиргувчидир» деб қарашини ҳаминчаликка ташлаб кетдим, ёки маҳдумнинг бемаънавиятидан кўнгли олиниб, араз қилдим? Ҳолбуки ҳозир-ҳозир араз, аччиқ ва фалонларни кўтаратурган вақтлар эмас, бу замианда бечора қизга гап билан, сўз билан маънавий ҳаллол бўлиб туриш соатларидир. Бечора Раъно ҳамиша яхши-йўш вақтнинг кўриб келган бир кишисидан ҳам охирда дағал-дағал кўрар, вафосизлик бўйини олар эди. Шу дудама фалокат бир кун ичида Раъно гулни сўлитаёзди, ҳатто жоду кўзларини кўнглидан ҳам тўхтадилар (462-бет).

Раънонинг бу ҳолати Анвар характерида тасвирлашда бамида бирини кўзгу эди. Бу кўзгуда биз, қаҳрамон характерида бўлган хусусиятини — ҳаёлий муҳаббат бандаси бўлиб қолганини яна ҳам яққолроқ кўраётгандек бўламиз. Шу сабабдан бу ҳолати тасвирини яна ҳам тўлароқ кўчиришга мажбур бўлган ҳол беметилаган тўй яқинлашиб келар эди.

Раъно сандалда ўлтириб жума куни — мудҳиш жумъа куни тўғрисида ўйлар эди. Бу кун сешанба, жумъагача яна икки-уч кун бер. Фақат икки кунгина... Раъно бундан ортиқни кўз ўнги-дан кеттира олмас, гўё ўзини жар ёқасида кўрган кишидек панж-панжа кечдан беихтиёр, гўё савқи табиъий остида орқасига қарайлар эди. Шундан кейин Анвар тўғрисида ҳаёл суриб, яна — Анварга қарши ўзида кучли бир кек сезар, шундай оғир ҳолатда ташлаб кетган «ийгит» яна бир кўринса, қандай ки-шилар билан истиқбол қилишини — кутиб олишини ўйлар эди: «Ҳамма даъволарингиз пуч! Сиз, мирзобошлиқдан маҳрум бў-лган, деб қўрқдингиз; бизнинг уйда ўн йил турсангиз ҳам, отам-нинг феълини билмаганмидингиз? Ҳолонки, мен сизни хондан-дан ёқори ўрунға қўйган эдим! Энди фурсат қўлдан кеткач, буни учун келдингиз?.. «Лекин у кейинги итоби маъносидан ўзи-ни ҳисоб бермас, агар бунга қарши Анвар «Қандай иш ва фурсат-дан кейин келдим?» деб сўраса, эҳтимолки, Раъно сукут қилар, чунки ҳозиргача унинг фикрига вақти ўтадирган бирор-бир келмаганидек, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат бу ҳолати қаршисида такаюх, деб Анварни истаган, Анвар эса қўлдан йўқолиб, Раънонинг мажруҳ юрагида яна янги бир жа-ҳолат очган эди» (462-бет).

Кўрашсизки, ҳали минг гулидан бир гули ҳам очилмаган, қўнғининг остонасидан хатлаб бошқа жойга чиқиб оила-рўзгор, кўрмаган ота-она ва туғишганлар оламнинг бори-йўғи бўлиб қўнғини бу бечора қиз учун бу азоблар бениҳоя даҳшатли эди. Раъно тортаётган изтироблар орқали биз Анвар характерида рўй-йўраётган ҳар бир ўзгаришни чуқур англаб борамиз.

Абдулла Қодирий ўзбек аёл-қизларининг характерини яратишда ўзига хос маҳорат эгаси бўлган ilk ёзувчиларимиздандир. У яратган Қумушбиби образидаги ички ва ташқи гўзаллик кимларни мафтун қилмаган дейсиз: Аёлларга хос барча гўзалликлар эгаси бўлмиш бу ўзбек қизининг аччиқ тақдири кимларнинг дилини ларзага солмаган дейсиз? «Қумушбиби» сўзини эшитган ҳар бир ўзбек китобхони бу ном нима англатишини дарров тушуниб олади.

Қумушбиби образи ўз моҳияти билан ғожий образлардан эди. Раъно-чи? Раъно бошқа типдаги образ. Ёзувчи ниятидан бошлаб, то романнинг охиригача у қаҳрамонлик образидир. Назаримизда «Ўткан кунлар»ни битказиб, китобхонлар қўлига етказган Қодирий ўз қаҳрамонларининг барча ғазилатлари билан ғажаланса ҳам, Қумушбиби ғажаси туфайли китобхон олдида ўзини гуноҳкордек ҳис қилар эди. Шу боисдан бўлса керак, Абдулла Қодирий иккинчи романи устида тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам, Раъно тақдирини бошқача ҳал қилишни ўйлади. Шундай қилмаса бўлмас эди ҳам. Чунки иккинчи марта Қумуш типдаги образ яратиш адиб учун эн эмас эди.

Хўш, Раънодаги қаҳрамонликнинг негизи нимада? Китобхонга маълумки, Раъно ўсиб улғайган оилада жасоратдан сабоқ оладиган бирор кимса йўқ эди. Раъно шуни яхши билар эдики, одам боласи Солиҳ Маҳдумдек дунё йиғишга ўч, майда манфаатлар эгаси бўлиши керак эмас. Унинг ойиси Нигор ойим эса Солиҳ Маҳдумга нисбатан Раъно тушунчасини маъқулласа, ҳам қизига бирор жасоратдан «дарак берган» деб айта олмаймиз. Ҳар нечук бўлганда ҳам Нигор ойим эрни — эр ҳисоблаб унга тобеъ яшайдиган ўзбек аёлларидан эди. Бу хилдаги аёллар на эрига акс таъсир қилишни ўйлар, на унга қарши бирор исёнкорлик қила олар эди. Оилада Раъно учун таъсир ўтказиши мумкин бўлган учинчи шахс Анвар эди. Бироқ анча уятчан бу қизнинг Анвардан ҳам бирор нарса ўрганишини биз китобдан англаб ололмаймиз. Фақат шу нарса маълумки, Анварнинг барча хатти-ҳаракатлари, барча гап-сўзлари Раънога маъқул тушар, бирор марта қизда эътироз уйғотмас эди. Бироқ китобхон яна шуни ҳам англайдики, Анвар характери кўп жиҳатлари билан ғазилат белгиларига эга бир шахс бўлишига қарамасдан унда жасорат хислати етабермас эди.

Шундай экан, Раънодаги жасорат негизи нимада? Қандай қилиб у бирдан-бир тўғри йўлни белгилай олди?

Назаримизда, бунинг иккита сабаби бор: биринчи сабаби шундаки, Раъно бошқа ўзига ўхшаган кўпгина қизлардан фарқли ўлароқ саводхон эди. У ёшлигидан бошлаб фақат шайх Саъдийни, Умар Хайёмнигина эмас, балки муҳаббат йўлида ўзини қурбон қилган Лайли, муҳаббат деб аталмиш ҳисни қадрлай олган Ширин қисматлари билан яқиндан таниш. Танишгина эмас,

балки улар таъсприда «муҳаббат, умуман ҳаёт жасоратни талаб қилади» деган қарорга келиб қўйган бўлиши керак. Айтайлик, бу-ку китобий таъсир, ҳаёт бошқа-ку! Ҳа, ҳаёт бошқа! Лекин ушбу бошқа ҳаётнинг ўзи ҳам жасоратни талаб қилар эди.

Раъно тақдири муносабати билан ҳаётга бир назар ташлаб кўрайлик. Унинг характерида пайдо бўлган жасорат белгилари кўпроқ ўша давр ҳаёти — иқтимоий муҳит билан боғлиқ. Хусусан, бу даврда хотин-қизларга бўлган муносабат билан боғлиқ эди. Раъно хонларнинг, хусусан Худоёрхоннинг хотин-қизларга бўлган муносабати хусусида тўла маълумотга эга бўлмаса ҳам, бу ҳақда у ер — бу ерда, узук-юлуқ гапларни эшитган, албатта. Хон ҳарамидagi диққинафаслик, ҳуқуқсизлик бахт ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлган қиз бола учун ўлимдан ҳам ёмон жазо эди. Шу сабабдан Раъно йўл излашга мажбур эди. Бунинг устига Анвар характеридаги пассивлик, мужмаллик йўл излаш заруратини яна ҳам кучайтирган эди.

Анвар томонидан ўз тақдирларини ҳал қилиш йўлида бирор чора ва тадбир кўрилабермагандан кейин Раъно бу ишни ўз зиммасига олишга қарор қилди ва Анвар номига шундай мактуб битади: «Анвар ака, оғир соатларда ёнингизда турғучи дўстдир, қочқучи эсаким — буни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламан. Ваъда бериш осон, лекин уҳдаси машаққат: бундан сўнг шуни ҳам хотирада яхши тутингиз. Оғир дақиқаларда арзимас гапни кўнгилга олиш сизнинг қаби олижаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин. Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранимадингиз, деб сизни айблаб бўлмас; бироқ, бахтсиз Раъно таҳлика остида қолганда, уни букун-эрта бир фожиа кутганда вафолик деб билган бир кишисидан бу янглиғ яқфо кўриши нақллarda ўқулганми, афсоналарда тўқулганми?! Шу қадар гуноҳим бор эмиш, деб хафа бўлмангиз, Анвар ака. Башарти шу гуноҳларининг ювилиб кетишини тиласангиз, сизга бир хизмат бор, ҳам сизнинг учун энг осон хизмат: эртага чаҳоршанба кечқурун, таласангиз — очикча, тиламасангиз яширинча бўлса ҳам, бизникига келингиз, мен билан охирги мартаба видоълашингиз. Чунки сиз нашъу намо қилган жойда Раънони ҳалокат кутади!» (467-бет).

Бу ерда севишганлар бошига машаққатли кунлар тушганда ва бу оғир кунлардан бир томон ҳар хил сабаблар билан бош тортмоқчи бўлганда айтиладиган ҳамма гаплар бор: таъна, киноя, илтижо ва ҳоказолар. Энг муҳими бу ерда хат ёзгувчида — ўз ишига катта ишонч ва хатти-ҳаракатида дадиллик борлиги сезилиб туради.

Раъно характеридаги бу хислатни англашда Анвар билан Раъно ораларидаги навбатдаги учрашув қизиқарлидир. Анвар қанчадан қанча пушаймон-иқкиланишлар билан Солиҳ маҳдумникига яширин равишда келади.

Вазиятга разм қилинг: Хон тўйни белгилаган муддатга икки кун қолган. Кечаси. Анвар хилват бир ҳолатда Солиҳ Маҳдумникида — машқхонага кириб яшириниб олган. Хуфтон маҳал-

Анварни излайди,
ани очиб кўрган

ту-душман —
бўладиган
оя дадил
ҳолатда
б кел-
атиб

лиги
духбат
маслиги
хонада ўзи
мангул бўл-
рининг ўз ёнида
қийган ёш ўспурин
н таиларининг моҳия-
млаган Анвар хаёлидан
аъно ўз хатти-ҳаракатлари

қ ва ҳуқуқи учун курашган,
улида от миниб қилич тортган ва
лар Ўзбекистон тарихида учрайди.
еллар образи қадимги обидаларда акс
кейин ёзилган дoston роман ва қиссалар-
ирмухсиннинг «Меъмор» романини эсланг)
ида, хусусан, қаҳрамонлик дostonларида улуғ-
абабдан Абдулла Қодирийнинг Раъно образини
тасвирлаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди. Фақат
ли айтиш ўринлики, Раъно ҳам, бошқа асарлардаги
р тасвирларидек, вазият талаби, қаҳрамон яшаётган ва
лат қилаётган шароит талабига мувофиқ иш кўрди.

Раъно билан Анварнинг Солиҳ Маҳдум хонадонидан чиқиб
кетиши муносабати билан асар конфликтни маълум даражада ўз
ниҳоясига етаётгандек кўринади. Бироқ, адиб асарни шу билан
тугатақолмайди. У ўз қаҳрамонларини қатор синовлардан ўтқа-
зишни мўлжаллайди. Шу маънода асар сюжети яна давом этади.

ҚАҲРАМОНЛАР ВОҚЕАЛАРНИНГ КЕСКИН БУГИЛИШЛАРИДА

Биз юқорида «Меҳробдан чаён» романи хусусида гап бошлаб
услуб жиҳатдан бу романининг адибнинг биринчи романи — «Ўт-

дан кунлар»дан анчагина фарқ қилиши тўғрисида гапирган эдик. Роман таҳлили фикримизни тасдиқлаган бўлса керак, деб ўйлаймиз. Биз айтмоқчи фикр анча тушунарли бўлишига қарамасдан, ўқувчимиздан узр сўраб, ромanning охириги боблари таҳлили муносабати билан шу хусусда яна бир оз фикр юритишга тўғри келади.

Ҳац шундаки, «Ўткан кунлар»да асосий услубий йўналиш бўлган қаҳрамонларни воқеаларнинг кутилмаган, кескин бурилишларида кўрсатиш «Меҳробдан чаён»нинг кейинги бобларида ҳам кўзга ташланади. Бу йўл билан, маълумки, ёзувчи китобхонни қаҳрамонлар ҳаёти, тақдири билан яқинлаштиради, ўқувчини қарийб ўша воқеалар иштирокчисига айлантиради.

Бунинг сабаби нимада? Нега адиб ромanning охирига келиб бу услубни ишга солади?

Бунинг сабаби шундаки, адиб шу йўл билан роман мазмунини инсон эрки билан хон зулми орасидаги зиддият салмоғини оширишни ўйлар эди. Бошқачароқ қилиб айтганда бу қаҳрамонлар характерида рўй берган сифат ўзгаришини яққолроқ қилиб, қабартириб кўрсатишга эришади.

Қаранг: Ромanning бошларидан бошлаб биламизки, Султонали Анварнинг дўсти. У Анвар билан бирга ўрдада мирзолик қилиб юрган пайтлари Анвар билан дўстлашган, кўп масалаларда ҳамфикр ва сирдош бўлганлар. Раънони хонга фотиҳаламоқчи бўлишганда Султонали жиғибийрон бўлиб бир куннинг ўзида нажот излаб қанча эшикларга кириб чиққани ва қанча одамлар билан учрашиб, бу масалани Анварга сездирмасдан олдини олишга бел боғлаганини биламиз. Дўстнинг бу хатти-ҳаракатлари бениҳоя самимий эканига бизда заррача ҳам шубҳа туғилмайди. «Дўст бўлса Султоналидек бўлса» деган фикр ҳаёлимиздан ўтади.

Кутилмаганда, ҳа кутилмаган бир алфозда — Султонали сотқинлик қилади. Анвар йигит кийимидаги маъшуқаси Раъно билан Султоналиникига келган куннинг эртаси ўрдага чиқиб, Тунқатор билан учрашади ва бош мирзо, яъни Анварнинг миси чиқиб қолгани, «Онҳазратга номўссизона бир хиёнат» қилгани хусусида чақимчилик қилади.

Яхшиси бу хиёнат ҳақидаги чақимчилик хабарини Султоналининг ўз сўзлари биланбаён қилайлик. У дейди: «Мирзо Анвар уч-тўрт кундан бери менинг ҳавлимда қўниб юрар эди, — деди Султонали ва сўз ораси у ёқ-бу ёққа қараб қўйди. — Чамаси устозига бир хиёнат қилгандан кейин менинг ҳовлимда ётиб юрган экан... Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампахоҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, мазкур устозининг қиблагох учун мувофиқ кўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочириб менинг ҳавлимга олиб келди... Гарчи ўз ҳавлимда ётган меҳмоним ва дўст-қадрдоним бўлса ҳам, валинеъматининг ҳаққи намакларини унутган бу беҳаёнинг андишасизлигидан ҳар мўйим бир ништардек кийимимдан тешиб чиқаёзди.

Унинг йиғилишига тилда таҳсин ўқуб, ичдан лаънат айтиб, жанобни хабардор қилиш учун югуриб келаётганимда бек ака!

Тунқаторнинг кўзи қинидан чиқаёзиб, бир-икки қайта соқолини қўли билан букиб ямлади» (474-бет).

Бу етмагандек, Султонали Тунқатор бошчилигида хон ясо-вулларили олиб бориб ўз дарвозасини кўрсатиб юборади ва ўзи собиқ дўстига кўринмаслик мақсадида кўчанинг бир бурчагида яширинади.

Китобхон ҳайрон. Наҳотки Султоналига ўхшаган содиқ дўст хиёнат қилса! Ишонишни ҳам билмайди — ишонмасликни ҳам.

Тез орада фитначилар бизга «ёрдам»га келишади. Мана бу воқеалардан кейин уч фитначи (мулла Абдурахмон, Шаҳодат муфти, Калон шоҳ мирза) бир жойга йиғилишиб вазиятни муҳокама қилишади. Аввало, бу йиғилишнинг ўзи нақадар табиий эканини қайд қилиш керак. Чунки бундай пайтларда, одатда дўстлар гафлатда қолиши мумкин. Лекин фитначилар гафлатда бўлмайдилар.

Улар йиғилишиб бўлган воқеаларни бир қатор кўздан ўтказадилар: Мулла Абдурахмон режага олинган ишларнинг тўғри бораётганидан мамнуният билдиради. Шаҳодат муфти эса китобхон ўйлаганидек, Султоналини хиёнатчига чиқаради, аблаҳ ва сотқин деб атайди. Калоншоҳ ҳам бу воқеалар хусусида ўзининг тахмини — фикрларини айтади.

Учта фитначининг суҳбатини романда берилганча келтириш яхши бўлар эди, албатта. Бироқ, ўқувчимизни бу суҳбат мазмуни билан тўла таниш ҳисоблаб, фақат бу фитнани бошқарувчи Мулла Абдурахмон мулоҳазаларини кўчириш билан чекланишни лозим кўрдик.

«Бу ҳаммаси Султонали билан Анварнинг ўюнидир, деб ўйлайман... Бу андишамга бир неча сабаблар ҳам бор. Жаноблардан махфий эмасдирким, биз ўзаро қандай яқин бўлсақ, Султонали билан Анвар ҳам ўзаро шундай қалин дўст эдилар. Бинобарин, ақлга «қарға қарганинг кўзини чўқур эканми?» деган савол келади; жаноблари шу борани қандай тушундилар экан?» (479-бет).

Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ ҳамон бошқа мулоҳаза билдиришар эди. Мулла Абдурахмон дўстларининг барча фикрларини эшитиб, улар олдига қўйган бу саволга ўз мулоҳазалари билан жавоб беради:

«Фикри ожизимча у найрангбозлар бир ўқ билан неча қушни урганлар, масалан: «Жанобга Султоналининг садоқати зоҳир бўлди, сармуншийлик вазифасига беозор ўлтуриб олди ва учунчидан, мардум кўзини бўяди» (480—481 бетлар).

Оқибат Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ ҳам бу фикрга қўшилишдилар. Фитначилар йиғилиши «Сармуншийликка белгиланган Султонали устидан ариза ёзиш керак» деган қарорга келиб тарқалишди.

Фитначиларнинг бу маслаҳати китобхонга ҳам масалани

бироз тушунишга ёрдам беради ва дўст «хиёна» моҳиятини тушунгандек бўлади. Бироқ, бу масалага охирги нуқтани Султоналининг ўзи қўяди. У дўсти Анварга узундан-уzun хат йўллайди (бу хат романда батафсил келтирилган). Хатда у ҳамма ишларининг режаланганидек бораётганини ва бениҳоя эҳтиёт бўлиши кераклиги хусусида ёзади.

Шундай қилиб, Анвар ва Раънолар ҳаётини таҳликага қолдириб, китобхон дилини ларзага солган конфликт ечилгандек бўлади. Бироқ, таҳлика таҳликани тўлдиради. Фитначилар маслаҳатидан кейин китобхон муҳаббатини ўзига нисбатан яна бир карра оширган Султонали ҳаёти таҳлика остида қолади. Хонжарчилари бозорга чиқиб, қуйидаги баённомани қайта-қайта такрорлайдилар:

Эй-й-й-й-й-й!

— Бозор аро йиғилишиб гул терганлар!

Қасам ёдлаб, подшоға сўз бўрганлар!

Мирзо Анвар отлиқ элга маълум киши,

Ўрда ичра қаламкашлик эрди иши.

Арзимаган гуноҳига қочди, кетди,

Бундин андак подшоҳга озор етди.

Унинг дўсти Султонали номлиг мирзо

Бу қочишдан чекмакдадир беҳад изо.

Мирзо Анвар гуноҳига тойилди зор.

Халойиқни тўхтатишдан мақсадим бор:

Эрта пешин асносида Султонали

Орсиз Анвар гуноҳига ўлгай, бали,

Жамиятда ҳозир бўлса осий Анвар

Ёки унинг дўсти-ошнасидин бирар

Гуноҳингга Султонали ўлар, десин,

Эрта пешин вақти, афсус, сўлар, десин,

Имонли қул нафси учун дўстин сотмас,

Гуноҳи йўқ ошнасини ўтқа отмас.

Қулоқ солган гуноҳсизнинг фарёдига

Дард қолмагай етар ҳар вақт муродиға!

(490-бет)

Кўраянсеники, бир жиддий вазият иккинчи жиддий вазият билан алмашади. Бунгача биз кўпроқ Анвар ва Раънолар тақдири хусусида ташвиш тортган бўлсак, энди дўстига яхшилик қиламан деб, хон тузоғига илинган содиқ дўст Султонали, унинг тақдирини ҳал қилиш учун ўзининг ҳаёт ва мамотини ҳал қилиши керак бўлган Анвар, улар билан бирга Раъно, қолаберса, Раъно оиласи Султонали оилалари қисматлари хусусида ўйлаймиз, қаттиқ ташвиш тортамиз. Романининг бу бетларини ўқиётганимизда олдимизда қатор саволлар туради: бу вазиятда дўсти бўлса ҳам биров, яъни Анвар учун ўз ҳаётини бу даражада хавф остида қолдирган Султонали ўзини қандай тутар экан? Анварчи?

Султоналининг жаллод қўлига тошириб, ўзи яширинганича ёки қочганича қочиб йўқ бўлиб кетаберармикин, ё дўстини қутқариш учун бирор чора-тадбир кўрармикин? Ҳатто у нима ҳам қила олар эди, унинг қўлидан нима ҳам келар эди,— деб ҳам ўйлайсиз.

Маълумки, бу хилдаги оғир вазиятлар бадий асарларда бекордан-бекорга яратилмайди. Одатда, шу муносабат билан тасвирланаётган образларнинг асосий хислатлари очилади, олтинини ўтга солиб кўрганларидек, адиб яратаётган характерларни биз одабийлик сифатлари тўлароқ ва аниқроқ очиладиган оғир вазиятларда кўрамиз.

Қуйидаги манзарага разм солинг: «... ўрда арбоби букуи пешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғюрак бир йиғит ва ўлим сари кулиб келгувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуг жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳкамада ўтирганлари эшик ёнига чиқиб, йўлда борганлари ҳаракатсиз қолиб, нарвосиз ҳар ким ёнида саломлашиб ўтгувчи арслонни томоша қилдилар.

Анвар девонхона қаршисига етганда, нима мақсад биландир дарчалар ва эшик ёнидан мўралашувчи мирзоларга умумий бир таъзим ифода қилди ва собит қадам зиналарга оёқ қўйиб, юқорига, хон ҳузурига чиқиб кетди. Пойтахт бўсағасидаги доимий ясовуллардан ўтиб, даҳлизда тўхтади. Чунки бундан нарига ўтиш учун ҳудайчи воситасида хондан рухсат олдириш лозим. Биринчи эшик ёнида қўл қовуштириб турувчи Дарвеш ҳудайчи таажжуб ва ҳайрат ичида Анварни қаршилаб, иккинчи хонадаги жаноб ҳузурига кетди» (499 бет).

Анварнинг бу даражада тантанавор ва совуқонлик билан хон ўрдасига кириб келиши фақат мирзолар, ясовулларнинггина эмас, балки китобхонни ҳам ларзага солади. Китобхон ғайри табий равишда эртак ва дostonларда ўқиган арслонсифат ботирларни эслайди. Адибнинг ўзи ҳам бу хусусдаги биринчи жумласида Анвар номини ишлатмасдан «ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни» иборасини қўллаб, ўз ҳайрат ва таажжубларини билдиргандек бўлади. Ҳатто бир зум бу Анвар бўлмаса керак, бу ерда ёзувчининг бирор ҳийлали приёми бўлса керак» деб ҳам ўйлайсиз. Мабодо, бу Анвар бўлса, унинг бирор ишонган ҳийласи бордирки, у шу даражада ўзини тантанавор тутаётир, деган фикр ҳам ҳаёлимиздан ўтади.

Бу фикрлар ва ҳиссиётлар туғени — қойил қолишлар, таажжублар Анвар билан хон ораларидаги диалогда яна ҳам ажланади. Бу диалогни биз ўз сўзларимиз билан тўла англатишимиз қийинлигидан ромanning ўша жойини тўлароқ келтиришимиз лозим кўрдик:

Мана, Анвар хон олдида. Ҳудайчи хиёнатчининг ўз ихтиёри билан келганини хабар қилади. Худоёрхон хиёнаткорнинг Анвар эканини эшитиб сесканиб кетди. Анварни эса у далил ва жасо-

ратли кўриб ғазабланди «Қиприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз топаолмагандек тамшаниб турди. «Сен бизга хиянат қилдинг, ит увли!» дейди. Анвар эса эътиборга арзигулик бирор воқеа рўй бермагандек секингина бош иргатди ва «иқрорман» деб жавоб берди. Хон гапини давом эттириб, «тузумни улутдинг?» дейди. Анвар одатдаги совуққонлик билан «тонмайман» дейди. Хон эса Анвар кайфиятини яхши англаб олгандек «Иқрорсен, тонмайсен, ўбдан иш! ўлувдан ҳам қайтмайсен?!» Анвар кайфияти ўзгармайди ва кескин жавоб беради: «мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! — Жавоб қилатуриб илжайиб қўяди, — ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқазиб учун келганман» қўшиб қўяди Анвар.

Диалог мазмунан ривожланиб боради, бир босқичдан иккинчи босқичга кўтарилади. Унинг юқоридаги қисмида гўё икки рақиб сўз билан бир-бирларини синашгандек бўлди. Эндиги босқичда улар орасидаги зиддият янада кучаяди. Энди улар бир-бирлари билан бевосита олишувга ўтадилар. «Пусулмончилиги қиғансан-да?!» пичинг қилади хон. «Албатта!—деб кескин ва даражада жавоб беради у ва қуйидаги фикрни қўшади. «Бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб пусулмончиликдан чиққач, мен пусулмончилик билан ўлишни ўбдан билдим!»

Анварнинг бу сўзлари мўлжалга беҳато тегаяди. Адиб изоҳи билан айтганда «Бу жавоб Худоёрхонни қил-қизил тусга қўйиб, манглайида терлар» пайдо бўлишга олиб келди. Ҳатто шу даражага бориб етдики, хон ўз куч ва қудратини намойиш қилиб турса ҳам Анварни мот қилишга арзигулик сўз топа олмади. Анварга мужмал савол билан мурожаат қилишга мажбур бўлди: «Сенинг қиған ишнинг пусулмончиликда борми, ит увли?! » Бу эса Анвар мавқеини мустаҳкамлади. Эндиги унинг жавоби аччиқ истехзо билан йўғрилган эди: «Мусулмончиликда юзлаб хотин устига бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблан олам?!»

Хоннинг бу истехзога жавоб бериши мушкул эди. Яна нималардир дейиш рақиб олдида охиригача шарманда бўлиш деган гап эди. Бундай пайтларда хон — зўрнинг сўзи тайёр эди: «Чиқар буни, жаллод!!!»

Анвар хон олдида келиш муддаосини баён этади. Худоёржим бўлиб унинг шартини амалга оширади, Султоналини унинг олдида озод қилади. Бу билан хон маънавий жиҳатдан ўзининг қай даражада заифлашганини англагандек эди. Анвар эса ўша ўша дадиллик билан гўё узоқ кутилган мақсадга эришган бир ҳолатда «Ўлимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар!» дейди.

Анварнинг хон билан рўй берган тўқнашувдан кейинги ҳолати ҳам аввалгидек дадил, катта-катта галаба қозониб жанг майдонидан қайтган лашкарбоши кайфиятини эслатадиган даражада тантанавор эди. Мана бу хусусда адиб сўзлари:

«...Анвар ўзини ўрдага киришда қандай тетик туткан бўлса, ўлим сари чиқишда ҳам ўшандоғ парвосиз эди. Қўзи тушкан

таниш ҳар кимса билан, хайр, хўш» деган каби имлашиб олар эди. Ранги қув ўчиб, ҳушсиз каби ташқи дарвоза ёнида турган Султонали билан ҳам алоҳида видоълашди. Анварнинг қарашиндаги маънога тушунган Султоналининг юраги сув бўлиб оқди ва ҳушсиз, ҳиссиз, Анвар кўздан йўқолгунча қараб қолди...» (501 бет)

Шу билан романда яратилган яна бир кескин ҳолат ечимга келади. Жар лабда турган садоқатли дўсти Султоналининг ҳаёти ҳавфсизланади. Бироқ, унинг ўрнига иккинчи, ундан ҳам мураккаброқ, ундан ҳам даҳшатлироқ вазият пайдо бўлади. Бу яна Анвар тақдир эди.

Абдулла Қодирий натуралист ёзувчи эмас. Бироқ, бу янги вазиятни тасвирлашда натуралистик деталлари ҳам тасвирлашни лозим кўради. Қаранг, жазо майдонини у қандай тасвирлайди:

«...Жазо майдони янги раста билан ўрда боғининг муюлишида бир дор ва остига қон оқизиш учун қазилган чуқурдан иборат эди» (501-бет). Жумланинг иккинчи қисми китобхоннинг этини жимшyllатади. Халқ йиғилган. Анвар дор остида. Унинг «...қўли ешилиб таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди. Анвар таҳорат олар экан, жаллод ва ясовуллар ханжар яланғочлаб унинг теvarагини қуршаб турдилар. Анвар таҳоратланиб устидаги тўнни ерга ёзди» (501-бет).

Кўрипсизки, Анвар ҳамон аввалгидек дадил ва совуққон. Унинг кайфиятини бузадиган бирор нарса йўқ! Чунки у ҳаётдан энг даҳшатли, энг мудҳиш қисматни — ўлимни аллақачон бўйнига олиб қўйган.

«...Анвар икки ракат намоз ўқиди. Дуодан сўнг Анвар ўридан турди. Қўлини боғлашга бериб, атрофига бесаранжом алағлади» (501-бет).

Анвар учун атрофда кимлар тургани ҳам фарқсиз эди. «Бўлар иш бўлган» деб ҳисоблар эди Анвар. Бироқ...

Бироқ Анварнинг кўзи унинг ҳозир ҳаёлига ҳам келмаган бир одамга тушди, бир зум бепарволик йўқолгандек бўлиб, унинг борлигини титроқ босди. Унинг рўпарасида мулла Абдурахмон турар эди. Жисмоний ҳиссиётдан кўра маънавий ҳиссиётни улуғ кўрадиган Анвар учун бош рақибдан ўч оладиган пайт етиб келгандек бўлди. Икки образ, икки ҳолат. Анвар ғазабланар. Мулла Абдурахмон илжаярди. Анвар ўзини жазо майдонида эмас, балки жанг майдонида тургандек сизди ва зар билан мулла Абдурахмонни қораловчи сўзлар оқиб келар эди: Мана бу сўзлар:

— Кулишга ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз! — деди Анвар. Бирдан, ҳамманинг кўзи Абдурахмонга тушди. — Фақат сиз ифлослиқ натижасида куласиз, мен... мен тўғрилиқ самарасини ўраман; сиз ифлос виждон билан голибсиз, мен соф виждон билан мағлубман... Мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир! Сизни бу ерда ким томошабини қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?» (502-бет).

Китобхон роман қаҳрамони Анварнинг характерини яхши

билади. У биладики, Анвар ўзининг ҳис ва туйғуларини ҳа деганда, юзага чиқараберадиган йигитлардан эмас. Бинобарин у ниҳоятда серандиша, камгап, одамлар билан бўлган муомилада кўпроқ «ҳа» ё «йўқ» билан чекланадиган, фақат энг зарур пайтлардагина гапга тафсилот беришга (бундай ҳоллар кам учрайди, албатта) одатланган, гандан кўра ўз хулқ-атворини ва фазилатларини амалга кўрсатишни ўзига қоида қилиб олганлардан эди. Мана энди китобхон Анварнинг ичидаги бор йўқ гапни тўлалигича айтишга уринаётганини, ўлим олдида ичида дард қолдирмасликка интилаётганини сезиб турибди.

Анвар ҳолати бу «томошага» айбсиз айбдорнинг жазоланганига йиғилган оломонга ҳам аён. Воқеанинг давомини кузатиш:

«Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турган «пешво»га киналик кўз билан тикилган эди... Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёнига ўлтурди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан «озгина тўхтанг» ишоратини қилиб, Абдурахмон томонга кулди:

— Менинг ҳолимни кўрингиз, домла, — деди Анвар кулган юзда, — қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? — Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ!.. Дуруст, мен кўмилгап, қабрим устида кўкеси доғлиқ қизил лолалар кўкарар... Нимадан бу? Бу — сизнинг каби тубанлар солган нз!.. (502-бет).

Шундай қараганда Анварнинг бу даражадаги даҳшатни айбнома шаклида айтилган сўзларига рақибни нималардир деб жавоб қилиши мумкин эди. Жуда бўлмаса, бундай пайтларда мулла Абдурахмон тилидан ифвогарлар бирор нарса деб ўзини оқлашга бошқача қилиб айтганда сувдан қуруқ чиқишга» уриниши турган гап. Бироқ адиб унга сўз бермайди. Чунки адиб назарида, демак ҳам китобхон назарида Анвар ифвогар устидан ҳамма томонидан қувватланадиган, ҳеч кимда шак-шубҳа уйғотмайдиган ҳукмни эълон қилаётир. Айбдор бундай пайтда сўздан маҳрум!

Бундан ташқари Анвар, ҳукми юқори инсоний мазмунда, буюклик даражасига кўтарилган, ёзувчи томонидан, шунингдек, китобхон томонидан ҳам улуғланган ҳолатда эълон қилинаяпти. Бундай пайтларда инсон номига иснод келтирадиган насткаш кимсага сўз йўқ! Бунинг учун унда на ҳақ на ҳуқуқ бор!

Мудҳиш воқеа ўз ниҳоясига етаётир:

«Томошабинлар тоқатсизлангандек кўриндилар. Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини енгига яниб, Анвар устига энганди» (502-бет).

Бу ерда ҳам Абдулла Қодирий баъзи бир натуралистик деталларни қўллайди. Шундай қарасангиз бу деталлар ўринсиздек кўринади. Бироқ ёзувчининг тасвир приёмларини — вазиятни бе-ниҳоя жиддийлаштириб, қаҳрамон психологиясини ўша даҳшатли фонда кўрсатиш усулини ҳисобга олсак, бу натуралистик деталларнинг ҳам романдаги умум мазмунни тўлдиришга хизмат қилаётганини англаймиз. Гап шундаки, воқеа китобхон дилини

ларзага солган бу мудҳиш воқеа кутилмаганда ўзгаради — кўтарилган ханжар Анвар бошига бориб етмайди. Яхшиси фикрнинг адибнинг ўз ифодасида эшитиш афзалроқдир:

Жаллод «энгашди, бироқ орқадан берилган кучлик бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мукканча чуқурга йлқилди. Жаллоддан беш қадам нарида турган ясовуллар ҳам кўкдаги ханжардан қўлларини остига буколмаб, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучли шапалоқ товуши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўлтуриб қолди... Халқ тартибсизланди... Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик пичига кириб йўқолдилар. Қуролсизлантирилган ясовуллар, гурр этиб, турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душмани ажратолмай гарангсидилар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларга беланган жаллод чуқурдан чиқишга нитилар эди... (502-бет).

Ҳақиқатан ҳам кутилмаган бурилиш! Эртакларда, эшитиб, дostonларда ўқиган кескин бурилишларнинг эслатадиган бир ҳолат.

Реализм нуқтаи назаридан бундай ҳолатларнинг қандай баҳолаш керак бўлади? Воқеаларнинг шу тарзда тасвирлаш айбми? Бизнингча, айб эмас. Бу ерда икки нарсани ҳисобга олиш ўринлидир: Бири — «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» яратилган пайтларида ҳали ўзбек прозаси унча тараққий этмаган бўлиб, адиб халқ оғзаки ижоди традицияларидан кўпроқ фойдаланар ва шу йўл билан китобхон дилига йўл топишга уринар эди. Иккинчиси — Абдулла Қодирийнинг ижодий приёмига боғлиқ.

Бироз такрор бўлса ҳам яна бир карра қайд қиламизки, адиб, китобхонни тўла банд қилиш учун, унинг дилини ларзага солиш учун ўз қаҳрамонлари ҳаётини кутилмаган ва жиддий вазият бурилишларида, бахт билан бахтсизликнинг тез суръат билан алмашувида кўрсатади.

ИЛМОҚЛИ ОБРАЗЛАР, БОГЛОВЧИ ВОҚЕАЛАР

Китобхон «Ўткан кунлар» романини яхши эслайди. Унинг умум воқеий тузилиши сирли тафсилотлар, кутилмаган ечимлар, кескин бурилишлардан иборат. Юқарида биз «Меҳробдан чаён»да, хусусан унинг охириги бобларида Абдулла Қодирий ўзининг биринчи романида ишлатган приёмларга мурожаат қилганини қайд қилган эдик ва бу хилдаги воқеаларнинг таҳлили билан ҳам танишдик. Бу приёмнинг сирини нимада? Қандай йўллар билан адиб бунга эришади?

«Ўткан кунлар»да кўрган эдикки, Отабек ва Қумуш тақдирлари бир неча бор узоқ масофадаги Юсуфхожидан Қўқон хонлигига жўнатилган хатлар туфайли кескин ўзгариб бебахтлик бахт билан яқунланган эди. Шундай қараганда хатларнинг Отабўк ўлимга маҳкум қилинганда етиб келиши тасодифдек кўри-

нади. Бироқ, маълумки, реализм шартлиликни асло инкор қилмайди. Ҳатто К. Федин сўзлари билан айтганда «шартлиликсиз санъат бўлиши амри маҳол». «Меҳробдан чаён»да ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Анвар бошини кесишга кўтарилган ханжар ўз вазифасини адо этиб улгурмайди, уни кўтарган жаллод Анвар учун қазилган чуқурга муккасига йиқилди. Бунинг сабабчиси Қобил эди.

Қобил ким? Бу қандай тасодиф?

Қобилнинг пайдо бўлиши бироз тасодифдек кўринади. Бироқ, аслида бу образ ўз ўрни ва вазифасига мос равишда роман воқеасида қатнашади. Қитобхоннинг эсида бўлса керак, Анварлар оиласи бошига етимлик савдоси тушганда унинг туғишган опаси Анварни Солиҳ Маҳдумга топшириб, унинг икки акасини кимларгадир асранди қилиб бериб юборган эди. Тақдир тақдоси билан Самарқанд томонларга тушиб кетган Қобил икки ўртоғини олиб укаси Анварни излаб Қўқонга келади. Унинг Қўқонга келиши Анвар бошига мана шу мудҳиш савдо тушган пайтларга тўғри келади. Демак, Қобилнинг роман воқелигида қатнашуви нақадар разиллашгани, қай даражада пастлашганини англаб оламиз. Бу ҳарам тафсилотларидан келиб чиқадиган маънолардан бири эди. Бу ерда масаланинг бошқа бир томони бор. Бу тафсилотлар ёзувчи учун умум ҳаёт манзарасини, реал ҳаёт оқимини кўрсатиш учун зарур эди. Айтиш керакки, романи ўқиган пайтда адиб асар композициясидан ташқарига чиқадиган, китобхон эътиборини чекка воқеалар томон олиб кетадиган воқеа ва воқеачаларга (хон хотинларига алоҳида-алоҳида характеристикалар, уларнинг биографиясига тегишли тафсилотлар ва ҳоказолар) кўпроқ эътибор бериб юборибди-да, деган хулосага ҳам келасиз. Бироқ, тез орада англаб оласизки, бу воқеалар ҳам романинг асосий йўналиши билан боғлиқ.

Бу манзаралар билан танишиб, китобхон ўйлаб қолади: қаерда ҳуснижамол қиз бўлса унинг дарағи хонга етиб турар экан, энди бўй етиб, жамолига — жамол қўшилиб бораётган Лайло-сифат Раънонинг хабари хонга бориб етмасмикин? Бордию, хон бундан хабардор бўлса Раъно ҳам ўша биз юқорида кўрган канизакларнинг бирига айланмасмикин? Бу ишда ўз вазифаси, ўз ўрнидан доим норози бўлиб юрган, бунинг устига Солиҳ Маҳдум таклифи билан саройга мирзачиликка олиниб, кейинчалик бу ишдан ҳайдалган ҳасадгўй мулла Абдурахмон Анварга зарба бериш учун бирор «тадбир» қўлламасмикин? Анварнинг бош мирза бўлиб ўтиришини кўра олмаган, бу ўринга ўзлари умидвор бўлган Шаҳодат муфти, Калоншоҳлар ўзаро бирлашиб, Анвар йўлига ғов бўлиш учун Раънога чанг солмасмикинлар? Ва ниҳоят хон марҳаматига сазовор бўлиб, бирнималик бўлиб қолиш йўлида юрган, хонга қиз топиб бериш ўз вазифаси ҳисоблайдиган Гулшан Раънодек ҳуснижамолнинг дарағини эшитмасмикин? Эшитиб, ўз вазифасини адо этишга шошилмасмикин? Булардан ҳам ташқари бойлик ортиришга, мансабдорлар олдида

сажда қилишга одатланган Солиҳ Маҳдум агар Раънога нисбатан бирор гап бўлиб қолса, одамийлик қиёфасида турармикан? Мана ҳарам манзараси тасвиридан келиб чиқадиган ва китобхонни узлуксиз ўйларга олиб борадиган бош тугун.

ВОҚЕАЛАР ТАРАҚҚИЁТИ НИҲОЯСИДА ҚАҲРАМОНЛАР ҲОЛАТИ

«Меҳробдан чаён» романида тасвирланаётган бош воқеа ўзининг тараққиёт ниҳоясига етади. Романнинг ҳар жой — ҳар жойида тугулган катта ва кичик жумбоқлар бир марказга боғланиб, йирик воқеа шаклида намоён бўлиш арафасида турибди. Қизиқ, биз таниша бошлаган қаҳрамонлар ўзларини қандай тутар эканлар? Одатда воқеаларнинг, тақдирларнинг кескин бурилишида, кимнинг ким экани маълум бўлиб қолади. Бу ерда ҳам кимнинг ким эканини билиб олиш пайти келганини англаймиз.

Гулшан-ку эгаллаган «касб»га амал қилиб, шунчаки ўз вазифасини адо этди. Хон саройида тиқилиб ётган канизлар орасига яна бир каниз қўшадиган бўлди. Бироқ, бу ишни ўзига вазифа деб билган бу аёлда ҳам овига сезилар-сезилмас ачиниш борлигини дейқаймиз. Анварнинг дўсти Султонали сўроқларига жавоб бериб, бу янги овнинг мирза Анварга алоқаси борлигини билмагани, билган чоғда бу ишни қилмаслигини англатади. Ҳатто мулла Абдурахмон томонидан топширилган илтимос сифатида бу ишга бош қўшганини билдради.

Раънонинг отаси, Анварнинг бўлажак қайнотаси-чи? Бўлажак қайнота Солиҳ Маҳдум бўладиган бу воқани ўз мантиқига мувофиқ равишда қабул қилади, шунга мувофиқ ўз характерини кўрсатади. Маълумки, Солиҳ Маҳдум учун Анвардек бир йигитни — хон саройида мирзабошиликка кўтарилган кимсани куёв қилиш энг зўр мартаба, қонуний ҳол. Бироқ унинг Қўқонга келиши Анвар бошига тушган фожеий воқеага тўғри келиб қолиши эса тасодиф. Бироқ, юқорида айтганимиздек бадиият тасодифлар родини инкор қилмайди. Бу ерда масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Тасодиф тасодиф сифатида бадиий асарда қўлланилиши мумкин. Аммо — бу тасодиф атайин ўйлаб топиб асарга киритилса асар бадиийлигига путур етади. Хўш, Қобилнинг Қўқонда пайдо бўлишини атайинликдан холи қилиш учун, ёзувчи қандай йўл топган? Бунинг йўли, Қобилнинг афанди бўлиб кетишини эслатишдан ташқари унинг Қўқонда пайдо бўлиб қолишини адиб оригинал равишда тасвирлайди, бу уч йигит саргузаштига табиий йўналиш бағишлайди ва уларни индивидуал характерлар сифатида тасвирлайдики, бу тасвир орқали китобхон улар образи билан (Анварга тегишли вазифаларини адо этишдан ташқари) қизиқиб қолади. Далил хатида Қобил исмли бир йигит Анварни излаб келгани эслатилади. Бундан кейин Қобил Анвар билан учрашганини англаймиз. Булар ҳаммаси даромад воқеа сифатида, яъни «Қобилга тегишли

поқеанинг энг муҳими кейин бўлади» деган маънода айтиб ўтилган илмоқли хабарлар эди. Булардан кейин Абдулла Қодирий Қобилга тегишли ва уни романда адо этадиган вазифасига мувофиқ характерлаб берадиган йирикроқ пландаги манзараларда кўрсатадиги, буларсиз Қобил образи романда ўринсиз бўлиб қолар эди. Мана ўша манзара:

«Кун чошқоҳдан ошиб, Чорсуда халқ олағовури бошланса ҳам, шундаги бўш дўконларнинг бирида уч нафар йигит ҳануз донг қотиб ухлар эди. Чорсуда бўлиб турган тарс-тўполон гўё бу уч йигитни аллалар эди. Бошига биттадан шапарак кир ёстиқ қўйиб, остига яланқават тақир кўрпача ёзган ва устига гулли чопонини ёпиб, яна шу ҳолда баҳузур хуррак отиб ухлаган бу уч йигит мусофирга ўхшар эдилар. Улар шу йўсун роҳат қилиб ётганда, тахтабандлик дўкон ёнига ташқаридан биров келиб тўхтади ва ҳамма товушини қўйиб, бақириб юборди: «Тўхта, ҳовв Наврўзқул!!».

Ухлағучиларнинг иккиси пинагини бузмади, аммо дўконнинг тўрида ётқан чувак бир йигит сўчиб, бошини кўтарди, уйқулик кўз билан атрофига қарагандан кейин, ҳамёна тортди, керишди, сўнгра энг четда ётғучига кўзи тушиб, ёнидаги йигитни туртди:

— Тур, Шариф, тур, пешин бўлубту!

Иккинчи йигит кўзини очди:

— Эй, қўйсанг-чи, Раҳем.

— Тур-да, ахи, ана Қобелвой ҳам кеб тўхтабтў!

Шарифбой ёстиқдан бурилиб ёнидаги, учунчи йигитка қаради:

— Палаънат, қачон келган экан?

— Ким билсин... Инисини бо учратдимикин? Қани, уйғот-чи, палаънатини!

Шарифбой ётқан жойидан қўлини узатиб, Қобилбойнинг муртидан тортди. Қобилбой гиншиб уйғонди:

— Тек ёт, Шариф!

— Инигга йўлиқдинг-чи?

— Йўлиқдим, икавингга салом айтди,—деди Қобилбой ва юзини улардан четга ўгуриб олди. — Бир оз тинч қўй, ухлайман.

— Эби, эби, — деди Раҳим, — буродаринг аҳволини гапур-да, ахи, Бир падали уйқуки, пешинга чиқин бўлса, кўчага бўлиб ёткан тўпалаггни'гўшингга иласанми?

— Кеч келдим, кўб жоврама-чи, Раҳим!

— Қорунни тўйғузиб, сўғун ухла, акун қорунлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиламиз, Шариф?

— Чойхонага қиламиз.

— Қани, сен ҳам кафанингни ёпишиб, шундай чиқин ётма, палаънатинг бо ухлаб кетдими?

Иккиси туриб кийина бошладилар. Раҳим узун белбоғини тўғрилар экан, бир қанча чақа ва тангалари ерга сочилиб тушди.

— Ўҳу, ўҳу, сабил, — деди Раҳим пулларини териб, — Худо

буларни ҳам кўп кўрди чоғи, акун. Қўқонинг бизга тўғри келмади, иш топилмайде, пул сочиладе, оч қоламиз чоғи, Шариф?

— Қобелбойнинг Қўқонжониға лаънат, — деди Шариф, — ло ақал темирчи ҳам шогирд олмайди, бизга бирон ип топиб бермаса, тўп-тўғри нар хар Қобелнинг устига минамиз!

Буларнинг вақирлашиға уйқуси ўчиб кеткан Қобил, тўнғур-тўнғур бир нарсаларни сўзлаб, ёстиқдан бошини кўтарди.

— Чумчуқдек чирқиллашдинглар-да, тожиклар! — деди Қобил. — Ишсиз қолган бўлсаларинг, Тошкандга кетамиз.

— Ана-ана, яна топди гавни! — деди Раҳим, — валдир-валдир қиласан, Қобелбой, акун. Тошкенд бориш учун пул қани?

— Пул топилади.

— Пул топилади? — деб кулди Раҳим, — бу бепадар бойбачангизни қара, Шарифбой!

— Пул топилади, — деди яна Қобилбой ва яхтагининг чўнтагига қўл солди. — Паст одамларсан-да: биринг темирчининг ўғли, иккинчинг шустагарнинг боласи...

— Вой-вой! — деди Раҳим, — назари баланд бўёқчининг ўғлидан хафа бўллем!

Қобилбой чўнтагидан бир нарса олиб, уларнинг оёғи остига ташлади ва ўзи, оғзини катта очиб, ҳамёза тортди.

— Ана пул, керак бўлса, ол, сендеклар ифлосларни бир йил боқади!

Раҳим билан Шарифбойнинг оёқлари остига икки тилло келиб тушти, улар бир олтинларға ва бир Қобилбойға қараб қолдилар.

— Эби, кимни ўлдурдинг?

— Ота касбим одам ўлдириш эмас.

— Иниси берган! — деди Шариф, — Қани, ининг билан кўришдингми, Қобел?

— Кўришдим.

— Одами нағз бўлган?

— Одами нағз.

— Акун шу қочиб ёта берайкан-да, — деди Раҳим, — Бирон чора боқсин-да, айтмадинг-чи, ахи?

— Айтдим... Пайт топиб, ҳаммамиз Тошканд кетмоқчи бўлдик.

— Балле-бале! — деди Раҳим ва Шарифга қараб қош қоқти, — Тошканд кетамиз дегани тексиз эмас экан-да, палаънатингни. Ҳай, иш битти, Қобелбой, Тошкандга юрамиз, ўрусингни ҳам бир кўрайлик¹.

Шариф ерда ётган икки тиллони олиб Қобилга узатди:

— Ма, тиллангни киссангга тик, Қобел!

Қобил олмади.

— Тилло ўзларингга, икавинг бир тиллодан бўлиб ол.

¹ Шу вақтларда Тошканд рус қўлида эканлиги унутилмасин (муаллиф).

— Аччиғингни қўй, ахе, биз сенга даҳанаки айтдик-да!

Қобил кулди ва парвосиз кийина берди.

— Олмайсанми, палаънат.

— Ўзларингга деяниман-ку, иним сенларга атаб берди...

— Биздан қарзи йўқ-ку, ахи?

— Тушунмаган одамларсан-да! — деди Қобил. — Иним, қочиб ётқан ҳолда уларни меҳмон қилолмадим, деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди... Энди тушундингми?

— Вой, палаънат... Ҳали сен бизни ўз пулимиз билан бети-мизга урдинг?!

Қобил кулди. Улар иккиси бирининг оғзидан бири олиб, Қобилни паст уриб, Анварни мақтаб кетдилар.

— Сан отанг ўғли эмассан, агар отанг ўғли бўлсанг, мирзо Анвардек меҳмондўст бўлайдинг! Мирзо Анвар меҳмоннинг бетини кўрмай, бошидан тилло нисор қилганда, сен палаънат бизни туқонхонага қамаб қўясан! Буродаринг бўлмаса, Қўқонжонингни кўтариб оғзингга урайдик, мурунингдан мағзи саринг оқиб тушайди.

Қобил бир нарса деб тўнғиллади.

— Э, тўнғиллама, палаънат! Биз пул ошноси эмас, одам ошнаси... Сени бозори подшога олиб чиқса, оғзига тиши бор, деб саккиз пулга ҳам олмайди, ба худо! (488—490-бетлар)

Юксак бадиият талаби билан яратилган манзара! Бу ерда роман мазмунига мос тасвирланаётган образларга юкланган ва-зифага мос келадиган ҳаётнинг жонли парчаси! Тожиқча талаффузнинг ўзбекчалаб ифода қилиниши, бу ҳолдаги кишилар тилига хос характерли элементларнинг қайта-қайта ишлатилиши, фақат уларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатлар, улар типдаги оддий меҳнаткаш йигитлари орасида бўлиши мумкин бўлган ташқаридан қараганда қўпол бўлиб кўринган, бироқ ўта самимий муомала, улар типдаги йигитларда бўладиган чўрткесарлик ва мардлик сингари хусусиятлар бу диалогда акс этганки, адиб томонидан осонгина яратилгандек бўлиб кўринган бу манзара катта синчковлик ва маҳорат белгиси экани шундай кўзга ташланиб турибди.

Бу манзарадан биз кўп нарсани билиб оламиз. Қобилнинг Самарқандга бориб қолгани, уерда ёри-дўст орттиргани, энди эса улар билан ватанига — Қўқонни бир кўриб кетиш, шу муносабат билан бош мирзолик даражасига кўтарилган укасини йўқлаш, иложи бўлса, бирор хизмат тониб озгина пул ҳам ишлаш. Шу ният билан келган Қобил укаси бошига тушган оғир фожиа устидан чиқиб қолади. Бу маълумотлар роман учун керак эди. Бироқ уларни бошқачароқ йўл билан, масалан қуруқ баён йўли билан ифодалаш мумкин бўлар эди. Баъзи тажрибасиз ёхуд бадиийлик талаби билан ҳисоблашмайдиган муаллифлар «Палончи палон жойда эди, энди мана укасини кўришга келиб, укаси қочқинди вақтга тўғри келиб қолди» қабилида айтиб ўтиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда у китобхонни ҳеч нарса би-

лан қойил қолдираолмас эди. Абдулла Қодирий эса жонли ман-
зара яратиб китобхон олдидаги ўзининг муқаддас бурчини адо
этди.

Бироқ бу манзаранинг рўй бераётган асосий воқеа нуқтаи
назаридан муҳим бир нуқтаси бор. Арзимаган бир сабаб билан
улар орасидаги гапга «пул» масаласи қўшилиб қолади. Маълум-
ки, ҳақиқий дўстлар орасида пул ҳақида гап бўлиши эъдан
эмас. Шу боисдан Қобил дўстларидан бири «Э, тўнғиллама па-
лаънат! Биз пул ошнаси эмас, одам ошнаси...» дейди. Уларнинг
одам ошнаси экани ёзувчи томонидан керак жойда қолдириб
ўтилган ўта зарур илмоқ эдики, улар асар сюжетида кескин
ва жиддий бир нуқтасида иш бериши керак.

Романнинг кейинги бетларида адиб Қобил образига тегишли
яна бир илмоқли нуқтага эга бўлган кичикроқ манзара ётарди.
Қобил Анвар ҳузурида. Контекстдан сезиладики, Анвар зин-
донга ташланган Султоналини қутқазиб ҳақида укасига бир
нима деган. Яхшиси текстга бир назар ташланг:

«Қобилбой бу сўзни эшитгучи қулоқларига ишонмагандек,
Анварнинг яқинроғига сурилди. (Юқорида айтганимиздек бу
сўз матндан ташқарида» — М. Қ.).

— Нима деяпсиз, Анвар, мен яхши оингламадим?

Анвар яна ўша сўзини такрорлади. Қобилбой, энди бир оз
орқасига тисарилиб, кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб
турди...

— Сиз, нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёғингиз билан... Йўқ,
бу бўлмаган гап! Балки бу — хоннинг унга пописасидир, шу
ҳийла билан мақсадига етмакчидир... Қўйинг бу гапни, ука,
қўйинг!..

Анвар ҳамон бояғи вазиятда, кўзини бир нуқтага тикиб,
сандал устидаги қоғозни оғаси яқинроғига суриб қўйди...

— Башарти, пописа бўлмаса?.. — деди Анвар — Хон попи-
сани билмайди, унинг ҳамма ҳаракати жиддий! Шундай, сиз бу
хатни эртага унинг қўлига берасиз ва ундан ҳар бир ёрдамин-
гизни аямайсиз!

— Бу ақллиқ гап эмас, ука...

— Мен энди шунга қарор берганман! — деди Анвар ўзгариш-
сиз. — Бу азмдан қайтиш йўқ... Фақат, сиз унга ёрдамингизни
аямасликка менга сўз берсангиз бўлди!

Қобилбой энтикди, хатни қўлига олиб, бир неча ғурсаг су-
кутда ўлтурди... Сўнгра бирдан ўрнидан туриб ҳужрадан чиқа
бошлади.

— Йўл бўлсин?

— Кетяпман.

— Хайр, кечирингиз!

Қобилбойдан жавоб бўлмади (498-бет).

Матндан кўраяпсизки, Қобилбой сўз маъносини тушунмаслик
даражада таажжубда, ҳатто бу сўзларни такрорлашни илтимос
қилади. Такрор эшитгач, «...Кўзини катта очди ва бир неча вақт

қотиб турди». Бундан кейин у Анварни бу сўздан қайтариш учун уринади. Бироқ Анвар ўз қарорида қатъий эди. Қобил укасига таъна ҳам қилиб кўради, ақллик гап эмас»лигини айтади. Анвар яна ўз қарорининг қатъий эканини билдиради. Қобилбой ҳолатига қаранг: «энтиқди»... бир неча ғурсат сукутда ўлтирди»... Бу ерда Қобилбойда сирли бир ҳаракатни англаймиз. У бирдан ўрнидан туриб хужрадан чиқа бошлайди. Анварнинг хайр-хўш, кечиринг» сўзларига ҳам кўп эътибор бермайди. Қобилбойдан жавоб бўлмади» — мана ёзувчининг сирли жумласи.

Китобхон бу манзара маъносини дарров тушунабермайди. У англайдики, Анвар жиддий бир қарорга келган. Бироқ бу қарор нимадан иборат, ҳам бу қарорни эшитиб Қобилбой ўзича қандайдир тадбирни режалаштиради. Бироқ бу тадбир нимадан иборат буни ҳам биз англаб ета олмаймиз. Демак, қандайдир сирли воқеалар рўй бериши керак. Китобхон хусусан Қобилдан нимадир кутади. Ҳатто шундай бўладики, романиннг «Қўрқинчли бир жасорат» номли бобида номини айтмасдан, ўрда томон ўзини дадил тутиб, бошини юқори кўтариб тантанавор қадамлар билан бораётган йигитнинг номини тилга олмайди (бу Қобилмасмикин, у укасининг ўрнига туриб хонга бориб мана мен қилдим «хиёнат»ни деб ўзини хон қўлига топширмоқчимикин» деган фикр хаёлдан ўтади. Фақат бир зарб билан жаллод бўғизланадиган Анвар устидан ошиб чуқурга муккасидан тушган пайтда англаймизки, хон олдида борган арслонсифат йигит бу — Анвар, эндиликда жасорат кўрсатиб укасини жаллодга зарб берган, Абдурахмон домланиннг салласини тўзитиб, муккасидан туширганлар Қобил ва унинг ўртоқлари... Мана эндигина биз воқеаниннг, тасвирланган қатор манзараларнинг ҳиссини яхши англаб оламиз ва Абдулла Қодирий санъатига яна бир бор тасаннолар айтамыз.

Баъзи бировларга воқеликни бу ҳолда бир-бирларига чатиб-чирмаштириб тасвирлаш сунъийдек кўриниш ҳам мумкин. Бироқ китобхон, шу ҳолатдан бу чатиб чирмаштиришлар сунъийроқмасмикин», дейдиган «синчков» адабиётчи ҳам китобнинг бу бобларини зерикмасдан, зўр қизиқиш билан, адибнинг ҳаёт сирларини англаган ҳолда тасвирлаганини кўриб қойил қолмасдан иложи йўқ. Шундай экан, китоб ғоясини китобхонга тўла етказиш учун шартлилик приёмидан бошқаларга нисбатан кўпроқ фойдаланиш Абдулла Қодирийнинг ўзига хос бадиий услуби, деб қараш зарурга ўхшайди.

«Меҳробдан чаён»да бошқа бир образ борки, у кўпроқ роман воқеаларини, хусусан Анварга тегишли баъзи бир маълумотларни бир-бирларига боғлаш баъзи ўринларда бош образ характери типиклаштиришда ёрдамчи вазифасини адо этади. Бу — Сафар бўзчи образидир. Маълумки, «Ўткан кунлар»да ҳам Отабек образининг тасвирига воситачи ролини ўйнаган бўзчи образи бор эди. Бу ўринда бу иккита бўзчи образи бир-бирларидан фарқи хусусида ўз мулоҳазамизни айтишни лозим кўрдик.

Гап шундаки «Ўткан кунлар»даги бўзчи ўз моҳияти билан жабрланган бир шахс эди. У ўзининг шу хислари билан Отабек образи моҳиятига мос эди. У ўзининг шу хислари билан гўё Отабек психологиясида рўй бераётган психологик ҳолатларни яна бир карра таъкидлар ва қабартирар эди. «Меҳробдан чаён»даги Сафар бўзчи эса фаол образ, асарнинг кўпгина бобларида қатнашиб Анвар характерининг динамикасида муҳим вазифани адо этган образлардан. Бу образнинг икки хислатини назарда тутиш керак бўлади.

Сафар бўзчи образига хос биринчи хислат Анвар образининг характеристикаси билан боғлиқ. Гап шундаки, Абдулла Қодирий романда баъзи образлар характерига ўзи бевосита характеристика беради. (Солиҳ Маҳдум Мулла Абдурахмон образларини эсланг). Анвар образида эса у биров бошқача йўл тутди. Унинг характерли хусусиятларини ўз сўзларидан ва фаолиятдан келтириб чиқаради. Назаримизда, зарур бўлган характеристикани фақат шу йўл билан беришни адиб етарли ҳисобламайди-да, бу ишда бошқа образлардан ҳам унумли фойдаланади. Маълум даражада бу вазифани Раъно, Нигор ойим ва Моҳлар ойим ҳам адо этадилар. Бироқ бу жиҳатдан кўпроқ ҳисса Сафар бўзчига тегишли бўлиб чиқади.

«Меҳробдан чаён»нинг «Жиловхонада бир жанжал» деган бобида ажойиб манзара яратилган. Мулла Абдурахмон қароргоҳда Домла олдига унинг ўзига ўхшаган икки ифвогар келиб қолади. Намоз ўқиш учун вақтлроқ пайдо бўлган Сафар бўзчи ҳам бу «улфат»га шерик бўлади. Ўша вақтларда Қўқон бўйлаб шов-шув бўлиб турган Анварнинг бош муншийликка тайёрланаётгани ҳақида гап очилиб қолади. Учта ифвогар Анварнинг мадраса кўрмаганини важ қилиб сармуншийликка номувофиқ эканлигини билдирадилар. Сафар бўзчи эса гапга аралашиб Анварни қувватлайди ва қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб беради:

«Бултур ана шу кезде, — деди Сафар энгашинқираб. — Бозорга саккизта бўз олиб тушкан эдим. Бирарта мушкит ифво қилдим, закотчининг томоғи тақилладими, ҳарчи фалакат, қўлтуғимдаги бўзни ёппа олди, қўйди; «отанг яхши, онанг яхши, косибман, савдогар бўлсам уйим куйсин»... Асти қўйса-чи.. Бир йиллик закотинг, деб кўтарди, кетди. Қўлингдан нима келади, Самад .Хафалигим ошиб, уйга қуруқ қайтдим. Майда-чуйда кутиб ўлтурган бола-чақанинг қути учти. Мол кетти — жон кетти, ишқа ҳам қўлим бормаиди. Энди бўлар иш бўлган десанг, юрак ачийди, дастмоя ҳам ғалтакка чиқадиған. Арза-парза битдирсамми, дейман. Кўчада унга-мунга кенгаш солсам, арзан маъқул дейишди. Шу яқинда, ўзи ўрдада турадиган бир арзачи бор эмиш. Кеткан устига кеткан, деб дўкон теги яримта бўз бор экан, қўлтуғимга тиқиб олдим. Ана шу тобларда сўроглаб арзачи мирзоникига борсам, ҳозир ўрдадан келиб, энди тўнини ешиб турган экан. Ёш, навқирон йигит, салом алик, «ҳорма», «бор бўл». «Шундай, шундай гап; бир парча арза битдирсам, деб келган

эдим». Ўрдалиққа гап уқдириш қиёматдан қийин, тақсир. Лекин бу йигитда гаврлик сиёқи йўқ, Шукур сўфи. Гапка қониб олиб, қулоқ қоқмай «хўб» Арзанинг бир ерига закотчининг оти тушар экан, неча қайта сўраса ҳам билмадим, ундан кейин афтибашарасини уқдириб эдим, тусмоллаб биттасининг отини ёзди, чоғи. «Энди кетаберинг, арзани ўзим топшираман», деди. Жавобини ҳам икки кундан кейин ўзидан олар эмишман...

— Манови осонлиқни қаранг, тақсир. Дуо қилиб қалам учисига бўзни бердим, олмайди. «Ёпирай, озсиндиёв, қурғур» деб қўрқдим. «Арза ўрунласа яна хизмат қилармиз, мирзабоши». Яна йўқ «тоза фалакат бости» деб турсам, «арзага ҳақ олмайман, бўзингни олиб кетавур» — дегани экан. Барака топқурни қаранг, тақсир. А, шундақа одам ҳам бўладими, Самад оға. «Олтин олмасанг дуо ол» деб қўлимни очтим. Ҳа, энди буни қўяверинг. Эртаси кечқурун гула тўғрилаб ўлтурсам, эшикни биров тақиллатади. «Ҳа, келавуринг». Дўконхонага бўз қўлтуқлаған бир киши кирди:

— Сафарбой сизми?

— Ҳа, биз.

— Арза берганмидингиз?

— Берган эдим.

— Отангизнинг оти нима?

— Маматбой.

Қўлтиғидаги бўзни олдимга ташлади. Худди кечаги бўзларим; таппа-тақ саккизта.

— Бўзларингизни олдингиз-а?

— Ҳа, олдим.

— Хайр.

— Хўш.

Бу яхшилиқ арзадан ҳам бурун мирзабошидан бўлди, деб ўйладим. Балаларнинг кенгаши билан икки бўзни кўтариб, шом пайтида мирзонинг уйига бордим. Чақирдим, чиқди. Миннатдорчилик билан икки бўзни узатдим; асти олса-чи. «Яктакка бўзим бор кетаверинг» дейди. «Сотиб пулини берайми», десам, «пулим ҳам кўб» дейди. Ақалли биттасини ҳам олмади. Яна дуо қилиб, бўз билан қайтдим. Фаришта ҳам шунчалик бўлар, деб ўйлаб қолдим, Шукур сўфи! А шундай йигит мирзабоши бўлмай ким бўлсин, Самадбой! Кўбни дуоси кўл деганлар; ишонмасанглар ана тақсиримдан сўранглар! (352—353-бетлар)

Бу манзаранинг маъносини тўлароқ ифодалаш учун биз кўчирмани каттароқ қилдик. Аслида сюжетини ҳаракатга келтирган бош конфликтнинг ҳамма этапларида ҳам Сафар бўзчининг ўрни борлиги бу тафсилотга сабабчидир. Мазкур парчадаги Анвар хусусидаги тўқнашув бу кейин романнинг ҳар боби, ҳар бетида ривожланаборадиган асосий конфликтнинг бошланиши эди.

Фақат бир фарқи шундан иборатки, Сафар бўзчи кейинги

бобларда фақат конфликт яратишда маълум бир вазифани адо этмасдан, кўп ўринларда асар воқеаларини бир бирларига боғловчи вазифасини ҳам адо этади. Китобхоннинг эсида бўлса керак: Сафар бўзчи Раънони хонга таклиф қилиш хусусидаги фитначилар тадбири ҳақида Султонали, демак Анварга ҳам ўз вақтида хабар етказди. Бундан кейинги бобларда эса Анвар ва Раънолар қочқинда юрган пайтларда уларнинг шубҳа уйғотмайдиган жойларда яширинишига ва ниҳоят Тошкент томон қочиб кетишида, баъзи ўринларда Анвар билан Султонали ораларидаги муносабатга воситачи бўлиб хизмат қилади. Бу вазифаларни ҳам Сафар бўзчи бегараз, сидқидилдан фақат виждон амри билан қиладики, у бирор жойда ўзининг хатти-ҳаракатларида китобхонда заррача шубҳа уйғотмайди.

Буларнинг ҳаммасидан ташқари Сафар бўзчи образининг яна бир маъноси шундаки, у романда акс этган мураккаб воқеалар оқимида оддий меҳнаткаш вакили — соф инсон сифатида намоён бўлади. Ҳатто бу ўринда у баъзи бир камситиш ва таҳқирларга ҳам чидайди, бардош беради, қўл силтаб ўзини олиб қочмайди. Қўйидаги манзарага қаранг: Анвар сармуншийликка тайинланган. Солиҳ маҳдум муборакбодга келаётган уламо-ю амалдорларни эшик олдида қўл қовуштириб кутиб олиб ичкарига Анвар олдига таклиф қилмоқда. Шу пайт «нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпойчан кафшини шап-шуб босиб, дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини маҳдум тўхтатди» (369-бет). Маҳдум таажжуб билан хўш-хўшлайди, ҳатто маълум даражада истехзо билан «йўл бўлсин сизга» дейди. Яхшиисн ўқитувчимизга бу манзаранинг энг характерли жойини тўлароқ тақдим қилайлик:

— Лаббай, тақсир?

— Йўл бўлсин сизга?

— Мирзо Анвар инимга худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим,— дейди Сафар бўзчи,— пиримни зиёрат қилгай, деб келянман...

Келганингиз маъқул, илло ўзи ҳозир жуда чарчаб қолган-да, четдан дуо қилиб турсангиз ҳам кифоя, ука!

Сафар бўзчи бошини қашиб, яна маҳдумнинг афтига қараб қўйди:

— Зиёрат қилиб чиқа бераман, тақсир! Бошқа гап йўқ, тақсир!

Маҳдум Сафар бўзчининг олдига ўтди:

— Майли-ку, ука, ранжитасиз-да!

— Садағаси кетай мирзонинг,— деди Сафар бўзчи маҳдумнинг қаторига бориб,— барака топкурнинг ўзи ранжийдирган йигит эмас, хоксор-да, тақсир, кўрсангиз биларсиз-ку, мен минан жуда қадрдон-да, тақсир!

Маҳдум асабийлашиброқ Сафар бўзчининг бетига қаради. Сафар бўзчи ҳам маҳдумга бир оз тикилиб тургач илжайди.

— Кўрсангиз биларсиз, мен минан жуда қадрдон-да, тақсир!

— деди яна ва маҳдумга илтифот қилмай, ичкарига юрий берди. Бир неча мартаба келиб Анварнинг меҳмонхонасига ўрганиб қолган, шунга биноан бу тўғрида маҳдумнинг ёрдамига муҳтож ҳам эмас эди. (369-370-бетлар)

Кўряшсизки, бу нарча бирданига учта вазифани адо этаётир. Биринчидан, Солиҳ маҳдумнинг ғаразгўйлиги — унинг учун Сафар бўзчи муборак бодидан ҳеч қандай манфаат йўқ, яъни у на Анвар тенги ва на ўзи тенги! Иккинчидан, адиб ўз қаҳрамони — Анварни яна бир бор характерлайди. Унинг учун ҳамма баробар: уламони ҳам, амалдор ҳам, ҳатто Сафар бўзчига ўхшаган оддий меҳнаткаш ҳам. Балки у ўз характер хусусиятлари билан Сафар бўзчига ўхшаган меҳнат аҳли билан маънавий жиҳатдан яқинроқ ҳам. Учинчидан, яна шу нарсани англаймизки, Сафар бўзчи меҳнаткаш вакили сифатида ўз қадр-қимматини англайдиган шахс. Китобхоннинг эсида бўлса керак мулла Абдурахмон билан бўлган биринчи тўқнашувда Сафар бўзчи Анвар шайинга айтилган барча иғволарни учта иғвогарга баробар келиб ҳимоя қила олган эди, ҳатто мулла Абдурахмоннинг «Аблаҳ одам экансиз!» деган сўзларига жавобан «Сиз ҳам аҳмоқ мулла экансиз! (354-бет)» деб жавоб берган эди. Булар ҳаммаси шундан даромад эдики, Сафар бўзчи меҳнаткаш вакили сифатида дўсти учун, ҳақиқат йўлида қалбаликдан узоқ ва ҳарбир ишга тайёр. Юқорида кўрганимиздек Сафар бўзчи ва Солиҳ Маҳдум, қолаберса мулла Абдурахмонларнинг назари пастликларига қарамасдан ўзининг инсонлик бурчини адо этади.

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Истаган давримизга мансуб истаган асарингизни ўқиб мушоҳида юритиб кўринг. Агар унинг муаллифи ўз замонасининг асл фарзанди бўлса, ҳаётни реал акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, бу ҳилдаги асарларда доим икки қутб бир-бирига зид бўлади, Оқ билан қора, яхши билан ёмон доимо тўқнаш келади ё енгади, ё енгилади. Енгдими енгиладими, ҳар хил ҳақиқий реалист ёзувчи севилишни ёқлайди, унинг бор фазилатларининг алоҳида муҳаббат билан улунлайди, унга нисбатан ўзида чексиз ифтихор ҳиссини китобхонга етказмоқчи бўлади. Реалистик асарда бошқача бўлиши мумкин эмас. Мужмал позициядан туриб, ёхуд гуманизмга ёт нуқтаи назардан ёзилган асар реалликка тўғри қарайдиган китобхонни мафтун қила олмайди.

«Ўткан кунлар»ни эсланг. Ундаги бош образлар Отабек ва Кумуш қай даражада муҳаббат билан, бир пайтнинг ўзида қай даражада уларнинг қисматига ачиниш билан тасвирланган. «Меҳробдан чаён»да ҳам шу хислатларни кўрамиз. «Раъно китобхон кўзи олдида гулларнинг раъноси» бўлиб ўсиб-улғаяди.

Гарчи ёзувчи унинг ички ва ташқи гўзаллигига кўп эътибор бермагандек кўринса ҳам романнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир бети ундаги гўзаллик тасвирига бағишлангандек. Қаранг, Абдулла Қодирий Раъно портретига қай даражада зеб беради: «...Раънонинг исми-жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, қўяр, фақат менга Раъно гулининг суви-гина кўпроқ керак бўлар эди.

Солиҳ маҳдум хасис, таъмагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди. Ва лекин табиъат хасис эмас; тикандан гул, аридан боляратаберадир. Шунга ўхшаш, тиканлик ёғочдан хуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилган эди.

Бизнинг ўзбекларда, айниқса, Қўқонга махсус бир тус, сариққа мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сариқ, деб бўлмайди. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дағаллиқ қиладирлар. Таъбиримиз қўпол тушмаса, бу гўзал қиз, оч раъно гулнинг тусида, ёки оқ сариқ тусда яратилган эди. Ўзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўлади. Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш, Раънонинг кўзида ҳам бунинг асари кўруладир: мудааввар (тўғарак — *изоҳлар* Х. Қ.ники)га мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда, қораликдан бошқача яна бир турлук нур сочар эди. Киприклари остида нафси бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам кўндаланг ёткан икки қиличорасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга беришмаслик муганосиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқориғи қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулча ҳам деб бўлмас; кишига кулиб қараганда қизил олма остларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно тули очилган ҳолатда кўринар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноқсиз кокиллар Раънонинг орқа-ўнгини тутиб ётар, қадди узунлиқ билан қисқалиқнинг ўртаси, дўндуқ бармоқларининг жимжилоғида хина гуллари; ҳар ҳолда бу қиз ёлғиз Қўқоннинггина эмас, умуман Фарғонанинг куйларига қўшулиб мақталадирган гўзалларидан эди» (318-бет)

Қанчадан қанча муҳаббат, қанчадан қанча эҳтирос бор у тасвирда. Бўёқларнинг барчаси шу ерда, сўзларнинг энг маънодори бу тасвирга жалб қилинган, ўзбек қизига мансуб бўлган барча характерли хислатлар мавжуд бу ерда! Раъно образига гўзаллик, ундаги ташқи гўзалликни улуғлайдиган ҳаё, иффат романнинг кейинги бобларида ҳам ёзувчи назарида туради.

Анвар образи тасвирида-чи? Бу ўрунда ҳам ёзувчи на сўзни, на бўёқни аяйди! Ақлда, фаросатда, муомалада Анварнинг му-

каммаллиги хусусида юқорида биз анча тўхтаганмиз. Унинг ташқи кўринишига келганда эса ёзувчи биров хасис эди. Бироқ у ўзининг тежамкорлик билан топишган бўёқларини ўрнини топиб ишлатса бўлади. Гап шундаки ёзувчи Анвар ташқи кўринишлари хусусидаги тасвирини ҳоп саройидаги бир қиз тасавури орқали ифодалайди. Мана ўша тасвир:

«Бир кун эрталаб биз ҳаммомдан келар эдик,—деб ҳикоя бошлади Нозик,—бизга йўлустида бир йигит ҳамроҳ бўлди... Ўзи қандай йигит деб сўра: сурма қўйгандек оҳу кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлабли Розия хонимникидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашқанки, биз қизлар ихтиёрсиз унга қарашдик, а, шундайми Тухфа?»

Тухфа тасдиқ қилди. Гулшандан уйғоқлиқ жавобини олиб, Нозик давом этди.

— Ёш, уятчан йигитка ўхшади. Йигирма чоғлиқ қизнинг ўзига тикилганидан уялиб, ерга қаради... Бизни ҳаммомга олиб борувчи Насиба хола билан Ҳанифа доя эдилар. Улар бизни йигитка айланишкан ҳолда кўриб, тез юришқа қистадилар. Биз йигитка қарай-қарай ночор қадам босар эдик. Йигитча бўлса биздан қолишмай бирга келар эди. Биз ўрда дарвозасига етаёзган эдик, мен қайрилиб орқамга қарадим. Ёш йигит ҳамон ўн қадам нарида келар эди... Шайтон васваса қилиб кўнглимга бир гап келди. Секин-секин сурилиб, қизлардан кейин қола бордим. Энг орқага чиқгач, бошимдаги рўймолни олиб, паранжи ичидан ерга ташлаб юбордим... Дарвозага яқинлашқан эдик, дарвозани очиб дарвозабонлар четландилар. Рўймолим ерга тушдими, йўқми — билмас эдим, лекин дарвозадан ташқарида тушиб қолишини тилар эдим... Иш кутканча чиқмади, деб афсус қилдим, чунки дарвозадан ўн одим ичкари кирган эдик, дарвоза ёпилмасдан яна орқамга қайрилдим. Ўзимдан беш қадам нарида тушкан рўймолимни бояги йигит энгашиб ердан олар эди. Мен бурилиб йўлимга кета бердим...

— Опа, рўймолингиз тушти!

Юрагим орзиқиб, тўхтадим. Йигитча рўймолимни келтирди, тусида бир оз қўлимсиз бор эди.

— Сизникидир? — деб сўради.

— Меники,—деб қўлидан олдим, раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиққан. Дўндиқ йигит бошқа сўз айтмади. Рўймолни менга бериб, ўрданинг улуғ дарвозасига қараб кетди. Мен бўшашганча қизлар орқасидан ҳарамга судралдим... Мен йигитни бир адим наридан кўрдим, товушини ҳам эшитдим, қўли ҳам қўлимга тегди шекилли...

— Нима бўлганини ҳозир сўзлаб берман... Юрагим ўйнаган ҳолда «Қирқ қизлар»га кирдим, «Опа, рўймолингиз тушти... сизникими?» жумласи қўлогим остида кўтмайди ва суврати кўз ўнгимга келган сайин, юрагим орзиқади. У ёқни ўйлайман, бу

ёқни ўйлайман, ўйимнинг бошига етолмайман, аммо юрагимга бир парча олов ташланган, ёнаберади. Ичимдаги шу ўт билан гўё мен маст бўлганман, бошим шишган, кўзим тинган, юрган нимни-турганимни билмайман. Нега кўрдим, нега қарадим? Нега рўймонимни ташладим, нега олиб берди, нега ўрдага киралди? Бу ўзи жин, мени жинни қилмоқчи... Оҳ, яна бир кўрсам эди! Ҳаммом борганларнинг ҳар биридан сўрайман: «Йўлдаги йигитни сен кўрдийми?» «Кўрдим»... «Кўрган бўлсаларинг сенларнинг ҳам юракларинг ёнадими, яна кўрнинг келадими?! «Йўқ» Шундан сўнг унинг жин бўлганлигига ишониб қоламан: мен жинга тегишдим, жин мени чалди, дейман. «Бизнинг ўрдада шундай йигит борми?». «Йўқ». «Сенлар ҳам унинг орқамиздан ўрдага эргашиб кирганини кўрдиларми? «Йўқ». Демак, мени жин чалган... Тухфа бўлса: «Сен пари йигитка ошиқ бўлгансан!» деб кулади. Мен унинг сўзига ишонаман. «Балки пари йигитдир, у ҳам мени яхши кўргандир!» дейман. Шундан кейин мен кута бошладим. Агар яхши кўрган бўлса, мени ўз юртига олиб кетар, деб ўйладим. Эрта кутдим, кеч кутдим, пари йигитдан дарак йўқ. Ўн беш кундан сўнг яна ҳаммомга бориш чоғи етди. Мен суйиндим, балки бу кун парилар юртига кетарман, деб ўйладим. Шу орзуда ҳаммадан илгари мен отландим. Бордиқ. Ҳаммомдан чиқиб пари йигит билан учрашкан жойга яқинлашқан эдик, юрагим ўйнай бошлади. Учрашилганда қиладиргон ишоратларни ўйлаб қўйган эдим. Агар четдан туриб ўзига имласа, қизлардан ажралиб қолмоқчи эдим. Маълум жойга етдик... Пари йигит йўқ. У ёқ бу ёққа, тор кўча ичларига қарадим, яна йўқ. Баданимга совуқ тер чиқди, қизлардан ажралиб, йўлда тўхтаб қолганимни ҳам билмайман. Бир вақт, Насиба холанинг чақирган товуши билан, кўзим очилди ва не зайлда қизларга етиб олганимни билмадим. Ўрда дарвозасига еткунча неча қайта орқамга қарадим,— деди Нозик ва узук тин олиб бир оз тўхтади... (450-406-407-бетлар).

Ҳикоянинг охирида маълум бўлдики, бу — Анвар!

Жабрдийда қиз ҳикояси билан Анварга бағишланган бу тасвир аввало ёзувчи приёми, ўз сўзи билан қаҳрамон қиёфасини ифодалашни сийқаси чиққан усул деб билиб бошқаларнинг тасаввури ва сўзлари билан муддаога эришиш. Адиб учун бу йўл Анвар қиёфасини яна ҳам холисроқ, бинобарин яна ҳам ишонарлироқ қилиб тасвирлаб беериш йўли эдики, гўё адиб менга ишонмасаларинг маъна палончининг сўзларини эшитинг» деяётгандек эди. Бундан ташқари қиз тасаввури билан берилган бу характеристикага қанчадан қанча гўзаллик, қаҳрамонига нисбатан муҳаббат бор! Қанчадан-қанча лиризм бор бу ерда!

Муҳаббат ва нафрат! Қай даражада бир-бирларидан узоқ, шу онининг ўзида қай даражада кўп жойларда ёнма-ён келадиган сўз ва тушунчалар! Қўлингга қалам олиб асар битмоқчи бўлган

адибнинг дилидан бу икки тушунча галма галига отилиб чиқади. Бир заминда гул ҳам тикан ҳам ўсгандек гап!

Биз ишмизнинг олдинги бобларида фитначи, иғвогар мулла Абдурахмон характер мантиқи масаласига тўхтаган эдик. Унга нисбатан ёзувчи нафрати сезилиб турса ҳам, баъзи бир тафсилотлар хусусида фикрнинг иккиланишидан хавфсираб тўхташни лозим кўрмаган эдик. Мантиқ бу образга нисбатан нафрат хусусида яна нималарнидир кўшимча қилишни талаб қилаётир. Адибнинг мулла Абдурахмонга бўлган муносабати тўғрисида, унинг бу одамга нисбатан нафрати унинг хатти-ҳаракатлари тасвиридан кўра портрет белгиларида кўпроқ акс этади.

Адиб мулла Абдурахмоннинг Бухорода юрган пайтини хусусан чойхонама-чойхона юриб кайфи сафо қилганлиги ва энди унга бу хилдаги кайфи сафо ҳам нисоб бўлмагани хусусида ҳикоя қилади. «Шу йўсунда бу кейинги табақа орасида ҳам уч йил чамаси иш кўргач, ажойиб бир дунёдийда, мисли озшалоқ, ҳамма шароитлари билан бир безори ва чапан ҳолда баччалик даври билан видоълашди» (358-бет).

Ёзувчи учун бунинг сабаби ҳам муҳим эди. Сабаб хусусида гап борганда адиб беозор бирор ибора топиши мумкин эди, албатта. Бироқ у иборанинг китобхонни ҳайратга соладиган даражада нафратлисини топади, жирканлисини ишлатади, у ёзади: «Чунки башара нонга чумоли ёпишқандек соқол мурт билан тўлиб мўйчинакка сўз берарлик бўлмади» (358-бет). Бу бўладиган иғвогарларга нисбатан катта нафрат уйғотадиган, бори-йўғини куйдирадиган сатиранинг ўзи эди. Ёки тасвирнинг давомигадики бошқа бир парчага разм солинг: ...эндиги шуҳратини мўйчинак истеъмоли билан эмас, балки ақонид, шарҳ ва ҳавоший воситасида топмоқчи бўлган, яъни фарди ғоясига диний олимлик либосини кийдириш фикрига келган эди» (358бет). Бу ерда ҳам адибнинг сўз танлаш образ яратиш принципларини тушуниш қийин эмас.

Абдулла Қодирий қисса ва ҳикояларида илгари яратилган сатирик образларни кўрганмиз. Уларнинг ақсарияти одатда, анча «беозор» нодон, уқувсиз, калтафаҳм шахслар сифатида тасвирланар эди. «Меҳробдан чаён»да эса, кўраялсизки, бу беаёв, иғвогарга нисбатан ўзида бор аччиқ-аламни тўла ифодалаш учун ҳаракат қилади.

Мулла Абдурахмон образини яратишда Абдулла Қодирий бевосита фош қилиш йўли билан борган бўлса Худоёрхон образини яратишда ва унга нисбатан ўз нафратини ифода қилишда биров бошқача йўл тутади. Аввало, романда қамраб олинган ҳаёт материали қолаберса оддийгина инсоний ҳақ-ҳуқуқ, эркин оила куриш ихтиёридан маҳрум қилинаётган Анвар ва Раъноларнинг оғир қисмати Худоёрхонни қораловчи бош айбнома эди. Адиб бор нафратини шу йўл билан бериш учун ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ҳарам тасвирлари, тахтдан тушиб, тахтга чиқиш тарихига тегишли тафсилотлар шуҳратпараслик йўлида

амалга оширган баъзи бир қурилиш ишлари ҳоказо ва ҳоказолар Худоёрхонни аёвсиз фош қилар, фақат битта хонни эмас, ўша давр ижтимоий тузуми устидан одилонга чиқарилган ҳукм эди. Булардан ташқари, Абдулла Қодирий хонни фош қиладиган бошқа приём ҳам ишлатади. Бу приём қизиқчилар тасвири билан боғлиқдир. Қуйидаги манзарага разм солинг:

Хон кўнгил очмоқчи. Ўртада шохсупа атрофига вазир, саркарда, қозикалон, шайхулисом, шаҳарнинг зўр уламою мударислари йиғилган. Ўртада Қўқоннинг машҳур қизиқчилари. Қизиқчилар саркори Зокир-говнинг биринчи ҳаракатини адиб жаноза ўқиётган домлага ўхшатади. Ҳаракат давомида ўйлаш сўзи муносабати билан хон ҳузурига келаётгани муносабати билан «Ўлим»ни ўйлаётганини айтади. Гап орасида дағдага сўзи келиб қўшилади. Зокир — гов хонга юзланиб «болангизнинг дағдагаси сизникидан ҳам ўтиб кетаяпти» дейди. Аскияга «хонни кўндирдим» ибораси аралашиб қолади. Шу муносабат билан қизиқчиликлардан бири хонни лақмага чиқаради. Хон ва беклар устидан кулиб авжига чиқар эди. Зокир-гов шерикларини йиғиб хонга тилак билдиришга ундайди. Мана тилак муносабати билан айтилган заҳарханда ҳазил:

«Салла-калла шопу-шалопни кўриб, ўзимиз ҳам жуда кўрққанга ўхшаймиз... Манови Давлат бўлса (қизиқчилардан бири — М. Қ.) — «Бу ўлтурганларнинг ҳаммаси ҳам одамхўр», — деяпти. (Кулги.) Энди тилагимиз шуки, бизларга жавоб берсалар, жойимизга тинчкина кетсак... (Кулги.) Илоҳи мана шу ўлтурганларга худойим инсоф берсин... (Кулги.) Юрагимиз жудаям чиқиб кетаяпти! (Кулги.)

— Ҳай тилакларинг билан бориб ёт! — деди Зокир-гов ёнига уриб. — Қочиб қол, еб қўяди!!

Орадан «дод» деган товуш чиқди, учови ҳам уч томонга қочар экан, Бахтиёр Давлатнинг оёғига чалиниб йиқилди. (Қаттиқ кулги.) Баҳром билан Давлат, олпонг-толпонг бордонга кириб кетдилар... Зокир-гов Бахтиёрни тутиб қолди.

— Қўй, ака, қўй! — деб йиғлади Бахтиёр, — бекорга ўлиб кетмай, бола-чақам бор?

— Емайди сени!

— Ейди, ака, ейди! Манови бекнинг кўзига қара... вой вояаа, қўювор (Кулги.)

— Мен сенларга аччиғ айтдим-а, падар лаънат!

— Менда ўчинг борга ўхшайди, ака! Анови домланг нах одамхўрнинг ўзи, кийимингни ҳам ешдириб ўтирмайди... У, яғини сўрасанг, хонингга ҳам ишонмай қолдим! (Кулги.)» (451-452-бетлар).

Хуллас, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён»да ўз муҳаббат ва нафратини ҳар бир образ тасвиридаги ўз муносабати орқали ҳам акс эттира оладик, бу билан у асарнинг умум мазмунини яна бир карра бойитади,

«Меҳробдан чаён» Анвар билан Раънонинг Қўқон қалъасининг баланд деворидан ошиб Тошкент томон жўнаб кетиш манзараси билан тугатилади. Бу манзара бадийят жиҳатдан сўзсиз Абдулла Қодирий маҳоратига мувофиқ равишда яратилган. Унга юкланган маъно ҳам муҳим. Анвар ва Раъно ўз муҳаббатларини асраш учун Қўқон хонлигига нисбатан ўша даврда анча прогресс сивроқ бўлган Тошкентга ўтиб кетадилар. Бироқ бу ерда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, йирик ва кўламли конфликтларни ҳал қилиш йўлида қаҳрамонларни қочириб юбориш ва кўлга тушириш бадий жиҳатдан етарли даражада таъсирли бўлавермайди. Бу конфликтларни ҳал қилишда осон йўлдек туюлади. Абдулла Қодирий бу ҳолни яхши англаган шекилли, романга анча маънодор эпизод бағишлайди.

Эпизодда адиб Анвар билан Раънонинг Тошкентда анча вақт яшагани, кейин Худоёрхондан афвнома олиб яна Қўқонга қайтганлиги ҳақида хабар берилади. Бу ерда Абдулла Қодирий Анвар ва Раъно образларини тўқимадан кўра (аслида улар тўқима образлар, албатта) реал шахслар ўрнида қўйиб, уларнинг кейинги ҳаёти ҳақида икки хил хабар эшитганини айтади. Бирини Анвар Қўқонга қайтиб келган Худоёрхон томонидан ўлдирилгани хусусида, иккинчиси эса хоннинг афв қилганини тасдиқлаган ҳолда унинг ўз ажали билан ўлгани хусусида. Ҳар ҳолда нима бўлса ҳам китобхон Анварнинг узоқ яшамаганини англайди. Анвар ўлимини бу икки хил йўсинда талқин қилинишининг ҳам ўзига хос маъноси бор: бу билан ёзувчи бош қаҳрамон тақдири тўғрисида ўзича хулосалар қилиб кўришга имконият беради. Анвар яшаган давр раҳм-шафқат даври эмас эди. Афвнома юбориб Қўқонга чақириб олиш учун хонда ҳеч қандай манфаат ҳам йўқ эди. Борди-ю, афвнома юборилган тақдирда хон ундан фақат ўч олиш учун бу ишни қилган деб қараш керак бўлади. Шундай экан, китобхон Анвар албатта ўз ажали билан эмас, хон томонидан ўлдирилган бўлиши керак, деган хулосага келади.

Кўраяписизки, «Ўткан кунлар» қай даражада фожиа билан якунланган бўлса, «Меҳробдан чаён» ҳам шу даражада фожиа билан якунланади. Бу ерда Анвар характери маъноси хусусида ҳам баъзи бир фикрларни айтиш керак бўлади.

Гап шундаки, Анвар образи ўзининг бутун мазмуни, тақдирининг маъноси билан ўзи яшаган замонни инкор қилса ҳам ўзи бевосита инкор қилувчи ҳам эмас, исёнкор ҳам эмас. Ўша давр реал ҳаётида инкор этувчилар, ҳатто исёнкор йўқ эди, деб бўлмайди, албатта. Абдулла Қодирий шу хилдаги образларни олиб тасвирлаши ҳам мумкин эди албатта. Бироқ, адиб роман мазмунини худди юқорида биз таҳлил қилган тарзда ўйлади ва шунга монанд танланган материалдан ўзига хос маъно чиқарди.

III БОБ

АДИБ МАЪНАВИЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ХИЗМАТИДА

Етук ижод қимматини белгилаш учун одатда бадииятнинг ҳар хил талаблари нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказиб кўрамиз. Маънонинг ҳаққонийлиги, характерларнинг ёрқинлиги, нафоснинг юқорилиги, зиддиятларнинг кескин ва мантиқийлиги композициянинг пишиқлиги, сюжетнинг ўзига хослиги, тилнинг жозибалилиги ҳоказо ва ҳоказолар.

Абдулла Қодирий асарлари, хусусан унинг романлари шу йўсинда тадқиқ қилинса, улар талабга тўла бардош бериши аниқ. Бу хилдаги таҳлиллار қилинган ҳам. Бироқ, адиб романларининг фазилатини таъмин қилиб турган оддий кўз илғаш қийин бошқа фазилат ҳам борки, бу сиз Қодирий нафосати хусусида тўла тасаввур яратиб бўлмайди. Бу — миллийлик, миллий руҳнинг акс этишидир. Зотан, адибнинг йиллар давомида таҳқирланишлари, бир вақтлар ижодкорлар сафидан чиқариб ташланишларининг асосий сабаби худди шу белги — фазилат билан боғлиқ эди. Бу фазилатни қадрлай олмаган, диди паст яккахокимлик мафкурасига қул бўлиб қолган адабиётчилар қарийиб 50 йил давомида улуғ адиб ижоди ва шахсиятига тош отдилар. Ўзбек адабиёти тарихидан унинг номини тамоман ўчирмоқчи бўлдилар. Ўз ижодидаги миллий руҳ учун китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин олгани билан ҳисоблашмадилар.

Улуғ мунаққид В. Белинский ўз замондошлари Н. Гоголь, А. Пушкин асарларини таҳлил қилатуриб: Улар тасвир этган воқеалардан «рус ҳиди» (рус руҳи демоқчи — М. Қ.) бурқсиб туради», деган эди. Бунда мунаққид улар ижодига хос русликни, фақат русларга хос фазилату камчиликлар акс этганини таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан Абдулла Қодирий ижодини кўздан ўтказадиган бўлсак, кўрамизки, — биринчи ўзбек романивис ижодида шарқ руҳи, ўзбек руҳи барқ уриб турар эди.

Абдулла Қодирий ўз халқининг илғор вакиллари бўлмиш образлар устида ишлар экан уларнинг маданий савияси, ахлоқ принципларига алоҳида эътибор беради. Биз кино экранларида чет эл фильмларини томоша қилар эканмиз, мазмуни қай йўсинда бўлишидан қатъий назар образларнинг маданий савияси бир-бирлари билан муомалада, энг мураккаб вазиятларда ҳам одамийлик ақидалари доирасида турганини кўриб ҳайратланамиз.

Сир эмас собиқ Совет даврида синфий кураш ва курашчанлик байроғи остида фақат ҳаётда эмас адабиётда ҳам одамларни қўпол қиёфада кўрсатишга одатландик. Буни курашувчан одамнинг фазилати деб тушундик. Классик адабиётимиз ва дунё адабиёти сирлари билан таниш бўлган Абдулла Қодирий образ яратишда одамийлик юксак маданият талабидан келиб чиқадиган ақидаларга асосланди. Энг муҳими ўзбекни ўзбек қилиб кўрсатди. Унинг маънавий ва маданий қиёфасини бир лаҳза ҳам унутмади. Адабиёт сабоқ манбаи эканлигини назарда тутди.

Бир зум у яратган бош образлар — Отабек, Қумуш, Анварёки Раъно характерлари тасвирланган муҳитни ўзгартириб уларни бошқа ном билан атаб кўринг. Биринчидан, муҳит ёт бўлади, номлар эса уларга мос тушмайди, Марғилонини Сибирь ёки Абдуллани Иван дегандек гап бўлади. Иккинчидан, қандай муҳитда кўрсатманг ва қандай ном қўйманг, улар фақат шарқ, яъни ўзбек фарзандлари экани кўриниб туради. Демак маданийлик ва миллийлик, аввало, муҳитда танланган образлар қиёфасида, уларнинг ички олами тасвирида кўзга ташланади. Адиб қаҳрамонлари ҳаётга қарашда, ўзаро муомалада ўша давр Туркистон зиёлилари орасидаги маданий даражага мосдирлар.

Улар орасида жиддий баҳслар ҳам бўлади, келишимовчиликлар ҳам. Лекин бу ўринларда улар бир-бирларига ҳеч дилозорлик қилмайдилар, ўзларини беҳаё курашчан қилиб кўрсатмайдилар. Бу ҳислатлар умуминсонийлик талабларига мосдир. Улар инсонийликни жуда ҳам юқори даражада тутадилар. Юқори дид ва фаросат, зиё эгалари улар. Чигал ҳолатларда ҳам бир-бирларини ўринсиз ранжитиш, камситиш улар учун олий жазо билан баробар. Яъни кескин ҳаракатни талаб қилган вазиятда ҳам Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ўзини доирасидан чиқиб кетмайди.

«Ўткан кунлар»да қипчоқлар қирғинига алоҳида боб бағишланган. Бу воқеа Отабек учун ҳам, Юсуфбек ҳожи учун ҳам даҳшатли ва ғожиавий воқеадир. Бу ерда Юсуфбек ҳожи билан Отабек орасида келишиб бўлмайдиган зиддият бор. Тўғри, бу зиддиятни акс эттиришда Абдулла Қодирийда ҳам маълум даражада советчилик—жанговорликниг таъсири йўқ эмас, аммо Абдулла Қодирий ўзини тия билади. Бу зиддиятни акс эттирганда Отабек Отабеклик қиёфасидан, Юсуфбек ҳожи Юсуфбек ҳожилик қиёфасидан чиқиб кетмайди. Отабек Юсуфбек ҳожи далилларига тез ишонади, найзавозлик қилмайди. Юсуфбек ҳожи эса ўша зиддиятдан келиб чиқадиган дард ва аламини самимий равишда маъданий шаклда Отабекка етказа олади.

Отабекнинг иккинчи марта уйланиши, бу вайдан отаси Юсуфбек ҳожи билан тўқнашуви ҳам романнинг ўта зиддиятли жойларидан бири. Бироқ бу ерда ҳам Отабек қаҳрамонларга ҳос одоб доирасида туриб иш кўради. Бу хилдаги муомала фақат ўтмишдаги ўқимишли, маданий савияси юксак ота билан ўғил орасида бўлиши мумкин, холос.

Қарийб бир ярим аср давомида бизга «Сен гўлсан, саводсизсан, маданиятсизсан» дейишди. Ҳадеб такрор—такрор айтилаверган бу гапга ўзимиз ҳам кўникдир. Матбуот саҳифаларида, катта йиғинларда, илмий тадқиқотларда иқдоримизни билдирдик. Абдулла Қодирий эса ўзи яратган образлари билан бу иқдорни инкор қилган эди. Худди шу жиҳатдан адиб пажоди шовинистларга маъқул келмаган эди. 1928 йилда М. Швердиннинг «За партию» журнали 3-сонида эълон қилинган «Первый узбекский роман» деб аталган мақоласи ва унинг кетидан бу фикрни қувватловчи тарихчи, адабиётшуносларнинг мақола ва китоблари далилдир.

Юсуфбек ҳожи пайтини пойлаб минг андишалар билан иймана-иймана иккинчи марта уйлантиришга қарорга келганини ўғлига билдирмоқчи бўлди. Мана шу андишанинг ўзида қанчадан-қанча одамийлик ва маданийлик белгилари бор!

Юсуфбек ҳожининг сўзларига қаранг:

«— Ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми ҳайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...» (109-бет).

Хўш, ёзувчи Отабекнинг муносабатини қандай берди. Вазиятга қараганда ва воқеа мантиқига қараганда Отабек санчиб тушиши, бетга чопарлик қилиши ҳам мумкин эди. Бироқ, Отабек ўқимишли, одобли йигитлардан. Шунинг учун унинг жавобию сай ҳаракатларида қўполликдан нишона ҳам кўрмаймиз. У маданий йўсинда қилинган мурожаатга маданий йўсинда жавоб берай. Олдин у ўзини билмаганга солади, кейин дейди.

«— Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта ноъмақул бўлмас». (109-бет).

Отабек ва Кумуш ораларидаги муомалага зеҳн қилинг. Қанчадан-қанча зиё, қанчадан-қанча шарм-ҳаё, нафис фаросат бор бу муомалада! Ошиқ-маъшиқ, олов қалб икки ёш бир-бирларига интиладилар, бироқ, бирор жойда на арзон сўз ишлатадилар, на енгил қилиқ кўрсатадилар. Муҳаббат деб аталмиш хис туйғуни арзон сўз енгил қилиқ билан ифода қилиб бўлмаслигини улар яхши билардилар. Уни меҳрибон нигоҳ, нафис муомалаларгина, садоқат рамзи бўлмиш хатти-ҳаракатларгина ифода қилиши мумкин холос.

Илк висол кечасини эсланг. Отабек ўз муродига эришганини билса ҳам Кумуш билмайди. Билган чоғида ҳам баъзи енгил романлардагидек йигит бўйнига осилиб чирмашиб кетавермайди. Битта ибора билан кифояланади.

— Сиз ўпами?!

Шу иборанинг ўзида ўзбек қизларига хос иффат ва нафосат тўлалигича акс этган. Бу иборага нималарнидир қўшиб чатиш чўзиб юбориш ҳам мумкин эмасди. Бу иборани бошқача айтиш ҳам нафосатга зиён эди. Тўғри топишиш натижасидаги ҳис туйғулар улар орасидаги диалогда давом қилади. Аммо бу диалог ҳам бениҳоя табиий, бошқача тасаввур қилиш қийин бўлган шаклдадир.

Маълумки, Абдулла Қодирийнинг романлари хусусан «Ўткан кунлар» драматик воқеаларга тўлиб тошиб ётибди. Бу воқеалар марказида Отабек билан Кумуш муҳаббатидир. Шу маънода улар беқиёс оғир воқеалар оқимида бўладилар. Бундай пайтларда муҳаббат қай даражада кучли бўлмасин «ер қаттиқ, осмон узоқ» қабилида бири иккинчисига айб юклаб, кўнгил хираликлар рўй бериши мумкин эди, бироқ бундай ҳол рўй бермайди. Уларнинг бир-бирларидан ўшқаланишлари, эркаланишлари ҳам қандайдир нафис, ўта одамий ва маданийдир. Бу нафосат ва маданият асрлар оша халқнинг руҳий оламида қимматбаҳо бойлик сифатида йиғилган, катта хазинага айланган. Абдулла Қодирий бу хазинанинг мазкур қатламини очиб кўрсатишга вумаффақ бўлди.

Романнинг драматик жиҳатидан энг кескин ўринларидан бирини эслайлик: Отабек иккинчи марта уйланмоқчи, вазият шуни талаб қилган. Қайнота ва қайнона рози. Бизнинг сохта тасаввуримиздаги ўша давр йигити албатта масалани ҳал бўлди ҳисобларди, бироқ Отабек қайнотасидан, сен уйланишинг керак деган сўзни эшитиб ва қайнонанинг розилигини ҳис қилиб турса ҳам Кумушнинг ихтиёрисиз бу ишга рози бўлмаслигини билдиради. Билдирадигина эмас балки қайнона ва қайнотанинг ризолигидан олдин Кумушнинг ризолигини шарт кўради. Адиб Отабекнинг бу ҳолатини шу даражада таъкидлайдики, ҳатто қутидор билан Офтоб ойим куёвининг олижаноблик билан айтилган сўзларидан хайратланадилар.

Юксак маданий муомала жиҳатидан шу мавзуга тегишли Отабек билан Кумуш орасидаги диалог ниҳоятда сермаънодир. Отабек минг андишалар билан икки қуда орасидаги келишувни Кумушга билдирмоқчи бўлади. Кумуш эса ўзининг нафис харакатлари билан бу гаплардан хабардор эканлигини билдиради. Ҳатто ўзининг ризолигини ҳам англатади. Қисқа равишда берилган бу диалогда одоб, иффат—инсон маънавий ҳаётига хос қанчадан-қанча гўзаллик белгилари бор!

Кумуш билан Отабек ораларидаги, Отабек билан Юсуфбек ҳожи ораларидаги хатлар ҳам юксак маданият ва бой ички олам намуналаридир. Нафосат барқ уриб турган бу хатларни фақат ўзи учун эмас, балки бутун замонага зиё таратиб турган шахсларгина ёзиши мумкин. Бундай ёзишмалар фақат бир-бирларига эмас, балки барча замондошларига, ҳатто келажак авлодларига ҳам маънавий озуқа бериши турган гап.

«Хувалбори... кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси ўғлимиз мулла Отабекка етиб маълум ва равшан бўлгайким, алҳамдулиллоҳ биз дуоғўй падарингиз, муштипар онангиз ва яқин дўстларингиз мунда ҳақ таолонинг ҳифзи ҳимоятида сизҳат ва саломат бўлиб кўз нуримизнинг дуойи жонини субҳи шом, балки аладдавом раббулоламиндан ражо ва таманно этмақдамиз. Жаноби ҳақ бод фурсатларда, яқин ва саъид

соатларда тўқис-туғаллик бирлан дийдор кўришмакка насиб ва рўзи қилсин, омин ёраббулоламин.» (30-бет).

Ушбу хат муносабати билан Абдулла Қодирий маҳоратига тегишли бошқа бир хислатни ҳам қайд этиш лозим кўринади. Адиб қаҳрамонлар томонидан ёзилган ҳар бир хатдан асар сюжетини бир поғонадан иккинчи поғонага кўтарини воситаси сифатида фойдаланади. Бундай ҳолларда ҳам хатлар ўша замонники, ўша даврники, ўша давр илғор ўзбек зиёлиси номидан ёзилгани ва фақат ўзбек руҳига тегишли эканлиги кўриниб туради.

Отабек билан Кумуш бир-бирига ҳис ва туйғуларини кўпроқ нигоҳу имо-ишоралар билан етказсалар, Анвар билан Раъно бу хилдаги нигоҳ ва имо-иборалардан ташқари классикларимиздан олинган жозибали мисралар, ён атрофларидагига билдирилган муносабатлар орқали англатадилар. Англатишни улар бош сабаб ҳам деб билмайдилар, улар бу ишни қандайдир, ўта табиийлик билан, қандайдир сирли ҳатти-ҳаракатлар билан бажарадиларки, севишганлар учун бу айни рисола!

Шундай манзарани тасаввур қилинг: Мирзо Анвар саройдан келиб қандайдир ёзув-чизувлар билан банд. Бир қараса Раъно пайдо бўлиб қолади. У келиб Анвар қилаётган иш билан қизиқади. Бир-бирига илтифот билан назар ташлаб олишади. Раъно Анвар бажараётган иш тўхтаганидан ҳижолат алфозда муносабат билдиради ва давом қилдиришни сўрайди.

Маълум бўладики, энди Анварнинг хаёли саройдан келтирилган хужжатларда эмас, балки Раънода. У ўз туйғуларини қоғозга туширишга қарор қилади.

«Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси, Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг «Раъноси». (380-бет).

Бу мисраларни ўз маданияти тарихидан фахрланадиган, уни қадрлайдиган, ундаги нафосатга сажда қиладиган ўзбекгина ёзиши мумкин.

Адиб тасвирида Раънонинг кайфияти ҳам ўша давр зиёли ёшларига хос ўзбекона ва юксак ифғатли эди.

«Анварнинг қаламидан қоғозга тушиб борган сўзларни таъқиб эткан Раъно, қоғоздан кўзини олиб қизарди ва бош чайқаб тескарига қаради» (380-бет).

Бу жумлада ўша даврга хос фақат ўша даврга эмас, балким бугунги куқлардаги баъзи қизларимизга хос ҳаё ва ифғат кўзга ташланиб турибди. Бироқ Раъно Кумушга нисбатан ҳам фаолроқ эди. У қай даражада ҳаё ва ифғатли бўлмасин, шу ҳаё доирасида туриб жавоб қилишга журъат қиладди:

«Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайсинг жунунидин, Не бахт, Раъно харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си (380-бет).

Раънонинг кейинги ҳаракатлари ҳам шарқона ва ўзбеконадир:

«Раъно ёзувни Анварнинг олдига ташлаб, қизарган ва кулимсираган ҳолатда чолиб гуллар ёнига кетди». (380-бет).

Одатда Абдулла Қодирий асарлари устида гап кетганда ундаги жозиба ҳақида фикр юритадилар. Бу хилдаги фикрларнинг оғзидан-оғзига кўчиб юришига сабаб юқорида қайд қилинган миллий руҳда юксак маданий савияда яратилган манзаралар эмасмикан?!

Миллий руҳ ва маданий савия фақат Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно ёки Отабек билан Юсуфбек ҳожи ораларидаги муносабатларга хос эмас. Адиб бу руҳни ҳар бир оз тасвирида, ҳатто асарда ниҳоятда кам ўрин олган, баъзи адабиётшунослар фикри билан айтганда «паст назар» билан яратилган образларда ҳам кўриш мумкин.

Бугун Отабек билан Ҳасанали ораларидаги муносабат кўпгина фикр ва мулоҳозалар уйғотади. Илгаридан реалистик адабиётшуносликда таъкидланиб келдики, ёш бойвачча Отабек билан ёши анчага бориб қолган хизматчи Ҳасанали ораларидаги муомала шунчаки оддий хўжайин билан оддий хизматчи орасидаги муносабат эмас. Ҳасанали Отабекка ўз фарзанди ҳукмида муомала қилади. Бу муносабатлар ўта табиий. Отабекка кўрсатилган бу «хизматчи»нинг кундалик ғамхўрликларидан ташқари, у Отабек қалбида рўй бераётган нафис ҳис—туйғунларни ҳам сезади, шунга қараб муомала қилади. Садоқатда у тенгсиз, Ҳатто Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Раззоқ Сўфининг ўз пири-эшонига садоқати ҳам, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Ёрматнинг бойга фидойилиги ҳам Ҳасаналининг Отабекка бўлган садоқати билан тенглаша олмайди. Уларда ҳис ва туйғу билан баробар қандайдир манфаатнинг ҳам ўрни бор. Ҳасаналининг муомалаларида садоқатдан бошқа манфаат йўқ. Тўғри, Раззоқ Сўфи билан Ёрмат асар охирида тамоман ўзгарадилар, аччиқ ҳақиқат туфайли ҳаётдан ўз ўринларини топадилар. Абдулла Қодирий Ҳасанали образига бу хилда маъно бермайди. Унга бошқа хил ҳақиқат асос эди. Бу — ғожиа сари юз тутаетган Отабек билан бу ғожиага шерик бўлишга тайёр «хизматчи» садоқати, шундай қилсагина ўз руҳий талабини қондиришга эриша оладиган инсон фидойилиги.

Отабек Ҳасаналига ҳам шунга монанд муносабат билдиради. Бирор жойда ё бирор лаҳзада Ҳасанали кўнглини оғритадиган сўзни тилга олмайди, ранжитмайди, бунга у ўзини ҳақсиз ҳисоблайди, эҳтиёж ҳам сезмайди. Улар бир-бирларини шу даражада табиий ва самимий тушунадиларки, баъзи ота-болалар бунга ҳавас билан қараса арзигуликдир.

«Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон» романлари «Ўткан кунлар» дан қарийб йигирма йил кейин ёзилган. Бу романлар ёзилган даврда шахсга сиғиниш кўринишлари юзага чиқиб, большевизм яқка ҳоким мафкурага айланган эди. Шу сабабдан Раззоқ Сўфи ва Ёрмат образларининг яратилишида умуминсонийликдан кўра

Ўсиш ҳоким мафкураининг таъсири борлигини эндиликда ҳос қилиш қийин эмас.

Бу билан биз Абдулла Ҳодирийни мафкурасиз ёзувчи демоқчи эмасмиз. Аксинча, у катта ҳақиқатга асосланган мафкурага суяниб иш тутади. Бу умуминсонийлик мафкураси эди.

Абдулла Ҳодирий шахс образини тасвирлаганда ҳеч вақт бирор тор мафкура билан боғлаб қўймайди. У образларда шаклланидиган ҳар бир фазилатни асрлар давомида йиғилиб келаётган халқ тарихи ва анъаналарига боғлайди. Анвар («Меҳробдан чаён») Солиҳ Маҳмуд оиласида тарбия кўради. Бироқ, Солиҳ Маҳмуддан кўра уни халқ анъаналари, қисман ўша даврда Қўқонда мавжуд зиёлилар муҳити тарбиялайди.

Образлар руҳий оламини тасвирлашда Абдулла Ҳодирийнинг «Обид кетмон»и ўзига ҳос асардир. Адиб бу ерда ҳам ўз анъаналаридан узоққа кетиб қолган эмас. Шу билан баробар нималардадир фарқ ҳам қилади. Қиссанинг бош қаҳрамони унинг романларидаги қаҳрамонлар даражасидаги зиёкор эмас. У оддий ҳунарманд, шу билан саводсиз оми ҳам эмас. Шунга қарамасдан, адиб унинг характерида одамийлик, маданий даражани қадрлайди. Унинг ҳаётга, жумладан, ҳаётда рўй бераётган «инқилобий» бурилишларга ҳам муносабати ижобий. Бу жиҳатдан у янгиликпарвар шахс. Бироқ, янгилик тарафдориман, деб кўкрагига уравермайди, бу йўлга дарров ўтабермаган деҳқонларга қаҳр-ғазабини сочмайди. Ҳатто «бурилиш» ишларига халақит бераётган руҳонийларга ҳам у кўрс муомала қилмайди. Янгилик душманларига муносабатни биз кўпроқ тасвирланаётган ёт унсурлар қиёфасидан англаймиз. Обид эса уларга нисбатан «нимаики қилмалар, ҳақиқат биз томонда, эртами-кеч ғалабага биз эришамиз қабилида қарайди. Шунинг учун феълени кенг тутади, арқонни узундан узун ташлайди. Бошқаларни кўп ҳам ранжитмасдан иш тутишни афзал кўради. Тарихдан маълум «Обид кетмон»да тасвирланган даврда кимнидир тиклаб қўйиш учун бошқа бировни уриб, йиқитиш керак эди. Ҳаётнинг «фалсафаси» шу хилда тушунтирилар эди у вақтларда. Шу йўл билан бориб мулла Обид ҳам бирини тиклайман деб, икки-учтасини уриб йиқиб, йўқ қилиб юбориши мумкин эди. Борди-ю, у шу йўл билан борса, балки яхши раислардан ҳисобланар ва бошқа бир ёзувчи шу йўл билан уни янги мансаб даражасига ҳам чиқариб қўйган бўлар эди. Абдулла Ҳодирийга бу ҳақиқат эмас, балки у қабул қилган, у тушунган ва тасвирлаган ҳақиқат керак эди.

Мулла Обид образи тасвирида ҳам унинг юксак инсонийлик ва ўзбек руҳи ҳоким. Бир зум тасаввур қилинг: ўрис хирмон-хирмон пичан ўриб ёки қучоқ етмас дарахларни чопиб қаҳрамонлик кўрсатиши; қозоқ ва қирғиз сурув-сурув қўй ва йилқиларни боқиб, элида донг чиқариши мумкин. Асрлар давомида ястаниб ётган тепаликни қисқа муддат ичида фақат кетмону замбил-ғалтак ёрдамида текислаб, ўрнидан экиб юқори ҳосил олиш фақат мулла Обид қиёфасидаги ўзбекнинг қўлидан келади.

Абдулла Қодирий миллий заминда қатъий турган ёзувчи. Унинг қаҳрамонларига хос руҳий юксакликни Алишер Навоий «Хамса»сида яратилган қаҳрамонлар руҳий оламига қиёс қилиш ўринли бўлар эди. Бу катта мавзунини қўя туриб айтмоқчимизки, адиб ижодига хос юксак маънавиятган «зарбдор», сўлкаш мунаққидлар ўзларининг одатлари бўйича холис тушунмадилар. Улар тўғридан эгри хулоса чиқардилар. Бу хилдаги нафис ва инсоний муносабат фақат олий табақа вакилларида бўлиши мумкин, Демак, Абдулла Қодирий олий табақа ёзувчиси, деган хулосага келишди. Бундай хулосага келиш ҳам енгил, ҳам «хайрли» эди. Енгиллиги шунда эдики, адабиётнинг ўзига хослиги, унинг асл бурчи устида бош қотириб, меҳнат қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Асар материали бир лаҳзада мафкура газига ташлаб қўрилар, асар бу газга албатта тўғри келмас ва шу сабабдан сиеёсий хулосага келиб айтиладиган кескин жавоб айтиб қўйила қолар эди. «Хайрли»лиги эса шунда эдики, бу хилдаги хулосалар расмий доиралар томонидан доим тўғри тониллар ва танқид қилувчига ҳаётда қулайлик туғдирар — мукофотлар, унвонлар, мансаблар тақдим қилинар эди.

Эндиликда ҳеч кимда, ҳатто Абдулла Қодирийга салбий муносабатда бўлган мафкурачиларга ҳам аниқ бўлган ҳақиқат юзага чиқди. Тасвирланган даврнинг донишманди бўлмиш Юсуфбек ҳожи, даврга хос маданий савияда турган Қутидор образи, хусусан, ҳаётда янгича қадам қўйишга интилаётган Отабек ва Анвар образлардан келиб чиқадиган маънавият бизникидир, фақат бизники! Ҳасаналилар қўлига қурол олиб Отабек ва Юсуфбек ҳожиларга кураш эълон қилса яхши, ўз даврининг маънавий юксакликларида турган кишилар билан бирга нафас олса, нега уни ёмонлашимиз керак ва курашчан эмас, деб бунга таъна қилишимиз керак?! Образлар ўз маъноси билан китобхонга қандай таъсир ўтказди, қай даражада одоб беради, руҳан бойитади, уларнинг қиммати шу билан белгиланади. Бу — азалий ҳақиқат! Бироқ, доим «зарбдор» мунаққидлар, илмдан кўра сиеёсий хулосага одатланган синфий жиҳатдан ўта «ҳушёр» илмдонларгина бу хилдаги ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришдан ожизлик қилинади, холос. Бу ҳам ажабланарли эмас. Чунки: «синфий ҳушёр мунаққидлар»нинг маънавияти шунга мувофиқ чекланган бўларди.

Мазкур фазилатлари — юксак маданий савияси, умуминсоний маъноси билан Абдулла Қодирий яратган образлар бунгача хизмат қилди. Энди ҳам, хусусан халқимизнинг мустақилликка эришган даврида хизматда бўлажаги аниқдир.

IV БОБ

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Мавзу жиҳатдан Абдулла Қодирий ижодини шундай яқунласа бўлади: биз ёзувчидан халқимизнинг ўтмиш тарихидан сабоқ бўларлик ҳолларни топиб тасвирлашини истаймиз. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан бу вазифамизга тўсиқ бўладиган иллатларни аёвсиз фош қилишни кутамиз. Абдулла Қодирий ўз ҳажвий ҳикоялари билан бу вазифани ҳам ўрнига қўйган адиб. Биз ҳар бир ёзувчи ижодида яхши хусусиятлари билан ўрناк бўларли замондошларимиз образлари ёритилишини хоҳлаймиз. Абдулла Қодирий «Обид кетмон» қиссаси, ҳикоя ва очерклари билан бу хоҳишимизни ҳам биринчилар қаторида ўринлатган санъаткорлардан.

Абдулла Қодирий ижоди бадиийлик жиҳатдан алоҳида эътиборни жалб қилади. У ўз идеалларини юксак бадиий шаклда ифода қилаолган ёзувчи. Адиб назар-писанд қилмаган бадиий шаклнинг бирор нуқтасини топиш қийин. Унинг асарларида эҳтирос қудратли, психологик таҳлил чуқур. Ҳар боб ва ҳар эпизод асардаги умум драматизмнинг руҳи билан ёритилади. Манзаралар ёзувчи айтмоқчи бўлган маъно атрофида мунчоқ сингари тизилади. Китобхон унинг бирор бўлак ёки бўлакчасини назардан тушириб қолдира олмайди. Шу йўл билан у китобхонни доим банд қилади, уни фақат воқеаларга эмас, балки ўтказмоқчи бўлган ғояларига ҳам тенг шерик қила олади. Унинг китобхони доим актив, у ёзувчи билан бир қаторда туриб воқеалар устидан жиддий ҳукм чиқаради. У китобхонни «ниқтамайди». Асар заминидagi ғояларни китобхон гайри шуурий равишда қалбдан ҳис этади. У асарни ўқигандан кейин, узоқ вақтгача ҳаяжонли таассурот билан яшайди, яъни асар ғоялари китобхоннинг ҳиссиёт оламида муътабар жойни эгаллаб олади. Ёзувчининг баъзи асарларидаги воқеалар суръатини, уларнинг тез-тез, кескин равишда ва қутилмаган пайтларда алмашиб туришларини, тошлардан—тошларга урилиб, шиддат билан баланд тоғлардан пастга шошаётган ирмоқларга ўхшатиш мумкин. Ирмоқлар сойларга тушиб катта дарёга айланади, жўшқин сойлардан тап-кил тошган бу азим дарё ўзининг дастлабки ирмоқлак пайтларига сира ҳам ўхшамайди; таги — қудратли оқим, сатҳи—сокин. Баъзан Абдулла Қодирий асарларини таҳлил қилмоқчи бўлган танқидчи ва адабиётшуносларимиз унинг асарларидаги, юқориди

айтганимиздек, ирмоқларни эслатадиган шиддатли оқимини кўрадилар, улардан пайдо бўлган азим дарёнинг сокинлигини ҳам англайдилар, аммо сиртдан қараганда кўзга ташланавермайдиган тагидаги оқимнинг қудратини, шиддатини етарли даражада пайқамайдилар.

Абдулла Ҳодирий асарларидаги сеҳрли жозибанинг омилларидан бири унинг тилидир. Аввало шуни қайд этиш керакки, ҳали матбуот тилида қатъий тартиб бўлмай, турли-туман тил услублари ҳукм сурган бир пайтда, катта санъаткорга хос шуур ва ҳис билан Абдулла Ҳодирий бугунги адабий тилимизда илк бор йирик полотно — реалистик роман яратди. Адиб тили, ўзбек адабиётининг яна бир қанча устоз назоёндалари асарларининг тили билан биргаликда, халқ жонли тили ва матбуот тили заминида бунёдга келган бугунги бой, маданий тилимизнинг асосий фондиди ташкил этади. Адибнинг маҳорати шундаки асарларини ўқиётганимизда адиб қўллаган сўз ва иборалардан бирортасини назардан соқит қила олмаймиз. Ҳар бир товуш белгисининг, ҳар бир сўзнинг ёзувчи санъатини белгилайдиган муҳим ва зарур юки бўлади. Шу туфайли санъаткор яратаётган ҳар бир деталь, ҳар бир эпизод, ҳар бир воқеа ва қаҳрамон ҳолати, буюк рассомлар асарларидек кўз олдимизда намоён бўлади. Адиб сўзларни ниҳоятда аниқ танлайди, бу сўзлардан ниҳоятда аниқ жумлалар тузади ва бу аниқ жумлалар қаҳрамонлар ҳолатига тегишли аниқ мақсадларда ишлатилади. Шу кунларда учрайдиган чийралган, буралган, сунъий тарзда мураккаблаштирилган, аниқ мақсадга буйсундирилмаган сўз ва иборалар қўллайдиган қаламкашлар Абдулла Ҳодирийдан ўрناк олсалар чакки бўлмас эди. Баъзан Абдулла Ҳодирий характерларни яратишда ва уларни талқин этишда сўздан шу даражада моҳирона фойдаланадигани, бундай пайтларда унга «Ўткан кунлар» дагидек шиддатли суръатда кескин ривожланадиган воқеаларнинг ҳам, қалбимизни ларзага соладиган инсоний тақдирларнинг ҳам зарурияти бўлмай қолади. «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтари-дан», «Тошпўлод тажағи нима дейди?» ҳикояларида адиб персонажларга шундай сўзларни ва шундай ибораларни топиб берадигани, улар адо этган вазифани, балки кескин воқеа алмашувлари ҳам, ҳатто қалбни титратадиган тақдирлар ҳам адо этолмаган бўларди.

Абдулла Ҳодирий асарларининг бадиий баркамоллиги ўз навбати билан унинг халқ, меҳнаткаш инсон тақдирини ўйлаб юртадиган фикрларнинг таъсир кучини оширади. Бошқа қилиб айтганда, унинг асарларида бадиийлик билан ғоявийлик шу даражада омуктаки, уларни бир-бирларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиш эмас.

Адибнинг ижодий иш йўллари ҳам ўзига хос бўлган. У адабиётга нисбатан холис хизмат қилди. Йил фасллари-нинг бир қисмида ижод қилиб, бошқа бир қисмида, хусусан, бу билан у асар ёз кунлари жисмоний иш билан банд бўлди — деҳқончилик қил

ди, асалари боқди, кўчат кўпайтирди, ҳунармандчилик қилди... ўзининг меҳнатга муносабати билан Абдулла Қодирий ўзи яратган Обид кетмонни эслатади. Ўрни келганда айтиш керакки, «Обид кетмон»даги Хирмонтепа тупроғини олиб, ер очиши, унинг ўрнига шийпон қуриши — умуман, Обид кетмончасига жисмоний меҳнат қилиши ёзувчининг ўз ҳаётидан кўчирилган фактлардир. Жисмоний меҳнат, оддий халқ билан муносабат унинг адабий тафаккурини тиниқтирган, бадиий баркамол асарлар яратилишига асос бўлган бўлиши керак.

Абдулла Қодирий ижод масъулиятини чуқур англаган ёзувчи. У асар ёзишга ўтиришдан олдин ҳаётни синчковлик билан ўрганган. Яратмоқчи бўлган типларни ҳаётнинг ўзидан топиб, баъзан улар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилган. Тасвир қилинадиган жойларни, қишлоқ ва шаҳарларни бориб, ўз кўзи билан кўришга уринган. «Ўткан кунлар» сюжети устида ўйлаганда у бир неча бор Марғилонга бориб келгани маълум. Эҳтимол у ўша боришларда Отабек юрган кўчаларни, у кириши мумкин бўлган эшик ва ҳовлиларни кўриб, тасаввурни бойитгандир. «Обид кетмон» сюжети устида ўйлаганда Абдулла Қодирий тупроқ босиб, сув кечиб, қишлоқма-қишлоқ, колхозма-колхоз юрган, тасвирламоқчи бўлган қишлоқ манзараларини ўз кўзи билан кўрган. Оддий меҳнаткашлар билан яқиндан танишиб, уларнинг баъзилари билан дўст тутинган.

Қодирий табиатан оғир, вазмин, ҳар бир ишга чуқур мулоҳаза билан қарайдиган одам бўлган. Унинг бу хусусиятларига ўз санъатига ишонч билан қараши ҳам қўшилган. Шунинг учун ижодий тортишув ва фикр олишувларда дўстлари билан ўзига хос улуғворлик, олижаноблик билан муомалада бўлган. Бу ўринда шундай бир фактни эслаш маъқул бўлар эди: Абдулла Қодирий ҳаётлик пайтидаёқ унинг ижодига нисбатан анчагина зиддиятли фикрлар айтилган. Хусусан, бу ишда мунаққид Сотти Ҳусайннинг цикл, кейинчалик китоб шаклида эълон қилинган мақолалари характерлидир. Абдулла Қодирий Сотти Ҳусайннинг бу мақолаларига жавоб ҳам ёзган. Унинг жавоби фақат босиқлиги, вазминлиги билангина эмас, балки мунаққид ишига алоҳида ғамхўрлиги, танқидчи касбига хайрихоҳлиги билан характерлидир. Сотти Ҳусайннинг баъзи камчиликларини унинг «ёшлигига, тажрибасизлигига ҳавола» қилади. Танқидга жавоб бера туриб, «ғариброқ туйилган бир неча нуқталар устида изоҳлар бериш» ни лозим кўради ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан мунаққид нотўғри қилган фактларни шарҳлаб ўтади, холос. Ўз санъатига ишонган ёзувчигина масалага шундай ёндошиш мумкин. Тасаввуримизда Абдулла Қодирий ўз асарлари ҳақида кейинги бўлган баъзи бир зиддиятли фикрларга ҳам ўша улуғворлик, олижаноблик, ўз санъатига ишонч билан қараб тургандек кўринади.

Абдулла Қодирий ниҳоятда эҳтиросли адиб бўлган. Унинг ҳамма асарларида ҳам — ҳажвийми, фожиавийми, улуғворлик-

ми — ҳаммасида қандайдир сеҳрли ҳис, шекспирона эҳтирос сезилиб туради. Бу эҳтирос доим ҳаётдан танлаб олинган реалистик воқеалар асосида қурилади. Ёзувчи асарларида китобхон ҳис-туйғуларин итирнаш, уйғотиш учун атайин ҳаракат қилмайди, балки буни буни у ўзининг санъаткорлик эҳтироси билан намоён қилади. Шунинг учун бўлса керак, Абдулла Ҳодирийга кино ходимларидан бири, «Ўткан кунлар»ни кинога олмоқчимиз, деганда, «ундай бўлса, Отабек ролини ўзим ўйнасам», деган экан ва у Кумуш ўлимини тасвирлаш чоғида юм-юм йиғлаган экан.

Абдулла Ҳодирий фақат бадиий асарлари билан эмас, балки ўзининг шахсий фазилатлари, ҳаёт ва ижодга муносабатлари, одамийлиги билан ёшларга ўрнак бўлган ёзувчидир. Бугина эмас, ўз асарларида олға сурган гуманистик ғоялар билан китобхон руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилган санъаткордир. Унинг яратган маҳорат мактаби эса кўпгина қалам аҳлларига қимматли сабоқ бўлди ва бўлмоқда.

* * *

Абдулла Ҳодирий биринчи роман битган пайтларида, Ўрта Осиё адабиётида проза жанрининг, хусусан, романчиликнинг энди тугилаётган пайти эди. Шу сабабдан бўлса керак туркий ва тожик тилида ижод бошлаётган кўпгина ёзувчилар Абдулла Ҳодирийни устоз, деб биладилар.

Буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов Абдулла Ҳодирийни «Шарқнинг энг кўзга кўринган ёзувчиси»¹— деди. У, Абдулла Ҳодирий (Жулқунбой) романлари гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай, дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан киши»².

Бу, бир буюк шарқ адибнинг ўзидан аввал проза жанрига биринчи қадам босган иккинчи бир буюк истеъдод эгаси бўлган адиб ҳақидаги фикридир.

Туркман халқининг классик адиби, етук романнавис Берди Кербобоев ҳам Абдулла Ҳодирийга юксак баҳо берган. У шундай деб ёзади:

«... Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар» ини, «Қозоқ қизи» ни, ўзбек ёзувчиси Абдулла Ҳодирийнинг «Ўткан кунлар»ини, «Меҳробдан чаён»ини ўқиб, шулардан ибрат олмасам, «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлардим»³.

Ўзбек романчилигини янги босқичга олиб чиққан машҳур ўзбек ёзувчиси Ойбек, Абдулла Ҳодирий ижоди билан ёшлигида-

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил, 12 ноябрь

² «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974 йил, 3-сон, 15-бет:

³ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974 йил, 3-сон, 19-бет:

ноқ қизиқиб, бу улкан адибнинг ижодий лабораторияси ҳақида биринчи тадқиқот олиб борганлардан бири. Кейинги вақтларгача у Абдулла Қодирийни ниҳоятда ҳурмат қилар, унинг ижодидаги реалистик манзараларнинг бўёқдор халқ тилида акс эттирганига тасаннолар ўқир эди. У ёзган эди:

«Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши ибилганлиги унинг асарларидан яққол сезилиб туради. Абдулла Қодирий романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У... туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди»¹.

«Машҳур ижодкорларнинг шу хилдаги фикрларини тутиб олиб, Ўрта Осиёда машҳур ёзувчиларнинг барчасини Абдулла Қодирий ижодига олиб бориб боғлай бериш, албатта, ўринсиз бўлар эди. Абдулла Қодирийни устоз деб тан олган ҳар бир ёзувчининг ўзлари кўпларга устоз. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос акс эттирадиган ҳаёт материали, услуб кўринишлари бор. Ойбек ва Мухтор Авезовнинг «Навоий», «Абай» романлари на услуб жиҳатдан, на ҳаёт материали жиҳатдан Абдулла Қодирий яратган романларга ўхшайди. Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам»и ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. «Абай»даги қозоқ халқи ҳаёти, унинг урф-одатлари, ҳаёт кечириш йўсинлари ҳақидаги деталлаштирилган тасвирлар. Берди Кербобоевнинг «Дадил қадами»даги миллий ва онгли уйғонишга, туркман халқи психологиясига тегшли кенг кўламда тасвирланган манзаралар Абдулла Қодирий романларидаги тасвирларга ўхшамайди. Шунга қарамасдан бу Ўрта Осиё халқларининг буюк романнавислари Абдулла Қодирийни туркий халқларнинг адабиётига таъсир ўтказган биринчи романнавис сифатида ҳурмат қиладилар. Бунинг сабаблари нимада экан? Бунинг сабаблари бизнинг назримизда шундаки, бирор йўлсиз жойдан янги йўл солинган бўлса, бошқалар ҳам узлукси шу йўлдан юравериши шарт эмас. Унинг янги йўл солиш журъатини фойдаланиб, ўзича янги йўл очиши ҳам мумкин. Бадий ижодда аксарият пайтларда худди шундай бўлади. Ойбек, М. Авезов ва Берди Кербобоевларнинг адабий ижоддаги йўллари мустақил ва ўзига хос, янгидан очилган йўллардир. Бошқача қилиб айтганда, адабиёт ва санъатда ижодий таъсир доим ҳам бевосита рўй беравермайди. Ойбек Алишер Навоий образини яратар экан, Ҳусайн Бойқаро саройидаги турли зиддиятларни, саройда рўй бериши мумкин бўлган тахт талашув, фисқ-фасодларни тасвирлаётиб, унга «Ўткан кунлар»даги шу тақлид зиддиятлар ўрганса арзигулик намуна бўлмадимикин? У «Навоий» романида Арслонқул билан Дилдор, «Қутлуғ қон»да Йўлчи билан Гулнор ораларидаги муҳаббат тасвирларини романтик бўёқларда ва ғожиавий ҳолатларда яратар экан, бу ерда ҳам Абдулла Қодирий романларидаги Отабек билан Кумуш,

¹ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнапи, 1974 йил, 3-сон, 11-бет.

Анвар билан Раъно ораларидаги романтик бўёқ, фожиявий ҳолатлар арзигулик намуна бўлмаганмикин?

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»ни эълон қилган пайтларда Ўрта Осиё халқлари ҳали битта Туркистон номи ила бирлашган эди. Шу сабабдан Абдулла Қодирий қай даражада ўзбек ёзувчиси бўлса, шу даражада туркман ёзувчиси ҳам, қирғиз ёзувчиси ҳам, қozoқ ёзувчиси ҳам, ҳатто тили бошқа бўлган тожик ёзувчиси ҳам ҳисобланаверишлар эди. Ишонч билан айтиш керакки, унинг биринчи романини ўша даврларда Ўрта Осиёнинг барча халқлари — ўзбек ҳам, туркман ҳам, қozoқ ҳам қирғиз ҳам, тожик ҳам баробарига севиб ўқишган. Шу сабабдан бўлса керак, машҳур тожик ёзувчиси Жалол Икромий ёзади:

«Мен Абдулла Қодирий асарларини гарчи ўттизинчи йилларда ўқиган бўлсам ҳам, улардаги қаҳрамонларни ҳозирга қадар унутмаман. Абдулла Қодирий ўзининг гоёт сиқик, аммо чуқур лирика билан йўғрилган жумлалари билан мени мафтун этарди... Унинг асарларидаги ҳар бир детал ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиғ жилланади»¹.

Шундай экан, бу машҳур тожик романнависи ўзининг тарихий романларида ўзига хос йўллар билан борган бўлса ҳам, Абдулла Қодирий амалга оширган биринчи тажрибадан илҳомланганимикин?

Абдулла Қодирий романларидаги образлар оламига назар ташласангиз, шундай бир манзарани кўриш мумкин: «Ўтган кунлар»да унинг Отабеги қай даражада жозибали, мардонавор бўлса, ундаги иккинчи образ Кумуш ҳам шу даражада жозибали ва мардонавор. «Меҳробдан чаён»да Анвар қай даражада зийрак, ақлли ва фаҳмдор бўлса, Раъно ҳам шу даражада оқила, зийрак, гўзалдир. Ҳатто айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий Отабекка ва Анварларга нисбатан Кумуш ва Раъноларни кўпроқ улуғлайди, эъзозлайди. Уларга алоҳида бир меҳр билан қарайди, китобхонга ўтказмоқчи бўлган таъсирини кўпроқ ўша Кумуш ва Раънолар образи орқали ўтказиш учун ҳаракат қилади. Шу сабабдан бўлса керак, ўзбек халқи орасида Кумуш ва Раъно исмлари энг эъзозли исмлардан ҳисобланади. Абдулла Қодирий романларида аёл образларига шу даражада эътибор қилинишининг сабаблари ҳам бор: ўтмишда феодал истибдодининг зулми жабрнинг эрлардан кўра аёллар кўпроқ тортган. Шу сабабдан Абдулла Қодирий кўпроқ эзилган, жабр-зулм тортган, кўпроқ таҳқирланган жамиятнинг шу иккинчи ярмини улуғлади. Шу йўл билан уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга ўз ҳиссасини қўшди.

Бу масала нуқтаи назаридан бугунги ўзбек адабиётига бир назар ташланг. Бугун бирор ўзбек ёзувчисини топиши қийинки,

¹ «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1974 йил, 3-сон, 14-бет

унинг асарлари марказида бирор жозибали аёл образи турмасин. Ойбек романларидаги Гулнор («Қутлуг қон»), Дилдор («Навий») образлари, Улуғ Ватан уруши йилларида йигитларнинг ўринини босиб иш кўрсатган қизлари («Қизлар» поэмаси), унинг Комиласи («Олтин водийдан шабадалар») ва ҳоказолар ўзбек китобхоналарининг энг севикли образларидан бўлиб қолди. Ҳатто шундай бўлдики, баъзи бир асарларимизда бош қаҳрамон аёллардан бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасида унинг бош қаҳрамони Саида бутун бир районни ларзага солиб турган ўз бошимчаликка ўрганиб қолган Қаландаровга қарши тура олади. Шароф Рашидовнинг Ғолиблар романида Ойқиз ҳаётданорқада қолган баъзи бир унсурларга қарши туриб, илғор ғояларни амалга ошира олади. Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилола» қиссасидаги Ҳилола бутун бир колхоз иқтисодини игнасида ипигача яхши билди ва қонувбузарларга қарши тура олади. Уйғуннинг «Хуррият» пьесасида «ожиза» Хуррият эр киши эплай олмаган катта ҳўжаликни бошқара олади... Бу хилдаги мисолларни яна келтиравериш мумкин. Йирик-йирик полотноларда аёллар образларига шу хилда ўрин беришда, уларни эъзозлашда, уларнинг ҳаётдаги ҳақиқий ролини кўрсатишда Абдулла Қодирий анъаналарининг роли йўқмикин?

Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида сатира жанрининг бошида турган адиблардан бири. Унинг ҳажвий асарлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгангача йўқ. Ўзбек сатирасининг кейинги тараққиёти эса Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмадлар номи билан боглиқ. Абдулла Қаҳҳор Қодирийга санъаткор сифатида юқори баҳо берган. Уни «Европа адабиёти газли билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир»,— деган. Бироқ бирор жойда уни устозим, деб атаган эмас. Устоз бўлиш учун устоз деб аталиш шарт эмасга ўхшайди. Абдулла Қодирийнинг ҳажвий меросига бир назар ташланса кўриш мумкинки, уни баъзи бир ҳажвиячиларда кўрингандек на латифаном вақеалар, на бирор фавқуллодда рўй берадиган кулгили ҳодисалар қизиқтиради. У мантиқан ниҳоятда асосланган, хатти-ҳаракатларда ўз мантиқидан бир қадам ҳам чекинмайдиган баъзан разил, баъзан ниҳоятда кулгили типлар яратган. Бу хилдаги характерларни у кўпроқ шахс қилиқлари ва бу қилиқларнинг ўзига хос тил воситаларидаги кўринишларда моҳирона бера олган. Абдулла Қаҳҳор «Нотиқ», «Санъаткор» сингари ҳажвий ҳикояларини яратар экан, уларда ҳажвий типларнинг қилиқларини, кўпроқ уларнинг ўзига хос пук кўринишларида беради ва шу йўл билан ўзига хос тақорсиз характерлар ярата олади. Бу характерларни яратишда кулгининг етук анъаткори Абдулла Қодирий ҳажвий тафаккурининг роли йўқ, еб бўлармикин?

Туркий тилда ижод қилувчи баъзи бир ёзувчиларда Абдулла одирий ижодининг бевосита таъсирини сезиш ҳам мумкин. ашхур туркман ёзувчиси Хидир Деряев ёзади:

«Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи туғилди. Катта ният билан «Қисмат» романи устида иш бошладим»¹.

Хидир Деряев фикрини давом қилдириб, Тошкентда Қом-ВУЗда ўқиган пайтларида «Ўтган кунлар»ни қайта-қайта ўқигани ва ёзувчининг санъатига таҳсинлар ўқигани ҳақида гапирди. Абдулла Қодирий билан Хидир Деряев ораларидаги таъсир ва ўзига хослик ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқот ҳам қилинди. Тадқиқот натижасида воқеаларни сирли баён қилиш, уларни бир-бирларига занжирбанд қилиб, мустаҳкам боғлай олиш, керак жойларда кескин бурилишларда бера билиш жиҳатидан Хидир Деряев Қодирий романларидан таъсирлангани маълум бўлади. Бироқ яна шу нарса ҳам аниққи, ҳаёт воқелигинини бериш жиҳатдан, Хидир Деряев «Ўтган кунлар»ни ҳеч ҳам такрор қилмайдди.

Гарчи бунинг аҳамияти катта бўлса ҳам, гап воқеаларни тасвир қилиш методида, ёзувчи дунёқарашининг янги нуқтага кўтарилишида ҳам. Хидир Деряев тасвирланаётган ҳаётга мос равишда XIX аср охирилари, XX аср бошларидаги рўй бераётган уйғонишга боғлиқ зиддият доирани ва кўламни кенгайтиради, романдаги асосий конфликт шу асосда кўчирилади. Шундай қилиб, «Ўтган кунлар»дан «таъсирландим», «илҳомландим», деган ёзувчи ҳам устозини такрор қилмайди, балки бадиий ижоднинг янги-янги саҳифаларини очади ва оригинал асар яратади.

Бугунги ўзбек прозасида Хидир Деряев сингари Абдулла Қодирий услубини яқиндан сезган ва баъзи ўринларга унинг воқеаларни акс эттириш методларидан фойдаланган ёзувчилардан бири сифатида Шухратни келтириш мумкин. У ўзининг «Олтин зангламас» ва «Жаннат қидирганлар» романларида «Ўтган кунлар»дагидек асар сюжетида қамраб олинган воқеаларни сирли баён қилиш ва бу сирли воқеалар орқали характерларнинг психологик ҳолатларини чуқурроқ очиб бериш учун ҳаракат қиладди ва айтиш керакки, ёзувчи шу йўл билан анча муваффақиятларга эришади.

Кўряпсизки, гап бу ерда Абдулла Қодирийнинг ижодига хос муҳим бир хусусият — унинг характерлар яратиш маҳорати ҳақида кетаётир. Характерлар яратишда эса унинг энг яхши кўрган методларидан бири, воқеаларни бир-бириларига занжирбанд қилиб, пухта боғлаб беришдан иборат эди. Шу йўл билан у характерлар психологияси баёнини қуюқлаштиради, китобхонни доим бир хи лқизиқишда тутиб тура олар эди. Иқтидорли романнависларимиздан Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» номли романини яратди. Бу романда «Ўтган кунлар»дагидек муҳаббат йўлида бошдан кечирилиши мумкин бўлган ғавқулодда

¹ «Эдебият ва сунгат» газетаси, 1962 йил 21 ноябрь

саргузаштлар йўқ. Унда акс эттирилган воқеалар темурийлар авлоди ораларидаги ўзаро курашлар, зиддиятларнинг кучайган бир даврида, адолатни тўла амалга ошира олмаса ҳам уни ўзига шиор қилиб олган шоҳнинг фожиясига тегишли воқеалардир. Бундай воқеаларни биз бошқа асарларда ҳам бир неча бор кўрганмиз, эшитганмиз. Бироқ Одил Ёқубов романини ўқиб, уларни биз биринчи бор кўраётгандек қизиқиш билан кузатамиз. Ёзувчининг романдаги ютуғи шу бўлдики, у Улуғбек фожиясига тегишли воқеаларни бир нуқтага йиғди, уларнинг барчасини фожиявий характер психологияси билан боғлади, нимаки бу психологик марказ билан боғланмайдиган бўлса, ёзувчининг эътиборидан четда қолди. Шу йўл билан Одил Ёқубов психологик баённи қуюқлаштирди ва китобхонни зўр қизиқиш билан асар охиригача бир хил ҳолатда тутиб туришга эриша олди. Воқеаларни шу тарзда баён қилишда Абдулла Қодирий психологик тасвир методларининг ҳиссасини сезмаслик мумкин эмас.

Ёки Абдулла Қодирий характерлар яратиш маҳоратининг бошқа бир томонини олиб кўрайлик: у характер ва типлар яратар экан, уларнинг ниҳоятда ишонарли бўлиши учун қайгуради. Бунинг учун у характерларга мантиқ бағишлайди. Бу иш учун у вақт ҳам аямайди, ўрин ҳам. У яратган аксарият характерлар ёзувчи таърифлаб берган мантиқ асосида ҳаракат қиладилар, воқеа яратадилар ёхуд воқеаларда иштирок қиладилар. Шу билан воқеалар оқимида ўз таъсирларини ўтказадилар. «Ўткан кунлар» романининг сюжети ривожига бир назар ташланг: тасвирланаётган воқеа ечимга келяпти. Китобхон воқеаларнинг нима билан тамом бўлишини орзиқишлар билан кутяпти. Китобхон сезадикки, ечимда Отабекнинг кичик хотини Зайнаб катта роль ўйнаши керак. У эса ёзувчи мўлжаллаган ишни бажаришга мантиқан тайёр эмас. Мўлжалдаги ишни бажариш учун, унга мантиқ бағишлаш керак, акс ҳолда китобхон унинг ишига ишонамайди. Абдулла Қодирий шиддат билан ривожланиб бораётган сюжет оқимини «тўхтатиб» қўяди ва мўлжалдаги ишни бажариш — Кумушга заҳар бериш учун Зайнабга куч бағишлайдиган, таъсир ўтказадиган бошқа бир образ, унинг опаси Хушрўйбиби таърифи ва тавсифига тўхтайди, уни ўз «бахти», ўз манфаати учун, кибр—димоғ учун эрини доимо қўлига қўндириб юрадиган хотин сифатида кўрсатади. Хушрўйбиби ўзидаги бу хусусиятларнинг синглисида йўқлигини минг марталаб тапирган, уни ҳам шундай бўлишга, «бахт учун курашга чақирган», бу йўлда ҳеч бир тадбирдан қайтмаслик керагини ўқтирган. Ниҳоят, кундошлик саросимасига тушиб қолган Зайнаб бу хилдаги ишларни Хушрўйбибича ўрнига қўя олмаса ҳам, опаси айтган йўлга киришга мажбур бўлади. Кундоши Кумушга заҳар беради. Хушрўйбиби воситасида яратилган мантиқ туфайли биз Зайнаб амалга оширган «тадбир»га ишонамиз. Ёки «Обид кетмон»даги мулла Обид раис бўладиган қишлоқдаги учта бой, икки домлашимом характерларини бир эсланг.

Яратилаётган образларга мантиқ бериш талаби нуқтаи назаридан Абдулла Қодири шоғирдлари ижодига бир назар ташлаш: «Қутлуғ қон» романида Ойбек Йўлчи билан Мирзакаримбойни учраштирар экан, характерли детал ва эпизодларда бу икки шахснинг ҳар бирига хос мустаҳкам мантиқ бағишлайди. Бир — Йўлчи, содда меҳнаткаш, ишонувчан, умидвор бир йигит, иккинчиси — Мирзакаримбой айёр, дуч келган иш ёки шахсга нул нуқтаи назаридан қарайдиган бой. Бир-бирларига зид хусусиятларга эга бўлган типларни биз бутун роман давомида тўқнашувда кўрамиз. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», романидаги Муродхўжа домла образи. Асар бошларида биз Муродхўжа домланинг нақадар разил, мол—дунёга ўч, бу ишда ўзига энг яқин зот қизининг ҳам бахтини сотиб юборадиган бир шахс сифатида кўрамиз. Ёзувчи унга шу хилда мантиқ бағишлайди. Шу мантиқи билан Муродхўжа домла Саидийнинг фожиасига сабаб бўлганлардан бири сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Тўғри, Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам характерларга мантиқ бағишлайман, деб асар воқелигини тўхтатиб қўйиб, фақат шунинг ўзи билан банд бўлмайдилар. Абдулла Қодирий эса бу ишни қилади ва унинг улдасидан чиқади ҳам — китобхонни зериктирмасдан доим бир хил қизиқишда тутиб тура олади. Табиий равишда савол туғилади: Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодларига хос бўлган кучли мантиқ яратиш, яратилган мантиқ асосида характерларни тўқнашувларда кўрсата билишда Абдулла Қодирий ижодига хос мантиқ яратиш маҳорат мақтабининг ҳиссаси йўқмикин?

Абдулла Қодирийни халқ маиший ҳаётини яхши биладиган санъаткор дейишади. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг маиший ҳаётига, психологиясига тегишли кўз илғамас майда урф-одатлар, ирик-чикирлар унинг асарларида алоҳида бўёқдор сўзлар билан акс эттирилганини кўрамиз.


Энг муҳими бу урф-одатлардаги майда-чуйдалар, психологиядаги икир-чикирлардан йирик социал маъно чиқарилади, ёхуд улар йирик социал маъно англатадиган воқеалар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. «Ўткан кунлар»даги Отабек ва Кумуш фожиалари фақат ўша даврдаги хон истибдоди, бу истибдод натижасида пайдо бўлган ўзаро қарама-қаршилик ва қирғинларгагина боғлиқ эмас, балки ўша даврларда халқ психологиясида мустаҳкам ўрин олган баъзи бир урф-одатларга, жумладан, ёшлар ҳаёти учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган «ота-она орзу-ҳавас» ларига ҳам боғлиқ. Абдулла Қодирий қаҳрамонлар фожиасини ишонарли қилиш, унинг таъсир кучини ошириш учун ўша «ота-она орзу-ҳаваси» деб аталмиш чиркин одатларни ниҳоятда санъаткорона тасвирлаган. Шу хилдаги ҳаёт учун зарарли урф-одатларнинг, психологик ҳолатларнинг тасвирини биз унинг бошқа асарларида ҳам кўрамизки, асарларнинг сюжет тараққиёти, конфликт кўринишларини бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Оддий урф-одатлар, маиший воқеалардан ва психологик кўринишлардан йирик социал маъно чиқариш санъатини эгаллаб

олган ёзувчилар ўзбек адабиётида озмунча эмас. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясида қаҳрамон ғожиаси бор-йўғи, бошқоронғи хотинига бир жуфт анор топиб бера олмаганига бориб тақалади. Унинг «Маҳалла» номли ҳикоясида ўзини оламдан ўтиб кетаётган ҳисоблаган одамнинг қайта тикланишига маҳалла аҳолиси орасидаги одамни «яккалаб қўймасликдек» эзгу ва яхши одат сабаб бўлади. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида қаҳрамоннинг уйғонишига биринчи туртки, ойиси бериб юборган кичкина тугунчани бой тоғаси жирканиброқ олиши сабаб бўлади. Унинг «Болалик» қиссаси, «Улуғ йўл» романларида йирик социал воқеалар доим кичик, баъзан кўз илгамас майишӣ ҳаёт деталлари билан йўғрилган ҳолда берилади. Ғафур Ғуломнинг «Ўғригина болам»ида катта социал маъно ифода қиладиган катта воқеадан асорат ҳам йўқ. Бутун ҳикояни тутиб турган нарсаси, ўзбек аёлининг ҳамма ёшларга ҳам ўзининг боласидек муомала қилиш сингари бир ижобий одат туради. Шу одатга негизланиб яратилган ҳикоя, ўтмиш ҳаётимизнинг катта социал мағизига ишора қиладиган асарнинг туғилишига асос бўлган. Унинг «Шум бола»си-чи? Унда ҳам бутун-бутун манзаралар майишӣ ҳаётда учраб турган ҳаётнинг майда-чуйдалари асосида берилган.

Юқорида биз Отабек билан Кумуш ғожиасида «ота-она орзу-ҳаваси» роли ҳақида гапирдик. Бу икки ажойиб ёшни ғожиавий ҳолатга солиб қўйган «ота-она орзу-ҳаваси»нинг ҳаётимизда етказаетган зарарлари ҳозир ҳам оз эмас. Пиримқул Қодировнинг «Эрк» номли қиссасининг асосий конфликтни мана шу майишӣ масала, «ота-онанинг орзу-ҳаваси» масаласига боғлиқ-ку! Шу хилда баъзи бир эски урф-одатларни қаттиқ танқид қилиб ёшларга эрк истаги билан ёзиладиган асарларда Абдулла Қодирий маҳоратининг ҳиссаси йўқмикин?

Бугунги ўзбек адабиёти мазмун кўлами жиҳатдан ҳам, жанрлар хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам, услубларнинг ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам Абдулла Қодирий яшаб ижод этган даврга нисбатан тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада олға кетди. Адабиётимиз, жумладан, ўзбек прозаси тематик жиҳатдан кенгайди. Ойбек ижоди билан бошланган тарихий тема ўзбек романчилигининг негизи бўлиб қолди. Бу темага бағишланган ўнлаб романлар китобхонларга маълум. Бу романларда Абдулла Қодирий кўзи билан кўрган ижтимоий-сиёсий бурилишлар тафасилоти акс эттирилянти ва яна акс эттирилади. Абдулла Қодирий тарихий темада романлар яратди. Ундан кейин эса ўзбек прозасида тарихий-биографик романлар пайдо бўлди. Кейинги 30—40 йил ичида ўзбек ёзувчилари замонамизнинг долзарб масалаларини акс эттирадиган, кенг пландаги йирик асарлар яратдилар. Ўзбек прозасида услуб жиҳатдан ҳам анчагина янгиликлар пайдо бўлди. Қодирий романлари кўпроқ шиддат билан тараққий этадиган сюжетлар асосида яратилган бўлса, кейинги пайтларда воқеа ва характерларни бир оз босиқ-



5e807

